



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OILA VA XOTIN-QIZLAR
QO‘MITASI HUZURIDAGI
“OILA VA GENDER”
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT
INSTITUTI**



**O‘ZBEKISTON
MAHALLALARI UYUSHMASI**

КРИМИНОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: “ХАВФСИЗ ОИЛА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари
(2025 йил 14 май)*



Тошкент – 2025

УДК343.9+343.85(575.1) (063)

К 82

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти кенгашининг
2025 йил “30” майдаги йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда
электрон ва босма шаклда тарқатишга тавсия этилган.*

Криминологиянинг долзарб масалалари: “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда маҳалла ва хотин-қизлар фаолиятининг криминологик жиҳатлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2025 йил 14 май) / Масъул муҳаррир ю.ф.б.ф.д Б.Э. Бердиалиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025. 200 б.

Масъул муҳаррир:

Б.Э. Бердиалиев — юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Илмий муҳаррир:

Х.Т.Одилқариев — юридик фанлар доктори, профессор

Тақризчилар:

Я.Й. Олламов — юридик фанлар номзоди (PhD), доцент.

М.М.Каххарова — сиёсатшунослик фанлари доктори.

Тузувчилар:

Х.Т. Одилқариев (гуруҳ раҳбари), А.П. Тураев, Л.Г. Назарова, Б.Н. Нормуродов

Ушбу тўпламда криминологиянинг долзарб масалалари, хусусан маҳаллада оила-турмуш муносабатларида содир этилаётган жиноятлар ҳамда оилавий зўравонликларнинг содир этилишига имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитлар комплекс таҳлили, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ва тавсиялар ҳамда криминологик фаолиятни такомиллаштириш истиқболлари ёритилган материаллар жамланган.

Тўплам ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

Мақола ва тезислар мазмуни ҳамда фактларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

КИРИШ СЎЗИ

Оила — жамиятнинг асосий бўғини, инсон тарбияси ва камолоти учун биринчи ва энг муҳим муҳит ҳисобланади. У биринчи навбатда муҳаббат, ҳурмат, ишонч, мадад ва ҳимоя манбаи бўлиши зарур. Фарзандлар шу муҳитда ҳаётга оид илк тушунчаларни, ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат ва инсонийлик қадриятларини ўзлаштиради. Аммо афсуски, сўнгги йилларда оила муҳитида содир этилаётган баъзи салбий ҳолатлар жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Айрим ҳолларда оиладаги тартибсизликлар, ўзаро ҳурматнинг йўқолиши, иқтисодий қийинчиликлар ва маънавий таназзул оқибатида айнан шу муқаддас маскан — оила доирасида жисмоний ва маънавий зўравонлик, баданга шикаст етказиш, болаларга нисбатан шафқатсиз муомала, турмуш ўртоқлар ўртасида тажовуз ва ҳатто қотиллик каби оғир жиноятлар содир этилмоқда. Бу эса нафақат жабрланувчилар, балки бутун оила аъзоларининг руҳий ҳолатига, болаларнинг келгуси ҳаёти ва шахсияти шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Оилада рўй бераётган бу каби аянчли ҳолатларга фақатгина жиноят содир бўлган оиланинг шахсий фожиаси сифатида эмас, балки бутун жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун жиддий огоҳлик қўнғироғи сифатида қараш лозим. Чунки ҳар бир оила жамиятнинг кичик модели ҳисобланади. Бир оиладаги муаммо — бутун жамиятдаги мувозанатга таъсир кўрсатади.

Мазкур масалаларга ечим топишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла тизими, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим. Шунингдек, ижтимоий профилактика, психологик ёрдам, оилавий маслаҳат хизматлари каби механизмларнинг самарадорлигини ошириш, айниқса, зўравонликнинг олдини олишга қаратилган таълимий-ахборот ишларини кучайтириш талаб этилади.

Шу йўл билангина биз оилаларда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фарзандларимизни соғлом муҳитда вояга етказиш ва барқарор жамият қуриш йўлида мустаҳкам пойдевор ярата оламиз.

Афсуски, оилада жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, баъзан, етарли даражада тизимли эмаслиги кўплаб салбий оқибатларга олиб келмоқда. Илмий ва таҳлилий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари ҳамда профилактика инспекторлари томонидан нотинч, муаммоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, уларни манзилли рўйхатга олиш ва бу оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар

амалий жиҳатдан етарли даражада йўлга қўйилмаган. Бундай камчиликлар натижасида, 2025 йилнинг биринчи чорагида оила-турмуш муносабатлари доирасида 391 та жиноят содир этилгани бу соҳадаги ишларнинг қайта таҳлил этилиши зарурлигини англатади.

Мазкур жиноятларнинг тузилиши таҳлил қилинганда, уларнинг салмоқли қисми оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатларига тўғри келмоқда — 169 та ҳолат. Шунингдек, баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ 60 та, ўртача оғир шикаст етказиш — 31 та, оғир шикаст етказиш — 41 та ва энг аянчли ҳолатлардан бири — қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ 37 та жиноят қайд этилган.

Бу ҳолатлар нафақат жиноятчиликнинг оғир турлари оила муҳитида шаклланаётганини, балки оила институтидаги заифликлар, ижтимоий назоратнинг камайиши ва ҳуқуқий онгинг етарли даражада шаклланмаганини кўрсатади. Бу эса профилактика ишларининг янада самаралироқ, манзилли ва институционал ёндашув асосида йўлга қўйилишини тақозо этади. Зеро, оилада содир этилаётган жиноятлар фақатгина шахсий фожиа эмас, балки умумжамиат хавфсизлигига таҳдид солувчи стратегик муаммо сифатида кўрилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, профилактика фаолиятини кучайтириш, оилаларда психологик ва ҳуқуқий маслаҳат хизмати тизимини йўлга қўйиш, таълим муассасаларида зўравонликка қарши тарбиявий ишлар доирасини кенгайтириш, маҳаллий фуқаролар йиғинларининг жавобгарлигини аниқ белгилаш ва ушбу йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу каби чора-тадбирлар оила институтини мустаҳкамлаш, зўравонликни камайтириш ва жамиятда барқарор маънавий муҳитни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Криминология тадқиқот институти томонидан амалга оширилган илмий таҳлилларга таянган ҳолда оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг салмоғини қуйидагиларни амалга ошириш орқали ўртача ҳисобда 15 фоизгача қисқартиришга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида “хонадонбай” ўрганиш орқали оилавий низолар сабабини аниқлаб, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий мослаштириш дастурида назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ва сифатли даражада ижросини таъминлаш;

иккинчидан, амалдаги “ҳимоя ордери” институтининг ижобий тажрибасини оммалаштириш орқали оила-турмуш доирасидаги жиноятлар профилактикасини кучайтириш;

учинчидан, ижтимоий профилактика тадбирларини манзилли давом эттириш орқали оилаларда криминоген вазият барқарорлигини таъминлашга эришиш;

тўртинчидан, судларда низолашиб юрган оилалар, оилавий зўравонликка учраганлар ҳамда носоғлом турмуш тарзини кечираётган шахсларнинг салбий омилини камайтириш.

Келгусида шахсга қарши жиноятларнинг 40 фоизигача ўз вақтида ҳал этилмаган оилавий келишмовчилик оқибатида содир этилиши кутилмоқда, бунга судларда низолашиб юрганлар, оилавий зўравонликка учраганлар ҳамда носоғлом турмуш тарзини кечираётган (*соғлиқни сақлаш ва профилактик ҳисобида турувчилар*) шахслар салбий омил сифатида таъсир қилади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятчиликнинг ортиши жамиятдаги ижтимоий барқарорликка жиддий таҳдид солувчи омиллардан бирига айланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу турдаги жиноятларнинг юзага келишига асосий сабаб сифатида оилалардаги ички низолар, ҳуқуқий ва психологик саводхонликнинг етарли эмаслиги, моддий танқислик, шунингдек, давлат ва жамоат институтлари ўртасидаги мувофиқлаштирилмаган иш амалиёти қайд этилмоқда.

Маҳалла еттилиги фаолияти, “хонадонбай” ёндашуви, “ҳимоя ордери” институти ва манзилли ижтимоий профилактика тадбирлари каби механизмларни самарали йўлга қўйиш орқали оила-турмуш муҳитида содир этилаётган жиноятларни камайтириш имкони мавжуд.

Қўлга киритилган натижалар шундан далолат берадики, оилавий зўравонлик ва шахсга қарши жиноятларнинг олдини олишда жамоатчиликни кенг жалб этиш, суд ва соғлиқни сақлаш тизимлари билан ҳамкорликни кучайтириш орқали фақатгина аниқланган ҳолатларга эмас, балки салбий натижалар келтириб чиқариши эҳтимол бўлган омилларга олдиндан таъсир кўрсатиш лозим.

Бундай комплекс ва тизимли ёндашув фақатгина жиноятчиликни камайтиришга эмас, балки оилада соғлом муҳитни шакллантириш, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончни тиклашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, барқарор ва хавфсиз жамият сари муҳим қадам бўлади.

ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Бердиалиев Бахтиёр Эркинович,

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот институти бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Сўнги йилларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва хонадонлар осойишталигини таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий муҳитини янада соғломлаштириш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” каби тизимлар яратилиб, иш тартиблари жорий этилди. Буларнинг барчаси ижтимоий профилактикани шакллантириш амалиётини қўлланаётганидан далолатдир. Шу ўринда, ҳуқуқий ҳужжатларда ижтимоий профилактика тизимини жорий этиш масаласи амалиётга киритилмоқда. Яъни, “Обод ва хавфсиз маҳалла”¹ тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, унга мувофиқ маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида ички ишлар органи таянч пункти (*ҳуқуқ-тартибот маскани*) профилактика (*катта*) инспектори, маҳалла раиси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги ёшлар етакчисининг ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш бўйича кунлик якка тартибда манзилли ишлаш механизми яратилди.

Шунингдек, маҳаллада ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бандлик ходими, инспектор-психолог, тиббиёт ходими, имом-хатиб ва отинойи, мактаб психологлари томонидан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини ўтказилишида ижтимоий профилактикани амалга оширувчи субъектларга ёрдам бериши зарурлиги белгиланган. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сонли қарори. 2024 йил 30 ноябрь. <https://lex.uz/docs/-7243832>.

этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ажратиб олиниб, улар билан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалла миқёсида профилактика инспектори томонидан маҳалла раисининг умумий бошқаруви остида амалга ошириладиган ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Ана шундай ислохотлар натижасида жинойтчиликни жиловлаш бўйича қўлланилаётган ёндашувлар тубдан ўзгарди. Эндиликда профилактика фаолиятида асосий эътибор жинойт содир этилгандан сўнг жазо бериш эмас, балки жинойтни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли омилларни илгари суриш, уларни бартараф этиш ва ҳуқуқбузарликка мойил фуқароларни эрта аниқлашга қаратилди.

Бу жараёнда профилактика инспекторлари муҳим рол ўйнаб, улар маҳаллалардаги аниқ ҳудудий, ижтимоий ва психологик шароитларни таҳлил қилиб, жинойт содир этиши ёки жабрланиши мумкин бўлган шахсларни вақтида аниқламоқда. Бундай шахслар билан манзилли, индивидуал профилактик ишлар олиб борилаётгани эса ҳуқуқбузарликни олдини олишда аниқ натижа беряпти.

Шу билан бирга, бу жараённинг самарадорлигини таъминлаш учун “маҳалла еттилиги” институти асосида мустаҳкам ижтимоий ҳамкорлик тизими шакллантирилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, маънавият ва ижтимоий соҳа вакиллари каби етти субъект ўртасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали аҳолининг муаммолари аниқланиб, уларга тезкор ва самарали ечимлар таклиф этилмоқда.

Айнан жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва маҳалланинг ички ресурсларига таяниш асосида шаклланган бу тизим, жинойтчиликни жиловланишнинг “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур моделда давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни профилактика ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса халқаро экспертлар ва ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди ва инсон хавфсизлигини таъминлашда замонавий, маҳаллий шароитга мос инновацион ёндашув сифатида тан олинмоқда.

Шу тариқа, “маҳалла еттилиги” нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, балки ишсизлик, оилавий низолар, таълимдан четлашиш, ёшлар ўртасидаги девиант хулқ-атворнинг олдини олиш каби кенг қамровли ижтимоий муаммоларни ҳам бартараф этишда функционал

механизм сифатида фаолият юритмоқда. Бундай ёндашув жамиятда барқарор ижтимоий муҳитни яратиш, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда муҳим омилга айланди.

Мазкур тизим нафақат жинойтчиликка қарши курашда, балки жамият ҳаётида учраб турадиган бошқа қатор муаммоларни – хусусан, оилавий низолар, аҳоли ўртасидаги ишсизлик, таълимдан четлашиш ҳолатлари, ёшлар ўртасида кузатиладиган девиант ва делинквент хулқ-атвор, ижтимоий хавфли ҳодисаларнинг олдини олишда ҳам самарали платформа сифатида ўзини намоён этмоқда.

Аҳолининг муаммоларини эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тизимли ёндашув, профилактик субъектлар ўртасидаги мувофиқлаштирилган фаолият, ҳар бир фуқаро билан манзилли ишлаш механизми ижтимоий профилактик тадбирларнинг амалий таъсирини кучайтирди. Бу ҳолат нафақат маҳалла даражасида, балки макро ижтимоий жараёнларда ҳам ижобий тенденцияларни шакллантирди.

Шу тариқа, ижтимоий профилактиканинг институционал-ҳуқуқий механизми яратилиб, унинг тизимли ишлаб кетиши учун ҳуқуқий асослар ва ташкилий-амалий чоралар таъминланди. Ушбу механизм орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, ижтимоий хавфсизликни таъминлашда умумий жавобгарлик ва ёндашув усуллари мустаҳкамланмоқда.

Натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг натижаси инсон омили, унинг шахсий дунёқараши, маънавий етуклиги, ижтимоий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги янада ойдинлашмоқда. Бу эса “инсон ўзгарса – жамият ўзгаради” тамойилининг амалдагитасдиғисифатида, профилактикасоҳасидаги барча ҳаракатларнинг марказида инсонни қўйиш зарурлигини яна бир бор намоён этмоқда.

“Инсон ўзгарса — жамият ўзгаради” деган фалсафий ғоя нафақат маънавий тарбияда, балки жамиятдаги ижтимоий муаммоларга ёндашишда ҳам фундаментал асос ҳисобланади. Чунки инсон шахси — ҳар қандай жамиятнинг ойнаси, унинг равнақи ва таназзулини белгилайдиган асосий омилдир. Шу боис, инсон шахсини жамият манфаатлари ва ижтимоий тараққиёт талаблари асосида шакллантириш учун, аввало, инсон ва жамият ўртасидаги мураккаб ва ўзаро боғлиқ диалектик алоқаларни чуқур ўрганиш зарур бўлади.

Айниқса, глобаллашув ва рақамлашув жараёнлари фонидида юз бераётган янги социомаданий ўзгаришлар шароитида инсон онгидаги ижтимоий иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш борасида

тизимли ёндашув талаб этилмоқда. Ўзбекистон жамиятида кузатилаётган ижтимоий динамика инсон шахсида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий профилактик тадбирларни шахсинг онгини ва ақлий салоҳиятини юксалтириш билан биргаликда олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Шахсинг ижтимоий муаммоларга нисбатан иммунитетини мустаҳкамлаш унинг муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилияти билан узвий боғлиқ. Агар инсон ақлий ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаса, у доимо ташқи ёрдамга муҳтож бўлади, яъни ижтимоий профилактика объектларидан бирига айланади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир инсонда ижтимоий масъулият туйғусини шакллантириш — мактабгача таълимдан бошлаб оила, маҳалла ва таълим муассасаларида изчил амалга оширилиши лозим.

Бунинг учун таълим-тарбия жараёнларида махсус «ижтимоий профилактика» дарсларини жорий этиш, улар орқали ёш авлодни ҳаётий муаммоларга ечим топиш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш каби кўникмаларга ўргатиш самарали натижалар беради. Чунки муаммони эрта англаш ва унга тўғри ечим топиш қобилиятига эга инсон – жиноятчиликдан, ҳуқуқбузарликдан йироқ бўлади.

Келгусида жамиятда ижтимоий профилактика объектларининг камайиши эса, жиноятчилик даражасининг пасайишига, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий онг ва масъулиятнинг юксалишига хизмат қилади. Бу орқали жамиятда барқарорлик, осойишталик ва ҳуқуқий маданиятнинг янада мустаҳкамланишига эришиш мумкин.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий барқарорликни кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалий самараси жиноятчилик динамикасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, ҳукумат томонидан ишсизликни бартараф этишга йўналтирилган тизимли чоратадбирлар натижасида ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони сўнги тўрт йилда икки бараварга камайган. Агар 2021 йилда ушбу тоифадаги жиноятлар сони 14 094 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 7 302 тани ташкил этди. Бу эса ишсизлик ва жиноятчилик ўртасидаги боғлиқликни камайтириш йўлидаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларнинг амалдаги далили сифатида қаралиши мумкин.

Жиноятчиликни жиловлаш ва унинг профилактикаси борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, профилактик механизмларни кучайтириш, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали 2024 йилда қуйидаги ижобий кўрсаткичларга эришилди:

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар 0,6 фоизга камайди;
Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 0,7 фоизга камайди;
Ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар 6,2 фоизга камайди;
Илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 0,3 фоизга камайди.

Маст ҳолда жиноят содир этган шахслар томонидан амалга оширилган жиноятлар 8 фоизга камайди.

Ушбу рақамлар Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашда комплекс ёндашув, хусусан, профилактиканинг индивидуал ва оммавий шаклларини мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларни манзилли ҳал қилиш сиёсати ўз самарасини бераётганини кўрсатади. Айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчилик кўрсаткичининг пасайиши маънавий-маърифий ишлар, тарғибот фаолияти ҳамда фуқароларни фаол жамият аъзоси сифатида шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижасидир.

Юқорида қайд этилган ижобий кўрсаткичлар самарадор ижтимоий профилактика тизимини амалга ошириш натижасидир. Хусусан, жиноят содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган фуқаролар, яъни профилактика объектлари билан мақсадли ва манзилли иш олиб бориш бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, 2024 йилда жами 410 413 нафар шахсга (*умумий профилактика объектининг 69,8 фоизи*) нисбатан комплекс профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Бу тадбирлар доирасида фуқароларнинг шахсий муаммоларини аниқлаш, уларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни иш билан таъминлаш, таълимга жалб этиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маҳалла еттилиги, профилактика инспекторлари, таълим муассасалари ва жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ҳар бир шахс билан индивидуал ёндашув асосида иш юритилди.

Амалга оширилган ушбу комплекс ёндашувлар фуқароларни жиноятчиликдан йироқлаштириш, уларнинг жамиятга фойдали фаолият билан шуғулланишларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга интеграциялашувини кучайтириш борасида самарали натижаларни бермоқда. Бундай муваффақиятли тажриба жиноятчиликни жиловлашда фақат жазо чораларига эмас, балки профилактиканинг инсонпарвар ва тарбиявий

механизмларига асосланган ёндашув муҳим ўрин тутаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Охирги пайтларда мамлакатимизда жиноятчиликни жиловлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида жойлашган нуфузли Иқтисодиёт ва тинчлик институти (*Institut for Economics and Peace*) томонидан тузиладиган “Safety Perceptions Index” — хавфсизликни баҳолаш индексида Ўзбекистон 2021–2024 йиллар давомида юқори кўрсаткичларни қайд этган ҳолда, 146 та мамлакат орасида ўз тарихидаги энг яхши натижа – 29-ўринни эгаллади.

Ушбу индекс турли давлатларда фуқароларнинг хавфсизлик тўғрисидаги субъектив ҳиссиёти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бўлган ишончи, жиноятчилик даражаси ва жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини баҳолаш орқали шакллантирилади. Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичда юқори ўринни эгаллаши мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самараси сифатида баҳоланади.

Айниқса, фуқароларнинг жиноятлардан ҳимоялангани, “маҳалла еттилиги” институтининг самарали фаолияти, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш механизмларининг жорий этилиши бу жараёнда муҳим омиллардан бири бўлди. Бу эса, нафақат ички сиёсат самарадорлигини, балки Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамланишини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, жамиятда қонунийлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ислохотлар самараси халқаро даражада ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, Бутунжаҳон одил судлов лойиҳаси — World Justice Project (*АҚШ*) томонидан ҳарйили ташкил этиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексида (*Rule of Law Index*) Ўзбекистоннинг “Тартиб ва хавфсизлик” индикатори бўйича кўрсаткичлари сўнгги йилларда (*айниқса, 2024 йилда*) юксак натижалар билан қайд этилди. Унга кўра:

Дунё миқёсида 142 та давлатлар орасида Ўзбекистон 17-ўринни эгаллаган;

Осиё минтақасидаги 49 та мамлакат орасида 5-ўрин;

Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар орасида 1-ўринни қўлга киритган.

Мазкур натижалар Ўзбекистонда тартиб, ҳуқуқий кафолатлар, аҳолининг хавфсизлигига оид фуқаролик ҳисси юксалаётганини, ҳуқуқбузарликларга қарши таъсирчан чоралар кўрилаётганини ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсиб бораётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо мамлакатлар орасида 100 минг аҳолига нисбатан жиноятлар сони бўйича Ўзбекистон энг хавфсиз давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Жумладан, 2024 йилнинг 9 ойи якунига кўра, 100 минг аҳолига нисбатан жиноятлар сони:

Ўзбекистонда – 359,5 та;

Россияда – 981 та;

Арманистонда – 869,3 та;

Беларусь Республикасида – 595,3 та;

Молдавияда – 514,9 та;

Қирғиз Республикасида – 457,2 та;

Қозоғистонда – 430,8 тани ташкил этган.

Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашда давлат ва жамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, профилактика фаолиятининг янги институционал шаклда йўлга қўйилиши, “маҳалла еттилиги” каби инновацион ёндашувларнинг амалиётга жорий этилганини тасдиқлайди. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва фаол фуқаролик позицияси ўсиб боргани жиноятчилик даражасини сезиларли камайишига замин яратмоқда. Дарҳақиқат бугунги кунда жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитларни, жиноятчилик салбий тенденцияларини илмий диагноз асосида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш жуда муҳим ҳисобланади. Жиноятчиликка оид тенденцияларни комплекс илмий ёндашувлар асосида аниқлаш, тизимлаштириш ва салбий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимида Ўзбекистон Криминология тадқиқот институти ташкил этилган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш бўйича кенг кўламли ва институционал асосланган ислохотлар самара бермоқда. Айниқса, “маҳалла еттилиги” каби инновацион ёндашувлар, профилактика инспекторлари фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурлари

ва ҳуқуқий тарғибот ишлари жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақил халқаро ташкилотлар – Иқтисодиёт ва Тинчлик институти (*Safety Perceptions Index*), World Justice Project ва бошқалар томонидан Ўзбекистоннинг хавфсизлик ва ҳуқуқ устуворлиги бўйича юксак баҳоланиши – мамлакатда ижтимоий профилактиканинг самарали ишлаб кетганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаол фуқаролик позицияси ошиб бораётгани ҳам жинойтчиликнинг камайишига таъсир кўрсатмоқда.

Шу асосда, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

☑ ижтимоий профилактика фаолиятини институционал даражада янада мустаҳкамлаш – “маҳалла еттилиги” институтининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва унинг аъзоларини доимий малака ошириш курсларига жалб қилиш;

☑ ижтимоий профилактика фанини таълим тизимида жорий этиш – мактаб ва коллежлар доирасида фуқаролик масъулияти, муаммоларни ҳал этиш компетенциялари ва жинойтчиликнинг оқибатлари ҳақида билим беришни назарда тутувчи махсус фан жорий этиш;

☑ ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда “raqamli мониторинг тизимлари”дан кенг фойдаланиш – замонавий ИКТ воситаларидан фойдаланиб, жамиятдаги хавфли тенденцияларни прогноз қилиш ва тарғибот тадбирларини мақсадли йўналтириш;

☑ фуқаролар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва психо-социаль маслаҳат хизматларини кенгайтириш – айниқса, ёшлар, ишсизлар, кам таъминланган оилаларга қаратилган бепул маслаҳат марказларини кўпайтириш;

☑ ижтимоий хавфсизликни баҳолаш бўйича миллий индекс яратиш – мамлакат ички шароитига мос, жинойтчилик, ҳуқуқий маданият ва профилактика самарадорлигини баҳолайдиган миллий таҳлил механизмлари зарур.

ОИЛА-ТУРМУШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Исамиддин Исмаилов,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, юридик фанлар доктори, профессор

Оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар инсон ҳаёти, соғлиғи, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, шунингдек оила ва жамиятнинг барқарорлигига таҳдид қилувчи ижтимоий хавfli ҳодиса сифатида ҳамма вақт ҳам криминологларнинг диққат марказида бўлиб келган, бугунги кунда ва истиқболда ҳам криминологиянинг энг долзарб, мураккаб ва комплекс ёндашувни талаб қиладиган тадқиқот объекти ҳисобланади.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда оила-турмуш соҳасида:

- а) оила аъзоларига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик кўрсатиш;
- б) бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузиш;
- в) инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги тажовуз қилиш орқали содир этилмоқда.

Мазкур жиноий қилмишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган Биринчи бўлимнинг шахс ҳаётига (97–103-моддалар), соғлиғига қарши (104–111-моддалар), ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli (112–117-моддалар), жинсий эркинликларга (118–121-моддалар), оилага, ёшларга ва ахлоққа (122–134-моддалар), шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати (135–14-моддалар), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига (141–149-моддалар) қарши жиноятлар сифатида жазо таҳдиди билан тақиқланган².

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йилда жами қайд этилган жиноятларнинг 2, 1 фоизини, олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг эса 6,1 фоизини оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар ташкил этган.

Мазкур жиноятларнинг географиясини таҳлил қилсак, республикада жами қайд этилганларнинг 23,3 фоизи Фарғона, 11,8 фоизи Тошкент, 11,1 фоизи Қашқадарё вилоятлари, 10,8 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Оила-турмуш соҳасида қайд этилган жиноятларнинг 38,9 фоизи оилавий(маиший) зўравонлик, 19,7 фоизи қасддан баданга енгил шикаст

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

етказиш, 13,1 фоизи қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, 6 фоизи қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 5,6 фоизи қасддан одам ўлдириш жиноятлари ҳиссасига тўғри келади. Адабиётларда таъкидланганидек, жиноятлар оила аъзолари ўртасидаги эмоционал зўравонлик, таҳдид ва ҳақоратлар кўринишида, аксарият ҳолларда аёллар ва болаларга нисбатан содир этилади³.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила-турмуш соҳасидаги жиноят содир этганлар билан жабрланувчилар ўртасидаги боғлиқлик ҳиссаси, биринчидан, эр-хотинлик, шу жумладан шаърий никоҳ ёки никоҳсиз яшовчиларда юқори бўлса, иккинчидан, яқин қариндошлар ҳисобланади. Мазкур жиноятларда уларни содир қилган билан жабрланувчилар боғлиқлиги 47 фоизида эр-хотин, 8,5 фоизида ота-она ва фарзанд, 6,5 фоизида ака-ука ва опа-сингил, 5,4 фоизида қудалар, қолган 32,6 фоизида бошқа қариндошлар бўлган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдиришнинг 42,6 фоизи, қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг 17,3 фоизи, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг 15,2 фоизи, қасддан баданга енгил шикаст етказишнинг 18,3 фоизи оила-турмуш соҳасида содир этилганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтидаги интерактив хизматлар порталининг маълумотларига кўра оилавий (*маиший*) зўравонлик жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилганидан буён жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жами 1 454 та оилавий (*маиший*) зўравонлик ишлари (шу жумладан 2023 йилда 459 та ва 2024 йилда 995 та) кўриб чиқилган⁴.

Криминология оила-турмуш соҳасидаги жиноятларни – оилавий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ носоғлом ижтимоий-руҳий муҳитнинг шаклланиши, ўзаро зиддиятларнинг вужудга келиши оқибатида, унинг аъзолари ҳаёти, соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек оила ва жамиятнинг барқарорлигига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида тадқиқ этади.

Криминология тадқиқот объекти сифатида оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини, сабаб ва шароитларини, содир этувчилар шахсини педагогика, социология, психология, иқтисодиёт, психиатрия, статистика каби фанлар билан ўзаро алоқадорликда комплекс тадқиқ этиш орқали, уларнинг самарали олдини олиш бўйича мақсадли, манзилли, тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконига эга.

³ Оилавий зўравонлик психологияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Психология институти, 2021.

⁴ Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини судларда кўриш амалиёти. – Т., 2024. https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-03/gbv_crime_uzb.pdf

Охирги йилларда оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар тадқиқот объекти сифатида ҳуқуқшунослик⁵, педагогика⁶, социология олимлар ва изланувчиларнинг этиборини тортмоқда, халқаро⁷ ва республика⁸ миқёсида ўтказилаётган конференцияларнинг муҳокама мавзуси сифатида белгиланмоқда, дарсликлар⁹ тайёрланмоқда, шунингдек оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқларнинг кун мавзусига айланиб бормоқда¹⁰.

Криминологик тадқиқотларда оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар жисмоний, руҳий, иқтисодий, маънавий зўравонлик кўринишида, аксарият ҳолларда оилада жисмонан заифлиги, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қарамлиги сабабли ҳимояга муҳтож бўлган аёллар, қариялар, болалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан содир этилиши таъкидланади¹¹.

Бундан ташқари, оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг латентлик даражаси юқори бўлиб, уларнинг 70% дан ортиғи аниқланмаган ҳолда қолади¹².

Сўнги йилларда Ўзбекистонда гендер бўйича қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва уларни маромига етказиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги¹³ қонунлар қабул қилинганини

⁵ Маиший турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳимоя ордери бериш фаолияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. – 117 б. https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/6-Oquv_qollanma_Maishiy_turmush.pdf; З.Р.Омонов Қийнашнинг олдини олиш чоралари. <file:///C:/Users/user/Downloads/Law-2023-3-8.pdf>.

⁶ Тоғаева Оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси. <https://www.researchgate.net/publication/369358657>; Алиева К. Жамият “ҳазм қилаётган” оилавий зўравонлик. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/9588/>

⁷ Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба // “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти. – Тошкент, 2021. – 538 б. <https://api.moiti.uz/media/book/pdf>

⁸ Мустаҳкам оила – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Т., 2012. <https://www.yumpu.com/xx/document/view/50990740/>

⁹ Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти. – Т., 2023. https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/8-darslik_Taziyq_va_zoravonlikdan.pdf

¹⁰ Зўравонликсиз ҳаётга катта қадам: хотин-қизлар ўзларининг қонуний кучли ҳимоясидан хабардорми? <https://platina.uz/2023/04/18/zoravonliksiz-hayotga-katta-qadam-xotin-qizlar-ozlarining-qonuniy-kuchli-himoyasidan-xabardormi>

¹¹ <https://lex.uz/docs/449484>

¹² <https://lex.uz/mact/4494709>

¹³ <https://lex.uz/mact/4494709>

келтириш мумкин. Сўнги қонун аёлларни оилада ҳам, иш жойларида ҳам тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган. Унда яна қўриқлаш ордерлари бериш, тазйиқ ва зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича бошпаналар ва махсус марказлар ташкил этиш назарда тутилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, охириги йилларда оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар, айниқса оилавий зўравонлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар такомиллаштирилмоқда. Хусусан

Оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари жуда ҳам мураккаб ҳамда ранг-баранг бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан тақозо этиладиган салбий омилларни ўзи ичига олади. Хусусан: ишсизлик ва камбағаллик каби иқтисодий; одамлар асабийлашиши, стресс ва депрессия ҳолатларига тушиши каби психологик; таълим-тарбиядаги заифлик, бўшлиқ, зиддият, хато ва камчиликлар каби педагогик; “оммавий маданият” таъсири, оилавий қадриятларнинг заифлашиши каби маънавий-маърифий; турар-жойнинг йўқлиги, етишмаслиги, молиявий қарамлик каби ижтимоий; низоли ва мураккаб вазиятлардан, таҳдид ва тажовузларда ҳимоя тизимининг йўқлиги ва етарли эмаслиги каби ташкилий-ҳуқуқий омиллар ўзаро алоқадорликда оила-турмуш соҳасида жиноятлар содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитлар занжирининг асосий ҳалқалари сифатида хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш самарадорлиги:

биринчидан, ҳар бир жиноий қилмишнинг асл сабаб ва шароитларини, уларнинг илдизини аниқлаш бўйича тизимли таҳлилни;

иккинчидан, оила-турмуш соҳасидаги носоғлом, низоли ва зиддиятли ҳолатларни аниқлаш ва тегишли муассасаларни хабардор қилиш жамоатчилик тизимини яратишни;

учинчидан, соҳага маънавий-маърифий, тиббий, ижтимоий, педагогик ва психологик хизмат кўрсатишни ривожлантиришни;

тўртинчидан, соҳага оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириб боришни;

бешинчидан, комплекс олдини олиш чора-тадбирлари давлат, жамоатчилик ва оила ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ижтимоий шерикчилик доимийлигини таъминлаш.

КРИМИНОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Закирова Адина Гулямовна,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

Бизга маълумки, барча вазифаларнинг негизи бўлиб, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлигини қарор топтириш ҳисобланади. Шу боис биздан ушбу масъулиятли вазифаларни бажариш учун ўз ваколатларимиз, билимимиз, тажрибамиз ва бор имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этиш лозимдир. Бунда асосий эътиборни ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратиш ҳамда бу борада бир қанча вазифаларни амалга ошириш ва бу билан боғлиқ фанларни шакллантириш, ҳуқуқий механизмни ҳам такомиллаштириш ва назарий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январда “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши ҳам бунинг ёрқин намунаси.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 15 январда “Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-22-сонли Президент қарори ҳам қабул қилинди.

Қарорда қуйидагилар республикамизда криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди, хусусан:

☑ жиноятчилик, шу жумладан латент жиноятчилик тенденцияларини тизимли равишда таҳлил ва прогноз қилиш, салбий тенденцияларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

☑ жиноятнинг асл омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари тизимини белгилаш, криминологик фаолиятга сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологияларни жорий этиб бориш.

Институт (<https://t.me/huquqiEaxborot/15234>) криминология соҳаси бўйича таянч илмий ташкилот ҳисобланади ҳамда криминологик фаолиятни экспертлик ва илмий таъминлаш ишларини ваколати доирасида мувофиқлаштиради.

Институтнинг илмий таркиб лавозимлари юридик, психология, социология, педагогика, техника, иқтисодиёт, тиббиёт ва география соҳалари бўйича илмий даражага эга бўлган кадрлар билан жамланади.

Институтга илмий-амалий тадқиқотлар жараёнига шартнома асосида, шу жумладан етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасаларидан юқори илмий-таҳлилий маҳоратга эга мутахассисларни 1 йилгача муддатга жалб этиш ва меҳнат бозори конъюнктурасини инобатга олган ҳолда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилади.

2024 йил 1 июлгача илмий диагноз асосида жиноятчилик омилларини аниқлаш механизмларини назарда тутган ҳолда “E-jamoat xavfsizligi” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг “Jinoyat omillari” модули яратилади.

Криминология назариясини ривожлантириш ва унинг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтарканмиз, Криминология фанининг асосий вазифаси криминологиянинг ҳозирги ҳолати ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни; криминологиянинг моҳияти, шунингдек унинг муҳим институтлари мазмуни ва аҳамияти; криминологиянинг назарий асосларини амалиётда қўллаш; жиноятчилик, жиноятчи шахси, унинг тавсифи; жиноятчиликнинг сабаблари, унинг олдини олиш, жиноятчиликни олдини олишда субъектлар фаолияти, халқаро ҳамкорлик, криминологияда виктимология асослари ва алоҳида турдаги жиноятчилик турларини криминологик тавсифи ҳамда уларнинг олдини олишга доир масалаларни таҳлил қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган фандир.

Шуни унутмаслик зарурки, ушбу фан криминологияга доир илмий-назарий ва амалий тавсияларини замон талабларига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боради. Чунки фан илмий-назарий жиҳатдан бойитиб борилмаса, жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш вазифаларини бажара олишга қодир фан сифатида ривожлана олмайди. Назария амалиётнинг кўзи эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Криминология фанининг жиноятчиликка қарши курашдаги аҳамияти ошиб борапти, унинг илмий тавсиялари асосида ишлаб чиқилган қоида, қарорлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида самарадорликка эришиш имконини яратмоқда.

Хўш шу ўринда бир савол туғилади, «Криминология» деганда нимани тушунамиз?

“Криминология” сўзи икки ўзакдан иборат: *crimen* (лотинча) – жиноят, жиний хулқ-атвор, *logos* (يونонча) – фан, таълим, билим деган маънони билдиради.

Бинобарин, “криминология” – бу жиноят ёки жиноий хулқ-атвор ҳақидаги фандир. “Криминология фани” тушунчасига унинг ҳозирги кундаги мақсади, вазифалари ва предметдан келиб чиқиб, куйидагича таъриф бериш мумкин: криминология – жиноятчилик, унинг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятчи шахси, жабрланувчи шахси, жиноятлар профилактикасининг моҳияти, хусусияти ва қонуниятларини ўрганувчи, жиноятлар профилактикаси самарадорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқувчи ҳамда улар билан жиноятчиликка қарши кураш амалиётини таъминловчи ижтимоий-ҳуқуқий фандир.

Криминология фани жиноятчилик, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятчи шахси, жабрланувчи шахси, жиноятлар профилактикасининг моҳияти, хусусияти ва қонуниятлари тўғрисидаги ҳаққонийлиги амалиётдасдиқланган билимлартизимини шакллантиради.

Криминологиянинг моҳияти, шунингдек унинг муҳим институтлари мазмуни ва аҳамияти; криминологиянинг назарий асосларини амалиётда қўллаш; жиноятчилик, жиноятчи шахси, унинг тавсифи; жиноятчиликнинг сабаблари, унинг олдини олиш, жиноятчиликни олдини олишда субъектлар фаолияти, халқаро ҳамкорлик, криминологияда виктимология асослари ва алоҳида турдаги жиноятчилик турларини криминологик тавсифи ҳамда уларнинг олдини олишга доир масалаларни таҳлил қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган.

Криминологиянинг пайдо бўлиш тарихи диққатга сазовор бўлиб, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, криминологиянинг вужудга келиши 1764 йилда италиялик публицист ва юрист Чезаре Беккариянинг “Жиноятлар ва жазо-лар ҳақида» деган кичкина, бироқ сермазмун китоби нашр этилиши билан боғлиқ.

Орадан 120 йил ўтгач, 1884 йилда Турин шаҳри (*Шимолий Италия*) судьяси Р. Гарофало “Криминология” ёки “Жиноятчилик табиати ҳамда жазо назарияси» деб номланган китобни чоп этди. Бу китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унда “Жиноятчилик”, “Жиноятчи” ва “Жазо” масалалари кўрилган[3]. Шундай қилиб, криминология фанининг пайдо бўлишида итальянлар ўз пешқадамлиги билан фахрланишлари мумкин.

Фаншунослик ҳамда криминологияга оид адабиётларда бу масалага нисбатан уч хил ёндашув қайд этилган.

Биринчи ёндашувга кўра, криминология умумижтимоий фан ҳисобланади, чунки у ижтимоий ҳодиса сифатидаги жиноятчиликнинг социологик, иқтисодий, психологик ва педагогик жиҳатларини ўрганади (*М.И. Ковалев, А.Б. Сахаров, Б.С. Утевский ва б.*). Мазкур ёндашув криминология социологиянинг бўлими сифатида тан олинган АҚШ олимларига ҳам хос. Германия, Италия ва Францияда криминология ҳатто ижтимоий-табиий фан ҳисобланади.

Иккинчи ёндашувга биноан, криминологияни юридик фанлар, хусусан жиноят ҳуқуқи доирасидан четга чиқариб бўлмайди. Бундан хулоса шуки, криминология – жиноят ҳуқуқи фанининг таркибий қисми, бироқ унинг фақат муайян-социологик қисми. Ҳолбуки, жиноят ҳуқуқининг ўзи унинг норматив-догматив қисмидир (А.А. Герцензон, В.Д. Меньшагин, А.А. Пионтковский, П.С. Ромашкин, М.С. Строгович ва б.). Ушбу ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, ягона жиноят ҳуқуқи фанини сунъий тарзда икки қисмга ажратиш катта методологик хатодир.

Баъзан махсус адабиётларда мазкур ёндашувнинг бир турига дуч келиш мумкин. Унга кўра, криминология жиноят-ҳуқуқий фанларнинг мустақил комплекс қисми ҳисобланади (А.Д.Берензон, В.А.Сергиевский, В.Е.Эминов ва б.).

Умумэтирофэтилган асосий – учинчи ёндашувга биноан, криминология – ижтимоий-ҳуқуқий фан. Бу ёндашув амалда аксарият олимлар томонидан тан олинган. Унинг тарафдорлари криминология предметининг асосий таркибий элементлари (айниқса жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахси, жиноятчиликнинг олдини олиш) ҳуқуқий ҳодисалар ва муносабатлар доирасида четга чиқиши, бироқ асосий таянч нуқталари (хусусан, жиноят ва жиноятчи, шу жумладан жиноий ва маъмурий жазо) ҳуқуқнинг тегишли тармоқлари, аввало жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқи билан белгиланишидан келиб чиқади.

Бинобарин, криминология икки ижтимоий фан – социология ва ҳуқуқ туташган жойда туради, шу боис у ижтимоий-ҳуқуқий фан ҳисобланади.

Энди предмети жиноятчилик билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган бошқа фанлар билан криминологиянинг ўзаро нисбати масаласини кўриб чиқамиз.

Криминологиянинг асосий объектлари – жиноят ва жиноятчи жиноят ҳуқуқи соҳасида ётади, бироқ криминология уларнинг жиноий-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш билан кифояланмайди, балки жиноят мажмуининг қонуниятларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг сабаблари, жабрланувчилар ҳамда жиноятчи шахси билан жиноятчиликнинг ўзаро алоқаларини аниқлайди.

Криминологик билимларни эгаллаш, бошқа ҳар қандай фанга ўхшаш, маълум мақсадга йўналтирилган тизимни талаб қилади. Бунга қуйидаги методик тавсияларни келтириш мумкин.

1. Юқорида назарда тутилган криминологик муаммоларни ечишда ва баҳолашда янгича ёндашиш зарурдир.

2. Криминология назариясини ўзлаштиришда ҳар бир мавзу бўйича режалар ва методик кўрсатмалардан фойдаланиш керак.

Криминология фани олдида нафақат жиноятчиликнинг айрим муаммолари, унинг ҳозирги босқичдаги баъзи бир сабаблари, профилактика

субъектлари тизими, уларнинг вазифалари ҳамда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларига доир нуқтаи назарларни янгилаш ва асослаш каби методологик хусусиятга эга бўлган муҳим вазифалар юзага келмоқда, балки ўтиш даври иқтисодиёти соҳасидаги ғайриижтимоий ҳодисаларнинг турли омилларини аниқлаш ва атрофлича таҳлил қилиш зарурати ҳам туғилмоқда.

Жиноятчиликнинг мазмуни ҳамда намоён бўлиш шакллари, унинг қонуниятлари, асосий ва иккинчи даражали ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини, шунингдек жиноятчи шахси, унинг таркибий ва функционал хусусиятларини билиш бирдан бир мақсад эмас. У пировард натижада ҳозирги босқичда жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш борасидаги муҳим амалий вазифаларни ечишга қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, криминология фанларининг бугунги ҳолати ушбу соҳада эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликларни ҳисобга олиб, замонавий криминология фани ривожланишининг қонуниятларидан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларини белгилаш мумкин:

☑ криминология фани тузилиши ҳамда криминологик тавсифини таҳлил этишга оид тадқиқотлар амалга ошириш ва тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

☑ криминология фанига оид манбалари бўйича аниқлик киритиш ва манбаси масаласига бағишланган алоҳида тадқиқот амалга оширилиши лозим;

☑ жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра таснифини назарий жиҳатдан қайта ўрганиш юзасидан тадқиқот олиб бориш;

☑ тамом бўлмаган жиноятчиликнинг криминологик тавсифи масаласи илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлиги ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳисобга олиб ўрганиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

☑ жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларини республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ўрганиш;

☑ бугунги кунда ахборот технологияси воситаларидан фойдаланиб ёки улар билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар мамлакатимиз ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кўплаб содир этилаётгани, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги ва мавзунинг долзарблигини ҳисобга олиб алоҳида тадқиқот ишларини олиб бориш;

☑ вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилишнинг криминологик тавсифини ўрганиш;

☑ зўравонлик ва тазйиқдан жабрланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва улар самарадорлигини ошириш юзасидан тадқиқот ишлари олиб бориш ва криминология фанида мазкур масалада мавзулар киритиш;

☑ коррупциявий жиноятларнинг криминологик жиҳатларини халқаро ҳужжатларга мувофиқ равишда тадқиқ қилиш, илмий, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

☑ жазоларни ижро этиш соҳаларини тўлиқ таҳлил қилиш ва халқаро нормаларга мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш, жазоларни ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатларини либераллаштириш, имтиёзларини янада эркинлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

☑ жазоларни либераллаштириш йўналишида муддатидан олдин жазони ижро этишдан озод қилиш институтини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича қонунларга ўзгартиришлар киритиш ва уни асослаш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 5-б.

2. Криминология: Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 7 б.

3. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 7-б.

4. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 7-б.

5. Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. – М., 1998. – 16-б.

“ХАВФСИЗ ОИЛА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Қумриниса Абдурасулова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” кафедраси профессори, юридик фанлари доктори;

Хўжаназарова Мақсуда

мустақил изланувчи

Кўплаб тадқиқотчилар жиноятчиликка оид тадқиқот ишларида жиноятчини аниқлаш, уни жазолашдан кўра жиноятчиликнинг олдини олиш¹⁴ мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этади. Бу ҳақида Ч. Беккариянинг “жиноятни олдини олиш ривожланган жамиятда ҳақиқий юриспруденциядир”¹⁵ деган қарашлари ҳам ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашишда жиноятчиликни профилактика қилиш жуда долзарб эканлигини англатади.

Бир қатор олимлар жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш, унинг профилактикасининг ҳуқуқий тартибга солинишини қуйидаги икки йўналишда олиб борилишини таъкидлашади:

☑ биринчи йўналиш – бу ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятнинг сабаб ва шароитларига, жиноятларнинг содир қилинишига имкон берувчи, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга таъсир қилиши орқали уларни кучсизлантириш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун шароитлар яратиш;

☑ иккинчи йўналиш – жиноятларнинг профилактика фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибга солинишидир.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишлар ўртасидаги фарқлар шартли бўлиб, улар бир – бири билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг такомиллаштириш, унинг замонавий шакл усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳимдир, чунки **хотин-қизлар** жиноятларининг аксарияти оила-турмуш доирасида содир этилмоқда.

¹⁴ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 б.

¹⁵ Беккария Чезаре. О преступлениях и наказаниях. 1889. (<https://www.books.google.co.uz> 17.08.2020).

Масалан, 2024 йилда Республикада содир этилган одам ўлдиришнинг 9,2%; қасддан баданга шикаст етказишнинг 24,4%; қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг 16,5%; қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг 21,7%; ҳақорат қилишнинг 10,4%; ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг 3,7%; безориликнинг 4%; номусга тегишнинг 3,8%; қийнашнинг 3,1% оила-турмуш доирасида содир этилган¹⁶. Шу сабабли жиноят содир этган шахсни жазолагандан кўра, жиноятчилик профилактикасини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикаси бир қатор умумий хусусиятларни ўз ичига олади. Хотин-қизлар жиноятчилигининг умумий профилактикаси хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятдир.

Умуман олганда, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг умумий хусусияти ҳар қайси соҳа йўналишларида ҳамкорлик, узвий боғлиқлик асосида қонун нормалари доирасида ташкил этилиши белгиланган мақсадли чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Айтиш жоизки, ҳар бир фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, биринчидан, уни ташкил этиш тартибини мустақамласа, иккинчидан, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Бугунги кунда профилактика хизматларининг хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг фаолиятини ташкил этишни белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асоси мавжуд эмас. Хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ислохотлар ва демографик ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўрганиш зарурати вужудга келганлиги боис, жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳам таҳлил қилишга тўғри келади.

Фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикаси деганда, қонунда белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш фаолияти тушунилиши лозим.

Бундан келиб чиққан ҳолда, “хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси”нинг алоҳида таърифи мавжуд эмаслиги профилактика доирасини ташкил этишдаги вазифаларнинг асосий йўналишларини олиб боришда муаммоларни юзага келтираётганлиги кўзга ташланганлиги сабабли, таҳлиллардан келиб чиқиб, “хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси

¹⁶ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01>

хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, улар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир”, деб таъриф беришни лозим, деб ҳисобладик.

Жиноятчилик профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирлари ҳажми, қандай мақсадга йўналтирилганлиги ёки қайси бирининг бирламчи эканлиги, яъни бири бошқасининг келиб чиқишини тақозоэтишибилан фарқланади. Аммо уларнинг барчаси ижтимоий моҳияти бўйича бирдек зарур ҳисобланди. Уларнинг бири иккинчисидан устунлик қилмайди ва умумий мақсадга – жамиятда ҳуқуқ тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни “жиловлаш”га хизмат қилади. Бироқ ушбу мақсадга эришиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларини илмий ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда реал, объектив, мантиқий асосга эга мезонлар асосида таснифлаш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: биринчидан, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; иккинчидан, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; учинчидан, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгаллиги; тўртинчидан, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; бешинчидан, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгаллиги; олтинчидан, ошкоралик, кенг жамоатчилиكنинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади¹⁷.

Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида самарали бўлган чора-тадбирларини аниқлаб олиш, жиноят содир этган хотин-қизларнинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, оилавий аҳволи ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарлиги(жиноятчилиги) нинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўлланилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹⁷ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Дарслик. – Т., 1996. – Б. 173.

Бугунги кундаги асосий вазифалардан бири бу хотин-қизларни давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш билан бир қаторда оиладаги мавқени ҳам сақлаш борасидаги чора-тадбирларни кучайтирилишини талаб этмоқда. Хусусан, аёл она, опа, сингил сифатида фарзандлар, укалар, оталар билан ижтимоий муносабатларини халқимизда йиллар давомида шаклланган қоидаларга мос равишда бўлишини таъминлаш лозим.

Бунинг учун жойларда биринчидан, хотин-қизларнинг оиладаги ролини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш; иккинчидан, мактабларда 4–6-синфлардан бошлаб “исломда қизлар одоби” ва “қизлар одоби” каби ўқув курсларини ташкил қилиш; учинчидан, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан тасдиқланган ойлик режалар асосида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш; тўртинчидан, туман-шаҳарларда жинойт содир этиб жазо ўтаб қайтган хотин-қизларни реабилитация қилувчи алоҳида марказлар ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

“Оилада зўравонлик содир этган шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларини уларнинг феъл-атвори, ижтимоий-психологик хусусиятлари, характери ва табиати билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш улар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини мақсадли ва самарали олиб боришни таъминлашга хизмат қилади”.

Хотин-қизлар жинойтчилигининг сабаблардан бири уларга нисбатан ноҳақлик, тазйиқ ва зўравонлик қилиниши ҳисобланади. Улар томонидан аксарият одам ўлдиришлари бундай вазиятларда содир этилган, яъни ўзларига қилинган ноҳақликлар учун ўч олиш мақсадида жинойтга қўл урганлар.

Тазйиқ ва зўравонликнинг энг кўп тарқалган шакллари жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, мажбурлаш (*эксплуатация қилиш*), зўрлик қилиш (*буллинг*), камситиш ҳисобланади.

Ушбу тазйиқ ва зўравонлик қилиш шаклларининг хотин-қизларга нисбатан содир этилишининг сабаблари ўрганилганда ва “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти томонидан Ўзбекистоннинг 5 та ҳудудида “Турмуш ўртоғингиздан нега зўравонликка учрагансиз?” деган савол асосида социологик тадқиқот ўтказилганида, унда 420 нафар иштирок этганларнинг 39,4 фоизи эрига гап қайтарганлиги учун, 26,0 фоизи нафсониятига текканлиги учун, 17,7 фоизи севмай турмуш қурганлиги сабабли, 11,0 фоизи рўзғор ишларини бажармаганлиги учун, 3,2 фоизи хиёнат учун деб жавоб беришган¹⁸.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ томонидан 2023 йилда ўтказилган кўп кўрсаткичли сўров натижаларига кўра Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг учдан икки қисми (62%) зўравонлик билан тарбиялаш

18 <https://www.google.com/search>

усулларига (жисмоний жазо, психологик тажовуз) учраган, 15–19 ёшдаги қизларнинг 33 фоизи эса эр хотинини уришга ҳақли¹⁹, деган фикрни билдирган. 2023 йилда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган қариялар сони 2 360 нафарни ташкил этиб, улар орасида 60 ёш ва ундан юқори шахслар умумий 74 нафарни ташкил этади, шулардан 16 нафари аёллар, 58 нафари эркеклардир²⁰.

Юқоридаги маълумотлар хотин-қизлар жиноятчилигининг асосий омилларидан бири — тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш лозимлигини англатади.

Бу борада, хотин-қизлар жиноятчилигининг умумий профилактикасини ташкил этиш жараёнида ҳам айнан қонунда белгилаб берилган чора-тадбирлар қўллашда самарали шакл ва усуллардан фойдаланиш лозим.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият бўлиб, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактика ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан амалга оширилса, умумий профилактика уни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан бирга, ушбу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар томонидан ҳам олиб борилиши мумкин²¹.

Бизнингча, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этишда умумий профилактика чораларидан унумли фойдаланиш ва бужараёнга барча масъул ташкилотлар, жамоатчилик тузилмалари ҳамкорликдаги фаолиятини йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида ўртасида муҳим ўрин тутувчи маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш жараёнлари ҳам умумий профилактиканинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳаллалар кесимида жиноятларнинг олдини олишнинг мутлақо янги “Фуқаробай”, “Оилабай” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиб, секторлар кесимида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритилиши йўлга қўйилди, маҳалла дунёдаги давлат бошқаруви соҳасида чинакам халқчил, давлатимизнинг бетакрор шаклдаги ўзига хос миллий характерга эга бўлган ноёб тузилмаси эканлиги эътироф этилди²².

¹⁹ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/10/10/violence/>

²⁰ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01>

²¹ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 102 б.

²² Абдуллаев Б.Т. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари / Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил

Жумладан мазкур тизимда ишлаш жараёнида республика бўйича 594 996 та ёрдамга муҳтож бўлган оилалар аниқланиб “Темир дафтар”га киритилди ҳамда 641 456 меҳнатга лаёқатсиз ишсизларга, 433 108 та “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди²³.

Кўрсатилган ижтимоий ёрдамлар юзасидан маълумотларни қайд этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ҳисобини юритиш бўйича тизимли ишлаш механизмини йўлга қўйиш мақсадида, қолаверса кадрлар алмашинуви жараёнида маълумотларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ягона электрон ахборот тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар жиноятчилигининг махсус профилактикаси ва уларни амалга ошириш механизми белгилаб берилмаган. Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасига оид фикрлар тадқиқотчилар томонидан билдириб ўтилган бўлсада, аммо аксарияти махсус профилактикани бошқа турдаги профилактиканинг таркибига киришини билдириб ўтган.

Д.М. Глушко қасддан одам ўлдириш ва инсон саломатлигига зарар етказишнинг виктимологик профилактикасини тадқиқ этганда масалага нисбатан кенгроқ ёндашади ва виктимологик олдини олишни нафақат умумий ва махсус криминологик, балки индивидуал даражада ҳам кўриб чиққан²⁴.

Қонунчилигимизда махсус профилактика алоҳида келтириб ўтилганлиги боис, уни виктимологик профилактикага умуман алоқаси йўқ деб ҳисоблаймиз, чунки ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг объекти жабрланувчи шахслар эмас, балки ҳуқуқбузарлар ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус профилактикасини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми аниқ белгилаб берилмаганлиги боис, хотин-қизлар жиноятчилигининг махсус профилактикасини ташкил этишда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 478 б. – Б. 30.

²³ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД – ХПХнинг 2022 йил давомида республика миқёсида хотин-қизлар жиноятчилигини олдини олиш борасида Секторлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотнома.

²⁴ Галушко Д.М. Виктимологическая профилактика преступлений, совершаемых в отношении сотрудников органов внутренних дел: диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2003. – С. 149 (URL: <https://www.dissercat.com/content/yuvenalnaya-viktimologiya-kriminologicheskie-i-sotsialno-psikhologicheskie-problemy> (20.05.2021й.да мурожаат қилинган).

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар жиноятчилигининг махсус профилактикаси белгилаб берилмаган;

2) амалиётда хотин-қизларнинг содир этган жиноятларига қараб махсус профилактик тадбирлар ишлаб чиқилмаган, шу жумладан алоҳида махсус режалар ва буйруқлар қабул қилинмаган.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг махсус профилактикасини ташкил этишда унинг юқори самарадорлигига эришишнинг муҳим жиҳати улар билан кўпроқ ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш лозим.

Фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилиги махсус профилактикасида жамоат (*ижтимоий*) чоралари қўлланилмайди, балки ҳуқуқбузарликларни бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан махсус профилактик чора-тадбирлар режа асосида муайян бир муддатда, белгиланган ҳудуд (*республика, вилоят, туман-шаҳар ва бошқ.*)да амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;

индивидуал ёндашувни талаб этиши;

мажбурлов ва чеклов нормаларининг қўлланилиши;

ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этиши;

бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Ҳуқуқбузарликлар, жумладан хотин-қизлар жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикаси объектлари (*ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлар*)га самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатишда индивидуал ёндашувни талаб этади.

Шу боис, ҳуқуқбузарликлар якка тартибда профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ижтимоий-демографик (*ёши, жинси, оилавий аҳволи,*

касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиги, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини инобатга олган ҳолда чора-тадбирларини қўллаш лозим.

2022–2023 йилларда ички ишлар органлари билан давлат ташкилотлари томонидан ҳамкорликда хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикаси борасида олиб борилаётган профилактик ишлар ўрганилганида 2022 йилда 25 041 нафар, 2023 йилда 30 873 нафар хотин-қизлар ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган бўлса, уларнинг 2022 йил ҳисоби бўйича 1 635 нафари, 2023 йил ҳисоби бўйича 1 420 нафари илгари судланган шахс сифатида ҳисобда турган²⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, профилактика фаолиятининг якка тартибда амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида, фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этишда уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиб, қуйидаги тоифаларга:

- 1) турмушидан ажраган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож;
- 2) маънавий тарбияси паст;
- 3) енгил табиат;
- 4) ҳуқуқлари бузилган, тазйиқ ва зўравонликларга учраган;
- 5) бойлик ва шоҳона ҳаётга қизиқувчи;
- 6) ишсиз;

7) соғлиғининг турли тарзда бузилиши оқибатида даволанишга муҳтож хотин-қизларга ажратган ҳолда чора-тадбирлар қўлланиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этишда виктимологик профилактикани амалга ошириш керакми? деган савол туғилади. Аммо, айрим вазиятларда тазйиқ ва зўравонликка учраган, жиноятлардан жабрланган хотин-қизлар томонидан жиноят содир этилганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти бўлиб, бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади²⁶.

²⁵ ИИВ ахборот ва статистика маркази маълумот/ 2023 йил

²⁶ Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 115 б.

Хотин-қизлар жиноятлари профилактикасини ташкил этишда унинг виктимологик жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозимми? деган саволга жавоб топишимиз керак. Бунинг учун хотин-қизлар томонидан содир этган жиноятлардан жабрланганларни ўрганишимиз лозим бўлади.

С.Б. Хўжақулов ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виктимологик жиҳатлари унга алоҳида ёндашиш зарурлигини талаб этади²⁷, деб фикр билдирган.

Е.О. Алауханов ва З.С. Зарипов олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, қасддан одам ўлдиришдан жабрланганларнинг 48,9 фоизи, тан жароҳати олганларнинг 50 фоиздан ортиғи, номусига тегилган хотин-қизларнинг 49 фоизи ўзларининг салбий хулқ-атвори (*таҳдид қилиши, ҳақоратлаши, туҳмат қилгани, айбдорни калтаклагани, енгилтаклиги, ичкиликбозлиги кабилар*) билан ушбу жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки унга имкон берувчи шароитни яратгани учун жабрланганлар²⁸.

Айрим тадқиқотларда жиноятчиларга жабрланувчиларнинг фақат 25 фоизи қарши турганлиги, тўртдан уч қисм жабрланувчилар эса пассив бўлганлиги аниқланган. Улар виктимлик ҳолати бўйича жабрланувчиларнинг жиноят содир этгандан кейинги хатти-ҳаракатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, кўпчилик вазиятларда жабрланувчилар бўлиб ўтган жиноятлар тўғрисида тегишли органларга хабар бермаслиги жиноятчиларнинг ўз жинойий хатти-ҳаракатларини давом эттиришлари учун зарур шароитни келтириб чиқариши билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини, жабрланувчиларнинг жиноят тўғрисида хабар бермаслигининг асл мақсадини билиш катта аҳамиятга эга эканлигини келтириб ўтишган²⁹. Т.Н. Волкова эса, жиноятдан жабрланувчилар билан боғлиқ муаммоларни фақат муҳокама қилиш билан чегараланмасдан, аҳолининг виктимологик тарбиясини давлат даражасида кенг миқёсда амалга ошириш вақти келди³⁰, — деб ҳисоблайди.

Ушбу ўрганиш натижаларидан хулоса қилган ҳолда мазкур йўналиш бўйича виктимологик жиҳатдан ҳимояга муҳтож қатламни ҳамда уларга таъсир этувчи шахслар тоифасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ҳам биз ўрганишлар давомида, жиноят содир этган, жиноят содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган, шунингдек, виктимологик жиҳатдан ҳимояга

²⁷ Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 42 б.

²⁸ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. – Алматы. 2008. – С. 229.

²⁹ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 185.

³⁰ Волкова Т.Н. О значении нравственности в предупреждении женской преступности / Предупреждение преступности (криминологический журнал). Казахстан. 2003. № 1(5) – С. 68.

муҳтож оила-турмуш соҳасида тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳисобини юритишга мўлжалланган “Форма-3” базасини юритиш, уларни мазкур базага киритиш ва профилактик назоратга олиш бўйича механизмни ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотимиз жараёнида ўрганган статистик маълумотлардан шу маълум бўлдики, хотин-қизлар жиноятларидан жабрланувчиларининг 31,7 фоизини эркак жинсидагилар, 49,2 фоизини хотин-қизлар, 11,1 фоизини вояга етмаган қизлар ва 8,0 фоизини вояга етмаган ўғил болалар ташкил қилган³¹.

Хотин-қизлар томондан содир этилаётган жиноятлар олдини олиш ёки бартараф этиш иккита: 1) оммавий ахборот воситалари орқали потенциал қурбонларга ўз мулклари хавфсизлигини таъминлашлари учун антивиктимлик бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш; 2) жиноятларнинг потенциал қурбонларини аниқлашга ва улар билан профилактик ишларни амалга оширишни талаб этувчи яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш босқичларидир³², деб ҳисоблайди.

Юқоридагилар асосида хотин-қизлар жиноятчилиги жабрланувчилари ҳақидаги алоҳида ҳисоботлар шаклини ишлаб чиқиш, уларни таҳлил қилиш ва бу орқали хотин-қизлар томонидан нима мақсадда жиноят содир этганлигини аниқлаш, оиладаги маънавий , психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

³¹ <https://stat.sud.uz/index.html>

³² Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т., 2004. – С. 14.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович,

Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар
доктори, профессор

Муродов Алишер Шарофхонович,

ИИВ Академияси Магистратура бошлиғи ўринбосари, ю.ф.б.ф.д., доцент

Таянч тушунчалар: хотин-қизлар, оила, зўравонлик, тазйиқ, ҳуқуқ-бузар, жабрланувчи, ҳуқуқий тарғибот, маиший низо, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация. Мақолада хотин-қизларга нисбатан оиладаги тазйиқ ва зўравонликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш юзасидан баъзи фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Анализ опыта некоторых зарубежных стран по предупреждению притеснений и насилия в отношении женщин

Основные понятия: женщины, семья, насилие, домогательство, правонарушитель, потерпевший, адвокатская защита, бытовой спор, профилактика правонарушений.

Аннотация. В статье высказаны мнения и замечания по эффективной организации профилактики домашнего насилия и насилия в отношении женщин.

Analysis of the experience of some foreign countries in preventing harassment and violence against women

Key words: women, family, violence, harassment, offender, victim, lawyer's defense, domestic dispute, prevention of offenses.

Annotation. The article expresses opinions and comments on the effective organization of the prevention of domestic violence and violence against women.

Сўнги пайтларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жиноятларнинг сони тобора ортиб бораётганлиги,

унинг натижасида оилавий ажримлар ва шахсга қарши жиноятларнинг кўпайиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бугунги кунда таҳлилчи-экспертлар фикрига кўра, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик инсон ҳуқуқларини бузилиши ва соғлиқни сақлаш муаммоси сифатида қаралмоқда³³.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларда жиноятчиликка қурашиш эмас, балки унинг барвақт олдини олиш, шахсни турли жинойат жазовулардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши мумкин бўлган шахслар билан манзилли профилактик ишларни олиб бориш, шахснинг виктимлигини камайтириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалтириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаб уларни бартараф этишга қаратилган профилактика чораларини кўриш долзарб масалага айланганлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот давомида ўрганилган айрим давлатларда шахсни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш бўйича амалиёти яхши йўлга қўйилганлигини кузатиш мумкин. Ғарбий Европа давлатларидан Германия, Буюк Британия, Швецария, Швеция, Италия, шунингдек АҚШ, Канада ва Японияда шахсни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича виктимологик профилактика анча ривожланган. Мазкур давлатлар тажрибасида нафақат виктимологиянинг назарий муаммолари, балки ушбу йўналишнинг амалий жиҳатлари устида ҳам уларни такомиллаштириш мақсадида фаол тадқиқотлар амалга оширилган³⁴.

Европанинг кўргина давлатларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қиладиган ассоциациялар томонидан виктимологик профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиши натижасида оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг содир этилиш кўрсаткичи анча пастдир³⁵. Бундан ташқари, ушбу йўналишда самарали чоралар ишлаб чиқиш учун аҳоли ўртасида сўровлар ўтказилади ва ушбу турдаги жиноятларнинг латентлигини олдини олишга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Таъкидлаш керакки, оиладаги зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган ва ундан жабрланган шахсларни ўрганиш жиноятчилик даражаси паст кўрсаткичга эга бўлган барча давлатларнинг амалиётида мавжуд.

³³ Ahmad J., Khan M. E., Mozumdar A., Varma D. S. Gender-based violence in Rural Uttar Pradesh, India: prevalence and association with reproductive health behaviors // Journal Interpers Violence. 2016. № 31. P. 312.

³⁴ Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений // Наука ЮУрГУ: материалы 66-й научной конференции Секции социально-гуманитарных наук. 2019. – С.112.

³⁵ Шевцов, А.В. Зарубежный опыт применения мер административного принуждения / А.В. Шевцов // Академическая мысль. – 2020. № 1 (10). – С. 83.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда шахснинг виктимлигини келтириб чиқарувчи омилларни ҳамда жабрланувчи шахсларнинг хулқ-атворини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жиноятчилик даражаси паст бўлган кўпгина давлатларда жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи марказлар ёки уларни тадқиқ этувчи илмий тадқиқот марказлари фаолият юритмоқда. Мисол учун, Нидерландияда «Жабрланувчи шахсларни ҳимоя қилиш Миллий ташкилоти» (National Organisation for Victim Support (NOVS) фаолият юритади, АҚШда эса мазкур вазифани «Жабрланувчи шахсларга ёрдам кўрсатиш Миллий маркази»³⁶ амалга оширади.

Буюк Британияда 1979 йилда ташкил этилган «Жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш Миллий ассоциацияси» (*National Association of Victim Support Schemes*) ҳозирги кунгача самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур ташкилотлар аҳолининг жиноятлардан жабрланишини олдини олиш борасида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида фаолият олиб боради. Мазкур фаолият асосан аҳолини ҳушёрлик ва огоҳликка чақириш билан бирга уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилади.

Бундан ташқари, жабрланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун бу ташкилотлар ҳукумат вакиллари билан расмий учрашувлар ва суҳбатлар уюштиришади, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ёрдам кўрсатишади, жамоатчилик фикрини ўрганади ҳамда давлатнинг юқори даражадаги шахслари билан учрашувлар ўтказилишини ташкиллаштиради³⁷. Мазкур фаолият шахснинг жиноятдан жабрланишини олдини олиш ва жиноятларнинг барвақт профилактикасида муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий давлатларда ҳам жиноятларнинг олдини олиш, яъни профилактика фаолиятига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилиб, бунда асосан тизимли ва комплекс ёндашув асосида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда куч ва воситалардан самарали фойдаланиш, виктимологик профилактика ишларини ташкил этиш, фуқароларнинг огоҳлигини ва ҳушёрлигини таъминлаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилади³⁸.

³⁶ Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт – <http://www.susu.ac.ru>.

³⁷ Коновалова И.А. Виктимологическая стойкость как способ предупреждения преступлений несовершеннолетних (Научная статья) // Электронный журнал «Вестник Московского государственного областного университета». 2012, – №1: веб-сайт – <http://www.evestnik-mgou.ru>.

³⁸ Жерновой М.В., Бутков А.В. Некоторые особенности профилактики правонарушений в зарубежных странах // Вестник Сибирского юридического института МВД России. –

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия тажрибаси ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ҳозирда дунёнинг юздан ортиқ давлатларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, ушбу турдаги профилактика ишларини олиб бориш бир қатор тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларга тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус бошпаналар ташкил этилган ҳамда унинг профилактикаси бўйича самарали фаолиятни ташкил этиш механизмлари яратилган.

Америка Қўшма Штатларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича катта ижобий тажриба мавжуд. Жумладан, АҚШда 1994 йилда “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш ҳақида”³⁹ги қонун қабул қилинган бўлиб мазкур қонун хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишни белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, АҚШда мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар учун ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш мақсадида реабилитация марказлари очилиши бошланган ҳамда зўравонлик содир этувчи шахсларни тарбиялашга қаратилган юзлаб дастурлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга хизмат кўрсатувчи ишонч телефонлари ташкил этилиб, кечаю-кундуз уларнинг фаолият кўрсатиши ва мутахассис операторлар томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга бепул ёрдам кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилган.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар миллий тармоқда ташкил этилган қуйидаги йўналишлардаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкин:

- а) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ҳолларда ёрдам сўраб ёки муаммони ечимини топиш юзасидан;
- б) жинсий зўравонликдан жабрланганда ёки жабрланиш хавфи юзага келганда;
- в) оилада болаларга нисбатан шафқатсиз муомала қилинганида;
- г) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалалари ва бошқалар⁴⁰.

АҚШда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар учун 1,5 минг ортиқ реабилитация марказлари, алоҳида уйлар ташкил этилган⁴¹ бўлиб,

Сибирь.: 2008, – №1. –С.67– 70

³⁹ (VAWA).ViolenceAgainstWomenAct.

⁴⁰ https://travel.state.gov/content/dam/visas/IMBRA/IMBRA_uzb.pdf.

⁴¹ Fang X, Brown DS, Florence CS, Mercy JA. The economic burden of child maltreatment in the

ушбу марказларга асосан оиладаги зўравонликдан жабрланган шахслар мурожаат этишади. Ушбу марказларга уйда оила аъзолари томонидан калтакланган, хўрланган, жабр-зулмга дучор бўлаётган аёллар, қариялар, вояга етмаганлар мурожаат қилади.

Таъкидлаш керакки, тазйиқ ва зўравонлик ҳаракатлари натижасида давлатлар ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан, ҳам иқтисодий жиҳатдан жиддий зарар кўрмоқда. Мисол учун, ҳар йили зўравонлик орқали дунё мамлакатлари иқтисодиётига миллиардлаб АҚШ доллари миқдорида зарар етказилмоқда⁴².

Канада давлатида оиладаги зўравонликни бартараф этиш бўйича етакчи давлат деб, тан олинган. У ўзининг федерал ва штат қонунлари, шунингдек, ушбу ёвузликка қарши курашишга қаратилган маҳаллий ижтимоий дастурлари билан машҳур⁴³. Канада ҳукумати томонидан 1998 йилда «Оиладаги зўравонликларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ учта ҳимояланиш шакли, яъни хавфсизлик буйруғи (зудлик билан ёрдам керак бўлганда), қироллик судининг ҳимоя қилиш тартиби, уй-жойга кириш ҳуқуқини берувчи ордерлар мавжуд. Бундан ташқари, аёлларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида давлат бюджетидан маҳаллий ташкилотлар учун кичик грантлар ташкил этилиб, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда профилактик чоралар қўлланилмоқда⁴⁴.

Канада давлатида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш бўйича қуйидаги тажрибалар мавжуд:

1) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар учун реабилитация марказлари аҳоли сонини инобатга олган ҳолда ташкил этилиб уларнинг самарали фаолият кўрсатиши йўлга қўйилган;

2) Соғлиқни сақлаш вазирлигида оиладаги зўравонликдан жабрланиш ниҳат қилиб борадиган марказ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб унинг аҳамияти шундаки, биринчидан тазйиқ ва зўравонликнинг латентлигини олдини олади, иккинчидан тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан қонуний жазо чорасини кўришда муҳим аҳамият касб этади;

3) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида ҳар

United States and implications for prevention. Child Abuse and Neglect 2012; 36:156-165.

⁴² Мустақил фойдаланиш учун амалий қўлланма Реабилитация ва мослаштириш марказларидаги тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчиларига бирламчи ёрдам кўрсатиш: амалий қўлланма / Д. Абулхасан, Г.А. Ишанханова, Н.Н. Шотурсунова ва бошқ. –Т., Vaktria press, 2021. - 25 б.

⁴³ <http://www.owl.ru/win/research/kanada.htm>.

⁴⁴ Исаков А.А. Криминологическая характеристика и предупреждение насильственных преступлений, совершаемых в семье: автореф. дисс. кан. юрид. наук. –М., 2004. – С. 9.

йили оиладаги низоларнинг салбий оқибатларини кўрсатувчи юзлаб фильм, видеоролик ва рекламалар тайёрланади ва намоиш этилади;

4) тазйиқ ва зўрликдан жабрланган шахслар ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш мақсадида психологик мутахассислар иштирокида тренинглари ташкил этилади;

5) ҳуқуқбузар шахсларнинг хулқ-атворини тузатишга йўналтирилган тузатиш дастурлари орқали уларни соғлом турмуш-тарзига йўналтириш;

6) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш⁴⁵.

Буюк Британияда криминал хавфсизликнинг минимал стандарти ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полицияга ҳамкорлик қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни тезкор олдини олиш чоралари кўрилади. Бундан ташқари, «Жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастур» ишлаб чиқилган. «Қандай қилиб жиноий тажовуздан ўзимни, оиламни, турар жойимни, мулкимни ҳимоя қилишим мумкин» деган мавзуларда оммабоп мақолалар, қўлланмалар нашр этилган, «Жиноятдан жабрланганлар уюшмалари»⁴⁶ шакллантирилган.

Британия давлатида оиладаги зўравонликдан жабрланишларнинг олдини олиш борасида ишонч телефонлари ҳам мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва болаларга балки оилавий муаммоларни ҳал этишга қийналаётган эркаклар учун ҳам фаолият юритади. Шунингдек, Британияда бир неча тилларда оиладаги зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш усуллари ва лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан қўлланмалар чоп этилган бўлиб, ушбу чора ҳам аёллар ҳуқуқларини ўз вақтида ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, мазкур давлатда оилавий ажрим қилган шахслар томонидан алимент тўлаш имконияти чекланган шахслар учун махсус жамғарма ташкил этилган бўлиб унда алимент тўланмаган барча ойлар учун тўловни амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилган⁴⁷.

Францияда 2010 йил 9 июлда қабул қилинган “Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳамда унинг болаларга нисбатан салбий оқибатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, қонунда аёлларни ҳимоя қилишнинг

⁴⁵ Муродов А., Қосимов Н. Қасддан одам ўлдириш жиноятларида жабрланувчи тушунчаси ва жабрланувчилар типологияси: Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндошувлар: муаммо ва ечимлар мавзусидаги республика илмий-амалий конференция тўплами, –Т., 2023. –Б. 46.

⁴⁶ Саитқулов Қ.А. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2020. – Б. 116.

⁴⁷ Турсунов А., Муродов А. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг профилактикаси: Франция тажрибаси: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси, 2022. № 4. (55-сон). 110-116 б.

механизмлари ва ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг ваколат ва вазифалари белгилаб берилди⁴⁸. Шунингдек, Францияда оиладаги зўравонликдан ёрдам сўраб мурожаат қилиш мумкин бўлган марказлар ҳамда қисқа ишонч телефонлари фаолияти йўлга қўйилган.

Франция қонунчилигида унинг ҳудудида истиқомат қилувчи шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсатилади. Оилавий зўравонлик бўйича суд ишлари “махсус ишлар” деб таснифланади. Бундай ҳолларда, ҳатто яшаш учун рухсатномаси бўлмаган чет эл фуқаролари ҳам бепул адвокат олиш ҳуқуқига эга. Албатта, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризани тўлдириш лозим бўлади.

Францияда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш бўйича қуйидаги амалиёт мавжуд:

☑ аҳоли ўртасида оиладаги зўравонлик юзасидан сўровлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиб бориш;

☑ оиладаги зўравонликдан жабрланганлар рўйхатлари тузилиб, улар билан руҳшунослар мунтазам равишда ишларни ташкил этиб боради;

☑ зўравонликка дучор бўлаётган ва бўлган шахслар учун вақтинчалик бошпана-манзилгоҳлар фаолияти ташкил этилган;

☑ оиладаги низоли ҳолатлар ҳамда ундан жабрланган шахсларнинг юзага келган муаммони ижобий ҳал этишларига кўмаклашувчи ишонч телефонлари мавжуд.

Францияда оиладаги зўравонликка қарши кураш бўйича тегишли йиллар учун 70-80 миллион евро миқдордаги маблағлар ажратилади ва уни қуйидаги учта асосий вазифани ҳал қилиш назарда тутилади:

☑ содир этилган зўравонлик ҳақидаги бирон бир ахборот жавобсиз қолмаслиги керак. Бу 2014 йилнинг январ ойидан бошлаб ҳафтасига 7 кун ишлайдиган зўравонлик жабрланувчиларига маълумот бериш ва ёрдам кўрсатиш учун ягона 3919-рақамли ишонч телефони жорий этилган;

☑ полиция ва жандармерия фаолиятига жалб қилинган ижтимоий ишчилар квотасини кўпайтириш белгилаб берилган;

☑ зўравонликдан жабрланиб жиддий хавф остида қолган аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида реабилитация марказлари жорий қилинган;

☑ оиладаги зўравонликнинг олдини олишнинг самарали йўлларидан бири сифатида илғор иш усуллари ва тажрибаларни амалиётга жорий этиш;

☑ зўравонликнинг янада самарали олдини олиш учун жамият ва барча давлат хизматларини сафарбар этиш;

☑ аёлларга нисбатан зўравонликнинг профилактикаси бўйича тадқиқотларни амалга ошириш ва уни ривожлантириш;

⁴⁸ <https://www.sovetnik.fr/zashhita-zhenshin-semejnego-nasiliya-franczii/>

☑ хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича идоралараро чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.

Германияда қийин ҳаётини вазиятларга дучор бўлган, зўравонлик ва турлиқийинчиликларга учраган аёллар учун, «Аёлларуйлари» (Frauenhäuser), юзлаб маслаҳат марказлари, кундузги психологик ёрдам ҳамда 360 дан ортиқ ижтимоий ёрдам марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, қийин аҳволга тушиб қолган жабрланувчилар учун ёрдамга чақириш махсус телефон рақам «110» хизмати кенг йўлга қўйилган бўлиб, ушбу рақамдан чақирув сигнали кетиши билан шахснинг жойлашган жойи аниқланади ҳамда зудлик билан полиция ходимлари юборилиши назоратга олинган⁴⁹. Бу каби зўравонлик ва жиноят содир этган шахслар ўзлари яшаётган хонадонлардан чиқариб юборилади, уларнинг жабрланувчига яқинлашиши, телефон орқали сўзлашув ёки хабарлар юбориши тақиқланади. Бинобарин, жабрланувчининг турмуш ўртоғи шундай ҳолатларни содир этган тақдирда оилани молиялаштириш мажбурияти юклатилган. Бу амалиёт эса аёлларнинг иқтисодий қарамлигини бартараф этиш учун хизмат қилмоқда.

Германияда фуқароларга ўзини ўзи ҳимоя қилиш усуллариининг ўргатилиши ўтган асрнинг 60 йилларидан бошланган бўлиб, шахснинг жиноятдан жабр кўриб қолмаслиги учун амалиётга жорий этилган. Шунинг учун ўқув муассасаларида «Виктимология асослари» номли ўқув курси ўқитилади. Айниқса, Германиянинг кўплаб вилоятларида давлат дастурлари билан бир қаторда жиноят қурбонларига ёрдам бериш учун кўплаб хусусий дастурлар мавжуд. Уларда жиноий тажовуздан, шу жумладан жиноий тажовуздан зарар кўрган шахсларга хавфсизликни таъминлаш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига оид қонун ва суд амалиётидаги ўзгаришлар батафсил таҳлил қилинади.

Германияда жиноятдан жабрланганларга ёрдам берувчи жамоат бирлашмаси (*Белое кольцо*)нинг бугунги кунда 3 мингдан ортиқ ўз хоҳишига кўмак берувчи ёрдамчилари, 400 дан ортиқ филиаллари, 60 мингга яқин аъзолари бўлиб, қурбонларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай, жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, бошқарув соҳасидаги ва бошқа саволларга жавоб берилади, шунингдек улар жиноятдан жабрланганларга давлат томонидан берилиши лозим бўлган компенсациялар билан боғлиқ муаммоларга ҳам аралашади ва жабрланувчилар фойдасига ҳал қилишади⁵⁰.

⁴⁹ Supporting victims of crime in England and Wales: Local commissioning meeting local needs? - Matthew Hall, 2018. <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/0269758017747055>.

⁵⁰ Защита потерпевших благородная работа // Фонд поддержки пострадавших от преступлений. [Электронный ресурс]. Режим доступа: Soprotivlenie.org. // (дата обращения: 15.11.2022).

Аргентинада полициячи аёллар ва махсус гуруҳлар аҳоли ўртасида зўравонлик масалалари юзасидан мунтазам равишда сўровномалар ўтказиб, қайси ҳудудда зўравонлик кўпайганлигини таҳлил қилиб боради. Аёллар полиция участкаларида фаолият юритиши давомида ўша ҳудудда яшовчи оилаларнинг хавфсизлигини таъминлашга ва оиладаги низоларни ҳал этишга масъул ҳисобланади.

Мазкур давлатда тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича қуйидаги амалиёт мавжуд:

☑ аҳоли ўртасида оиладаги зўравонлик юзасидан сўровлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиб бориш;

☑ оиладаги зўравонликдан жабрланганлар рўйхатлари тузилиб, улар билан психологлар мунтазам равишда ишларни ташкил этиб боради;

☑ зўравонликка дучор бўлаётган ва бўлган шахслар учун вақтинчалик бошпана-манзилгоҳлар фаолияти ташкил этилган;

☑ оиладаги низоли ҳолатлар ҳамда ундан жабрланган шахсларнинг юзага келган муаммони ижобий ҳал этишларига кўмаклашувчи ишонч телефонлари мавжуд⁵¹.

Австралияда полиция оилада содир этилган зўравонлик бўйича хабар тушгач мутахассисларни ва оиладаги зўравонликка қарши курашувчи хизмат ходимларини чақиради. Хизмат доимий фаолият кўрсатадиган алоҳида мустақил орган ҳисобланади. Унинг мутахассислари полициячилар билан бирга воқеъа юз берган жойга келади. Улар жабрланувчига ёрдам кўрсатади ҳамда оиладаги воқеъларнинг кейинги вазиятини кузатиб боради ва ахборот хизматларини кўрсатади. Бундай амалиёт полициянинг ҳуқуқбузарликка эътиборини қаратиш ва бошқа муаммоларни ечишга куч сарфламаслик имконини беради⁵².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб Украинада “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”⁵³ қонун қабул қилинган бўлиб, қонунда тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирлар тизими белгиланган ҳамда

⁵¹ Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт – <http://www.susu.ac.ru>.

⁵² *Огай Д.* Международно-правовые аспекты защиты прав детей // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б. 274-281.

⁵³ Украина давлатининг 2001 йил 15 ноябрдаги “Оиладаги зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонуни.

қонун талаблари асосида жабрланганлар учун реабилитация марказлари ташкил этилган. Ушбу марказларда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга психологик, тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, оилавий низоларни ҳал қилиш йўллари, тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахслар рўйхатини юритиш ва уларни ҳисобга олиш, зўравонлик содир этувчи шахслар билан профилактик ишларни олиб боришнинг тартиб қоидалари белгиланган⁵⁴.

Малдова Республикаси ҳам оиладаги зўравонлик профилактикаси бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Хусусан ушбу давлатда 2007 йил 1 мартда “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва уни тўхтатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонуннинг 2-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда оиладаги зўравонликка оид 13 та тушунча қайд этилган. Қайд этиш керакки, кўпгина давлатларнинг ушбу турдаги қонунларида “моддий зарар”, “руҳий зарар” тушунчалари мавжуд эмас. Ушбу давлатнинг қонунчилигида эса оиладаги зўравонликка оид бўлган барча тушунчалар батафсил белгилаб берилган. Бундан ташқари, таълимни бошқариш органларини оиладаги зўравонликни олдини олишдаги масъулияти ва ваколатлари, шахсни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш усуллари ҳамда жабрланганда ариза билан мурожаат этиш тартиблари кўрсатиб ўтилган. Малдовада оиладаги зўравонликлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи марказлар фаолияти ушбу қонун асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу марказга мурожаат этган шахсларга тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалиёти жорий қилинган⁵⁵.

Қозоғистонда 2016 йилда қабул қилинган ҳаракатлар стратегиясига асосан 2030 йилгача бўлган “2030 йиллар учун Оилавий ва гендир сиёсати тўғрисида”ги⁵⁶ Концепцияси ишлаб чиқилиб, ушбу концепцияда оиладаги барча зўравонликларга қарши кураш масалалари назарда тутилган. Қозоғистон Республикасида “Маиший турмушдаги зўравонликларни олдини олиш тўғрисида”ги⁵⁷ қонун қабул қилган бўлиб, ушбу қонунда маиший зўравонлик тушунчаси, турлари, унинг олдини олувчи субъектларнинг функция ва вазифалари, ваколатлари, маиший зўравонликни олдини олишнинг умумижтимоий ва махсус чоралари, ўтказиладиган профилактик чора-тадбирлар ва унинг турлари, зўрликдан жабрланган шахсларга ёрдам

⁵⁴ http://kodeksy.com.ua/ka/o_preduprezhdenii_nasilija_v_semje.htm.

⁵⁵ Закон Республики Молдова «О предупреждении и пресечении насилия в семье» от 1 марта 2001 года.

⁵⁶ Қозоғистон Республикасининг 2016 йил 9 августдаги “2030 йиллар учун Оилавий ва гендир сиёсати тўғрисида”ги Концепцияси.

⁵⁷ Қозоғистон Республикасининг 2017 йил 11 июлдаги “Маиший турмушдаги зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги қонуни.

кўрсатувчи ижтимоий реабилитация марказлари, уларнинг вазифалари, марказга мурожаат этган шахсларнинг у ерда вақтинча бўлиш тартиби, ушбу тоифадаги шахсларга психологик, тиббий, руҳий ёрдам кўрсатиш механизмлари белгилаб берилган⁵⁸.

Қирғизистон Республикасининг “Оилада зўрлик ишлатишдан ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги⁵⁹ қонунни қабул қилган. Мазкур қонунда хавфсиз жой, маслаҳат-профилактика маркази, ҳимоя ордери, ижтимоий ёрдам, оиладаги зўравонликнинг жисмоний, жинсий, руҳий, иқтисодий турлари, оилада зўравонликдан жабрланган шахснинг ҳуқуқлари, маиший зўравонликнинг олдини олувчи субъектлар, уларнинг вазифалари, маиший зўравонликнинг профилактикаси, ундан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи реабилитация марказлари, уларнинг вазифалари, марказга мурожаат этган шахсларнинг у ерда вақтинча бўлиш тартиби белгиланган.

Қирғизистон Республикасида 2009 йилда ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандликка ва психотроп моддаларга ружу қўйган аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида биринчи мартаба ижтимоий ётоқхона ташкил этилиб, унда 2 ой мобайнида даволаш ва профилактика ишлари ташкил этилиши йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда мазкур ётоқхона ўзининг самарасини бермоқда, яъни кўплаб аёллар соғлом турмуш тарзига қайтарилмоқда.

Тожикистон Республикасида ҳам 2013 йил 19 мартда “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги⁶⁰ қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда оиладаги зўравонлик турлари, зўравонликнинг профилактикаси билан шуғулланувчи субъектлар, уларнинг вазифа ва ваколатлари, оиладаги зўравонликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи ижтимоий реабилитация марказлари, оиладаги зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактик ишлар, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан суднинг расмий огоҳлантиришини қўллаш каби чоралар қонун билан белгилаб қўйилган.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасини амалга ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: а) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларни аниқлаб, уларга тиббий, психологик,

⁵⁸ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30525680#pos=221;-88.

⁵⁹ Закон Кыргызской Республики “Об охране и защите от семейного насилия” от 27 апреля 2017 года № 63.

⁶⁰ Закон Республики Таджикистан “О предупреждении насилия в семье” от 19 марта 2013 года №211.

ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш; б) оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш; в) давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикаси бўйича ҳамкорлигини кучайтириш; г) оилада низоли вазиятларни келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш; д) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш; е) оммавий ахборот воситалари орқали хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.

“ХАВФСИЗ ОИЛА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Мунира Кахарова

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти
илмий ходим, сиёсий фанлари доктори

Жамиятнинг барқарорлиги ва ижтимоий тараққиётини таъминлашда оила институтининг ўрни беқиёсдир. Айниқса, оилада хавфсиз ва соғлом муҳитни шакллантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг барҳам топиши учун “Хавфсиз оила” тамойилининг амалий жиҳатда татбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда хотин-қизларнинг фаол иштироки, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий масъулияти ва тарғибот-ташвиқот ишларига қўшган ҳиссаси муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Криминологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, хотин-қизлар нафақат ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга нисбатан таъсирчан тоифа сифатида, балки жиноятчилик профилактикасидаги фаол субъектлар сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Улар маҳаллаларда, таълим муассасаларида, фуқаролик жамияти институтларида тарғибот ишларини олиб бориш, муаммоли оилалар билан ишлаш, “хавфли гуруҳ”ларга кирувчи шахсларни аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатишда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар ва таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизлар иштирокида амалга оширилаётган ижтимоий-профилактик фаолият натижасида оилавий низолар, маиший зўравонлик ва шахсга қарши жиноятлар сонини камайтиришга эришилмоқда. Бу эса “Хавфсиз оила” тамойилининг нафақат назарий, балки амалий аҳамиятини ҳам тасдиқлайди.

Шу маънода, ушбу мақолада хотин-қизларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги роли, уларнинг профилактик фаолиятининг самарадорлиги ҳамда мазкур жараённинг криминологик жиҳатлари илмий таҳлил этилади.

2024 йилнинг 12 ойи давомида республика миқёсида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 7 903 тани ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 фоизга камайганини кўрсатади (2023 йилда – 7 957 та жиноят). Шу даврда 7 163 нафар хотин-қиз жиноят

содир этган, бу эса жиноятчи аёллар сонида ҳам 0,7 фоизга пасайиш (2023 йилда – 7 213 нафар) қайд этилганини билдиради.

Ушбу рақамлар хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик даражасидаги аста-секин камайиш тенденциясини кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, жойларда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари, жамоатчилик назоратининг кучайиши, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича “маҳалла еттилиги” тизими самараси ва “ҳимоя ордери” институти фаоллашганининг натижаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда (*жумладан, Самарқанд, Қорақалпоғистон ва Сурхондарё вилоятларида*) жиноятлар сонида сезиларли ўсиш қайд этилгани (*мос равишда 27,8%, 24,6% ва 9,9%*) – ҳудудий криминоген вазиятнинг фарқлилигини, профилактик тадбирларнинг самарадорлиги барча ҳудудларда бир хил эмаслигини англатади. Бу эса ҳудудий кесимда муаммоларни аниқлаш, мақсадли чоралар кўриш ва хотин-қизлар билан профилактик ишларни индивидуал ёндашув асосида олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Бундай ўсиш, айниқса, ҳудудий профилактика ишларининг самарасизлиги, иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг кучайиши ҳамда аёллар ўртасида ҳуқуқий билимлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ҳудудий таҳлил асосида манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, хотин-қизларни жиноятга олиб келувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Хотин-қизларни жиноятга олиб келувчи асосий омиллар турли ижтимоий, иқтисодий ва психологик шароитлар таъсирида шаклланади. Илмий таҳлиллар ва амалиёт тажрибасига асосланган ҳолда қуйидаги омиллар асосий ҳисобланади:

1. Ижтимоий-иқтисодий омиллар. Хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг аксариятини моддий ва маиший турмуш муаммолари асосида юзага келаётганини кўраемиз. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий таъминот даражасининг пастлиги, ишсизлик, кам даромад, вақтинчалик ёки ноаниқ меҳнат шароити каби омиллар кўпинча хотин-қизларни ноқонуний даромад топишга ундайди. Айрим ҳолларда бундай ҳаракатлар “муваққат чора” сифатида кўрилса-да, улар жиноят таркибини шакллантириб, ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

Оиладаги ички нотинч муҳит ҳам жиноят содир этилишига йўл очади. Ажралиш, турмуш ўртоғи ёки қариндошлар томонидан зўравонликка учраш, психологик тазйиқ, ёлғизлик ва етарлича руҳий кўмакнинг йўқлиги хотин-

қизнинг ўзини ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган деб ҳис этишига олиб келади. Бу эса айрим ҳолларда, асабийлашиш, ҳимоя рефлексини жиноий йўлда намоён қилиш, ёки ўзини моддий таъминлаш мақсадида қилмишга қўл уриш билан якун топади.

Шунингдек, ёлғиз она бўлган хотин-қизларнинг фарзанд боқиш ёки бемор қариндошларга моддий ёрдам бериш мақсадида қилган “муваққат” ҳаракатлари баъзи ҳолларда жиноят таркибига эга бўлиб, улар қонунга зид равишда даромад орттиришга мажбур бўлади. Ижтимоий ҳимоя тизимининг етарлича ишламаслиги, аниқ ва манзилли кўмак механизмларининг самарасизлиги бундай хатти-ҳаракатларнинг сонини ошириши мумкин. Шу боисдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат ҳуқуқий чоралар билан эмас, балки иқтисодий барқарорлик, меҳнат бозоридаги тенг имкониятлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳкамлаш билан биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги. Хотин-қизлар жиноятчилигини келтириб чиқарадиган муҳим омиллардан бири — бу ҳуқуқий билим ва умумий саводхонлик даражасининг пастлиги ҳисобланади. Айрим ҳолларда хотин-қизлар ўз қилмишларининг ҳуқуқий оқибатларини англаб етмайди ёки муайян ҳаракат жиноят таркибига эга эканини билмаслиги натижасида ҳуқуқбузарликка йўл қўяди. Бу эса ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланмаганлигидан далолат беради.

Хусусан, ҳуқуқий билимсизлик жамиятдаги нормаларга риоя қилиш туйғусининг сустлигига, шахсий масъулиятни ҳис қилмасликка ва қонунни бузиш хавфини паст баҳолашга сабаб бўлади. Шу муносабат билан хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тизимли ишларни кучайтириш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари, умумий таълим ва касбий малака даражаси ҳам хотин-қизларнинг жиноий хатти-ҳаракатларга мойиллигида муҳим омилдир. Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган, махсус касб ва тажрибага эга бўлмаган хотин-қизлар моддий таъминот муаммоси туфайли баъзи ҳолларда ноқонуний йўлларни танлашга мажбур бўлади. Айниқса, ёлғиз она бўлган, таълим олиш имкониятидан маҳрум этилган ёки меҳнат бозорида инкор қилинган аёллар орасида бундай ҳолатлар кўпроқ кузатилади.

Шу боисдан, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий маданият ва саводхонликни ошириш, касбий йўналтириш ва қайта тайёрлаш курсларини йўлга қўйиш, таълимга эга бўлмаган ёки ўқишни эрта тўхтатган хотин-қизларга иккинчи имконият бериш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, уларнинг жамиятда фаол иштирокини таъминлайди, моддий мустақилликка эришиш имконини яратади ва жиноятчиликка олиб борувчи хавфли йўлларнинг олдини олади.

3. Психологик ва шахсий омиллар.

Хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлил қилишда уларнинг шахсий-психологик ҳолатига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аёлларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари кўп ҳолларда ташқи ижтимоий омиллар билан бир қаторда, ички шахсий ва руҳий омиллар таъсирида ҳам шаклланади.

Аввало, доимий руҳий босим, камситиш ва зўравонлик муҳитида яшовчи хотин-қизларда ўзини ҳимоя қилиш эҳтиёжи кучаяди. Бу ҳолатларда улар ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш имконини билмаслиги ёки унга ишонмаслиги натижасида, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида жиноий ҳаракат содир этиши мумкин. Бу — “қурбондан айбдоргача” бўлган мураккаб психологик трансформацияга олиб келувчи жараён дир.

Шунингдек, эмоционал барқарорликнинг етишмаслиги ва стресс ҳолатларини бошқариш қобилияти паст бўлган аёллар муаммоларга оқилона ёндашиш ўрнига, эҳтиётсиз ва импульсив қарорлар қабул қилишга мойил бўлади. Масалан, иқтисодий ёки оилавий муаммолар натижасида юзага келган эҳтиёж уларни жиноятга етакловчи омилга айланиши мумкин.

Шахсий интизом ва ички назоратнинг заифлиги, ўз ҳис-туйғуларига берилувчанлик, келажакдаги оқибатларни етарли даражада баҳолай олмаслик ҳам хотин-қизларнинг ноқонуний ҳаракатларга мойиллигини оширади. Айниқса, эмоционал тайёргарлик даражаси паст бўлган аёллар ёлғизлик, кекса ёш ёки руҳий изоляция ҳолатида жиноятга нисбатан юқори хавф гуруҳига киради.

Бундай ҳолатларда жиноятчиликни олдини олиш фақат ҳуқуқий чоралар билан эмас, балки психологик ёрдам механизмлари билан биргаликда олиб борилиши зарур. Психолог маслаҳат хизматларини кенгайтириш, зўравонликка учраган аёллар учун бепул ёрдам марказларини ташкил этиш ва психологик саводхонликни ошириш орқали жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин.

Шунингдек, мактаб ёшидаги қиз болаларда стрессга қарши бардошлилик, шахсий масъулият, эмоционал зеҳн (emotional intelligence) ни ривожлантириш, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали уларда ижобий психологик иммунитетни кучайтириш керак.

4. Муҳит таъсири ва ижтимоий алоқа. Хотин-қизлар жиноятчилиги шаклланишида ташқи муҳит ва ижтимоий алоқаларнинг таъсири муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар, яшаш жойидаги криминоген муҳит ва атрофдагиларнинг жиноий фаолиятга нисбатан муносабати аёлларнинг хулқ-атворида бевосита таъсир кўрсатади.

Жиноятга мойил муҳитда яшаш – бу жиноят содир этган танишлар, қариндошлар ёки қўшнилар таъсирида қолишни англатади. Айниқса, аёл жиноятчиларнинг жиноятга қўл урган сабаблари ўрганилганда, кўпинча улар атрофдагилар таъсири, босим ёки кўндириш оқибатида жиноят содир этгани аниқланади. Бу ҳолатларда жиноят содир этиш шахсий қарордан кўра ижтимоий муҳитнинг маҳсулоти сифатида юзага келади.

Шунингдек, нотўғри ижтимоий муносабатлар – яъни криминоген гуруҳларга боғланиш, ёмон одатларнинг таъсири (*масалан, алкоголизм, гиёҳвандлик*) хотин-қизларнинг ҳуқуқбузарлик ҳолатларига аралашини тезлаштиради. Ижтимоий назоратнинг етишмаслиги, оила ва маҳалладаги ахлоқий талабларнинг заифлиги ҳам жиноятга мойилликни кучайтиради.

Айниқса, сўнги йилларда интернет муҳити орқали таъсирлар жиддий аҳамият касб этмоқда. Онлайн алдовлар, ёлғон иш ва даромад таклифлари, киберқонунбузарлик ҳолатлари, ёш аёллар ўртасида жиноятга тортилишнинг янги шакллари юзага келтирмоқда. Масалан, “онлайн кредит схемалари”, “иш ва саёҳат таклифлари орқали одам савдоси” каби ҳолатлар кўп учрамоқда. Ёки баъзи ҳолларда жиноятчи эркаклар томонидан аёлларга эмоционал боғланиш орқали ноқонуний фаолиятга жалб этиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Бу ҳолатларда давлат ва жамият даражасидаги профилактик чоралар – масалан, онлайн хатарлардан огоҳлантирувчи медиа-кампаниялар, интернет саводхонлигини ошириш, онлайн тармоқларда фаол бўлган ёш аёллар учун ҳуқуқий маслаҳатлар платформасини ташкил этиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга, маҳаллаларда фуқаролик назорати ва ижтимоий профилактик ишлар кучайтирилиши керак.

Хулоса қилганда, Ўзбекистонда хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони йиллар давомида камайиб бораётганига қарамай, бу йўналишдаги таҳдидлар тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятга қўл урган аёллар орасида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволдаги, таълим ва ҳуқуқий маданият даражаси паст, руҳий босим остида қолган ҳамда оилавий зўравонликка учраган шахслар кўпчилики ташкил этади.

Ҳозирги кунда глобаллашув, рақамли муҳит ва ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар хотин-қизларнинг жиноятга мойиллигини янгича омиллар асосида шакллантирмоқда. Айниқса, кибержиноятлар, иқтисодий алдовлар ва маиший зўравонлик фонидида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар бугунги кун талабларига мос равишда янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Хотин-қизлар жиноятчилигини бартараф этиш фақат жазо чоралари билан эмас, балки профилактика, ҳуқуқий саводхонлик, маънавий-маърифий тарбия ва ижтимоий ҳимоя механизмларининг тизимли мувофиқлашуви билан амалга оширилиши лозим.

Таклифлар

1. Ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш. Ҳозирги кунда хотин-қизларнинг жиноий хулқ-атворга мойилликлари кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Шу муносабат билан:

- Моддий таъминоти етишмайдиган оилаларни аниқлаш ва улар учун давлат томонидан **мақсадли ижтимоий ёрдам пакетлари**, субсидиялар, ижтимоий контракт асосида таълим ва меҳнатга жалб этиш дастурларини шакллантириш зарур.

- Ҳар бир шаҳар ва туман даражасида хотин-қизлар учун **касб-ҳунар ва молиявий саводхонлик марказлари** ташкил этилиши, уларни маҳаллий меҳнат бозори талабларига мувофиқ қайта тайёрлаш тизимига интеграция қилиш лозим.

- Ишсиз, ёлғиз аёллар учун хусусий сектор билан ҳамкорликда “ижтимоий иш жойлари” лойиҳаларини амалга ошириш орқали барқарор даромад манбалари яратиш мақсадга мувофиқ.

2. Ҳуқуқий маданият ва ахборот-маърифий ишлар фаолиятини кучайтириш. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлик даражаси жиноятчилик профилактикасининг муҳим устуни ҳисобланади. Шу асосда:

- Ўрта ва олий таълим муассасаларида қизлар учун махсус **ҳуқуқий маданият дарслари** ва амалий машғулотларни жорий этиш.

- Хотин-қизлар жиноятчилиги ҳақидаги реал ҳаётий воқеалар асосида тайёрланган **профилактик видеороликлар, инфографика, анимациялар** орқали оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиботлар қилиш.

- Ижтимоий тармоқларда фейк маълумотлар ва алдов схемаларига қарши **цифровой профилактика** материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш.

3. Руҳий ва психологик ёрдам тизимини институционаллаштириш. Жиноятга мойилликнинг кўп ҳолатлари психологик босим, ёлғизлик ва эмоционал қийинчиликлардан келиб чиқади. Шу боис:

- Ҳар бир туман ва шаҳарда “Аёллар учун психологик ёрдам марказлари”ни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш.

- Муаммоли ҳаётий вазиятга тушган, ҳуқуқбузарликка мойил ёки жиноят содир этган хотин-қизлар учун **психологик реабилитация, ўзини англаш, жамиятга мослашув** дастурларини амалга ошириш.

- Ота-оналар учун ҳам профилактик семинарлар ташкил этиш орқали уларнинг қизлар билан мулоқот маданиятини мустаҳкамлаш.

4. Оилавий зўравонликка қарши тизимли ва қатъий чоралар. Оилавий муҳитдаги зўравонлик кўп ҳолларда жиноятга олиб борадиган катализатор вазифасини ўтайди. Шунинг учун:

- “Ҳимоя ордери” институтини мустаҳкамлаш, унинг амалий самарадорлиги устидан доимий мониторинг ўрнатиш.

- Зўравонлик ҳолатларини эрта фош этиш мақсадида **ислоҳ этувчи мулоқот, медиатив ёндашув ва профилактик учрашувлар**ни маҳаллий органлар амалиётига жорий этиш.

- Зўравонлик қурбонларига тезкор ва ҳимояланган шахсий ёрдамни таъминловчи **24/7 ишлайдиган махсус диспетчер марказларини** ташкил этиш.

5. Қонунчиликни такомиллаштириш ва индивидуал ёндашув. Аёллар содир этган жиноятларга нисбатан индивидуал ва социо-психологик ёндашув асосида жавобгарликни шакллантириш керак:

- Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлардаги **мотивация, ижтимоий мақом, иқтисодий вазият** каби омилларни ҳисобга олган ҳолда **дифференциал жавобгарлик механизмларини** қонунчиликка киритиш.

- Биринчи марта енгил ёки ўрта оғирликдаги жиноят содир этган аёллар учун альтернатив жазо чоралари (*жамоат ишлари, реабилитация дастури, шарти билан озод этиш*)ни кенгайтириш.

- Жиноят содир этган хотин-қизлар учун **социологик-психологик экспертиза** асосида судда индивидуал хулосалар тайёрлаш амалиётини мажбурий қилиш.

6. Илмий тадқиқотлар ва мониторинг тизимини жорий этиш. Давлат сиёсати илм асосида қурилмаса, узоқни кўзлаган ечимлар амалга ошмайди. Шунинг учун:

- Хотин-қизлар жиноятчилиги бўйича **илмий-амалий тадқиқот марказларини** (*провинция даражасида*) ташкил этиш ва уларнинг маълумотлари асосида қарорлар қабул қилиш.

- Республика бўйича **аёллар жиноятчилигининг статистик-аналитик ахборот базасини** шакллантириш, ҳар чоракда соҳавий таҳлилларни расмий веб-сайтлар орқали эълон қилиш.

- Хорижий илмий муассасалар ва БМТ, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда **қўшма тадқиқотлар** олиб бориш ва илғор тажрибаларни ўрганиш зарур.

Хуллас, хотин-қизлар жиноятчилигини бартараф этиш фақат жазолаш билан эмас, балки аёллар манфаатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий, психологик, таълимий ва ҳуқуқий чоралар мажмуини ҳаётга жорий этиш орқали амалга оширилади. Ҳар бир аёл тақдири — бу оила, авлод ва жамият тақдири эканлигини унутмасдан, ҳар томонлама барқарор, хавфсиз ва адолатли муҳитни яратиш бугунги куннинг устувор вазифасидир.

ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Умирзаков Бегзод Атабоевич,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Криминология кафедраси
бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент;

Болтаев Мурод Мамаражабович

мустақил тадқиқотчи

Бугунги кунда республикада оила-турмуш доирасида кузатилаётган жиноятчилик тенденцияларини криминологик тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг келажакдаги ўзгаришларини прогноз қилиш, омилларини аниқлаб уларга илмий диагноз қўйиш ҳамда ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашиш амалиётидаги мавжуд муаммоларни аниқлаб уларни манзилли ҳал этилиш орқали бу борадаги амалиётни такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини янада ошириш орқали умумий жиноятчилик тенденцияларини имкон қадар камайтиришга қаратилган билимларни яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этишда криминологик тадқиқотларнинг ўрни ва роли муҳим ҳисобланади.

Чунки, криминология жиноятчилик, жиноятчининг шахси, жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлари, жиноятларни олдини олишнинг моҳияти, хусусияти ва қонуниятлари тўғрисидаги ҳаққонийлиги амалиётда тасдиқланган билимлар тизимини шакллантиради ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб боради. Шунингдек, криминологик ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги мавжуд билимларни умумлаштиради, ягона тизимга жойлаштиради, криминологик ижтимоий ҳодисалардаги жараёнлар ва ўзгаришларнинг содир бўлиш сабаблари ҳамда мавжуд бўлиш қонуниятларини методологик тадқиқотлар орқали ушбу ҳодисаларга доир янги билимларни ишлаб чиқади.

Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда криминологиянинг ривожланиш даражаси замонавий криминология таълимотларидан ортада қолмоқда, чунки криминологиянинг ривожланиши нафақат тадқиқотчиларнинг сайиҳаракатига ёки улар амалга ошираётган тадқиқотлар кўламига боғлиқ, балки унинг илмий юксалиш даражаси фанлараро тадқиқотларда, энг аввало сотсиология, ижтимоий психология (*девиантология*) ва жиноят

ҳуқуқи каби бир қатор фан соҳаларида қўйилаётган ва ҳал этилаётган муаммоларнинг асосларини англаш, интегратсиялаш ва уларнинг доктринал ишланмалардан фойдаланган ҳолда зарурий илмий ва назарий хулосаларни шакллантиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда криминологик фаолиятни ривожлантириши ва замонавий криминология таълимотларидан ортда қолмаслигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январ куни “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сонли фармони қабул қилинди.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ўша куннинг ўзида Президентнинг “Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-22-сон қарори қабул қилиниб республикаимизда Криминология тадқиқот институти фаолияти йўлга қўйилди. Ҳамда криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини замон талаблари асосида республикаимизда ташкил этишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида “ғоядан амалиётгача” деган янги тамойил асосида илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали фанлараро билимларни қўллаш тизимини яратиш;

иккинчидан, жиноятчилик, шу жумладан латент жиноятчилик тенденцияларини тизимли равишда таҳлил ва прогноз қилиш, салбий тенденцияларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

учинчидан, жиноятнинг асл омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари тизимини белгилаш, криминологик фаолиятга сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологияларни жорий этиб бориш;

тўртинчидан, юридик, сотсиологик, психологик, педагогик, тиббий, атроф-муҳит, рақамли криминология каби замонавий тармоқларни ривожлантириш, таълим муассасаларида криминология фанини тизимли ўқитиш орқали ёшларда жиноятга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

бешинчидан, зарур ташкилий-ҳуқуқий ва тузилмавий асосларни шакллантирган ҳолда жиноятчилик омиллари ва унинг салбий тенденциялари бартараф этилганлигини илмий баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш;

олтинчидан, ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан манзилли ҳамкорликни фаоллаштириш, қўшма криминологик тадқиқотларни амалга оширишни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон криминологияси жаҳон рейтингларида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш.

Мамлакатимизда ушбу устувор йўналишларда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, криминологик тадқиқотларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида юридик фанлар бўйича илмий ва илмий педагогик кадрлар ихтисосликлари рўйхатида криминология “12.00.08. Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи”дан алоҳида “12.00.15. Криминология” ихтисослиги бўлиб 2024-йилда ажралиб чиққанлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Оила шахсларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва ахлоқий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги саналади. Оила азалдан бизнинг халқимиз учун муқаддас тушунча бўлиб келган. Зеро, ҳар биримиз оилада улғайиб камол топганмиз.

Оила тор маиший тушунча эмас. У ижтимоий жамоадир. Бинобарин, оила жамиятнинг бир бўлагидир. Ўз навбатида оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бу масалада давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев “... Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб келади. Оила мустақкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: хонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳитга, мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ”⁶¹, эканлигини бежизга таъкидламаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 63-66-моддаларни ўз ичига олган 14-боб айнан оилага бағишланган бўлиб унда “оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади (63-м.).

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради (64-м.).

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-м.).

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи (2020 йил 25 декабрь) / <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi>

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-м.)”⁶² дейилган.

“Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик” “оила”, “турмуш”, “оила-турмуш муносабатлари”, “оила-турмуш доираси” ва “ҳуқуқбузарлик” каби тушунчаларнинг бирикмасидан ташкил топган.

Изоҳли луғатларда “оила” (*бола-чақа, хонадон, уруғ, авлод*) сўзи оддийгина “эр-хотин”, уларнинг бола-чақалариваэнгяқинтуғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи “хонадон” деб таърифланади⁶³.

“Оила-турмуш муносабатлари” – эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, келин-куёв ва қайнота-қайнона, қайноға-қайнука ва қайнопа-қайнсингил, бобо-буви ва набира, ака-ука ва опа-сингил, фарзандликка олган ва фарзандликка олинган, қўни-қўшни ва шунга ўхшаш қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, аввало, никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ва бошқа ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатлардир.

“Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик” деганда, оилада унинг аъзолари ўртасида содир этиладиган низо, келишмовчилик, жанжал ва ижтимоий муаммолар оқибатида (*эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил ва бошқалар ўртасида*) юзага келадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жинойят тушунилади.

Жинойятчилик муаммоларини ечиш, аниқроғи ечишга уриниш илмий таснифга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини, илмий тасниф муайян даражада мустаҳкам методологик асосга таяниши лозимлигини [3] таъкидлашади. Бу жинойятчиликка қарши курашиш амалиётини илмий асосланган маълумотлар билан таъминлашда криминологик тадқиқотлар олиб бориш методологиясининг замонавий жиҳатларини аниқлаш ва такомиллаштириш замон талаби эканлигини кўрсатмоқда.

Бизга маълумки,

Бизларга маълумки криминологик тадқиқотлар олиб бориш методологиясининг замонавий жиҳатларини тадқиқ этишда метод ва методология атамаларининг ўрни ва аҳамиятини билиб олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Оила-турмуш доирасидаги жинойтларнинг олдини олишда криминологик тадқиқотлар жинойтчиликка қарши кураш самарадорлигини янада ошириш орқали жинойтчилик тенденцияларини имкон қадар камайтиришга қаратилган билимларни яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш энг муҳим вазифа сифатида криминология фанини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонунига асосан янги таҳрирда қабул қилинган. <https://www.lex.uz/acts/20596#38992>

⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати /80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / www.ziyouz.com / кутубхонаси. – Б. 469.

Оила-турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қуйидаги моддаларида назарда тутилган:

- ❖ 40-модда (*туҳмат*);
- ❖ 41-модда (*ҳақорат қилиш*);
- ❖ 46¹-модда (*шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш*);
- ❖ 47-модда (*болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик*);
- ❖ 52-модда (*енгил тан жароҳати етказиш*);
- ❖ 183-модда (*майда безорилик*);
- ❖ 188-модда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (*МЖтК 188-м.*);
- ❖ вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (*МЖтК 188¹-м.*)⁶⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларида кўрсатилган жиноятлар оила-турмуш доирасида содир этилиши мумкин:

- ❖ 97-модда (*қасддан одам ўлдириш*);
- ❖ 98-модда (*кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида қасддан одам ўлдириш*);
- ❖ 99-модда (*онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши*);
- ❖ 100-модда (*зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш*);
- ❖ 103-модда (*ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш*);
- ❖ 104-модда (*қасддан баданга оғир шикаст етказиш*);
- ❖ 105-модда (*қасддан баданга ўртача шикаст етказиш*);
- ❖ 109-модда (*қасддан баданга енгил шикаст етказиш*);
- ❖ 110-модда (*қийнаш*);
- ❖ 112-модда (*ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш*);
- ❖ 114-модда (*жиноий равишда ҳомила тушириш, аборт*);
- ❖ 115-модда (*аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш*);
- ❖ 118-модда (*номусга тегиш*);
- ❖ 121-модда (*аёлни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш*);
- ❖ 126-модда (*кўп хотинли бўлиш*);
- ❖ 127-модда (*вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ёки жиноятга жалб қилиш*)⁶⁵.

Криминологик тадқиқотлар – йиғиш (*маълумотларни ёки илмий ёндашувларни синтезлаш*), таърифлаш, прогноз қилиш ва аҳолини хабардор қилиш каби функциялари орқали амалга оширилади.

⁶⁴ <https://lex.uz/docs/97664>

⁶⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/acts/111453>

Жамиятда замонавий криминологик ахборотларнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий сиёсатда шахсларнинг ҳулқ-атвор шаклланиш хусусиятларининг эътиборга олувчи чуқур билимга таянувчи ғояларнинг юзакилиги билан ифодалаш мумкин.

Республиканинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатининг асосий хусусиятлари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши керак:

биринчидан, жиноят ҳолатидаги ўзгаришларга ва хавфсизлик даражаси тўғрисида жамоатчилик фикрига ўз вақтида жавоб беришга имкон берадиган мослашувчан жинойи сиёсат;

иккинчидан, жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг кенг доираси, шу жумладан озодликдан маҳрум қилишнинг алтернативалари;

учинчидан, жиноятчининг ёшига ва содир этилган жиноятининг оғирлигига қараб табақалаштирилган жазо сиёсати;

тўртинчидан, шахсни, унинг ҳаёти ва соғлиғини устувор ҳимоя қилиш;

бешинчидан, вояга этмаганлар учун махсус Одил судловнинг мавжудлиги;

олтинчидан, жиноят содир этганлик учун огоҳлантириш шаклида норасмий жавоб беришга имкон берадиган инсоний суд жараёни;

еттинчидан, “қўрқитиш” чораларини умумий ижтимоий ва махсус профилактика чоралари билан бирлаштириш.

Жиноят сиёсатининг ушбу характерли хусусиятлари жиноятчиликка қарши курашнинг миллий моделининг муҳим бўғинини ташкил қилиши мумкин.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ПРИНЦИПНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

Бердикулов Сирожиддин

ИИВ Академияси Маъмурий-ташкилий фаолияти бошлиғи, полковник,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Янги Ўзбекистон тараққиётида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, мазкур институтлар фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий нормаларнинг ишлаш механизмларини шакллантириш ва йўлга қўйиш объектив заруратга айланиб бормоқда. Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари, эрки, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади. Унда қонун ҳукмронлик қилиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари қонун асосида яратилади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев «Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартидир» [6; 48], деган фикрни билдирган эди.

Қонун устуворлиги принципи истиқлолнинг илк даврларида қабул қилинган ҳамда муваққат конституция вазифасини ўтаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланди. Кейинчалик бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз конституциявий тузумининг асосий принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Конституциямизда ўз аксини топган ушбу принципнинг мамлакатимизда тўлақонли амалга ошиши улкан аҳамият касб этади. Зеро, «жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир» [4].

Қайси мамлакатда қонунлар устуворлик касб этса, фуқаролар қонунга итоаткор муносабатда бўлса, ўша мамлакатда жамият тараққий этади, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланади. Бу борада соҳибқирон Амир Темур шундай деган эди: «Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди» [10; 88].

Авестонинг иккинчи китоби «Ясна»нинг 7-бобида айтилишича, Ахурамазда юборган қонун-қоида, тартибот, ахлоқий ўғитларга амал қилсалар, эзгулик

ёвузлик устидан ғалаба қилади [8; 9]. Ушбу муқаддас китоб ўғитлари қадимдан халқимиз томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига қатъий амал қилишларда дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, адолат қарор топиши учун қонунга мурожаат қилинади. Қонун орқали жамиятда юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликлар, адолатсизликлар барҳам топади. Қонунларга итоат этилиши натижасида турли жиноятчиликларнинг олдини олинади, қонунларни четлаб ўтиш ёки бузиш каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмайди. Бу эса жамиятда қонунга итоаткорликнинг объектив зарурати ҳисобланади.

Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳақиқий, одилона татбиқ этилишидадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ички ишлар органлари ходимлари ўз ваколатларига масъулият билан ёндашса, Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблашса, қонунларни турмушда адолатли қўлласалар жамият равнақ топади. Қонун халқнинг иродаси билан қабул қилинган ҳужжат бўлиб, ҳатто давлат бошлиғи ҳам ундан юқори тура олмайди [9; 177]. Қонун устувор бўлган мамлакатда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги таъминланади. Бундан нафақат давлат ва жамият, балки мана шу мамлакатда истиқомат қилаётган халқ ҳам катта наф кўради.

Адолатли жамият қонун устуворлиги асосида қурилади. Бу ҳақдаги фикрларни мутафаккир, давлат арбоби Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» (XI аср) асарида ҳам учратиш мумкин. Унинг таълимотида адолат, инсоф, ахлоқ ва қонун ижтимоий-сиёсий категориялар сифатида талқин қилинади. Унинг фикрича: а) давлат тизимига раҳбарларни жиддий текширувлардан ўтказиб, уларнинг шахсий ва ахлоқий хислатларини ўрганиш асосида танлаш лозим; б) раҳбарлар қонунга итоаткор бўлишлари ва уларнинг ижросини таъминлашда ахлоққа суянишлари лозим; в) қарорлар қабул қилишда, қонунчиликни яратишда кўпчиликнинг фикрига, хоҳиш ва иродасига суяниш керак. Мутафаккир бу борадаги фикрларини давом эттириб яна шундай дейди: «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак. Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди» [7; 98].

Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида қуйидагиларни ўқиймиз: «Давлатнинг одат-уқонунига мувофиқ иш юргиздилар, зулмқўлини калта қилиб, адолат паноҳида мазлумларга жой бердилар, токи тўғрилиқ меваларини ростлик дарахтидан терсинлар» [12; 106]. Ушбу фикрнинг асосида қонун устуворлиги масаласи эътироф этилган. Қонунларга итоат

этиш, риоя қилиш уларнинг ижро этилишини таъминлайди. Қонун оддий фуқародан то мансабдор шахсгача кўзда тутилган ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда адолатни таъминлаб беради.

Жадидлар ҳам қонун устуворлиги масаласида ўз таълимотларига эга бўлишган. Улар фуқароларнинг ҳам қонун олдида, ҳам ҳукумат олдида тенг бўлиши тарафдори бўлганлар. Улар «қонунлар ва ҳукумат фуқароларни уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан, моддий ва конфессиал мансублигидан қатъи назар, манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бир хил ҳимоя қилишлари лозим» [11; 135-136], деган фикрни билдирадилар.

Адолат тантана қилган жойда ўсиш, ривожланиш, тараққиётга эришилади. Аксинча, адолатсизлик авж олган пайтда жамиятни парокандалик, турғунлик қамраб олади, ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур етади. Шу сабабли ҳам адолатсизлик жамиятнинг энг жирканч иллоти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида «Халқ очликка, ночорликка – ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин билиб қўйинглар, адолатсизликка чидамайди!» [3; 431], дея айнан адолатсизликни қаттиқ қоралаган.

Қонун устуворлиги деганда, оддий фуқародан мансабдор шахсгача қабул қилинган қонунларни ҳурмат қилиши, уларга амал қилиши, уларнинг ижросини таъминлаши тушунилади. Айниқса, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатга хос бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлашга хизмат қилади.

Қонун билан яшашни давлат фуқароларининг, миллат вакилларининг дунёқарашига айлантиришга эришиш миллий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим» [4]. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида ҳам бу масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ички ишлар органларининг ўрни алоҳида. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади» [5].

Жамиятда қонунларнинг бажарилиши барча учун мажбурийлиги муҳимдир. Бунда қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонуннинг роли ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан қонунга

асосланмаган қарорлар чиқаришига қарши унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ [1; 270]. Зеро, жамоатчилик назоратининг асосий вазифаси ҳам қонуннинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, жамоатчилик назоратини олиб борувчи субъектлар ижроия ҳокимият фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар. Бу, ўз навбатида, ижроия ҳокимият вакили сифатида ички ишлар органларини ҳам четлаб ўтмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сон фармонида “ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш” [13] вазифаси қўйилган. Демак, бу ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти доимий назоратда эканлигини англатади.

Ички ишлар органлари ходимлари олдида турган энг муҳим масалалардан бири давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда инсон олий ижтимоий қадрият эканлиги принципига амал қилишдир. Мамлакатимиздаги барча ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур принципга асосланиб фаолият олиб бориши муҳим. Ҳозирда барча давлат ва жамоат органларининг фаолияти ҳам ана шу принципни имкон қадар тўлиқ ва кенг кўламда амалга оширишга қаратилгандир.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда «инсон манфаатлари – олий қадрият» ғояси амалда ўз ифодасини топмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам роли катта. Ходимлар инсон манфаатларини ҳимоя қилишга масъулдирлар ва шунга кўра фаолият олиб боришлари зарур.

Қонунларга итоат қилишда унинг ижросини таъминлаш учун масъул бўлган кишилар ҳар доим оддий фуқароларга намуна, ўрнак бўлиши лозим. Шу маънода, қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлар кўпроқ етакчилик қилишлари талаб этилади. Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқости қилиниши, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилиги ва ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши

ёки риоя этилмаслиги «фуқаро – давлат» муносабатларининг бутун бир тизимидаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Шу ўринда ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Зеро, ислоҳотларни амалга оширишда, жойларда адолат қоидаларини ўрнатишда уларнинг ўрни катта. Айрим ҳолларда улар томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, афсуски, содир этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: «Қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман» [5], – деган эди. Бу эса, ўз навбатида, соҳада хизмат қилаётган раҳбар ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу борада 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

«Қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак» [2; 285]. Бунинг учун ички ишлар органлари оддий ходимдан раҳбарига қадар, аввало, уларнинг ўзлари томонидан қонунларни «айланиб ўтиш», бузиш ҳаракатларига чек қўйилиши шарт. Чунки ходимлар томонидан қонунларнинг бузилишига қаратилган кичик хатти-ҳаракат ҳам нафақат умумий тараққиётга зарар етказди, балки фуқароларнинг уларга нисбатан ишончи барбод бўлишига ҳам олиб келади.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг тез суръатлар билан кечаётгани, жаҳон афкор оммасини ташвишлантираётган глобал муаммоларнинг тобора салбий тус олаётгани республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни янада модернизациялаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни объектив заруратга айлантирмоқда. Ушбу заруратни амалга ошириш мақсадида 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармони қабул қилинди. Фармонда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар билан боғлиқ амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Фармон иловасининг “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” деб номланган 4-бўлимида акс этган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш [14] шулар жумласидандир.

Шунга асосан ички ишлар органлари фаолиятида ҳам қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонун устуворлиги принципларининг амал қилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ички ишлар органлари қонун посбонларидир. Уларнинг қонунларга амал қилиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши, жиноятчиликка қарши курашиши биринчи навбатдаги вазифалардандир.

Умуман олганда, Янги Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг ўрни беқиёс. Ҳаёт уларга қўйиладиган талабларни, яъни қонунга итоаткорликни узлуксиз ошириб бормоқда. Бу талаблар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тобора кўпаймоқда. Чунки ички ишлар органлари олдида турган вазифалар кундан-кунга мураккаблашиб, кўп қиррали ва масъулиятли бўлиб бормоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан турли ҳаётий вазиятларга дуч келадилар, ҳар хил одамлар – боғча боласидан тортиб ашаддий жиноятчигача бўлган шахслар билан мулоқотга киришадилар. Бу эса улардан юксак даражадаги маданият, кенг дунёқараш ва зарур билимларга эга бўлиш ҳамда хушмуомалаликни талаб этади. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиб, ахлоқан бенуқсонлиги ва шахсий камтарлиги билан ажралиб туришлари керак. Уларнинг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талаблар мажмуи фаолиятдаги мазкур хусусиятлар билан боғлиқ. Шунингдек, бугун ички ишлар органлари ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишлари муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Доктрины правового государства и верховенства права в современном мире. – М., 2013. – С. 270.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент, 1996. – Б. 285.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент, 2011. – Б. 431.
4. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlider.uz/uzc/news/>
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL — <http://uza.uz/oz/politics/-07-12-2016>
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 48.

7. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент, 1997. – Б.98.
8. Нурматова М. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари. – Тошкент, 2008. – Б. 9.
9. Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М., 1969. – С. 177.
10. Темур тузуклари /Таҳрир ҳайъати: Б. Абдухалимов ва бошқ. – Тошкент, 2012. – Б. 88.
11. Шарипов Р.Ҳ., Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 2004. – Б. 135-136.
12. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом (Шарофномаи шоҳий). Иккинчи китоб. – Тошкент, 2000. – Б. 106.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармони // URL – <https://lex.uz/docs/6600413>

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ТАСНИФИ: ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Атаназаров Хуршид Наджимович

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси бошлиғи

Оилавий (маиший) зўравонлик глобал ва миллий миқёсдаги долзарб масала бўлиб, жиддий эътибор талаб қиладиган ҳуқуқбузарликларнинг бир тури ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қилади. Аёллар ўлимнинг 38 фоизи уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина муаммо ҳақида очиқ сўзлайди. [1]

Ўзбекистонда эса 2023 йилда оилавий зўравонлик билан боғлиқ 40.055 та ҳолат аниқланган бўлиб, 2024 йилда бу кўрсаткич 54.757 тага ортган. Таҳлилларга кўра, зўравонлик шакллари орасида руҳий зўравонлик (30.920 та) энг кўп қайд этилган. [2]

Бу муаммо нафақат инсон ҳуқуқларининг бузилиши, балки жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Шу билан бирга, оиладаги зўравонлик болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади, келажакда уларнинг ўзи зўравон ёки унинг қурбони бўлиш эҳтимолини оширади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда” [3] деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда қисқа фурсат ичида оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, бу борада қонунчиликни мустаҳкамлаш, зўравон шахсларга нисбатан жавобгарликни таъминлаш ва уни кучайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Кўплаб қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, халқаро ташкилотлар билан бирга кўплаб конференция ва тадбирлар, тарғибот кампаниялари ташкил этилди.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар натижалари зўравонликка қарши қонунларнинг ижросини кучайтириш, суд ва ҳуқуқ-тартибот органларининг малакасини ошириш, оилавий зўравонликнинг зарарли оқибатлари ҳақидаги тарғибот кампанияларини кенгайтириш, психологик ва юридик ёрдам хизматларини ривожлантириш, аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва энг асосийси, ушбу масалага оид илмий-тадқиқот ишларини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Айрим олимлар жисмоний зўравонлик, руҳий зўравонлик, жинсий зўравонлик, иқтисодий зўравонликларни оилавий (маиший) зўравонликларнинг шакллари сифатида эътироф этади. Оилавий (маиший) зўравонликларнинг ушбу шакллари бошқа илмий манбаларда [4] турлари [5] сифатида ҳам илгарди сурилади. [6] Қонун ва қонуности ҳужжатларда кўпинча бу атамалар синоним сифатида ишлатилади, лекин, “шакл” тушунчаси кўпроқ зўравонлик ифодаланадиган усулларни (*қандай амалга оширилади*), “тур” эса мазмундаги фарқларни (*мазмунига қараб тасниф*) англатади.

Социологик ва криминологик тадқиқотларда (масалан, М.А. Бучакова, Е.В. Кошелев, Л.М. Алтйнбаева, А.А. Гайдуков каби муаллифлар) [7], БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитасининг (CEDAW) аёлларга нисбатан зўравонликлар бўйича 19-тавсиясида [8] ҳамда Европа Кенгашининг (*Истанбул Конвенцияси, 2021-й.*) “Аёлларга нисбатан зўравонлик ва оилавий зўравонликка қарши курашиш” тўғрисидаги Конвенциясида [9] ҳам айнан “*shapes/forms of violence*” деб, яъни зўравонлик шакллари сифатида таснифланган.

Шу сабабли, жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий зўравонликлар – оилавий зўравонликнинг шакллари ҳисобланади. Уларни “турлари” деб ҳам аташ мумкин, аммо расмий ва илмий адабиётларда “шакллари” деган атама бизнингча афзалроқ ва тўғрироқ ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик шакллари сифатида “*оилавий (маиший) жисмоний зўравонлик*”, “*оилавий (маиший) руҳий зўравонлик*”, “*оиладаги жинсий зўравонлик*” “*оилавий (маиший) иқтисодий зўравонлик*”, “*шаҳвоний шилқимлик*”, “*ҳақоратомуз шилқимлик*”, “*таъқиб этиш*”, “*ғамхўрлик кўрсатмаслик*”, “*болаларни эксплуатация қилиш*”, “*таъқиб этиш (буллинг)*” каби тушунчаларга ҳуқуқий изоҳлар берилган.

Болаларга нисбатан зўравонлик ва унинг шакллари алоҳида қайд этилганлигини инобатга олиб, оилавий (*маиший*) зўравонлик шакллари қуйидаги 2 та гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) хотин-қизларга нисбатан зўравонлик шакллари;
- 2) болаларга нисбатан зўравонлик шакллари.

Аёллар ва болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонликлар ва уларнинг шакллари ўзаро фарқланади. Масалан, аёлларга нисбатан *жисмоний зўравонлик* кўпинча турмуш ўртоғи (*собик*) томонидан асосан калтаклаш ва уриш шаклида, болаларга нисбатан эса ота-оналар ёки васийлар томонидан тан жароҳати етказиш, жазолаш шаклида намоён бўлади. *Руҳий зўравонлик* эса аёлларга нисбатан кўпинча уларнинг кадр-қимматини камситиш, репродуктив ҳуқуқларини чеклаш, таҳдид қилиш шаклида, болаларга нисбатан эса ҳақорат қилиш, буллинг, ажратиш қўйиш, ғамхўрлик қилмаслик шаклида намоён бўлади.

Жинсий зўравонлик аёлларга нисбатан кўпинча розилигисиз жинсий алоқа қилиш, шаҳвоний шилқимлик қилиш шаклида, болаларга нисбатан эса жинсий эксплуатация, уятсиз ҳаракатлар, фоҳишалikka жалб қилиш шаклида намоён бўлади. *Иқтисодий зўравонлик* аёлларга нисбатан кўпинча пулларини назорат қилиш, ишлашига тўсқинлик қилиш ёки бунга мажбурлаш шаклида, болаларга нисбатан эса асосий эҳтиёжларини қондирмаслик, меҳнатга мажбурлаш шаклида намоён бўлади.

Таъқиб этиш аёлларга нисбатан кўпинча онлайн кузатиш, рашк қилиш, шахсий чегараларини бузиш шаклида, болаларга нисбатан эса интернетда таъқиб қилиш, кибербуллинг, ижтимоий чекловлар шаклида намоён бўлади. Аёллар ва болаларга нисбатан оилавий зўравонликнинг шакллари – жисмоний, жинсий, иқтисодий, руҳий, таъқиб қилиш, шаҳвоний ва ҳақоратомуз шилқимлик, эксплуатация ва ғамхўрлик кўрсатмаслик – турли кўринишларда содир бўлади ва уларнинг барчаси қурбонларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигига жиддий зарар етказади. Мавжуд бу усуллар айрим маданий унсурлар, иқтисодий муаммолар ва қонунчиликдаги бўшлиқлар туфайли мураккаблашади.

Қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оилавий (маиший) зўравонликка берилган тушунчалар ва уларнинг мазмунига, ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган зўравонлик шакллари, илмий ва ҳуқуқий манбалар таҳлиллари асосида зўравонлик шакллари куйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Жисмоний таъсир кўрсатиш ва зарар етказиш*: шахсга нисбатан қасддан жисмоний куч ишлатиш, унинг соғлиғига шикаст етказиш ёки ҳаётига хавф туғдириш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- шапалоқлаб ёки муштлаб уриш, чимчилаш;
- узоқ вақт тик туришга мажбур қилиш, қўлига оғир нарсаларни кўтаргизиб қўйиш, оёғи билан тепиш ёки бошқача тарзда танага зарб бериш;
- турткилаш ёки бошқача тарзда ушлаб туриш;
- ашёлар билан уриш (*масалан, таёқ, идиш*) ёки унга қарата отиш;

- ☑ итариб юбориш, туртиш, бўғиш, қисиш;
- ☑ пичоқ, темир ёки қурол билан қўрқитиш;
- ☑ сигарет ёки иссиқ нарса билан куйдириш
- ☑ иссиқ ёки совуқ сув билан жисмоний азоблаш;
- ☑ боғлаб қўйиш, боғлаб судраш, сочидан тортиб судраш;
- ☑ хавф остида қолдириш, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган хотин-қизлар ва болаларга ёрдам кўрсатмаслик ва бошқ.

Ўзбекистонда жисмоний зўравонлик кўпинча оилавий низолар натижасида содир бўлади. Тадқиқотларга кўра, аёллар ва болалар жисмоний зўравонликнинг асосий қурбонлари бўлиб, бу кўпинча “оилавий тарбия” ёки “обруни сақлаш” билан оқланади. [10]

2. *Руҳий (психологик) таъсир ўтказиш ва мажбурлаш:* шахснинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш, уни қўрқув, стресс ёки ўзига нисбатан ишончсизлик ҳиссини кучайтиришга, ихтиёрига зид хатти-ҳаракатларни қилишга мажбурлаш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- ☑ бақриш, ҳақорат қилиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш;
- ☑ таҳдид қилиш, таҳқирлаш, айбдорлик ҳиссини оширишга уриниш;
- ☑ дўстлар ва қариндошлар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик ёки уларни чеклаш;
- ☑ ҳаракатларини доимо кузатиш, пулини назорат қилиш;
- ☑ жисмоний зарар етказиш ёки болаларни олиб кетиш билан қўрқитиш;
- ☑ шахсий буюмларини бузиш ёки шикаст етказиш;
- ☑ пул, озиқ-овқат ёки шифокор хизматидан маҳрум қилиш;
- ☑ доимий танқид қилиш ва камситиш, хатларини ўқиш, телефонини текшириш, хонага қамаб қўйиш, ухлаганга йўл қўймаслик;
- ☑ болани бошқалар билан танқидий солиштириш;
- ☑ хавфли ҳайвон ёки транспорт воситаси билан қўрқитиш;
- ☑ зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотишга қаратилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик қилиш;
- ☑ ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик;
- ☑ руҳий ҳолатига зарар етказадиган бошқа ҳаракатлар (*ҳаракатсизлик*) ни қилиш.

Руҳий зўравонлик Ўзбекистонда кенг тарқалган, лекин кўпинча оиладаги “нормал” муносабат сифатида қабул қилинади. Аёлларда депрессия ва стресс, болаларда эса хавотир ва ўзига ишончсизлик каби оқибатлар кузатилади. [11]

3. *Жинсий таъсир этиш ва тажовуз қилиш*: шахсинг жинсий эркинлигига тажовуз қилиш, унга нисбатан шахвоний хатти-ҳаракатлар содир этиш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

жинсий алоқага мажбурлаш (номусга тегиш), шахвоний шилқимлик қилиш;

жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш;

вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатлар ижрочиси сифатида жалб этиш, жинсий тажовуз қилиш;

вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахона ташкил этиш, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш;

алдаш ёки ишончни суиистеъмор қилиш орқали ёхуд боланинг ожизлигидан фойдаланиб шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш;

хоҳишига зид равишда жинсий аъзоларига тегиниш (*болаларга нисбатан*);

учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жинсий мазмундаги фильмлар намойиш қилиб бериш ёки уларда иштирок эттириш (*болаларга нисбатан*);

жинсий мазмундаги суҳбатлар қуриш (*болаларга нисбатан*).

Жинсий зўравонлик Ўзбекистонда айрим объектив омиллар туфайли кам ёритилади. Бироқ, кибер зўравонлик (*интим суратлар тарқатиш*) сўнгги йилларда муаммо сифатида кўтарилмоқда. [12] Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик кўпинча оила ичида яширин бўлиб, “маҳалла еттилиги” тизими орқали аниқланиши мумкин. [13]

4. *Иқтисодий таъсир этиш ва чеклов*: шахсинг молиявий мустақиллигини чеклаш, уни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиш ёки унинг моддий қимматликларидан мажбуран фойдаланиш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

пулини олиб қўйиш ёки пул бермаслик, харажатларни тақиқлаш;

молиявий қарор қабул қилишини чеклаш, ўқишга тўсқинлик қилиш;

ишлашга рухсат бермаслик ёки тўсқинлик қилиш;

мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш ёки бузиш;

оила мулкани (*уй, ер*) рухсатсиз сотиш, буюмларини сотишни тақиқлаш;

нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга оид ҳар қандай ҳуқуқларини чеклаш ёки тўсқинлик қилиш.

Иқтисодий зўравонлик Ўзбекистонда аёлларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигини чеклаш ва уларни иқтисодий қарам қилиш орқали кўп кузатилади. Патриархал тузум ва иқтисодий етишмовчилик бу муаммони кучайтиради. [14]

5. *Таъқиб қилиш*: жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилиқ кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай доимий кузатиш, жабрланувчида нормал ҳаёт кечириши ва ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган тарздаги бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиш шаклида намоён бўлади.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- тинимсиз телефон орқали қўнғироқ қилиш;
- тинимсиз ижтимоий тармоқларда хабар юбориш, изоҳ қолдириш;
- иш жойига ёки уйига рухсатсиз бориш, ажримдан кейин таъқиб қилиш;
- кўчада ёки жамоат жойларида кузатиш туриш;
- дўстлари ёки оила аъзолари орқали босим ўтказиш;
- хатлар юбориш, исталмаган совғалар юбориш;
- лақаб қўйиш ва ушбу лақаб билан чақириш;
- ҳар қандай мулоқотни чеклаб қўйиш (бойкот қилиш);
- мол-мулкни олиб қўйиш ва (ёки) мол-мулкимга зарар етказиш;
- ўзига хос жисмоний, психологик ёки интеллектуал хусусиятларини оммавий муҳокама қилиш;
- муттасил руҳий ва (ёки) жисмоний тажовузкор таъсир кўрсатиш.

Таъқиб этиш Ўзбекистонда кўпинча кибер зўравонлик шаклида (*ижтимоий тармоқлар орқали таҳдид*) кўринади. Бу муаммо аёлларнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, лекин қонунчиликда аниқ таърифланмаган. [15]

6. *Шаҳвоний ва ҳақоратомуз шилқимлик*: шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, унга нисбатан ахлоққа зид бўлган хатти-ҳаракатлар ёки муомала қилиш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- шаҳвоний тусдаги имо-ишоралар қилиш, тусдаги ҳар қандай тегиниш, ушлаш, масхара қилиш, суратга олиш.
- шахснинг обрў-эътибори, иззат-шаънини ҳақоратлаш, камситиш ҳамда уларнинг тинчлигини бузишга қаратилган ҳақоратомуз тегажовлик қилиш, ҳақоратли сўзларни айтиш, камситиш;
- инсон қадр-қимматини ҳақоратловчи суҳбатга зўрлаб тортиш;
- шилқимлик қилиш ва шу мақсадда қўлини силтаб тортиш ёки куч билан қўлидан ушлаш, бош кийимини юлқиб олиш, сигарет тутунини унинг юзига пуфлаш.

7. *Ғамхўрлик кўрсатмаслик*: шахснинг асосий эҳтиёжларини (жисмоний, руҳий, ижтимоий) қасддан қондирмаслик, унга керакли ёрдамларни бермаслик ва қўллаб-қувватламаслик. Боланинг тўлақонли ривожланиши, унинг жисмоний ва руҳий саломатлиги учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланиши, хавфсизлик, таълим олиш, катта ёшдагиларнинг ғамхўрлиги, ижтимоий алоқалар ўрнатиш, ҳаётий кўникмалари ривожланиши ва ўз имкониятларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратилишини қамраб оладиган ҳаётий муҳим эҳтиёжлар мажмуи боланинг асосий эҳтиёжлари деб эътироф этилади.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- озиқ-овқат бермаслик, кийим-кечак билан таъминламаслик;
- уй-жой шароитларини яратмаслик, мактабга юбормаслик;
- шифокор хизматидан маҳрум қилиш (*эмлаш, даволаш*);
- ҳиссий эътиборсизлик, муаммоларини тингламаслик;
- хавфли жойда ёки назоратсиз қолдириш, суҳбатдан четлатиш;
- тиббий ёрдам олишига тўсқинлик қилиш ёки чеклаш (*айниқса, ҳомиладорликда*);
- етарли шароитга эга бўлмаган ёки совуқ уйда яшашга мажбурлаш;
- Ўзбекистонда ғамхўрлик кўрсатмаслик кўпинча иқтисодий муаммолар (*камбағаллик*) ва ота-оналарнинг билимсизлиги билан боғлиқ. Болаларда таълим ва соғлиқ муаммолари, аёлларда эса ижтимоий чекловлар кўп кузатилади. [16]

8. *Эксплуатация қилиш*: шахснинг меҳнати, ресурслари ёки имкониятларидан уларнинг ихтиёрига зид равишда фойдаланиш, уларни моддий манфаат ёки бошқа ғаразли мақсадларда мажбурий меҳнатга жалб қилиш ёки ишлатиш.

Амалда қўллаш усуллари ва воситалари:

- уй ишларида ортиқча меҳнатга мажбур қилиш;
- ҳар қандай шаклдаги меҳнатга мажбурлаш орқали ундан фойдаланиш;
- тиланчилик йўли билан пул топишга мажбур қилиш;
- фоҳишалик ёки шу каби фильмларда иштирок этишга мажбур қилиш;
- эрта никоҳ қуриш ёки эр-хотин бўлиб яшашга мажбур қилиш;
- муайян диний таълимга мажбур қилиш.

Ўзбекистонда эксплуатация кўпинча иқтисодий етишмовчилик ва таълимдаги муаммолар билан боғлиқ. Аёллар ва болалар одатда оиладаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун эксплуатация қилиниши мумкин. [17] Аслида бу каби зўравонлик шаклларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида яна давом эттириш мумкин.

Фуқаролардаги “уят” ҳисси, “оиланинг обрўси” ва “оилавий сир” деган тушунчалар зўравонлик ҳақида хабар беришга тўсқинлик қилади. [18]

Оқибатда аёллар ва болалар кўпинча зўравонликка чидашга ва бунга кўникишга мажбур бўлади, чунки бу менталитетда “оилани сақлаб қолиш” деб қаралади. Шу билан бирга, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий эркинлигини чеклаш, уларни эркакларга тобе қилиш зўравонликнинг кўплаб шакллари (*иқтисодий, руҳий, таъқиб*) кучайтиради. [19]

Ўйлаймизки, ушбу тасниф оилавий (*маиший*) зўравонликнинг турли шакллари аниқ ва тизимли равишда аниқлаш, тушуниш ва уларга қарши курашишга, зўравонлик шакллари хусусиятларини билиш орқали уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов О.Т., Хатамов Ф.Ф., Боймирзаев С.Т. ва бошқ. Дасрлик. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти. Т. 2023-й.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳисоботи.

3. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 16 июнь. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

4. Шомуротова Н.Н. Оилавий зўравонликнинг ижтимоий психологик хатарлари. 224-227-бетлар. <https://api.moiti.uz/media/book/>. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

5. Зўравонлик турлари. <https://gendermadad.uz/uz/document/2469>.
Зўравонлик турлари. <https://nemolchi.uz/uz/z-ravonlik-turlari/>. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

6. Муродов А.Ш. Диссертация. “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг кримнологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш” 21-бет.

7. Бучакова М.А., Кошелев Е.В., Алтйнбаева Л.М., Гайдуков А.А. Domestic violence: legal aspect of the problem. <https://www.shsconferences.org/articles>. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

8. CEDAW General Recommendation No. 19: Violence against Women. <https://www.globalhealthrights.org/instrument/cedaw-general-recommendation-no-19-violence-against-women/> (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

9. Action against violence against women and domestic violence Istanbul Convention. <https://www.coe.int/en/web/istanbul-convention/>. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

10. Рустамова Н.Р. Оилавий зўравонликнинг аёллар ва болаларга таъсири: Ўзбекистондаги ижтимоий-психологик оқибатлар. Journal of Social and Psechological Research, 4(1), 56–63. Zieonet.uz. (*Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил*).

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАРНИ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Расулова Азиза Мирбахрамовна

ЎМПУ “Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим” кафедраси в.в.б доценти

Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Ш.М. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги мингйиллик арафасида биполяр тизимнинг емирилиши, жаҳоннинг деярли ярмига ҳукмронлик қилиб келган социалистик лагернинг инқирозга юз тутиши натижасида шўролар салтанати ўрнида бир қанча мустақил давлатлар вужудга келди. Бу давлатлар бозор иқтисодиётига асосланган, демократик жамият қуриш йўлидан боришди, жамият ҳаётининг қатор соҳалари турли догмалардан, чеклашлардан ҳоли этилди. Халқимизнинг минг йиллик тарихи, миллий-маънавий қадриятлари, йиллар давомида тақиқлаб келинган дин булоқлари кўзининг қайтадан очилишига имкон яратилди. Лекин шу туфайли инсоният ҳаёти хавфсиз, барқарор, собитқадам бўлиб қолмади. Бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиши; миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши; этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги; қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги; ўз тартиб-қоидаларини халқаро демократик қадрият сифатида бошқа халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига турли йўллар билан тиқиштиришга интилиш; дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган

мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб қолаётганидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келган, шундай бўлиб қолмоқда.

XX аср охири ХХI аср бошларида кўзга ташлана бошлаган диний мутаассиблик, экстремизм, терроризм, миссионерлик, оммавий маданият каби таҳдидлар давлат ва жамият хавфсизлиги, фуқаролар тинчлигига жиддий хатар сифатида намоён бўлмоқда. Бундай таҳдидларнинг асл илдизи қаерда, уларнинг асл нияти нима, унга қарши қандай курашиш лозим каби саволларга аниқ илмий жавоб бериш, ёшларга диний экстремизм, терроризм ва миссионерликнинг асл мазмун-моҳияти, уларнинг ғаразли мақсадларини тушунтириш, уларда бу каби ёт қарашларга нисбатан ғоявий иммунитетни шакллантириш бугунги кундаги долзарб масала сифатида тан олинган. "... ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилиқ, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда”¹.

Қисқача ҳолатда юқорида тилга олинган таҳдидлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у ҳолда экстремизм (лотинча – “ақл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиш”) – жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар ва ҳаракатлар. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади⁶⁶.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидапарастларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт⁶⁷.

Ақидапарастлик (арабча – “ишонч”, “бирор нарсани иккинчисига боғлаш”) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади. У ёки бу ҳодиса, қоида ёки тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

Мутаассиблик (“фанатизм”, – французча – “убодат”) муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, “ўзгалар” ва

⁶⁶ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ,2017. 473-б.

⁶⁷ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари. Муаллифлар гуруҳи. Тошкент ислом университети нашриёти. 2008. –Б. 82.

“Ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликдан намоён бўлади.

Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар.

“Мутаассиблик”⁶⁸ (араб, “зулув кетиш”, “чуқур кетиш”) муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ҳамда ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этиши, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб ҳисоблаб, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган “раҳномалар”нинг асл мақсади моҳиятан ғайриинсоний характерга эга. Мутаассибликнинг жирканч башараси дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган қўпоровчилик ва хунрезлик воқеаларида яққол намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, динни нотўғри талқин қилиш билан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпоровчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўрин қайд этиш жоизки, кўп манбаларда ишлатилган “ақидапарастлик” сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб “мутаассиблик” сўзи билан алмаштирилган ҳолда истифода этилмоқда.

“Террор”⁶⁹ (лотинча – “қўрқитиш”, “ваҳимага солиш”) – аҳолининг кенг қатламларида даҳшат ва қўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир.

⁶⁸ Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. –Тошкент: 2000. –Б. 12.

⁶⁹ Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. –Тошкент: 1999. –Б. 18.

Шундай қилиб, “террор” душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилишни англатади. “Терроризм” эса террор амалиётидир. Бу икки тушунчани шу тарзда чегаралаш мақбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиққан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бизгача асрлар қўйнидан келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “терроризм”га қўйидагича таъриф берилган: “Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ва юридик шахсни бирон бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият⁷⁰”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида қўйидагича таъриф берилган: “Терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (*шикастлантирилиши*) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ва юридик шахсни бирон бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур этишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлари; террорчи-террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс, террорчилик гуруҳи – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган

⁷⁰ Ҳасанов А., Юсупов О., Шермухамедов К., Ғафуров У., Каримов Ж. Диний мутаассиблик: моҳият масалалар ва олдини олиш йўллари. –Тошкент: 2013 ЎЗМУ. –Б. 48. Яна қаранг: [ҳтп://религионс.узмақола.мгр](http://религионс.узмақола.мгр)

шахслар гуруҳи: террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви”.

Юқорида келтирилган таърифларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсади ёки амалий натижаларига эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, терроризмнинг можароларни келтириб чиқарувчи ҳодиса сифатидаги салоҳияти, бутун-бутун минтақалар йўналиши турлича бўлган террорчи ташкилотлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатган жойларга айланиб қолди. Бунинг натижасида, террорчилик ҳаракатининг кўламгина эмас, балки методлари ҳам ўзгаради. Унинг энг даҳшатли кўринишларидан бири – ўзини аввалдан ўлимга тайёрлаган террорчи-камикадзелар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни келтириш мумкин.

Яна бир таҳдидлардан бири миссионерлик ва прозелитизмдир. Аслини олганда, миссионерлик ва прозелитизм дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган ҳамда мутаассибликка асосланган ҳодисалар ҳисобланади.

Миссионерлик⁷¹ сўзи латин тилидаги «миссио» феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни билдиради. Бугунги кунда Христиан миссионерлари дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини ташкил этади.

Миссионерликнинг узвий қисми бўлган прозелитизм – тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади.

Ҳозирда миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланаётган ташкилотлар сифатида “Еттинчи кун Адвентитслари” ва “Иегово шоҳидлари” миссионерлик ташкилотларини эътироф этиш мумкин. Бугунги кунда “Еттинчи кун Адвентистлари”нинг дунё бўйича 5000 дан ортиқ ўқув марказлари мавжуд. “Иегово шоҳидлари” тарафдорларининг дунё бўйича сони эса қарийб 7,6 миллионни ташкил этади.

Замонавий халқаро миссиялар бугунги кунда ўз фаолиятини:

☑ янги халқаро миссиянинг мақсад ва вазифаларини эълон қилиб, кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш;

☑ халқаро миссия таркибида маълум мамлакатга юбориладиган кўнгилли номзодларни аниқлаш;

⁷¹ Наджмитдинов Ж. Миссионерлик кеча ва бугун. –Тошкент: 2008. ТИУ нашриёти. –Б. 32; Очилдиев А., Наджмитдинов Ж. Миссионерлик: моҳият, масалалар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). –Т.: ТИУ нашриёти. 2009. –Б. 44-45.

☑ кўнгилли номзодлар орасида бўлажак халқаро миссионерларни танлаб олиш;

☑ танлаб олинган бўлажак миссионерларни махсус мактабларда ўзлари юбориладиган мамлакат аҳолиси, уларнинг тили, урф-одатлари, фаолият олиб боришнинг самарали воситалари ва усуллари бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш;

☑ тайёр бўлган миссионерни тегишли молиявий манбалар ва махсус режалар билан таъминлаган ҳолда белгиланган мамлакатга жўнатишдек беш босқичда амалга ошираётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қайд этилган хусусиятлар ҳам замонавий халқаро миссиялар ўз фаолиятини тизимли ва тадрижий ташкил этаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерлик фаолиятида қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилмоқда:

☑ нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида сохта инсонпарвар ёрдам кўрсатиш баҳонасида ўз таъсир доирасини кенгайтириш;

☑ хайрия ёрдами кўрсатиш, биринчи навбатда, моддий ёрдам, доридармон, бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш;

☑ маҳаллий тилда миссионерлик газета-журналларини нашр этиш ва туб аҳоли ичида тарқатиш;

☑ турли мавзуларда кўргазмалар, шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиш ва ғолибларга махсус буклетлар тарқатиш;

☑ тиббий, таълим-тарбия соҳаларига махсус миссионер мутахассисларни юбориш ва ҳ.к.

Миссионерликда ёшларга алоҳида эътибор берилишининг асосий сабаблари – ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инobatга олинмоқда. Миссионерликнинг таниқли назариётчиси П.Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг “Дунё операцияси” китобида, жумладан, шундай ёзади: “Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”. Ушбу фикрлар миссионерларнинг жамият эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини англаш имкониятини беради⁷².

⁷² Ёшлар ўртасида диний экстремистик ғоялар, миссионерлик ва прозелитизм тарқалишининг олдини олиш. Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита. –Тошкент: 2013. –Б. 6-10.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда инсонларни бундай зарарли, таъбир жоиз бўлса, манфур офатлардан, хавф-хатарлардан асраб-авайлаш барчани янада ҳушёрликка, эҳтиёткорликка, ҳар жиҳатдан ақл-идрок билан иш тутишга ундайди. Бизнинг наздимизда ҳозирдан янги тизимнинг моҳиятини очиб берувчи бир қатор масалалар устида бош қотиришга тўғри келади. Бу вазифаларнинг ечими бўлғуси педагог кадрлар олдига улкан вазифаларни қўяди. Мустақиллик мамлакатимиз маънавий тараққиётида янги босқични бошлаб берди: динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди; том маънодаги виждон эркинлиги таъмин этилди; диний бағрикенглик ҳаётий тамойилга айланди; миллий-диний қадриятлар тикланди; диний ташкилотлар сони ошиб бормоқда, 10 дан ортиқ диний ўқув муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Уларни бартараф этиш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилишимиз талаб этилади. Бу йўлда бир-бири билан узвий боғлиқ муаммоларни ечишга алоҳида эътибор беришда:

Биринчидан, соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини юрт осойишталиги ва халқ фаровонлиги йўлида сафарбар қилишга кенг имкониятлар яратиб бериш.

Иккинчидан, турли миллат ва элат орасида тотувликни мустаҳкамлаш томон қаратилган тадбирларнинг ҳозиржавоблиги ва таъсирчанлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари яшаб келган бўлиб, улар ўртасидаги аҳиллик, ҳамкорлик ҳудуддаги иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илм – фан равнақини таъмин этиб келган. Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқида шундай деган эди: «Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам деб ҳисоблайман»⁷³.

Учинчидан, диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, унинг маънавий-маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш борасидаги ишларда тадрижийликни таъминлашдан иборатдир.

Тўртинчидан, Давлатимизнинг виждон эркинлиги соҳасида олиб бораётган сиёсатини, ҳамда унинг амалий натижаси бўлмиш қарор топган

⁷³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ,2017.- 138-б.

диний бағрикенглик муҳитини ёшлар орасида кенг ёритишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

Бешинчидан, Ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш борасидаги маърифий ишларни кучайтириш даркор.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов: “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари жаҳон билан ҳамкорлик”. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997.

2. Ёшлар ўртасида диний экстремистик ғоялар, миссионерлик ва прозелитизм тарқалишининг олдини олиш. Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита. –Тошкент: 2013. –Б. 6-10.

3. Холиков И., Лафасов Х. «Терроризм ва унга қарши кураш». –Тошкент, 2012 йил.

4. Х.С. Жуманиёзов, Б. Б. Нигманова ва А.М. Расулова “Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”.- Тошкент, 2012 йил.

МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Наимов Рахимжон Хафизович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ёналишда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган бўлиб, улар ижтимоий профилактикани амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Сўнгги йилларда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. 2024-йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 801-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда «маҳалла еттилиги» – маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ўрни ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди.

Бироқ, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилиш мазкур ижтимоий профилактика тизимининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёни амалга оширишнинг самарали усулларини жорий этиш, шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқиш муҳим масала.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Ушбу қонун профилактика органлари ва муассасалари тизимини, уларнинг ваколатларини, профилактика чораларини ва уларни қўллаш тартибини белгилаб беради.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, уларни бартараф этиш;
- жабрланувчиларни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш хавфини камайтириш.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ижтимоий профилактикани амалга оширишда қуйидаги шахслар категорияларини профилактик ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш назарда тутилган:

1. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар:

- банд бўлмаган, даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар.

2. Ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар:

- парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

3. Ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёни ички ишлар органлари, маҳалла еттилиги ва бошқа давлат органлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Профилактика инспекторлари томонидан профилактик ҳисобга олинган шахслар билан суҳбатлар ўтказилади, уларнинг турмуш шароитлари ўрганилади, шунингдек, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади.

Бироқ, амалиётда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда қатор камчиликлар мавжуд:

- профилактик ҳисобга олиш жараёнининг ҳуқуқий асослари етарли даражада аниқ эмас, бу эса профилактика субъектларининг ваколатларини аниқ белгиламайди;
- профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнида

кўпинча расмиятчиликка йўл қўйилади, яъни шахсни ҳисобга олиш ва у билан суҳбат ўтказиш билан чегараланиб қолинади;

☑ профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослаштириш чоралари етарли даражада самарали эмас;

☑ профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда психологик, педагогик ва ижтимоий ёрдамни таъминлайдиган мутахассислар етишмайди;

☑ профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмайди.

Халқарота жрибашуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарларни ижтимоий реабилитация қилиш борасида самарали тизимларга эга бўлган мамлакатлар қатор муҳим тамойилларга амал қилади:

1. Риск, эҳтиёж ва жавобгарлик принципи — юксак хавф туғдирадиган шахсларга нисбатан интенсиф даражадаги профилактик чоралар, паст хавф туғдирадиган шахсларга нисбатан минимал даражадаги профилактик чоралар қўлланилади.

2. Криминоген эҳтиёжларни аниқлаш — профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг криминоген эҳтиёжларини (*жиноий хулқ-атворга сабаб бўладиган омиллар*) аниқлаш ва уларга қаратилган чораларни қўллаш.

3. Реабилитацияга йўналтирилган ёндашув — ҳуқуқбузарларни ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштиришга йўналтирилган дастурлар.

4. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими — профилактик ҳисобга олинган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш имкониятларини яратиш.

Масалан, Норвегия тажрибаси шуни кўрсатадики, реабилитацияга йўналтирилган чоралар қўллаш орқали ҳуқуқбузарларни жамиятга мослаштиришда юқори натижаларга эришиш мумкин. Норвегияда қамоққа маҳкум этилган шахслар билан ишлаш жараёнида касбий тайёргарлик ва бандлик дастурлари муҳим роль ўйнайди, бу эса маҳкумларнинг жамиятга қайтгандан кейин жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради.

Бизнингча, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнини такомиллаштириш учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактик ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда профилактика субъектларининг ваколатларини, профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда индивидуал ёндашувни жорий этиш, ҳар бир шахснинг хусусиятларини, криминоген эҳтиёжларини ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда индивидуал профилактика режаларини ишлаб чиқиш, индивидуал профилактика режаларининг амалга оширилишини мунтазам мониторинг

қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, профилактик ҳисобга олинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштириш, профилактик ҳисобга олинган шахсларни иш билан таъминлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш имкониятларини яратиш ва профилактик ҳисобга олинган шахсларга психологик, педагогик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга оширишда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнини такомиллаштириш жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарадорлигини оширишга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштириш, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнида индивидуал ёндашувни жорий этиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимининг самарадорлигини янада ошириш мумкин.

Ушбу мақолада таклиф этилган чоралар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг самарадорлигини ошириш, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнини такомиллаштириш ва маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини оширишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (14.05.2014)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (30.11.2024)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда, уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10-апрелдаги ПФ-5005-сон фармони.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 414-сон қарори билан тасдиқланган террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

O‘ZBEKISTONDA ZAMONAVIY KRIMINOLOGIYANI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

A’loxonov Muhammadmirzoxon Adhamxon o‘g‘li

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti ilmiy xodimi

Kriminologiya fani va uning dolzarbligi. Kriminologiya – jinoyatchilik va jinoyatchilar haqidagi fandır. Insoniyat tarixida jinoyatchilikni tushunish va unga qarshi kurashish borasida turli nazariy maktablar shakllangan bo‘lib, 1764-yilda italyan olimi Ch.Bekkariyaning “Jinoyatlar va jazolar haqida” asaridan boshlangan klassik maktab va XIX asrda Ch.Lombrozo asos solgan pozitiv maktab kriminologiya fani shakllanishiga zamin yaratgan.

Hozirgi kunga kelib kriminologiya ijtimoiy-huquqiy tUSDagi mustaqil fandır va u jinoyatchilikning sabab va shart-sharoitlari, jinoyatchi shaxsining xususiyatlari hamda jinoyatlarning oldini olish usul va vositalarini o‘rganadi. Kriminologiya interdisiplinar xususiyatga ega bo‘lib, huquqshunoslik, sotsiologiya, psixologiya, pedagogika, iqtisodiyot, tibbiyot kabi turli fanlar tutashgan nuqtada rivojlanadi. Shu bois zamonaviy kriminologiyada jinoyatchilikni kompleks ijtimoiy hodisa sifatida o‘rganish, uni keltirib chiqaruvchi omillarni turli fanlar yutuqlari orqali tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Mustaqillik davrida O‘zbekistonda jinoyatchilikka qarshi kurash konsepsiyasi tubdan o‘zgardi. Jinoyatga faqat yuridik hodisa deb qarashdan voz kechilib, uni ijtimoiy, psixologik va huquqiy hodisa sifatida kompleks tushunish tamoyili qaror topdi. Natijada jinoyatlar profilaktikasi (oldini olish) jinoyatchilikka qarshi kurashda ustuvor yo‘nalishga aylandi. Bugungi kunda mamlakatimizda huquqbuzarliklar profilaktikasiga doir mustahkam huquqiy baza yaratilgan: 2014-yilda “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida” Qonun qabul qilingan, 2017-yilda Prezident qarori bilan jinoyatchilikka qarshi kurash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari belgilangan. Ushbu islohotlar natijasida huquqni muhofaza qilish idoralarining faoliyatida kriminologik tahlilga e’tibor oshdi, jinoyatlarning sabablarini ilmiy o‘rganish amaliyoti yo‘lga qo‘yildi. Zamonaviy tahdidlarga qarshi yangi yondashuvlar. Globallashuv va axborot asrida jinoyatchilikning yangi shakllari – kiberjinoyatlar, transmilliy uyushgan jinoyatlar, korrupsiya va iqtisodiy jinoyatlar – dolzarb muammoga aylandi. Xususan, oxirgi yillarda internet va raqamli texnologiyalar rivoji bilan turli kiberjinoyatlar ko‘payib, 2021 yilda Jinoyat kodeksiga kiberxavfsizlik va giyohvandlikka oid jinoyatlar uchun javobgarlikni kuchaytiruvchi normalar kiritildi.

Shu ma'noda, O'zbekistonda zamonaviy kriminologiyani rivojlantirish – nafaqat nazariy, balki amaliy jamoat xavfsizligi siyosatining ajralmas qismidir. Maqolaning maqsadi va vazifalari. Ushbu ilmiy maqola O'zbekistonda zamonaviy kriminologiyani rivojlantirish istiqbollarini kompleks o'rganishga bag'ishlangan. Maqolada kriminologiya fanining zamonaviy yondashuvlari va kriminologik maktablar nazariyasi tahlil qilinadi, jinoyatchilikning milliy va xorijiy ko'rinishlari qiyosiy tahlil asosida o'rganiladi, sohadagi normativ-huquqiy asoslar va strategik hujjatlar tahlil qilinadi. Xususan, kiberjinoyatchilik va unga qarshi kurash, axborot texnologiyalarini jinoyat tahliliga tatbiq etish, kriminologik tadqiqotlarni rivojlantirish uchun kadrlar tayyorlash masalalari yoritiladi. Maqola yakunida O'zbekiston tajribasi va ilg'or xorijiy amaliyotga tayangan holda kriminologiya tizimini takomillashtirish bo'yicha aniq taklif va tavsiyalar ishlab chiqiladi. Mazkur tadqiqot natijalari yuridik fanlar bo'yicha dissertatsiya ishining bir qismi bo'lib, ulardan O'zbekistonda jamoat xavfsizligi siyosatini takomillashtirishda foydalanish mumkin.

Maqolada belgilangan muammolarni o'rganish uchun ilmiy-tadqiqotning zamonaviy metodlaridan kompleks foydalanildi. Birinchi navbatda, qiyosiy-huquqiy tahlil usuli orqali O'zbekiston jinoyatchilikka qarshi kurash siyosati va kriminologiya fanining rivojlanish darajasi xorijiy davlatlar (AQSh, Buyuk Britaniya, Rossiya va boshqalar) tajribasi bilan solishtirildi. Bu jarayonda jinoyatchilikni oldini olish bo'yicha xalqaro hujjatlar va xorijiy qonunchilikdagi normalar o'rganilib, ularning milliy qonunchilikka implementatsiya qilish imkoniyatlari tahlil qilindi. Shuningdek, normativ-huquqiy hujjatlar tahlili usuli qo'llanilib, O'zbekiston Respublikasining so'nggi yillarda qabul qilingan qonunlari, Prezident farmon va qarorlari, hukumat dasturlari ko'rib chiqildi. Bu hujjatlar tahlili milliy kriminologik siyosatning huquqiy asoslarini yoritishda asos bo'ldi. Tadqiqot davomida sotsiologik usullardan ham foydalanildi: jinoyatchilik holati va dinamikasiga doir rasmiy statistik ma'lumotlar tahlil qilindi, huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari orasida so'rovlar o'tkazilib, kriminologiya fanini amaliyotga tatbiq etishdagi muammolar haqida fikrlar olindi. Analitik va statistik usul yordamida so'nggi yillarda jinoyatlarning tur va shakllari, jinoyatchilarning yosh tarkibi, qayta jinoyatchilik ko'rsatkichlari bo'yicha o'zgarishlar tahlil qilindi. Xususan, 2015–2020 yillar davomidagi jinoyatchilik tendensiyalari ko'rsatkichlari o'rganilib, kiberjinoyatlar ulushining ortishi aniqlanganligi muhokama qilindi. Maqolada ayrim holatlar bo'yicha case-study yondashuvi – ya'ni muayyan jinoyat turlariga oid real misollar (masalan, kiberfiribgarlik, yoshlar o'rtasidagi jinoyatlar) tahlil qilinib, ular bo'yicha kriminologik xulosalar chiqarildi.

O'zbekistonda kriminologiya tizimini shakllantirish: holat va yutuqlar. Tadqiqot natijalari O'zbekistonda kriminologiya fanini rivojlantirish borasida so'nggi yillarda muayyan institutsional va huquqiy asoslar yaratilganini ko'rsatdi. Jumladan, 2019-yilda Prezidentning PQ-4166-son qarori bilan Ichki ishlar

vazirligi tizimida Jamoat xavfsizligi universiteti tashkil etilib, unda kriminologiya va huquqbuzarliklar profilaktikasi yoʻnalishida mutaxassislar tayyorlash yoʻlga qoʻyildi. 2020-yilda Oliy attestatsiya komissiyasi qarori bilan ilk bor 12.00.14 – Huquqbuzarliklar profilaktikasi. Kriminologiya ixtisosligi boʻyicha fan nomzodi (PhD) va doktori (DSc) ilmiy darajalari berilishi yoʻlga qoʻyildi. Bu oʻzgarish oliy malakali kriminolog kadrlar tayyorlash tizimi shakllanganini bildiradi. Shuningdek, 2022-yilda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 15-apreldagi PQ–5077-son qarori bilan Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi universitetida “Jamoat xavfsizligi va kriminologiya” fakulteti tashkil etilib, kriminologiya sohasida professional kadrlar tayyorlash sifati yangi bosqichga koʻtarildi. Ilmiy tadqiqotlar frontida ham yutuqlar mavjud: 2018-yilda Prezident farmoni bilan Bosh prokuratura Akademiyasi tarkibida Jinoyatlarning sodir etilishi sabablarini tizimli tahlil qilish va oʻrganish markazi tashkil etilgan boʻlib, ushbu markaz jinoyat sabab va shartlarini chuqur ilmiy oʻrganish, kriminologik diagnostika va profilaktika takliflarini ishlab chiqish vazifalarini bajarmoqda. 2022-yilda esa Bosh prokuratura Akademiyasi negizida Huquqni muhofaza qilish akademiyasi tashkil qilinishi bilan bu yoʻnalishdagi ilmiy-ishlar yangi Akademiya doirasida davom ettirildi. Tahlillar shuni koʻrsatmoqdaki, mamlakatimizda kriminologik tadqiqotlarni muvofiqlashtiruvchi maxsus ilmiy tuzilmaz zarurati anglanib, 2023-yilda Ichki ishlar vazirligi tarkibida Kriminologiya tadqiqot institutini tashkil etish taklifi ilgari surildi. 2024-yil 15-yanvarda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining PQ–22-son qarori qabul qilinib, “Kriminologiya sohasida ilmiy-amaliy tadqiqot ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida” keng qamrovli dastur tasdiqlandi. Ushbu qarorga muvofiq Kriminologiya tadqiqot instituti Respublikadagi tayanch ilmiy muassasa etib belgilandi hamda institut zimmasiga kriminologik faoliyatni ilmiy va ekspertlik jihatdan taʼminlashni muvofiqlashtirish vazifasi yuklandi. Institutga turli vazirlik va idoralar tomonidan kriminologiya yoʻnalishida tayyorlangan ilmiy-uslubiy materiallar nusxalarini taqdim etish tartibi joriy qilindi.

Shuningdek, mazkur qaror bilan Institut tarkibini turli fan doktorlari – huquqshunoslik, psixologiya, sotsiologiya, pedagogika, texnika, iqtisodiyot, tibbiyot va geografiya sohalari boʻyicha ilmiy darajali mutaxassislar bilan komplektlash talabi qoʻyildi. Buning bilan kriminologiyani rivojlantirishda multidisiplinar yondashuv tamoyili qonuniy mustahkamlanganini koʻrsatadi. Prezident qarorida Ichki ishlar vaziriga institutda ilmiy tadqiqotlarni zamonaviy innovatsion uslublar, ilgʻor fan yutuqlari va axborot texnologiyalariga tayangan holda yoʻlga qoʻyish, xodimlarni xorijiy ilmiy markazlarda oʻqitish vazifasi ham yuklatilgan.. Shu tariqa, davlat miqyosida kriminologiya sohasini rivojlantirish boʻyicha siyosiy irodali qadamlar tashlangan.

2. Tadqiqot davomida AQSh, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Rossiya, Janubiy Koreya kabi davlatlarning jinoyatchilikka qarshi kurash va kriminologiyani rivojlantirish tajribasi oʻrganildi. Rivojlangan mamlakatlarda kriminologik

tadqiqot natijalari bevosita siyosatga tatbiq etilishi kuzatiladi. Masalan, AQShda 1990-yillardan joriy etilgan “CompStat” tizimi (Nyu-York shahri misolida) jinoyat statistikasi va geografik tahlilga asoslanib, politsiya faoliyatini muvofiqlashtirishga katta hissa qo‘shdi. Proaktiv (oldini oluvchi) polisiyachilik konsepsiyasi keng qo‘llanilib, jinoyat ko‘proq sodir bo‘ladigan “hot spot” hududlar aniqlanib, resurslar u yerga yo‘naltiriladi. Buyuk Britaniyada Milliy jinoyatchilik bo‘yicha so‘rov (CSEW) muntazam o‘tkazilib, fosh etilmagan jinoyatlar darajasini aniqlashga xizmat qilmoqda – bu kriminologik statistikada muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, xorijda profilaktikaning ijtimoiy strategiyalari keng qo‘llanadi: masalan, Yaponiya va Janubiy Koreyada jamoatchilik va polisiyaning hamkorligi orqali mahallalarda tartibni saqlash (Community Policing) amaliyoti yuqori natija bergan. Xalqaro tajriba axborot texnologiyalaridan foydalanish borasida ham saboq bo‘lmoqda. Masalan, AQSh va Yevropa davlatlarida sun‘iy intellekt asosida jinoyatlarni bashorat qilish dasturlari sinalmoqda, katta ma‘lumotlar (big data) tahlili orqali muayyan hudud yoki shaxslardan jinoyat sodir etilish ehtimolini oldindan baholashga harakat qilinmoqda. Albatta, bunday yondashuvlar ehtiyotkorlik va inson huquqlariga rioya etishni talab qiladi, lekin ular jinoyatchilikning oldini olishda yangi imkoniyatlar ochib bermoqda. Xususan, London Metropolitan politsiyasi tajribasida yashirin jinoyatlarni aniqlash uchun ijtimoiy tarmoqlardagi ma‘lumotlarni tahlil qilish yo‘lga qo‘yilgani, Yaponiyada kiberjinoyatlarga qarshi maxsus kiberpolis birliklari tashkil etilgani ma‘lum bo‘ldi. Rossiya va MDH davlatlari kriminologiya sohasida O‘zbekiston uchun yaqin tajriba sanaladi. Rossiyada 90-yillardan boshlab kriminologiya mustaqil ilmiy ixtisoslik sifatida rivojlanib, Kriminologiya ilmiy markazi, Kriminologik assotsiatsiyalar faoliyat yuritmoqda. Bu davlatlarda jinoyatlarni oldini olish bo‘yicha davlat dasturlari ishlab chiqilib, ilmiy tavsiyalar asosida profilaktika choralari ko‘riladi. Masalan, Rossiya Federatsiyasida “Jinoyatchilikka qarshi milliy strategiya” qabul qilingan bo‘lib, unda profilaktika subyektlari faoliyatini muvofiqlashtirish bo‘yicha ilmiy yondashuvlar belgilangan. Qozog‘iston tajribasida 2020-yilda Ichki ishlar organlari islohotida Analitik markazlar tashkil etilib, ular kriminologik tahlil bilan shug‘ullanmoqda. Xorijiy amaliyotni tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, kriminologiya fanining rivojlanish darajasi bevosita jinoyatchilikka qarshi kurash samaradorligiga ta‘sir ko‘rsatadi. Ilg‘or tajribalar asosida shakllangan strategiyalar – masalan, Jinoiy xavflarni baholash indeksi, qayta jinoyatchilik indeksi kabilarni joriy etish jinoyat darajasini pasaytirishga xizmat qilgan. Demak, O‘zbekiston ham xalqaro kriminologik hamkorlikni kuchaytirib, xorijiy ilg‘or tajribalarni milliy tizimga moslashtirishi lozim. Shu maqsadda 2023-yilda Ichki ishlar vazirligi delegatsiyalari Janubiy Koreya, Rossiya kabi davlatlarga tashrif buyurib, u yerdagi kriminologiya institutlari faoliyatini o‘rgangan va bir qator takliflar ishlab chiqqan. Bu qadamlar mamlakatimiz kriminologiya tizimini jahon andozalariga yaqinlashtirishda ijobiy ahamiyat kasb etadi.

Kriminologiya fanini rivojlantirishning ahamiyati. Yuqoridagi natijalar tahlili shuni ko'rsatadiki, kriminologiya nafaqat nazariy balki amaliy ahamiyatga ega instrumental fan sifatida qaror topmoqda. Jinoyatchilikka qarshi kurash samaradorligi ko'p jihatdan kriminologik tavsiyalar asosida shakllantirilgan siyosatga bog'liq. O'zbekistonda so'nggi yillarda kriminologiya sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar (institut tashkil etilishi, normativ bazaning yaratilishi va h.k.) ijobiy qadamdir. Biroq, bu jarayonda ayrim muammo va kamchiliklar ham yo'q emas. Birinchidan, kriminologiya fani yutuqlarini huquqni qo'llash amaliyotiga tatbiq etish mexanizmlari hali to'liq shakllanmagan. Misol uchun, kriminolog olimlar tomonidan berilayotgan tavsiyalar ko'pincha nazariy risolalar yoki konferensiya materiallarida qolib ketadi, ularni amaliyotga joriy etish tizimli yo'lga qo'yilmagan. Hozirgi kunga qadar respublikamiz kriminolog olimlarining xalqaro konferensiyalardagi ishtiroki, xorijiy ilmiy jurnallarda nashrlari ko'p emas. Vaholanki, jinoyatchilik global hodisa bo'lib, xalqaro hamkorliksiz samarali kurashish qiyin. Shu nuqtai nazardan, O'zbekiston Kriminologik tadqiqotlar institutining xorijdagi nufuzli kriminologiya markazlari bilan memorandum va bitimlar tuzishi muhimdir. PQ-22 qarorida institutga bunday hamkorlik memorandumini imzolash huquqi berilgani – ijobiy imkoniyat. Kelgusida MDH davlatlari bilan birgalikda “Jahon kriminologiyasining ilg'or tajribalari” mavzusida xalqaro forumlar o'tkazish rejalashtirilgan. Bunday forumlar orqali zamonaviy ilmiy yondashuvlar, masalan, viktimologiya (jabrlanuvchilarni o'rganish) yoki restorativ adolat kabi yangi kontseptsiyalar bo'yicha tajriba almashish mumkin bo'ladi. Uchinchidan, kiberjinoyatchilik va transmilliy jinoyatlarga qarshi kurash masalasi alohida muhokamaga sazovor. Tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, bu sohada faqat jazoni kuchaytirish yoki texnik choralar bilan cheklanmay, balki xalqaro darajada konvensiyalar va bitimlar doirasida hamkorlik qilish talab etiladi. O'zbekiston 2018-yilda Kiberxavfsizlik bo'yicha xalqaro ittifoq (ITU) reytingida o'z pozitsiyasini yaxshilagan bo'lsa-da, kiberjinoyatlarni tergov qilishda xorijiy davlatlar huquq-tartibot idoralari bilan ma'lumot almashish hali sust. Muhokamalarda ta'kidlanishicha, O'zbekiston Budapesht kiberjinoyatlar konvensiyasiga qo'shilishi bu borada huquqiy asos yaratgan bo'lur edi. Shuningdek, kiberjinoyatlar statistikasi va monitoringini olib borish tizimini yo'lga qo'yish lozim – masalan, Kriminologiya institutida alohida “Kiberjinoyatlar bo'limi” ochib, global trendlarni kuzatish, tavsiyalar berish vazifasini topshirish mumkin (ayni paytda bunday bo'lim markaziy apparat tarkibida kiberxavfsizlik markazi doirasida ishlamoqda). To'rtinchidan, profilaktika sohasida jamoatchilik ishtirokini oshirish muhimligi muhokamalarda alohida qayd etildi. Jinoyatchilikning oldini olishda faqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar emas, balki butun jamiyat safarbarligi zarur. Bu borada mahalla instituti, ta'lim muassasalari, fuqarolik jamiyati tashkilotlarining roli beqiyos. Masalan, oiladagi zo'ravonliklar yoki yoshlar o'rtasidagi jinoyatchilikka qarshi kurashda

mahallalarda **“huquqiy savodxonlik”**ni oshirish, xulq-atvori buzuqlikka moyil yoshlar bilan psixologlar ishtirokida ishlash amaliyotini kengaytirish lozim.

Shu tajribani mamlakat bo'yicha ommalashtirish, ya'ni fuqarolar muhofaza otryadlarining faoliyatini qonuniy tartibga solish kerak. Bu taklif Doha deklaratsiyasi kabi xalqaro hujjatlarda ham o'z aksini topgan – jinoyatchilikka qarshi kurashda jamoatchilik imkoniyatlaridan unumli foydalanish zarurati qayd etiladi. Yuqoridagi muhokamalar asosida, tadqiqot doirasida kriminologiya sohasini yanada rivojlantirishga doir takliflar ishlab chiqildi. Ushbu taklif va tavsiyalar milliy qonunchilikni takomillashtirish, institutsional salohiyatni oshirish va xalqaro hamkorlikni kuchaytirishga qaratilgan bo'lib, ularning ijrosi kelgusida O'zbekistonda kriminologiya fanining yuksalishiga, jinoyatchilikning barvaqt oldini olishga xizmat qiladi. Quyida xulosa va takliflar jadval ko'rinishida keltiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ismoilov I., Abdurasulova Q.R., Fazilov I.Y. Kriminologiya. Umumiy qism: darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – B. 3-5.

2. Usmonaliev M., Karaketov I. Kriminologiya: darslik. – T.: TDYU (Toshkent davlat yuridik instituti), 2001. – B.230

3. O'zbekiston Respublikasi Qonuni “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida”. 2014-yil 14-may, O'RQ–372-son. (Milliy qonunchilik bazasi).

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori PQ–2833-son, 14.03.2017. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni PF–5566-son, 31.10.2018. “Jinoiy-huquqiy statistika tizimini tubdan takomillashtirish va jinoyatlarni tizimli tahlil qilish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni PF–27-son, 29.11.2021. “O'zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni PF–60-son, 28.01.2022. “2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”. – 16-maqсад va 16.01-band

8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori PQ–22-son, 15.01.2024. “Kriminologiya sohasida ilmiy-amaliy tadqiqot ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”

9. Ismatov O.Sh. Mahalliy va global miqyosda jinoyatlarni prognozlash-tirishning istiqbollari // World Scientific Research Journal. – 2025. – №37(1). – B.172-179

НИКОҲ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ: ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

Хўжаматова Ҳаётхон Мансуровна
Қўқон давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. Бу мақолада никоҳ ва оила муносабатлари табиати таҳлил этилади. Муносабатлар турли маданиятларда ва ижтимоий тузумларда ўзига хос хусусиятлар билан намоён бўлади. Никоҳ, икки шахсинг ҳуқуқий ва маънавий алоқасини белгилаш билан бирга, оила тузишнинг бошланғич нуқтасини ташкил этади. Оила эса, фарзанд тарбияси, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муҳим институтдир.

Таянч сўзлар: оила, никоҳ, давлат, қонун, ҳуқуқ, фарзанд, эр-хотин, фуқаролик.

Аннотация. В данной статье рассматриваются брачные и семейные отношения. Эти отношения проявляются через различные особенности в разных культурах и социальных системах. Брак, помимо определения юридических и моральных связей между двумя лицами, также является начальной точкой для создания семьи. Семья, в свою очередь, является важным институтом, обеспечивающим воспитание детей, а также социальная и эматеральную поддержки.

Ключевые слова: семья, брак, государство, закон, право, дети, супруги, гражданство.

Annotation. This article discusses marriage and family relations. These relationships manifest through unique characteristics in different cultures and social systems. Marriage not only defines the legal and spiritual connection between two individuals but also serves as the starting point for forming a family. The family, in turn, is an important institution that ensures child-rearing, as well as social and economic support.

Keywords: family, marriage, state, law, rights, children, marriage candidates, ministry, citizenship.

“Ҳаётда энг катта нарса ҳар бир инсон учун бу оила. Оила мен учун муқаддас” -дейди давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев. Муқаддаслиги шуки, авваламбор, қаерда ишлашингдан, ким бўлишингдан қатъи назар, оилада тарбия, муҳит, ҳалоллик, меҳр-оқибатга эътибор берилмаса, ҳеч қачон керакли натижага эришилмайди. Шунинг учун мен фарзандларимнинг тарбиясига жуда катта эътибор берганман. Фарзандимга ҳам, неварамга ҳам алоҳида муносабатим бор, ҳар бирининг ниятини, истагини биламан.

Агар оила билан бўлсанг, ўзингни бахтли дейишга тўлиқ ҳақинг бор. Фақат оилам эмас, халқим ҳам бахтли бўлса, мен ўзимни бахтли ҳис қиламан”⁷⁴.

Кириш. Никоҳ ва оила муносабатлари – инсоният тарихидаги энг муҳим ижтимоий ва маънавий институтсиялардан биридир. Бу муносабатлар инсон ҳаётининг асосий пойдеворини ташкил этади ва жамиятнинг мустаҳкамлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Никоҳ, асосан, эркак ва аёл ўртасидаги қонуний ва ижтимоий алоқаларни билдиради, оила эса бу алоқалар асосида шаклланадиган ҳаёт тарзидир. Оила муносабатлари икки кишининг ўзаро севгиси, ҳурмати, ҳамжиҳатлиги ва масъулиятини талаб қилади. Никоҳ ва оила орқали жамиятда самимий ва барқарор муносабатлар ўрнатилади.

Бундай муносабатлар, ўз навбатида, ижтимоий нормативлар, қадриятлар ва анъаналар билан боғлиқ. Оила, нафақат индивиднинг шахсий ҳаётини, балки бутун жамиятни шакллантирувчи омил сифатида қаралади. Оила аъзолари ўртасида ҳурмат, ишонч ва мулоқотнинг ўрнини ҳам кўрсатади. Ҳозирги кунда никоҳ ва оила муносабатлари замонавий шароитда турли ўзгаришларга учрамоқда, бу эса жамиятда янги ижтимоий-норматив ва ҳуқуқий масалаларни юзага келтиради. Никоҳ ва оила муносабатларини чуқур ўрганиш, инсонларнинг маънавий ўсишига ҳисса қўшишга имкон яратади.

Республикада сўнгги йилларда оила институти билан боғлиқ масалалар ўта долзарб муаммо сифатида эътироф этилиб, унинг зарур ҳуқуқий-меъорий асослари яратилди: жумладан, 2023-йил 30-апрел куни Референдум орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциянинг «Оила, болалар ва ёшлар»га бағишланган бобининг 76-моддасида «Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади»⁷⁵ деб белгиланганлиги ҳамда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»⁷⁶да «болалар тарбиясида оилани яқкалаб қўймаслик» зарурлиги, бу борада ижтимоий ҳамкорликни алоҳида мақсад даражасида белгиланганлиги, оилани ҳар жиҳатдан, қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, унда соғлом муҳит, фарзандлар камолотга эришишини таъминлайдиган ижтимоий-психологик шарт-шароитлар яратилиши масалалари давлат ва жамият диққат марказида турганини кўрсатади ҳамда ушбу муаммо доирасидаги илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни топиш учун мустаҳкам асос бўла олади.

⁷⁴ “Жаноб президент” номли ҳужжатли филмдаги нутқ. 25.07.2018

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2023. — <https://lex.uz/acts/20596>

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. — <https://lex.uz/ru/docs/5841063>

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий муносабат тизимида оила алоҳида ўрин тутлади. Инсон туғилиши билан бошқа кишилар муҳитида бўлади ва бир умр шу муҳитда яшайди. Бунда инсон бошқа кишилар билан турли хилдаги муносабатларда бўлади. Бу муносабатлар турлича бўлиб, улар жумласига қариндошлик, дўстлик, қўшничилик, ватанпарварлик, руҳий, иқтисодий, ишлаб-чиқариш, ҳақ эвазига ва текин. ахлоқий, диний, оилавий муносабатларни киритиш мумкин. Мазкур муносабатларни давлат томонидан қонун ёрдамида тартибга солинганлиги мавзунинг долзарблигининг исботидир.

Асосий қисм. Никоҳ (арабча сўздан олинган бўлиб, таржимаси: “бирлашиш”). Никоҳ, оила қуриш Аллоҳ таолонинг инсоният орасида жорий қилинган муқаддас қонунларидан бири бўлиб, насл-насабнинг давомийлиги, инсонлар орасида қариндош-уруғчилик, меҳр-оқибатни мукамал бўлиши каби инсоният учун манфаатли мақсадларга хизмат қилади. Амалдаги оила қонунчилиги никоҳнинг тузилиш тартибига, яъни уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради.

Оила кодексининг 13-моддасига биноан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд этилиши унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан-бир далилдир. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳни тегишли давлат органларида расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»⁷⁷, билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи ариза қабул қилганида уларни никоҳни қайд этиш тартиби ва шартлари билан таништириши, келгусидаги эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини уларга тушунтириши, бир-бирларининг соғломлик ҳолатларидан ва оила қоидаларидан хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак. Никоҳга кирувчилар никоҳга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни яширганликлари учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Никоҳни тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай муддатни белгилашдан мақсад бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган шахсларнинг енгилтаклик қилиб, шошмашошарлик билан никоҳдан ўтишларига йўл

⁷⁷ Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish Qoidalari. T., “Adolat”. 1999.

қўймасликдан иборат. Бир ой муддат ичида никоҳга кирувчилар никоҳ тузишга бўлган ўз хоҳишларини яна текшириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, бу муддат давомида никоҳни қайд этишга монелик қиладиган баъзи ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин. Бу даврда ёшларни никоҳга ўтишга тайёрлаш учун махсус маърузалар ташкил этиши лозим. Улар ахлоқий, ҳуқуқий ва тиббий мавзуларда бўлиши, никоҳ тўғрисидаги қонунни, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга қаратилиши керак.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам ва тез ривожланади. Жамиятимиз асоси-оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ ва аҳднома бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзандларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва эркин иттифоқидир. Никоҳга киришнинг ўзаро розилик шarti бузилиши фақат унинг ҳақиқий эмас, деб танилишигагина эмас, балки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

“Оила-мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш-миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади”⁷⁸

Оила жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Оиланинг бу хусусияти биринчи галда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади. Оиланинг умумий (*ижтимоий*) ва махсус (*юридик*) тушунчаси мавжуддир. Ижтимоий маънодаги оила деганда никоҳга, қон-қариндошликка (ёки фақат қариндошликка), болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилишга, умумий ҳаёт, мақсад ўзаро ғамхўрликка асосланган шахслар иттифоқи тушунилади. Оилавий иттифоқда шахслар ўртасида ахлоқий, руҳий, жисмоний ва ҳўжалик-маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаёт ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради. Оилавий иттифоқ махсус ва шу билан бирга мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборат. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ,

⁷⁸ Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. –Т.: O‘zbekiston, 2000, -66 b.

оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади. Шунинг учун оилада бола туғилмаган бўлса ҳам никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади. Ўзининг ижтимоий мазмунига қараб оила, одатда, ўзаро алоқадаги уч ижтимоий гуруҳдан иборат бўлиб, унинг асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари, эр-хотин муносабатларининг ҳосиласи сифатида фарзандлардан ташкил топади. Типик оилавий муносабатлардан ташқари болали ёлғиз она билан унинг боласи ўртасидаги, бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, айрим ҳолатларда эса туғилмаганлар (*фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганлар, тарбияга олган ва тарбияга олинганлар*) ўртасидаги муносабатлар ҳам оилавий муносабатларни ташкил этади. Одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаётдир.

Ўзбекистон аҳолисининг 98 фоизи оилада унинг аъзоси бўлиб яшайди. Оила муҳити, унинг ижтимоий-иқтисодий шароити ўлканинг келажак тараққиётида ҳал қилувчи омил саналади. Шунинг учун оилани атрофлича ўрганиш, оила ҳақидаги статистик маълумотларни жаҳон андозасига талаб берадиган тарзда такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади⁷⁹. Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф — одатларимизни сақлайдиган, комил инсон бўлиб шаклланишда муҳим роль ўйнавчи тарбия ўчоғидир. Неча минг йиллик тажрибалар кўрсатишича, оилавий ҳаёт одамзод турмуш тарзининг бирдан-бир тўғри йўлидир. Ёлғизликда яшаш-кемтик ҳаёт, руҳий маънавий инқирозларга ҳамроҳликдир. Дунёда кўпчилик одамлар оилавий ҳаётда яшайдилар. Бироқ, масалан, ҳар беш нафар овруполикдан бири уйқусизликдан азоб чекади, бунинг асосий сабабларидан бири ёлғизликдир. Ёхуд Буюк Британияда ёлғиз оналар ва ёлғиз қариялар сони йилдан-йилга ортмоқда, бу юртнинг 15 фоиз аҳолиси ёлғизликда умр кечирмоқда.

Оилавий ҳаёт бир гулшанга ўхшайди, лекин унинг ҳам иссиқ-совуқ фасллари, баҳори-қиши бор. Тақдирнинг кучли бўруну тўфонлари инсонни тушкунликка тушириб қўймаслиги лозим. Оилавий бахтга, фаровон турмушга эришиш учун сабр-тоқатли бўлиш ҳам тақозо этилади. Ҳаётни никоҳ ва оиласиз тасаввур қилиш жуда қийин, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Чунки у турмушнинг жуда муҳим қисмидир. Агар кўпчилик инсонлар муҳаббатли никоҳга нисбатан ёлғизликни афзал кўрсалар, улар азобда қолишлари мумкин.

Янги Ўзбекистон Конституциясининг “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланган ХИВ-боби 76-моддасида ифодаланишича: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”⁸⁰. Ушбу норма мазмун-моҳиятидан англашиладики, оила институти фалсафий-

⁷⁹ «Ayol-oila huquq» davra suhbat materiallari.-T.:1998, 99-bet.

⁸⁰ O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Rasmiy nashr. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. -B. 43.

ҳуқуқий, ижтимоий-биологик ва маънавий-ахлоқий категориядир. Бу дегани, халқимизнинг оилага тааллуқли миллий анъана ва қадриятлари ҳамда оиланинг тўлақонли ривожланиши учун давлат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Оила билан Янги Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, шунингдек бошқа тегишли норматив ҳужжатларимизнинг халқпарварлигига, уларнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз билан уйғунлигига амин бўламиз.

Оила серқирра ва мазмунига кўра кенг қамровли институт ҳисобланиб, ёш авлод таълим-тарбиясида, уларни соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топтириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида муҳим ўрин тутди. Шу боис, оила азалдан жамият ижтимоий-маънавий, қолаверса иқтисодий, маърифий, ахлоқий, ҳаттоки, сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик бўлган муқаддас маскан сифатида эътироф этилади.

Тарихдан маълумки, давлат билан оила, уларнинг вужудга келиши ва бошқариш механизми ижтимоий-ҳуқуқий тусга эга. Оиланинг юзага келиш асоси сифатида никоҳ — никоҳланувчи тарафларга эр ва хотин мақомини бериш орқали улар зиммасига ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик (бурч, вазифа, масъулият) юклашни юридик жиҳатдан расмийлаштириш жараёни ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 3-бобидан никоҳ, никоҳ тузиш тартиби, унинг ихтиёрийлиги, никоҳ ёши каби ҳуқуқий жиҳатлари тўла-тўқис ёритиб берилган.⁸¹

Айнан никоҳ қайд этилганидан эътиборан оилавий муносабатларни тартибга солиш, муаммоларни ҳал қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан йўналтириш давлат зиммасида бўлади. Зеро, ҳар қандай жамият, давлатнинг ижтимоий таназзули оиланинг бузилиши, барбод бўлиши каби иллатлар билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун никоҳ муносабатлари, ёлғиз яшовчилар ва оилавий муаммоларни ўрганиш жамият ижтимоий таркибини ижобий ривожланишига хизмат қилади. Бу йўналишда бевосита фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар илмий текшириш институти ҳамда маҳаллаларнинг ролини алоҳида қайд этиш жоиз.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир оила ўзига хос турмуш тарзига эга бўлиб, турмуш оиланинг кундалик ҳаёти ҳисобланади. Оила ғоят серқирра ва мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий иттифоқ уюшмадир. Унда қувончлар ҳам, ташвишлар ҳам мужассам. Агар оила аъзолари аҳил, ҳамжиҳат, одоб-

⁸¹ O‘zbekiston Respublikasining Oila kodeksi: Rasmiy nashr — Toshkent.: “Adolat”, 2021. –B. 8-10.

ахлоқли, номусли, ўз қадр-қимматини сақлайдиган, саранжом-саришта, тежамкор бўлса, бундай хонадонда турмуш ширин ва мароқли ўтади.

Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари борки, бунда урф-одатлар ва анъаналар алоҳида ўрин тутаяди. Жумладан, “урф-одатлар ва анъаналар – тарихан шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, кўпчилик томонидан қабул қилинган ва доимо такрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор нормалари ва кўникмаларидир”.⁸² Масалан, тонгда барвақт туриш, юз-қўл ювилмасдан саломлашмаслик, аёлларнинг нонушта ҳозирлашлари, қизлар ва келинларнинг ҳовли ва кўча супуришлари каби бир қатор фазилатлар бисёр. Буни устига ўзбек оилалари болажон. Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримиз ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб айтибдиларки, “мен қиёматда ўз умматларининг кўп бўлиши билан севинишни истайман”.

Ваҳоланки, оилавий муносабатлар мустақил ҳодиса бўлиб, унинг ички ишларига ҳеч ким беҳуда аралашади ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Илмий-назарий тилда айтганда, оила ўзига хос муҳитни шакллантирган кичик бир давлатдир. Чунончи, оила жамият ичида, унинг ташқарисида эмас, унинг таркибидадир. Оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий муносабатлар билан белгиланади ва унинг бевосита ёхуд билвосита таъсири остида шаклланиб ривожланиб боради.

Таъкидлаш лозимки, айнан жамият ҳаёти, руҳияти оиланинг ижобий жиҳатларига таъсир ўтказаяди. Шунга кўра ҳар бир жамият ўзига хос ва мос оила турини танлайди ва бағрида етиштираяди.

Жамиятнинг ташкил топишида, унинг давомийлигини таъминлашда оила ижтимоий-демографик манба ҳисобланади. Инсоннинг дунёга келиши, янги авлоднинг пайдо бўлиши, авлодлар алмашинуви асосан оилада содир бўлади. Фарзанд туғилиб, камолга етиб шахс сифатида шакллангунига қадар лозим бўлган барча таълим-тарбия оила муҳитида берилади. Инсоннинг ота-онаси, қариндошлари, қариялар, атроф-муҳит ва табиатга бўлган муносабатлари дастлаб оилада бошланади. Шу билан бирга, оила урф-одатларни авлоддан авлодга этказиш воситаси ҳам ҳисобланади.⁸³

Оиланинг вужудга келишида унинг юридик факт сифатида эътироф этилганлиги ва жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти нуқтаи-назаридан никоҳнинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Қонунда

⁸² Milliy istitqlol g'oyasi: asosiy tushunchalar, tamoyillar va atamalar (qisqa izohli lug'at). Toshkent: Yangi asr avlodi. 2002. -B. 149.

⁸³ Ro'zieva N. YOshlar tarbiyasida o'zbek oilalari urf-odatlarining o'rni // “Barkamol avlod tarbiyasining ma'naviy-ahloqiy, huquqiy, ekologik, valeologik, akmeologik va iqtisodiy masalalari” Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. -Toshkent: Falsafa va huquq instituti. 2010. -B. 318.

белгиланишича, никоҳ тузиш ихтиёрий бўлиб, бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Демак, мажбурлаш, алдаш, адашиш, пўписа қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда, никоҳнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши мумкин. Никоҳ муносабатларини ўрнатишга доир асл ички хоҳишга таянмаган ироданинг ташқи ифодаси ўзи ҳеч қандай вазиятда никоҳдан ўтишга ҳуқуқий жиҳатдан розилик сифатида қабул қилинмайди.

Никоҳ фақат никоҳ ёшига етган, балоғат ёшига етган шахслар ўртасида тузилиши мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган. Никоҳдан ўтиш учун ариза топширилаётганда, никоҳдан ўтмоқчи бўлган шахсларнинг ёши белгиланган, уларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати талаб этилади. Аммо, айрим жойларда мазкур шартни бузиб, никоҳларнинг қайд қилиниши ачинарли ҳолдир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳнинг тузилишига ҳам йўл қўйилмайди. Кўпгина мамлакатларнинг қонунчилиги бир никоҳлик қонундан келиб чиқади. Бундай тақиқнинг келиб чиқиши ҳудуддаги мавжуд диний анъаналар ва маданият билан боғлиқдир.

Бугунги кунда ислом динига эътиқод этган ва миллий тарихий анъаналарга эга, авваллари кўп хотинлиликка йўл қўядиган мамлакатимиз аҳолиси ҳам бир никоҳлик қонунига бўйсунган. Оммавий ахборот воситаларида бир неча марта мазкур муаммо муҳокама қилинди, қонунчилигига зид бўлган кўп хотинлик ҳақида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳақида сўз борди, кўп хотинлиликни қонунийлаштириш тарафдорлари пайдо бўлди. Айримлар, ҳаттоки, мазкур тақиқни жуда фавқулодда вазиятларда, масалан, оилада хотиннинг касаллиги ёки фарзанднинг бўлмаслиги, яъни фарзанд кўрмаган ҳолларда бекор қилиш мумкин деб ҳисоблайди. Мамлакатимизда кўп хотинлиликка оид масала бир пайтлар дарҳақиқат мавжуд бўлганлиги ва у миллий урф-одатлар ҳамда турли динлар билан боғлиқ бўлгани боис унга жуда мулоҳазали ёндашиш лозим.

Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида ҳам никоҳнинг тузилишига йўл қўйилмайди. Бироқ, бунда фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ биологик мулоҳазалар эмас, балки ижтимоий алоқалар туфайли таъқиқланади. Фарзандликка олиш ота-оналик каби муносабатларни юзага келтиришни мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун фарзандликка олувчилар билан

фарзандликка олинганлар ўртасидаги никоҳ ҳуқуқий тақиқ остида ҳисобланади.

Лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида ҳам никоҳнинг тузилишига рухсат этилмайди. Мазкур тақиқ тасодифий эмас. Албатта, у бир неча шартлар билан асосланган, улардан бири бундай никоҳда туғилган фарзандлар ҳақида ғамхўрликни назарда тутати. Чунки руҳий касалликнинг насл бўйича ўтиш эҳтимоли жуда каттадир.

Сохта никоҳнинг тузилишига йўл қўйилмайди. Сохта никоҳ деб шахснинг оила қуриш ниятисиз, бирор бир манфаатни ёки ғаразли мақсадни кўзлаб тузган никоҳига айтилади. Сохта никоҳ тузувчи эр-хотин доимо маълум бир мақсадни кўзлайдилар. Сохталик ҳар икки томонлама ёки фақат бир томонлама бўлиши мумкин. Агар эр ҳам хотин ҳам сохта никоҳ тузиш ниятида бўлса, никоҳни сохталигини исботлаб бериш жуда қийин. Сохта никоҳни ҳисобли никоҳдан фарқлаш зарур, бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин эмас, уни фақат тугатиш мумкин.

Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда бундай никоҳ ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Қонун чиқарувчи қайд этилган касалликлар мавжудлиги ҳақида маълум қилишга алоҳида аҳамият беради. Агар никоҳланувчи шахслардан бири бошқасининг касаллиги ҳақида олдиндан хабардор бўлса, бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин эмас.⁸⁴

Эр-хотиннинг кундалик ҳаёти моҳиятини ташкил қилувчи аксарият муносабатлар ҳуқуқ доирасидан ташқарида ётади. Агар сўзсиз никоҳ-оилавий муносабатларга ҳуқуқ воситасида таъсир этиш мумкин бўлмаса, уларга нафақат оилавий, балки бошқа исталган ҳуқуқ соҳаси ёрдамида таъсир ўтказиш мумкин эмаслигини тан олиш керак. Шахсий оилавий муносабатларга фақат ихтилоф юзага келгандагина аралашиш ҳуқуқи мавжуд.

Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги шахснинг ҳуқуқий мавқеини белгиловчи конституциявий қоидалардан келиб чиқади. Бунга кўра ҳар бир эркак ва аёл фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эгаллиги ҳамда қонун олдида тенглиги; яшаш ва турар жойларини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги; ўз фаолиятининг турини ва касбини танлашдаги эркинликлари ифодаланган. Эр ва хотин тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳамда ўзаро муносабатларда ва фарзандлари билан бўлган муносабатларида, никоҳ тузиш, никоҳда бўлиш ва никоҳни бекор қилиниши каби муносабатларда бир хил жавобгарликка эгадирлар.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: 49-модда.

Эр-хотин ўртасидаги шахсий муносабатлар махсус аҳамиятга эга, улар ўз эгалари билан чамбарчас боғлиқ ва улардан ажратилмайди. Айнан шахсий муносабатлар никоҳ асосини ташкил қилади ва эр-хотин ўртасидаги бошқа муносабатларга таъсир кўрсатади. Улар эр-хотин муносабатлари тарзини ва хусусиятини белгилайди.

Эр-хотиноилавий турмуш масалаларини биргаликда ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 19-моддасида “Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар”,⁸⁵ деб белгиланган. Яъни, бундан эр ва хотин болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини биргаликда ҳал қиладилар, деган мазмун-маъно келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ, оила ва оилавий муносабатлар жамият нуқтаи назаридан қаралганда муқаддас ҳисобланиб, жуда мураккаб ва нозик ижтимоий-ҳуқуқий масалалар қаторидан жой олади.

Муқаддас Ислом динида оила қуриш киши ҳаётидаги энг муҳим ва ўта масъулиятли вазифа деб қаралади. Чунки инсон ҳаётининг никоҳдан кейинги даври чиройли, яхши кечиши ёки аксинча бўлиши асосан шу масъулиятли воқеага боғлиқ бўлади. Шунингдек оиланинг аҳамияти жамият учун ҳам жуда муҳимдир. Зеро, оила жамиятнинг асосий бир бўғини, ажралмас бир қисми ҳисобланади. Оила қанчалар соғлом бўлса, жамият ҳам шунчалар соғлом бўлади. Оила аъзоларининг бирлиги, ҳамжиҳатлиги, жамиятнинг ҳам бирлиги, аҳллигидир.

Инсон оилада туғилади, ўсади, камол топади, бошланғич тарбияни оилада олади. Илм-маърифатни, ўзаро муомала маданиятини, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, меҳнатсеварлик, ўзгаларга нисбатан иззат-ҳурмат каби хислатлар аввало, оила муҳитида шаклланади. Оламдаги барча жонли мавжудотлардан тортиб, жисмларгача жуфт-жуфт қилиб яратилишида Яратганнинг буюк бир ҳикмати кўриш мумкин. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай ишора қилиб айтадики: “Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик. Шояд сизлар буларнинг шундай яратилишини ақллариңг ила мулоҳаза қилиб, яратувчининг ёлғиз эканлигини эсласалариңг”.⁸⁶

Зеро, оила қуришдан асосий мақсадлардан бири бу – ҳалол йўл билан инсоният наслини давом эттириш уни кўпайтиришдир. Қуръони каримда шундай айтилади: “Сизларга ўз жинслариңгиздан бирга яшаш ва унга интиладиган жуфт яратилганлиги ҳамда ўрталариңгда бир-бириларингга муҳаббат, меҳр ва шафқат ҳисларини пайдо қилганлиги, Аллоҳнинг инсонлар вафот этганларидан сўнғ қайтадан тирилтиришга бўлган аломатларидан биридир”.

⁸⁵ O‘zbekiston Respublikasining Oila kodeksi: Rasmiy nashr — — Toshkent.: “Adolat”, 2021. –B. 10.

⁸⁶ Qur’oni Karim kitobi “Zariyat” surasi 49-oyat

Демак, оилада роҳат ва хотиржамлик билан биргаликда меҳр-муҳаббат, шафқат, аҳллик сингари гўзал инсоний муҳит ҳам бўлиши керак экан.

Бу ҳақида Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: “Фарзандларингга она бўладиган аёлни яхшилаб танлаб олинглар”. Чунки рафиқа келажак ҳаётимиздаги давомли йўлдош, фарзандларимизнинг тарбиячиси ҳисобланади. Эркак киши оиласи ва фарзандларига ризқ-насиба топиш ниятида кун бўйи меҳнат қилади. Гоҳо турли қийинчиликларга дуч келади. Турмуш машаққатларидан чарчаб оиласи даврасига келгач, барча чарчоғи ёзилади. Имом Ғаззолий уйланишнинг фойдаси оилани боқиш, унга бош бўлиш, оила аъзоларининг ҳақларини адо этиш, баъзи бир камчиликларга сабр қилиш, ҳалол ризқ топиш йўлида меҳнат қилиш, фарзандлар тарбияси ила шуғулланиш, иймон-эътиқодли қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар инсон ўзини-ўзи тарбиялаши воситасидир. Зеро, буларнинг барчаси катта фазилат бўлиб, инсонни юқори даражаларга кўтаради, деган эканлар.

Қуръони каримда: “Сиздан илгари ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Уларга ҳам жуфтлар ва фарзандлар берганмиз”.⁸⁷ (Раъд-38-оят) дейилган. Шу сабабли ҳам Пайғамбар алайҳиссалом: “Уйланиш менинг суннатимдир. Кимки суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас”, дедилар.

Никоҳ эр ва хотин ўртасини боғловчи муқаддас ришта. Бу ришта фарзандлар туғилиши билан янада мустаҳкам бўлади. Пайғамбаримиз ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: “Муҳаббатли, фарзанд туғадиган аёлларга уйланишлар...”. бошқа бир ҳадисларида эса: “Оилали ва фарзанди бор кишининг ўқиган икки ракаат намози, бўйдоқ (уйланмаган) кишининг ўқиган саксон икки ракаат намозидан хайрли (яхшироқ)дир”, дея никоҳнинг фазилатини тарғиб этган бўлсалар, бошқа бир ҳадисларида, қодир бўла туриб, оила қурмай юриш салбий ҳолат эканини таъкидлаб шундай деганлар: “Сизларнинг ёмонларингиз уйланмай бўйдоқ юрганларингиздир. Вафот этиб кетганларингизнинг ёмонлари эса оила қурмай туриб ўтганлардир”.

Никоҳда баракот бор. Шунинг учун келажакда эҳтимоли бўлган фақирлик, камбағаллик ва ночорликдан қўрқмаслик керак. Пайғамбар алайҳиссалом: “Фақирликдан қўрқиб уйланишдан қочган биздан эмас”, деганлар.

Оилада аёл кишининг ўрни бениҳоят муҳимдир. Аёл оқила, меҳрибон, сабр-қаноатли ҳамда тежамкор бўлиши зарур. Ҳадиси шарифда “Тежамкор қашшоқ бўлмас”, дейилган. Тежамкорликнинг акси исрофдир. Исрофгарчилик шайтоний ишлардан бўлиб, эгасини гуноҳга етаклайди. Зеро ояти каримада: “Аллоҳ исрофгарларни ёмон кўради” дейилган.

Ривоят қилинишича, Хотам Асом ҳазратлари ҳажга боришни ихтиёр этиб, сафар олдидан хотинидан сўрабди:

⁸⁷ Qur’oni Karim kitobi “Ra’d ” surasi 38-oyat

☑ “Сизларга сафар олдидан қанча пул қолдирай?”.

☑ Сиз биздан айрилгандан сўнг, умримиз қанча бўлса, шунча пул қолдилинг,-дебди хотини.

☑ Буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдику?!- дебди Хотам Асом.

Шунда хотини: — Унда ризқ ишини Яратганнинг ўзига ҳавола қилинг, — деб жавоб берибди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, оила тушунчасини эр-хотин ва фарзандлардан иборат деб ўйлаш торроқ тушунча бўлиб қолади. Сабаби муқаддас динимиз таълимотида оила кенгроқ, яъни эру-хотин ва фарзандлардан ташқари ота-она, ака-укаларни, опа-сингилларини ҳам ўз ичига олади. Шу ўринда айтиш лозимки, оилада кексаларимиз бўлиши кони фойда. Чунки улар бизнинг дуоғўйларимиз. Саломатлигимиз гарови, ризқимиз кенглиги сабабчиларидир. Улар бор хонадон файзли бўлиши билан бирга доно панд насиҳатларидан ҳамма бирдек манфаат топади, фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир қилади. Ахлоқ-одоб, дину-диёнат, Ватанга муҳаббат, элу-юртга садоқат, диний, миллий қадриятларимизни ёшларимизнинг покиза онгига сингдиришда, албатта, уларнинг ўрни беқиёсдир.

Ёш оилалар, эру-хотинлар ўртасида бўлиб турадиган баъзи бир тушунмовчиликлар,нохушликларнибартарафэтишда,кексаота-оналаримиз ўрни каттадир. Оилада тинчлик-тотувликнинг, меҳр-оқибатнинг ўзаро иззат-ҳурматнинг ўрни беқиёсдир.Ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат бор жойда баракот бўлади. Аксинча бўлса, баракот қочади. Халқимиз бежизга “Бир кун жанжал бўлган уйдан, қирқ кун баракот қочади”, деб айтишмаган. Ривоят қилинишича “Аҳл-иноқ, меҳр-оқибатли, сербарака хонадонни тарк этмоқчи бўлган “барака” одам суратига кириб уларни синамоқчи бўлибди ва ўша хонадон соҳибига: “Мен шунча йил сизларнинг уйларингда бўлдим. Менинг сабабимдан сизлар тўқ-фаровон, ҳеч нарсага зориқмай яхши яшадиларинг. Энди менга рухсат беринглар, бошқа хонадонларга ҳам бораин”, дебди. Бу воқеадан оила аҳли хомуш бўлибдилар.

Шунда кичик келин қайнотасига қарата секингина: “Отажон бараканинг қолишга иложи йўқ экан, майли рухсат берайлик. На илож, аммо орамиздан меҳр-оқибат, ўзаро муҳаббат кетмасин” дебди. Буни самимий жавобини эшитган барака эса “Меҳр-оқибат бор жойда мен ҳам қоламан. Тинчлик-тотувлик, меҳр бор жойдан кетолмайман”, деган экан.

Хулоса. Никоҳ ва оиланинг ахлоқий асослари ёшлар тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутди. Ушбу асослар соғлом муносабатлар ва ҳиссий фаровонликучунзарурбўлганҳурмат,масъулиятвасевгиқабиқадриятларни ўргатиш учун асос яратади. Бу қадриятларни ёшларга сингдириш орқали биз уларнинг бошқалар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга қодир

етук шахс бўлиб етишишига ёрдам берамиз. Ёшлар тарбиясида никоҳ ва оилавий қадриятларнинг аҳамияти тўғрисидаги таълимотларни ўз ичига олиши керак, чунки улар баркамол жамиятнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Никоҳ ва оилага ҳурматни рағбатлантириш орқали биз барқарор муносабатларни сақлаб қолиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ўз оилаларида дахлдорлик ва қўллаб-қувватлаш туйғусини ривожлантиришга қодир бўлган шахсларнинг камол топишига ҳисса қўшамиз. Умуман олганда, никоҳ ва оиланинг ахлоқий асослари ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишининг ажралмас қисмидир. Таълим ва тарбияда ана шу қадриятларга алоҳида эътибор қаратиш орқали биз нафақат инсонлар фаровонлигига, балки меҳр-оқибатли ва баркамол жамиятнинг барпо этилишига ҳам ҳисса қўшамиз. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, никоҳ ва оила шахсларнинг ўзига хослиги, муносабатлари ва фаровонлигини шакллантирадиган муҳим институтлардир. Улар тез ўзгариб бораётган дунёда қўллаб-қувватлаш, севги ва барқарорликни таклиф қиладилар, бу эса шахслар ва жамоаларга тегишлилик ва мақсад ҳиссини беради. Ушбу муносабатларни қадрлаш ва ривожлантириш орқали биз мустақам оилалар, соғлом жамият ва барча учун кўпроқ мароқли ҳаёт қуришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: Расмий нашр — Тошкент.: “Адолат”, 2021
4. Ризоуддин ибн Фахриддин, Оила, Т., 1991. Очия Бурсев, Акмал Саидов.
5. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси //Оъқув қоълланма. – Т.: “ШАРҚ” 2006.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли луғат). Тошкент: Янги аср авлоди. 2002
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

АЁЛ – ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

Абдуқаҳхарова Гулмира Абдухалил қизи
ТДПУ, Тарих факультети 4-босқич талабаси

Ўзбекистоннинг янгиланган таҳрирдаги Конституциясида инсон қадрини улуғлаш, унда Конституция ва қонунлар воситасида устувор таъминлаш тамойилини ҳаётга жорий этишга йўналтирилган конституциявий – ҳуқуқий механизмлар сезиларли ҳамда салмоқли даражада мустаҳкамланди. Шу аснода Асосий қонунимизда оналар ва болалар ҳуқуқлари, шу жумладан аёллар ва қизлар ҳуқуқлари, эркинликларини изчил кенгайтириш, уларнинг қонуний манфаатларини янада ишончли муҳофазалаш кафолатлари муҳрлаб қўйилди.

Талқин қилинаётган мавзу доирасида чексиз рамзий маъно ва аҳамият касб этган воқелик шундаки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июндаги фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси тасдиқланиб, ҳаётга жорий этила бошланди⁸⁸. Унда давлат сиёсатининг алоҳида йўналишлари сифатида аёл – қизларнинг ҳуқуқларини, кам таъминланган оилалар, меҳнат мигрантлари, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек оила институтини тубдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси қабул қилиниб, ушбу ҳужжат мазмунидан оилавий низоларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш масалалари ўрин олди. Маълумки, Конституциямиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ умуминсоний принципларга таяниб, инсон ҳаёти, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини, бошқа узвий ҳуқуқларини *олий қадрият* деб эътироф этади. Шунга кўра, мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар (19-модда).

Эътиборлиси шундаки, Янги таҳрирдаги Конституциянинг асосий талабларига кўра, Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси — Lexuz/ <https://lex.uz/docs/4872355/>.

қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (20-модда).

Яна бир муҳим конституциявий қоида: “Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади” (42-модда).

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (54-модда).

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади (56-модда).

Янгиланган Конституциянинг асосий қоидаларига мувофиқ, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ташкилотлар – жамоат бирлашмалари сифатида тан олинади (70-модда). Янгиланган Конституцияга «Оила, болалар ва ёшлар» деган XIV янги боб киритилганлиги рамзий маънога эга. Унга кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Мамнуният билан айтиш лозимки, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади (76-модда). Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (77-модда).

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Конституцияга мувофиқ, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади (78-модда).

Асосий қонунимизда аёл ва қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга эътибор қаратилаётганлиги қувонарли

ҳолдир. Зеро, аёлларга, оналарга ҳурмат-эҳтиром бажо айламай туриб, жамиятни маданиятли деб саналиши мантиқсиз.

«Онани эъозлаш бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган – фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримиз гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз» (Ислом Каримов).

Ҳуқуқшунос – олима М.М.Инагамова Аёл – оналарни эъозламай, аёл – қизларга шахс сифатида ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлмасдан туриб, янги (маърифий) жамиятнинг барпо этилишини тасаввур қилиб бўлмайди – деб ёзади. Аёллар шахс сифатида эркаклар билан баб-баробар ҳақ-ҳуқуқларга эга⁸⁹.

Аёллар ҳуқуқлари «инсон ҳуқуқларининг» ажралмас қисмини ташкил этади. БМТ аёл ва эркакларнинг тенглиги принципи тарафдоридир (с.5).

БМТнинг 1967 й. 7/XI. №2263 резолюцияси билан эълон қилинган Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларациянинг 4-моддасида белгиланишича,

«а) аёллар эркаклар эга бўлгани каби, турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳга фақат ўзининг эркин ва тўла розилиги билан кириш ҳуқуқига эга бўлишлари;

б) эркаклар билан бир хилдаги меҳнат учун тенг ҳақ ва тенг моддий таъминот ҳуқуқига эгадирлар».

Шунингдек, аёллар никоҳда бўлган пайтларида ва уни бекор қилишда эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозимлиги белгиланган.

Ушбу Декларациянинг 10-модда I-қ.га мувофиқ, турмушга чиққан ва чиқмаган аёллар ижтимоий – иқтисодий фаолиятда эркаклар билан бир хилдаги ҳуқуқларга:

а) фуқаролик ҳолати сабабли ёки бошқа белгиларга кўра камситишларсиз касбий тайёргарликка эга бўлиш, ишлаш, касб ва машғулотларни эркин танлаш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш ҳуқуқига эга.

“Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция БМТ томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилиниб, 1981 йил 3 сентябрдан кучга кирган⁹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Давлат ва жамият қурилишида аёллар фаоллигини ошириш тўғрисида» фармони Вазирлар Маҳкамасида она ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларини назорат қиладиган вице – премьер лавозими таъсис қилинди. Маҳаллий давлат ҳокимият тизимида ҳам тегишинча ҳоким ўринбосари лавозими киритилди.

⁸⁹ Инагамова М.М. Халқаро ва миллий қонунчиликда аёл ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма.–ИИВ Акад., 2010. – 3 б.

⁹⁰ Инагамова М.М. Халқаро ва миллий қонунчиликда аёл ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма.–ИИВ Акад., 2010. – 31 б.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига, шужумладан аёл (қиз) лар ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш ҳамда кафолатлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввало, тегишли ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда. Маълумки, 1998 йил мамлакатимизда «Аёллар йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан «Давлат дастури» қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилди. Хусусан, шу йили 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» қабул қилиниб, кучга киритилди. Мазкур Кодекс – оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлади. Янгиланган Асосий қонунимизнинг 58-моддасида ҳам «Хотин – қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб муҳрланган.

Шунингдек, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун давлат органларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мажбурий қилиб қўйди.

Сўнгги йилларда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қуйидаги ислохотлар амалга оширилди:

☑ «Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита» ташкил этилди;

☑ Гендер тенглик тўғрисидаги Миллий стратегия (2020 – 2030) қабул қилинди;

☑ Аёллар учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятда иштирок этиш имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш борасида қуйидаги статистик маълумотлар эътиборга молик:

☑ 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

☑ 2022 йилда олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

☑ Республика бўйича турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар 2017 йили 44,2 фоизни, 2019 йили 45,3 фоизни ташкил этди.

☑ «Аёллар дафтари»да 630 мингдан ортиқ хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 200 мингдан ортиғи ишсиз эканлиги қайд этилган эди. Бироқ бу кўрсаткич сезиларли тарзда қисқармоқда.

Амалий тадбирлар ва ислохотлар ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун қатор амалий тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилганлиги эътирофга сазовор:

☑ «Аёллар дафтари» тизими жорий этилган бўлиб, бу орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўрганилади ва уларга манзилли ёрдам кўрсатилади.

☑ 2021 йилда Президентнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий кўникмаларга эга бўлиши ва бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

☑ Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахслар белгиланган.

Ислохотларнинг самараси қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

☑ «Аёллар дафтари» тизими доирасида оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар манзилли ёрдам билан таъминланади.

☑ Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш: 252 мингдан ортиқ аёл касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 623 мингдан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

☑ Тиббий ёрдам соҳасида: 3 миллион 336 мингдан ортиқ хотин-қиз бирламчи онкоскрининг текширувидан ўтказилди, 1 миллион 13 мингга яқин нуроний онахон чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

☑ Жиноий жавобгарликни кучайтириш: Жиноят кодексининг 126¹-моддасига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 592-моддасига «оилавий (маиший) зўравонлик» билан боғлиқ янги норма киритилди.

☑ Гендер тенглик стратегияси: 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди ва 2023-2025 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, амалий тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Статистик маълумотлар ва амалий натижалар ушбу соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини яққол кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Конституциядаги янги нормалар хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада оширишга хизмат қилмоқда.

“ХАВФСИЗ ОИЛА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Мансуров Арслон Аскарлович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойилини конституциявий даражада эътироф этган ҳолда, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаси этиб белгилаган. Янги таҳрирдаги Конституцияда илк бор Ўзбекистон ижтимоий давлат экани, инсонга эътибор ва ғамхўрлик давлат ҳамда жамиятнинг асосий бурчи экани мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила ва аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир асосий кафолатлар белгилаб берилган. Асосий Қонунга мувофиқ, аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқларга эга. Шу билан бирга, Конституциянинг оилага оид моддаларига биноан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга⁹¹.

Мамлакатимиз миллий қонунчилиги мазкур конституциявий тамойилларни ривожлантирган ҳолда, хотин-қизлар ва оила манфаатларини ҳимоя қилувчи қатор қонун ҳужжатларини қабул қилган. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг барча шакллари (жисмоний, руҳий, иқтисодий ва жинсий зўравонлик) тақиқланиши ва бундай ҳолатлар учун масъуллик белгиланган. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда гендер тенгликни таъминлашнинг асосий принциплари – қонун устуворлиги, демократия, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, ошкоралик ва ҳоказолар мустаҳкамланди⁹². Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисидаги қонун меҳнат, таълим, давлат хизмати ва бошқа соҳаларда аёлларнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга қаратилган бўлса, зўравонликдан ҳимоя қилишга оид қонун оилавий зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, жабрланувчиларни муҳофаза қилиш механизмларини (ҳимоя ордери каби) жорий этди⁹³.

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁹² Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, О‘РҚ–562-сон, 2019 йил 2 сентябрь. – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й.

⁹³ Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, О‘РҚ–561-сон, 2019 йил 2 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й.,

Миллий қонунчиликнинг яна бир муҳим тармоғи – Оила кодекси ва унга киритилган ўзгартишларда аёллар манфаатларини муҳофаза қилувчи қоидалар мавжуд. Масалан, никоҳ ёшини тенглаштириш (эркак ва аёл учун 18 ёш этиб белгилаш) орқали эрта турмушнинг олдини олишга қаратилган ўзгартиш киритилди.

Аҳоли билан бевосита мулоқотда бўладиган маҳалла институти – мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим роляда. Маҳаллада хотин-қизлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ролини ошириш учун бир қатор ҳуқуқий механизмлар жорий этилган. 2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тузилиб, ҳар бир маҳаллага “хотин-қизлар фаоли” лавозими жорий қилинди. Маҳалла даражасидаги хотин-қизлар фаоллари аёлларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш вазифаларини амалга оширади⁹⁴. Хусусан, улар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, намунавий оилани шакллантириш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб боради.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида “Аёллар маслаҳат кенгашлари” фаолият юритиб, улар маҳалла хотин-қизлар фаоллари билан биргаликда ишлайди. Ушбу кенгашлар ва маҳалла актив аёллари ҳамкорлигида оғир ижтимоий аҳволда қолган, зўравонликка учраган ёки турли муаммоларга дуч келган хотин-қизларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш тизими йўлга қўйилган. Масалан, ҳар бир маҳаллада профилактика инспектори (участка милиция нозирини) ва хотин-қизлар фаоли биргаликда айрим оилаларга бориб, давомий низоли ҳолатларни тартибга солиш, зўравонликка мойил шахслар билан суҳбатлар ўтказиш ишларини амалга ошироқда. Аёллар фаолларининг маҳалла комиссияларида иштирок этиши, айниқса, оилани сақлаб қолиш ёки можароларни ҳал қилиш юзасидан маслаҳат бериш жараёнларида, уларнинг овози муҳим аҳамият касб этади.

Давлат томонидан хотин-қизларни маҳаллада қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир институт – “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” идоралари (аввалги Маҳалла вазирлиги тизими) фаолият кўрсатмоқда. Президентнинг 2022–2023 йиллардаги тегишли фармон ва қарорлари билан, эндиликда маҳаллаларда ижтимоий ишлар билан шуғулланувчи вазифалар “маҳалла еттилиги” деган янги таркибий тузилма орқали амалга оширилиши белгиланди. “Маҳалла еттилиги” таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-

⁹⁴ “Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари нима?”// Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (WCU.uz) расмий сайти. – 2022 йил 2 июль.

қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори киради⁹⁵. Мазкур гуруҳ маҳаллада жиноят содир этиши ёки жабрланиши эҳтимоли юқори бўлган оилалар ва шахсларни рўйхатга олиб, улар билан манзилли профилактик иш олиб боради.

“Хавфсиз оила” концепциясини муваффақиятли амалга оширишда халқарота жриба ва меъёрлардан фойдаланиш жуда муҳим. Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларига оид барча асосий халқаро шартномаларга қўшилган бўлиб, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW, 1979) ни 1995-йилда ратификация қилган. Бу халқаро мажбуриятлар давлатимиздан аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка барҳам бериш, жамият ҳаётида гендер тенгликни таъминлаш борасида доимий чора-тадбирлар кўришни талаб этади. БМТнинг Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар режаси (1995) да ҳам оилаларда зўравонликнинг олдини олиш, аёлларни қарор қабул қилиш даражасига олиб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, аёлларни жиноятчилик профилактикасига жалб этишда фақат давлат идоралари эмас, балки нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, қатор хорижий давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқ.) маҳалладаги аёллар кўнгиллилари орқали “қўшни назорати” (neighborhood watch) дастурлари амалга оширилиб, оилавий можаролар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида вақтида хабар бериш йўлга қўйилган. БМТ Тараққиёт Дастурининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон мазкур хорижий тажрибаларни ўрганиб, ҳуқуқий ёрдам тизимини гендерга сезувчан тарзда ислоҳ қилишга киришган⁹⁶.

Юқорида баён этилган таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни беқиёсдир. Ижтимоий давлат концепцияси шароитида аёллар ва оилани ҳуқуқий муҳофаза қилиш нафақат ўз-ўзидан мақсад, балки жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг самарали усуллари дан биридир. Аёлларнинг оиладаги, маҳалладаги ва умуман жамиятдаги фаоллиги ортиши билан, зўравонлик ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муҳит шаклланади, эрта аниқлаш ва таъсирчан чора кўриш механизми ишлайди. Давлатимиз Конституцияси ва қонунлари бу соҳада зарур ҳуқуқий замин яратган; эндиликда уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ва доимий такомиллаштириб бориш лозим⁹⁷.

⁹⁵ Kun.uz сайти. // “Маҳалла еттилиги»га ижтимоий профилактика билан шуғулланиш юклатилди” хабар, 2024 йил 3 декабрь.

⁹⁶ БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP) блоги. “Why Legal Aid Provision Needs to be Gender-sensitive: Case of Uzbekistan”, 2024 йил 3 декабрь (Б. Америкекепе).

⁹⁷ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (UzA) хабари. “Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, 2022 йил 8 декабрь (С. Саттаров).

Маҳаллада ижтимоий профилактика электрон тизимини такомиллаштириш: Ҳозирда жорий этилаётган “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимини янада ривожлантириб, хотин-қизлар фаолларини ушбу платформа орқали таҳлил ва мониторинг олиб боришига шароит яратиш даркор. Бу орқали ҳар бир муҳтож аёл ёки можароли оиланинг ҳолати реал вақт режимида кузатилиб, давлат идоралари билан тез ҳамкорлик қилиниши таъминланади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ўрнини ошириш: Аёл милиция инспекторлари ва терговчилари сонини кўпайтириш, уларни айниқса оилавий зўравонлик ва гендерга доир жиноятлар бўйича ихтисослаштириш лозим. Чунки жабрланувчи аёллар баъзан эркак ҳуқуқ-тартибот ходимларига мурожаат қилишдан тортинишади; бундай ҳолларда аёл ходимлар мавжуд бўлиши муаммонинг очиқ айтилишига ёрдам беради.

Халқаро ҳамкорликни давом эттириш: Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва “хавфсиз оила” масалалари бўйича халқаро конференция, семинар ва тажриба алмашувларда миллий экспертлар ва маҳалла ходимлари иштирокини таъминлаш лозим. Жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар мунтазам ўрганилиб, миллий шароитга мос равишда татбиқ этиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Яқунлайдиган бўлсак, ижтимоий давлат тамойилини қарор топтириш ва “хавфсиз оила” муҳитини яратиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ вазифалардир. Бу жараёнда хотин-қизлар иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасига доир қонунчилик ижросини қатъий назорат қилиш ва жамоатчилик онгида оилада зўравонликка мутлақо таҳаммулсизлик маданиятини шакллантириш зарур. Келгусида олиб бориладиган ислохотлар ва чора-тадбирлар шу йўналишда изчил давом этса, жамиятда ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камаяди, фаровон ва хавфсиз турмуш шароити таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

2. Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, О‘РҚ–562-сон, 2019 йил 2 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й.

4. “Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари нима?” // Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (WCU.uz) расмий сайти. 2022 йил 2 июль.

6. БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP) блоги. “WhE Legal Aid Provision Needs to be Gender-sensitive: Case of Uzbekistan”, 2024 йил 3 декабрь (Б. Амепесекепе).

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (UzA) хабари. “Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, 2022 йил 8 декабрь (С. Саттаров).

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ОШКОР ҚИЛИНМАГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Саттаров Мансур Абдугафурович
ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти
бошлиғининг ўринбосари, полковник

Мамлакатларда мулкка қарши жиноятлар статистикасида “қора рақам” деб аталувчи яширин қисм мавжуд бўлиб, расмий қайд этилмаган ҳамда хабардор қилинмаган жиноятлар тоифасини ташкил қилади. Хусусан, бошқа шахсларнинг мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар кўп ҳолларда ўз вақтида аниқланмай қолиши мумкин. Бу ҳолат жамият ва иқтисодиётга сезиларли зараретказди, чунки жиноят оқибатлари бартараф этилмайди ва айбдор шахслар жазодан қочиши мумкин. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида бундай ошкор қилинмаган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур мақола ушбу муаммони ҳал этишда тизимли ёндашув ҳамда турли идора ва юрисдикциялар ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмларини таҳлил қилади. Илмий-амалий услубда, мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ латент жиноятларни очиш ва суриштириш усуллари ёритилади. Шунингдек, халқаро тажрибада ўзини оқлаган ҳамкорлик моделлари ва ҳуқуқий меъёрлар тадқиқ этилиб, тергов амалиёти учун амалий тавсиялар берилади. Мақоланинг асосий қисмида жиноятларни аниқлашдаги тизимли ёндашув, миллий идоралараро ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқий ёрдам ва қонунчилик асослари кўриб чиқилади. Охирида эса умумий хулосалар ва истиқболли тавсиялар баён этилади. Ошкор қилинмаган талон-тарож жиноятлари таҳдиди ва хусусиятлари

Ҳар қандай жиноятнинг ўз вақтида фош этилмасдан қолиши унинг оқибатларини чуқурлаштиради. Мулкий жиноятлар (*талон-тарож қилиш, ўғрилик, фирибгарлик ва ҳ.к.*)да жабрланувчилар баъзан жиноят ҳақида хабар бермаслиги ёки жиноят кечикиб аниқланиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича: жабрланувчининг ўз мулки йўқолганини дарҳол пайқамаслиги, обрўйга путур етказишдан қўрқиб шикоят қилмаслиги ёки ички фирибгарлик ҳолатида ташкилотнинг ўз обрўси учун жим туришга

мойиллиги ва ҳоказо. Натижада жиноят ҳақида маълумот ҳуқуқ-тартибот идораларига етиб бормай, жиноятнинг латент ҳолати (*яширин ҳолда қолиши*) юзага келади.

Халқаро таҳлилларга кўра, иқтисодий ва мулкка қарши жиноятларда “қора рақам” улуши анча юқори бўлиб, айрим тадқиқотларда маълум қилинишича, ошкор қилинмаган ҳолатлар сони расман қайд этилган жиноятлардан бир неча баробарга ортиши мумкин. Масалан, корпоратив фирибгарлик ёки мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани талон-тарож қилиш ҳолатлари йиллар давомида пухта яширилиб келиши ва фақат махсус текширув ёки аудит орқали аниқланиши эҳтимоли юқори. Шу боис, бундай жиноятларни илғаб олиш учун одатий шикоятга асосланган реактив чоралар камлик қилади; аксинча, проактив (*олдидан қидирувчи*) ёндашув ва маълумотларни тизимли таҳлил қилиш зарур. Ошкор қилинмаган жиноятларнинг хавфи шундаки, улар жамиятда жазосизлик муҳитини шакллантириши ва янги қонунбузарликларга рағбат бериш хавфи бор. Масалан, агар мансабдор шахс томонидан амалга оширилган катта миқдордаги ўзлаштириш ёки растрата факти аниқланмай қолаверса, бошқалар ҳам шунга ўхшаш жиноятга қўл уриши мумкин. Шунингдек, талон-тарож жиноятларидан олинган ноқонуний даромадлар кўпинча яширин иқтисодий фаолиятга ёки ҳатто уюшган жиноятчиликка сармоя сифатида йўналтирилиб, кенгроқ хавф туғдиради. Демак, яширин мулккий жиноятларни фош этиш фақат бир воқеани очиш эмас, балки жиноятчиликка қарши курашда умумий профилактика чорасидир.

Мулкни талон-тарож қилиш турлари ва аниқлаш муаммолари

“Талон-тарож қилиш” тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигида мулккий жиноятлар туркумига кирувчи бир қанча қилмишларни қамраб олади. Жиноят кодексида ушбу турдаги қилмишлар турли моддаларда акс этган, жумладан: огоҳ этмасдан ўзганинг мулкани яширин ўмариш – ўғрилиқ сифатида; куч ишлатиб талон-торож қилиш – талончилик; ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож – босқинчилик; ишончни суистеъмол қилиш ёки алдаш йўли билан мулкни қўлга киритиш – фирибгарлик; ўзига ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки исроф этириш – ўзлаштириш ёки растрата каби жиноят таркибларидир. Айни шу моддаларнинг барчаси моҳиятан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш шакллари ҳисобланиб, усул ва белгиларига кўра фарқланади.

Масалан, фирибгарликда мулк алдаш йўли билан қўлга киритилса, ўзлаштиришда мулк олдидан айбдор тасарруфида бўлган ҳолда яширин эгалланади. Ушбу жиноятларнинг кўп қирралилиги уларни аниқлаш ва тергов қилишда ҳам турлича муаммоларни келтириб чиқаради. Оғирлик даражаси жиҳатидан ҳам фарқли ҳолатлар бор: майда ўғрилиқлар кўпинча

жабрланувчилар томонидан ҳабар берилмаслиги мумкин, айниқса агар етказилган зарар оз миқдорда деб баҳоланса. Бунга нисбатан, катта миқдордаги ёки уюшган тарздаги талон-тарож жиноятлари аксинча, ўта мураккаб схемалар орқали амалга оширилиб, уларни фош этиш учун махсус билим ва кўникмалар талаб этилади. Масалан, молиявий ҳужжатларга сохтакорлик киритиб, маблағларни ўзлаштириш ҳолатларида оддий текширув жараёнида жиноят излари дарҳол кўзга ташланмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда иқтисодий экспертиза, аудиторлик текшируви, банктранзакцияларини таҳлил қилиш каби махсус воситалардан фойдаланиш лозим бўлади. Яна бир муаммо – ахборотга эга бўлмаслик. Яширин жиноятларнинг кўпида жабрланувчи томон амалга оширилган жиноят ҳақида умуман маълумотга эга бўлмаслиги ёки кеч маълум бўлиши мумкин. Масалан, мансабдорнинг коррупцион қилмиши фақат ташқи назорат ёки ОАВ орқали фош бўлиши ёки бухгалтерия аудитида аниқланиши мумкин. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза органлари фақат фуқаролар аризасига таянмай, мустақил равишда потенциал жиноят аломатларини излаши муҳимдир. Бу эса тизимли разведка ва таҳлилий ёндашувни талаб этади.

Тизимли ёндашув асосида тергов ва проактив усуллар

Фош этилмаган жиноятларни аниқлаш ва суриштиришда тизимли ёндашув деганда, тасодифий ёки фақат шикоятга асосланган эмас, балки режали, маълумотларга суянган ва мунтазам равишда олиб бориладиган текширувлар назарда тутилади. Бу ёндашувда терговчи ва тезкор ходимлар жиноят содир этилганидан кейин эмас, балки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдиндан бартараф этиш ёки фактларни топишга ҳаракат қилишади. Қуйида бундай ёндашувнинг асосий жиҳатлари баён этилади:

Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш: Терговга қадар босқичда мавжуд базалар (*молиявий ҳисоботлар, солиқ маълумотлари, банк операциялари, реестрлар*) доимий мониторинг қилинади. Замонавий дастурий воситалар ёрдамида шубҳали транзакция ёки мулкӣ ҳақ-ҳуқуқлар қозғалиши автоматик тарзда аниқланиши мумкин. Масалан, банклардаги шубҳали операциялар тўғрисидаги ҳисоботлар (SAR – Suspicious Activity Report) орқали кўплаб яширин молиявий жиноятлар фош бўлади. Банклар ва молиявий мониторинг органлари ўртасида электрон ахборот алмашувини йўлга қўйиш, катта маълумотлар (Big Data) таҳлилинини жорий этиш орқали аномал ҳодисаларни ғанимслари аниқлаб, терговга асос солиш мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирларини қўллаш: Ўзбекистон қонунчилигида тизимли жиноят излаш фаолиятини таъминловчи махсус институт – тезкор-қидирув фаолияти мавжуд. 2012 йилда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, тезкор тадбирлар натижасида

йиғилган материаллар асосида жиноят иши қўзғатилиши ва бу материаллар процессуал далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Кибер ва рақамли воситалардан фойдаланиш: Замонавий даврда кўплаб мулкый жиноятлар электрон муҳитда из қолдиради (масалан, банк ўтказмалари, электрон почта ёзишмалари, ССТВ видеолавҳалар). Шу боис, тизимли терговда электрон далилларни қидириб топиш ва сақлаш алоҳида ўрин тутди. Кибер-техникавий экспертиза ва рақамли криминалистика усуллари орқали яширин жиноятларнинг излари (*масалан, компьютер файлларидаги сохталаштирилган бухгалтерия маълумотлари, электрон манбалардаги мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар*) очиб берилиши мумкин. Хусусан, халқаро тажрибада хорижий банклардаги яширин ҳисобварақлар ва оффшор компаниялар орқали амалга оширилган пул ҳаракатларини фош этиш учун молиявий разведка ва сўйп-то-трассировка каби технологиялар қўлланилмоқда.

Мульти-дисциплинад (*кўп соҳали*) тергов гуруҳлари: Талон-тарож қилиш билан боғлиқ мураккаб жиноятларни очишда фақат терговчининг ҳаракатлари етарли эмас, балки турли соҳалар мутахассисларидан иборат гуруҳ ишлаши самарали бўлади. Масалан, бухгалтер-аудитор, иқтисодчи, ИТ-мутахассис, ҳатто керак бўлса, хорижий ҳуқуқшунос маслаҳатчилари жалб қилиниб, жиноятнинг барча жиҳатларини қамраб олган ҳолда тадқиқ этилиши зарур. Бундай тизимли ва жамоавий ёндашув, айтиқса, қиймати юқори иқтисодий жиноятларда ўзини оқлайди. АҚШ тажрибасида ФБРнинг молиявий тергов гуруҳлари ёки Буюк Британиядаги Суриштируви жиддий фирибгарлик бўлими (Serious Fraud Office)да айнан шундай интеграциялашган ёндашув қўлланилиб, мураккаб коррупция ва фирибгарлик ишларини муваффақиятли очиш мумкин бўлди.

Тизимли ёндашувнинг афзаллиги шундаки, у жиноят содир бўлгунча ёки дарҳол сўнг аниқлаш имконини бериб, классик пассив кузатувдан фаол ҳаракатга ўтишни таъминлайди. Натижада кўплаб латент ҳолатлар маълум бўлади, жабрланувчилар ҳуқуқи тикланади ва енг муҳим маънода – мулкый жиноятлар учун жазосизлик муҳити барҳам топади.

Миллий даражада турли идоралар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўймасдан туриб, талон-тарож жиноятларини самарали фош этиш мушкул. Чунки бундай жиноятлар кўп ҳолларда иқтисодий, молиявий, солиқ ва ҳуқуқ-тартибот соҳалари чорраҳасида амалга оширилади. Шу сабабли, ҳар бир ваколатли идоранинг маълумотлари ва салоҳиятини бирлаштириш зарур. Қуйида Ўзбекистон шароитида ва халқаро амалиётда самара берган идоралараро ҳамкорлик механизмлари келтирилади:

Махсус ваколатли тузилмалар ва комиссиялар: Коррупция ва мулкый жиноятларга қарши курашиш учун мамлакатимизда алоҳида тузилмалар

бўлиб, улар орқали тергов давомида хорижда жойлашган банк хужжатларини олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, таҳлил учун взаимо взят материаллар алмашиш амалга оширилмоқда.

Евроиттифоқ тажрибаси: Европа Иттифоқи доирасида аъзо давлатлар ўртасида тергов ва таъқибда ўзаро ёрдамни осонлаштирувчи бир қатор механизмлар мавжуд. Евроюст – бу аъзо давлатлар прокуратуралари ўртасида мувофиқлаштириш агентлиги бўлиб, мураккаб трансчегаравий ишларда қўшма тергов гуруҳлари (*ЖИТС*)ни тузишга ёрдам беради. Европа Тергов ордери (*European Investigative Order*) механизми эса бир давлатдан иккинчисига тезкор тарзда далилларни топшириш ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун ишлаб чиқилган. Бундай воситалар натижасида, масалан, бир неча давлатга тарқалган солиққа оид фирибгарлик иши бўйича қисқа муддатларда зарур ҳужжатлар олиш ва айбдорларни бир вақтда қўлга олиш имкони туғилади.

Халқаро ҳамкорликнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун ўзаро ишонч ва ҳуқуқий тартиботларга риоя қилиш муҳимдир. Барча иштирокчи томонлар махфийлик қоидаларига амал қилган ҳолда маълумот алмашиши, шу билан бирга ҳар бир юрисдикция суверенитети ҳурмат қилиниши зарур. Амалий жиҳатдан, хорижий ҳамкорлар билан тезкор боғланиш учун ҳар бир юксак профилли иш бўйича алоҳида масъул шахс (*ҳалқаро ҳамкорлик прокурори ёки терговчиси*) тайинлаш, зарурат туғилганда хориждаги тергов ҳаракатларида иштирок этиш (*мисол учун, хориж судида гувоҳ сифатида қатнашиш*) каби чоралар ҳам ўз самарасини бермоқда. Юқоридаги фактлар, воқеалар ва қонун нормалари таҳлили шуни кўрсатадики, мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ яширин жиноятларга қарши курашда халқаро мувофиқлаштирилган ҳаракатгина самарали бўла олади.

Хулоса

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, ўзгалар мулкни талон-тарож қилишга оид ошкор қилинмаган жиноятларни тергов қилиш нафақат миллий, балки халқаро миқёсда долзарб вазифа саналади. Бундай жиноятлар иқтисодий барқарорликка путур етказиб, фуқароларнинг ҳуқуқий адолатга ишончига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, уларни аниқлаш ва фош этиш учун анъанавий усуллар билан чекланиб қолмай, тизимли ва инновацион ёндашувни қўллаш зарур. Тизимли ёндашув доирасида ҳуқуқни муҳофаза органлари проактив иш услубига ўтиши лозим: жиноят изларини олдиндан излаш, маълумотлар базаларини мунтазам таҳлил қилиш, тезкор-қидирув имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Ўзбекистон қонунчилиги бу борада муайян асосларни яратган – тезкор тадбирлар материалларини ишга жалб қилиш, жиноят аломатлари ҳақида турли идоралардан хабар тушганда иш қўзғатиш механизмлари мавжудлиги бунга мисолдир.

Энг муҳими, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали тергов самарадорлигини ошириш мумкин. Турли ваколатли органлар ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилса, ҳар бир жиноятни “мозаика” каби бутлаш осонлашади – ҳар бир идора ўз парчасини тақдим этади. Шунингдек, халқаро конвенциялар ва келишувлар доирасида хорижий ҳамкасблар билан бир ёқадан бош чиқариб иш олиб бориш, кўп тармоқли жиноятларни очишда калит вазифасини ўтайди. Мазкур мавзудаги таҳқиқот ва халқаро тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, самарали тергов қўйидаги устунликларга таянади: тезкорлик (*жиноятни барвақт аниқлаш*), ҳамкорлик (*идоралар ва давлатлараро ўзаро ёрдам*) ва қонунийлик (*барча чоралар қонун доирасида амалга оширилиб, далиллар ишончли топилади*). Шу тарзда иш кўрилса, энг мураккаб ва яширин жиноятларни ҳам фош этиш мумкин бўлади.

Тавсиялар

Юқорида баён этилган фикрлар асосида, мулкий жиноятларнинг латент шакллари аниқлаш ва суриштириш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги тавсиялар илгари сурилади:

Маълумотлар таҳлилий маркази ташкил этиш: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ҳузурида мулкий ва иқтисодий жиноятлар бўйича катта маълумотларни таҳлил қиладиган ихтисослашган марказ ташкил этиш лозим. Бу марказ банк операциялари, солиқ тўловлари, мулк реестри каби манбалардан маълумотларни тўплаб, шубҳали тенденцияларни автоматик аниқлайди.

Тезкор-қидирув имкониятларини такомиллаштириш: Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш учун қонуний база ва техник жабҳада шарт-шароитларни яхшилаш зарур. Масофавий кузатув воситалари, кибер-разведка ва криптовалюта транзакцияларини кузатув тизимларини харид қилиш ва жорий этиш тавсия этилади.

Идоралараро координация комиссиясини фаоллаштириш: Мулкий жиноятлар бўйича республика даражасида идоралараро комиссия (*прокуратура, полиция, солиқ, божхона, аудит идоралари ва бошқалар иштирокида*) ташкил этилиб, мунтазам равишда йиғилиш ўтказиши лозим. Бу комиссия юқори риси мавжуд соҳалар (*масалан, давлат харидлари, нефть-газ сектори, банк кредитлари*)даги ҳуқуқбузарликларни биргаликда ўрганиб, профилактик ва тергов тадбирларини белгиласин.

Халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш: Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар географиясини кенгайтириши лозим. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари, оффшор зоналар жойлашган Қирғиз минтақаси давлатлари билан тўғридан-тўғри келишувлар тузиш

мақсадга мувофиқ. Интерпол имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, коррупциявий жиноятлар бўйича қўшма тергов гуруҳларида иштирок этиш ҳам қўллаб-қувватланиши керак. Мутахассислар малакасини ошириш: Мулкӣ ва иқтисодий жиноятлар бўйича тергов қилувчи мутахассислар учун доимий малака ошириш курслари ташкил этиш тавсия этилади. Бу курсларда хорижий экспертлар иштирокида финансиал инвестиғатион, ассет трасинг, дигитал эвиденсэ мавзулари ўргатилиши зарур. Шу билан бирга, аудиторлар ва терговчиларнинг ҳамкорликда ўқув семинарларини ўтказиб, бир-бирининг иш услубини тушунишларига замин яратиш керак.

Таклиф этилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали, мамлакатимизда ошкор қилинмай қолган мулкӣ жиноятлар улушини қисқартиришга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришилади. Зикр этилган механизмлар ва ёндашувлар мулкни талон-тарож қилиш каби оғир жиноятларга қарши курашда нафақат жазолаш, балки уларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Шу тариқа, ҳуқуқ-тартибот идораларининг халқ ишончи ҳам мустаҳкамланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гордеев С. Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (*зарубежный опыт*) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 3. С. 141.

2. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш 12.00.01 «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи» : Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация / Латипов Бегзод Испандиёрович; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси. – Тошкент, 2019 – С. 134-135.

3. Ю.А. Воронин Зарубежный опыт участия населения в противодействии преступности: правоохранительный и виктимологический аспекты / Bulletin of the South Ural State University. 16 Ser. Law. 2019, vol. 19, no. 3, pp. 16–21

4. Тўхтарбаева С.М.Международный опыт правоохранительной деятельности по противодействию коррупции с участием гражданского общества // Юридическая гносеология. 2016. № 2

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН САЛМОҒИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Хасанов Шуҳрат Эркинбаевич,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти
мустақил изланувчиси

Бугунги ислохотлар даврида мамлакатимизда аёлларга эътибор сезиларли даражада ошиб, республикамиз хотин-қизларининг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолисининг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этаётган аёллар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб ҳаётга жорий этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминланиши, 42-моддасида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши бунинг яққол мисолидир.

Аёлларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида бир қатор чоратadbирлар амалга оширилаётганига қарамай, бугунги кунда улар томонидан жиноятлар содир этилиши жуда ҳам аянчлидир.

Ўзбекистонда аёллар томонидан айниқса, мулкка қарши жиноятлар, хусусан ўғрилик жиноятларининг кўп содир қилинаётганлиги аянчли. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти томонидан тайёрланган “Жиноятчилик омиллари ва жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи” маълумотларига кўра, аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг салмоқли қисми ўғрилик жиноятлари ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур жиноят турининг аёллар орасида кенг тарқалиш сабабларини илмий асосда таҳлил қилишни тақозо этади.

Сўнги 5 йиллик таҳлилларга кўра, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар орасида 38–42 фоизи ўғрилик жиноятларига, 25–30 фоизи фирибгарлик жиноятларига, 10–12 фоизи қонунга хилоф савдо ёки божхона қоидаларини бузиш жиноятларига тўғри келмоқда.

Ўғриликлар асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда:

- савдо нуқталаридан товарларни яширинча олиб кетиш;
- меҳмонхона, бозор ёки транспортда шахсий буюмларни ўғирлаш;
- иш жойида ишончли суиистеъмол қилган ҳолда қимматбаҳо нарса ва буюмларни ўғирлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2019 йилнинг 10 январдадаги кенгайтирилган мажлисида мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев айнан аёллар жиноятчилигининг салмоғи ўзгармасдан қолаётганлигини, уни барвақт профилактикаси бўйича илмий-амалий ёндашувлар асосида, аёллар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш профилактикасини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида аниқ вазифалар белгилаб берган эди[1].

2024 йилда аёллар томонидан 7 903 та жиноят содир этилган бўлиб, жами жиноятларнинг 6 фоизини ташкил этган ҳамда асосан фирибгарлик ва ўғрилик жиноятларини ўз олдига ноқонуний бойлик орттиришни асосий мақсад сифатида қўйган 30-40 ёшдаги аёллар томонидан содир этилиши кузатилган.

Республика бўйича аёллар томонидан 1 326 та ўғрилик жиноятлари содир этилган.

Ўтказилган таҳлиллар охириги йилларда содир этилган ўғрилик жиноятларида аёллар иштироки 2023 йилда 9,9 фоизни, 2024 йилда 12,5 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Келтирилган рақамлар унчалик кўпдек туюлмаса-да, ҳар бир аёлнинг зиммасида оиласи, болалари тарбияси, жамиятимиз келажаги турганлигини кўз олдимизга келтирсак, бу фикрнинг тўғри эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки онаси жиноятчи бўлган оила таназулга учрайди, болалари назоратсиз қолади. Тадқиқотлардан маълумки, назоратсиз қолган болаларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига “ҳисса” қўшиши даражаси юқори бўлади [2].

Шахснинг хулқ-атворида шаклланган ва ижтимоий ахлоқ даражасига кўтарилган тамагирлик ниятлари муқаррар равишда энг ижобий ижтимоий-маънавий институтларнинг заифлашишига олиб келади. Оила ижтимоий ролининг камайиши ва маънавий хусусиятга эга бўлган ҳаётий қадриятларга нисбатан қарашларнинг ўзгариши жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормаларидан узоқлашишга ва жинсий муҳитнинг ёшаришига олиб келади. Аёллар томонидан содир этилаётган ўғрилик жиноятларининг келиб чиқишига кўмаклашувчи омилларни ўрганишнинг долзарблиги аёллар жиноятчилиги муаммосига жиддий эътибор берилмаётганлиги, мазкур жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш усуллари ва шаклларини ишлаб чиқмаган шароитларда янада яққол намоён бўлади[3].

Жиноят содир этувчи аёлларнинг ҳуқуқбузарлик сабабларини ўрганишда уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашиш талаб этилади. Профилактик суҳбат ҳуқуқбузар аёлларни жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишониришдан, ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат фаолиятдир. Ҳуқуқбузар аёллар билан профилактик суҳбатни ички ишлар органлари таянч пунктида, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита у томонидан содир этилган ғайриижтимоий ҳулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади[4].

Аёлларда ўғрилиқ жиноятлари, умуман олганда қонунга зид ҳулқ-атвор шаклланишига имконият яратган шарт-шароитларнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1) аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар авваламбор ижтимоий омиллар билан белгиланиши;

2) фақат аёллар жиноятчилигига хос бўлган ва шунинг учун ҳам уни барча жиноятчилик орасида алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб турадиган маълум ўзига хосликларни қайд этишнинг зарурлиги;

3) бу ўзига хосликлар фақат объектив тавсифларни таққослашдагина эмас, авваламбор жиноий фаолият сабабларининг йўналишини баҳолашда аниқланиши;

4) аёлларнинг жиноий фаолияти ижтимоий воқеликнинг объектив ва субъектив омилларининг ўзаро таъсири билан белгиланишини кўрсатиб ўтиш зарур.

Аёллар томонидан содир қилинаётган ўғрилиқ жиноятларини ўрганиш давомида, аёллар жиноятчилигига таъсир қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат деган хулосага келинди:

*ижтимоий-иқтисодий омиллар;
психологик ва шахсий омиллар;
ташкилий ва тизимли муаммолар.*

Ижтимоий-иқтисодий омилларга:

- ишсизлик ва даромад манбаининг йўқлиги;
- оилани ёлғиз таъминлаш масъулияти;
- жамиятда кам таъминланган оилалар сонининг юқорилиги;
- гендер тенгсизлик ва кам имкониятлар.

Психологик ва шахсий омилларга:

- қўрқув, умидсизлик, эҳтиёж сабабли қилинган ҳаракатлар;
- муҳаббат, оила аъзоларининг босими;

- жиноий муҳитда улғайганлик (болаликдан беқарор муҳитда ўсганлар).

Ташкилий ва тизимли муаммоларга:

- аёллар учун мўлжалланган профилактика механизмларининг самарасизлиги;
- жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг паст даражаси;
- аёллар жиноятчилигига оид тадқиқотларнинг камлиги.

Тадқиқотлар давомида, аёллар жиноятчилигини олдини олиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилганда кўпчилик ҳолатларда аёллар учун алоҳида таълим дастурларининг мавжудлиги ва амалда натижа бераётганлигини кўришимиз мумкин.

Мисол учун, Канада давлатида аёллар учун махсус иш ва таълим дастурлари мавжуд бўлиб, ушбу дастурларда жиноят содир қилиши мумкин бўлган аёлларнинг таълим олиши, уларнинг бандлиги таъминланишини устувор вазифа қилиб белгиланган ва амалда ижроси алоҳида назорат қилиб борилади.

Нидерландия давлатида жиноят содир этган аёлларга нисбатан алтернатив жазо чоралари қўлланилади.

Алтернатив жазо — бу жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга асосий жазо ўрнига ёки унга қўшимча сифатида қўлланилиши мумкин бўлган жазо туридир, унинг мақсади шахсни жазолаш эмас, балки уни қайта тарбиялаш, жамиятга фойдали йўл билан таъсир қилишдир.

Бу турдаги ёндашув жиноят содир этган аёлларнинг жамиятга қайта мослашиш имконини беради.

Японияда аёллар жиноятчилигини реабилитатсия қилиш ва уларга психологик кўмак кўрсатиш учун бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан самарали дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурлар аёллар жиноятчилигини олдини олиш, уларни жамиятга қайта интегратсия қилиш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

Япония Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус даволаш дастурлари аёллар жиноятчилигига сабаб бўлган ички ва ташқи омилларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бу дастурлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг хато фикрлаш тарзини аниқлаш ва уларни тўғрилаш орқали хулқ-атворни ўзгартириш;
- гуруҳларда иштирок этиш орқали ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш ва изоляцияни камайтириш;
- жамоат ишларида иштирок этиш орқали жавобгарлик ҳиссини ошириш.

Бу дастурлар аёллар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган ва уларнинг ижтимоий интеграциясини таъминлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, аёллар жиноятчилигини олдини олиш учун қуйидаги амалий таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Аёллар учун махсус профилактика марказларини ташкил этиш — ҳуқуқий таълим, касб-ҳунар ўргатиш, моддий ёрдам ва реабилитацияни қамраб олган ҳолда.

2. Ишсиз аёллар учун квоталанган иш ўринлари — хусусий секторда ижтимоий ҳимояланган иш ўринлари яратиш.

3. Ижтимоий психология ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш — аёллар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича мунтазам тренинглари ўтказиш.

Ижтимоий тармоқлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини янги босқичга олиб чиқиш.

Бугунги ахборот технологиялари ривожланган бир даврда ҳар бир инсон, айниқса, аёллар томонидан ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда ахборотлар олиш, ушбу ахборотлардан фойдаланиш, амалда қўллаш ҳолатлари жуда кенг жабҳада эканлигини инобатга олиб, аёллар жиноятчилигини олдини олиш бўйича ижтимоий тармоқлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини янги босқичга олиб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Жумладан, аёллар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, жиноятга мойилликнинг ижтимоий-руҳий сабабларини тушунтириш, ижобий ҳаётини намуна ва мотивация бериш, аниқ мақсадли аудиториялар ташкил қилиш, (*Ёш қизлар, оилавий муаммоларга дуч келаётган аёллар, ишсиз ёки кам таъминланган аёллар ва ҳ.к*) ахборот-технологик ечимлардан фойдаланиш, жумладан қисқа видеороликлар (Реелс, Шортс) (*тушунарли, жозибадор форматда ҳуқуқий маълумот ва ҳаётини мисоллар орқали*), инфографика ва анимациялар (*жиноятнинг оқибатлари, ҳуқуқий жавобгарликни кўрсатадиган визуал контентлар яратиш*), интерактив сўровномалар ва тестлар (*фойдаланувчиларнинг билимини ошириш учун*), шунингдек, контент яратишда профессионал ёндашувларни қўллаган ҳолда, юристлар, психологлар, социологлар иштирокида видеолар, мақолалар тайёрлаш, ҳақиқий ҳаётини воқеалар асосида, шахсий маълумотлар махфийлигини сақлаган ҳолда, интервью ва қиссалар тайёрлаш, машҳур аёллар (*инфлюенсерлар, блогерлар, ижтимоий фаоллар*) орқали ижобий образларни тақдим этиш ва ҳ.к.

Бунда ОАВ ва блогерлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда контентни кенг аудитория эътиборига етказиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, аёллар томонидан содир этилаётган ўғрилиқ жиноятлари ўзининг мураккаб ижтимоий ва шахсий сабаблари билан ажралиб туради. Бу жиноятларнинг олдини олиш фақат жазо орқали эмас, балки таълим, иш билан таъминлаш, ҳуқуқий кўмак ва психологик

қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган комплекс ёндашув орқали амалга оширилишини унутмаслигимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр.– Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023. – 26-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.– 82–83-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган мажлисида маърузаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир” номли маърузаси. www/уза.уз/

5. Рустамбаев М.Х. ва бошқалар. Криминология: Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2008. – Б. 89.

6. Миразов Д.М. ва бошқалар Босқинчилик ва талончилик жиноятларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий услубий қўлланма. – Т., 2017. – Б. 7.

7. Криминология: Учебник / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев. –Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. – Б. 37.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Исамутдинов Равшан Рахмонович

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Сайлов
жараёнларини ташкилий таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари,
мустақил изланувчи,

Бахтиёрова Мадина Мансурбек қизи

мустақил изланувчи

Жамоат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг йўналишларидан бири бўлиб, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш бўйича давлат сиёсатининг муҳим тармоқлардан ҳисобланади. Шу ўринда, маҳалла институтининг жамоат хавфсизлиги таъминлашдаги роли ҳақида фикр юритишдан аввал биз жамоат хавфсизлиги тушунчасига тўхталиб ўтишимиз лозим. Бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги” тушунчасини таърифлаш бўйича олим ва мутахассислар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, олим ва мутахассисларнинг фикрлари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Хусусан, А.Ф.Жолдасовнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз амалга оширишни таъминлаш, хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган жамоат муносабатларини ҳимоя қилишнинг етарли ҳолати бўлиб, уларнинг мавжудлигига потенциал ёки реал хавфлар махсус ваколатли давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг фаолияти натижасида эришилади [1]. С.М. Селиманова, И.Р.Алижоновлар келтиришича жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, бунда асосан жамиятнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар), фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади [2]. С.И. Гирконинг фикрича, жамиятни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш сифатида жамоат хавфсизлиги жуда муҳим назарий ва амалий муаммо эканлигини кўрсатади, уни ҳал қилиш, бошқа ижтимоий муносабатлар қатори, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш стратегиясини белгилашга бевосита боғлиқдир [3]. Д.А. Коротченковнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда жамият ва

шунга мос равишда қонун чиқарувчи орган фақат ижтимоий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳаётини аҳамиятга эга деб эътироф этилган шахс манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тушунилади [4].

Умуман олганда, илмий тадқиқотлар ва ўрганишларимиздан келиб чиқиб, фикримизча, жамоат хавфсизлиги деганда шахс, жамият ва давлатнинг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими яратилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва миллий манфаатларни белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони билан муҳим иккита ҳужжат: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида, мамлакатимизда илк бор “жамоат хавфсизлиги” ва “жамоат хавфсизлигини таъминлаш” тушунчаларига ҳуқуқий таъриф берилди. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида субъектлар икки гуруҳга — жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳамда унда иштирок этувчи субъектларга ажратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар қаторига киритилди (1-расмга қаранг).

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими	
Таъминловчи субъектлар	Иштирок этувчи субъектлар
Вазирлар Маҳкамаси	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
Ички ишлар вазирлиги	Нодавлат ноижорат ташкилотлар
Миллий гвардия	Жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Касаба уюшмалари
Давлат хавфсизлик хизмати	Сиёсий партиялар
Бош прокуратура ва ҳоказо	Фуқаролар ва ҳоказо

1-расм. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини таъминловчи ва иштирок этувчи субъектлар

Маҳалла жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида қуйидаги муҳим икки функцияларни амалга оширади:

1) маҳалла жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир давлат дастурларини, ҳудудий ва идоравий дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

2) жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ушбу келтирилганлар ҳақида батафсил сўз юритадиган бўлсак, маҳалланинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги ўзига хос ўринга эгалигида намоён бўлади.

Биринчидан, маҳалла жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробацция назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб, адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви ҳисобланади.

Маҳалла профилактика инспектори билан ҳамкорликда жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробацция назоратига олинган ҳамда ёт ғоялар таъсирига тушиб, адашган шахсларни ишга жойлаштиради. Бу эса улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

2023 йилда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган шахсларнинг 25 177 нафари [5] ишга жойлаштирилган.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлари билан ҳамкорликда олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида 27 139 нафар [6] шахс муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги учун ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилган.

Иккинчидан, ҳар бир маҳаллада бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлашга бевосита жавобгар субъект — профилактика инспектори фаолият олиб боради ва у бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ҳисобланади.

Профилактика инспектори маҳаллада жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширади.

Шу ўринда маҳалла фуқаролар йиғини жамоатчилик назорати субъекти сифатида ҳар ойда ички ишлар органлари профилактика инспекторининг ҳисоботларини эшитади.

Бу борада жамоатчилик назоратининг шаклларида бири бўлган жамоатчилик эшитуви асосида ҳар ойда профилактика инспекторлари ўз фаолиятлари бўйича фуқаролар йиғинларига ҳисобот беради.

Ҳисобот давомида профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинига бириктирилган ҳудудда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, профилактик ҳисобда турган шахслар билан яқка тартибда олиб борилган ишлар, шунингдек, ҳудудда ўтган давр мобайнида содир этилган жиноятлар ва жиноятларнинг келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ҳамда омиллар тўғрисида маълумот тақдим этади.

Мазкур жамоатчилик эшитуви оммавий ва очиқ ҳолда ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли ҳисобланади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилиниб, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилган ҳолда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳалла институти жамоат хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жолдасов А.Ф. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари. Academic Research in Educational Sciences (ARES) илмий журнали. Vol. 2, No 12, 2023. – Б. 1163.

2. Селиманова С.М., Алижонов И.Р. Конституцияда жамоат хавфсизлигига оид нормаларнинг акс эттирилиши (халқаро тажриба) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – № 12. – 2021. – Б. 35.

3. Гирько С.И. Обеспечение общественной безопасности в системе мер защиты личности, общества и государства: состояние, проблемы, перспективы // Административное право и процесс. 2009. – № 5. – С. 8.

4. Коротченков Д.А. Организация административно-правовой охраны общественного порядка и обеспечения общественной безопасности при проведении массовых мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. – Хабаровск, 2006. – С. 25–26.

5. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати маълумотлари 2023 йил 12 ойлик.

ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ҲАМДА АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна,

“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи, катта илмий
ходим, ю.ф.б.ф.д.(PhD),

Абдуллаев Жамшид Джамилевич

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Ҳуқуқий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси, ю.ф.б.ф.д.(PhD)

Оила – бу нафақат муҳаббат ва бирдамлик маскани, балки инсонийлик, бағрикенглик ва маънавий тарбияни шакллантирувчи муқаддас даргоҳдир. Ҳар бир инсон учун оила – бу ҳимоя, меҳр ва тараққиёт манбаи бўлиши керак. Бироқ, афсуски, айрим ҳолларда бу муқаддас маконда низолар, зўравонлик ва ҳатто жиноятлар содир бўлиб, оилавий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар нафақат жабрланувчиларнинг ҳаётига, балки бутун жамиятга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Оиладаги зўравонлик, аёлларга нисбатан ноҳақлик ва жиноятчилик жамиятда маънавий инқирозга олиб келади. Бу ҳолатлар нафақат жисмоний азоб-уқубатлар, балки инсон қалби ва руҳиятига етказиладиган чуқур жароҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Агар оилада тажовузкорлик, адолатсизлик ва ҳурматсизлик ҳукм сурадиган бўлса, у ерда ҳақиқий инсонийлик қийматлари йўқолади. Шунинг учун ҳам бу каби иллатларга қарши кураш – жамиятнинг маънавий поклиги ва барқарор ривожини учун энг муҳим вазифалардан биридир.

Жиноятчилик ва зўравонлик – бу фақат ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий ва ахлоқий таназзулнинг натижаси ҳамдир. Инсон туғилиши биланоқ унинг онги, қалби ва тарбияси шаклланади. Агар инсон болалигида муҳаббат, меҳр, ҳурмат ва адолатни кўриб улғайса, у ҳам худди шундай фазилатларга эга бўлади. Аммо, афсуски, баъзи оилаларда зўравонлик ва ноҳақликка муросасизлик билдирилмайди, натижада бундай жиноятлар кенг тарқалади.

Оила-турмуш доирасида қасддан одам ўлдириш жиноятларининг **содир этилиш сабаблари** ўрганилган⁹⁸да, биргина 2024 йилнинг ўзида содир

⁹⁸ “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланади.

этилган ушбу соҳадаги жиноятлар ўч олиш мақсадида 5,2%, рашк туфайли 16,4%, мол-мулк талашини оқибатида 4,6%, мураси келишмаганлиги оқибатида 61,8% ҳамда бошқа сабаблар оқибатида 11,8% ни ташкил қилади. Сабаблар кесимида таҳлил қилинганда, ўч олиш мақсадида содир этилган қотиллик жиноятлари 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 25% га, 2024 йилда эса 2023 йилга нисбатан 60% га ошган.

Худди шундай, **рашк туфайли** содир этилган қотиллик жиноятлари таҳлил қилинганда, ушбу турдаги жиноятлар 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 16,4% га **камайишига эришилган**. Бироқ Тошкент шаҳар ва Навоий вилоятларида бу йўналишдаги жиноятчилик 100%га, Наманган вилоятида 200%га, Қашқадарё вилоятида 300%га ошиб кетиб, юқориликча қолмоқда.

Мураси келишмаганлиги оқибатида содир этилган қотиллик жиноятлари таҳлил қилинганда, 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 28,8%га ошиб кетган.

Бундан ташқари, оила-турмуш доирасида **қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш** жиноятларининг **кимлар томонидан содир этилиши** таҳлил қилинганида, ўрганиш натижалари **эри томонидан хотинига нисбатан** содир этилган ҳолатлари 2022 йилга нисбатан 2023 йилда 9,7%га, 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 11%га **кўпайган**.

Аксинча, **хотини томонидан эрига** нисбатан содир этилган қотиллик жиноятлари 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 2 тага ёки 50%га **ортиб кетган**.

Қариндошлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятлар таҳлили эса, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 2%га, 2024 йилга нисбатан 2023 йилга қараганда 12,2%га **ортганлиги** унинг кўпайиш хавфи баробарида бундай турдаги жиноятларнинг долзарб муаммо эканлигини ҳамда уни жиловлаш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 2018 йилда 6 302 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1555 та камайган ҳолда 4 747 тани ташкил этган, 2020 йилда эса 2019 йилга нисбатан 773 тага ошиб 5 520 та қайд этган. Хотин-қизлар томонидан амалга оширилган жиноятлар 2020 йилга нисбатан 2021 йилда 3534 тага, яъни 64,0 фоизга ошган. 2021 йилда эса аёллар томонидан 9 054 та жиноятлар содир этилган бўлса, 2022 йилда эса унинг сони 1 044 тага кўпайиб, 10 098 тага етган.

Агарда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятчиликни турлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятларда **фирибгарлик жиноятининг салмоғи** (2018 йилда 16,9 фоиз, 2019 йилда 18,3 фоиз, 2020 йилда 20,5 фоиз, 2021 йилда 25,2%, 2022 йилда 24,0%) юқори бўлиб, улар томонидан содир этилган ҳар бешинчи жиноят **фирибгарлик ҳисобланади**. Биргина 2022 йилда хотин-қизлар томонидан 10 098 та жиноят содир этилган бўлса, уларнинг 2429 таси ёки

24,0 фоизи фирибгарлик жиноятини ташкил этган.

2024 йилда аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 7903 тани ташкил этди, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 7957 та эди. Аёллар жиноятчилиги тузилишида ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш кўпчиликти ташкил этади. Аёллар, ҳатто энг оғир жиноят қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришмоқда.

Жазони ижро этиш муассасадан қайтган аёллар билан олиб борилган социологик тадқиқот⁹⁹га кўра, Жумладан, оиладаги муносабатлар юзасидан ўтказилган тадқиқотлар ўрганилганда, ота-оналар ўртасидаги жанжаллар 36,7 фоизни, ота-онани ҳақорат қилиши 56,4 фоизни, ота-онани моддий таъминламаслиги 4,1 фоизни, ота ўз фарзандини калтаклаши 1,8 фоизни, ҳеч қайдай ҳолат содир бўлмаган 1 фоизни ташкил этади.

ОТА-ОНАНГИЗНИНГ ОИЛАСИДА ҚУЙИДАГИ ФАКТЛАР СОДИР БЎЛГАНМИ



Оиладаги зўравонлик ва жиноятларнинг асосий сабаблари инсонда **маънавий қадриятларнинг заифлиги, ота-оналик ва оилавий масъулиятнинг етишмовчилиги**, ҳуқуқий ва диний саводхонликнинг пастлиги, иқтисодий муаммолар ва маънавий тушкунлик, ичкиликбозлик ва наркотик моддалар таъсири бўлиб, буларнинг барчаси жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу сабабларни бартараф этиш учун энг аввало маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш зарур.

⁹⁹ “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланади.

Аёл – миллат тарбиячиси, жамиятнинг маънавий негизи ҳисобланади. Оналик – энг улуғ ва муқаддас бурчлардан бири бўлиб, бу вазифа жуда катта маънавий ва руҳий масъулиятни талаб қилади. Аёл – меҳрибон, оқила, билимли ва сабр-тоқатли бўлса, у фарзандларини инсонийлик, адолат ва бағрикенглик руҳида тарбиялайди. Агар жамиятда аёлнинг ўрни мустаҳкам ва ҳимояланган бўлса, у оиласи ва жамият учун фидокорона меҳнат қилади. Лекин аёл зўравонликка учраса, ҳуқуқлари поймол этилса, жамиятнинг маънавий барқарорлиги ҳам хавф остида қолади.

Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, аёл – фарзанд тарбиячиси ва миллат келажагини шакллантирувчи муҳим шахс ҳисобланади. Агар аёл жиноятга қўл урса, бу нафақат унинг ўз ҳаётига, балки болалари, оиласи ва жамиятга катта салбий таъсир кўрсатади. аёлларнинг жиноят содир этиши нафақат уларнинг шахсий ҳаётига, балки жамиятнинг барқарорлиги ва маънавий мувозанатига жиддий зарар етказиши мумкин. Жиноят содир этган аёллар кўпинча озодликдан маҳрум қилинади ва натижада фарзандлар етим қолиши, тарбиясиз ўсиши мумкин. Бу эса жамиятда келажак авлоднинг руҳий тушкунликка тушиши, жиноятга мойиллиги ва ижтимоий муаммоларнинг ортишига олиб келади. Шунингдек, аёлларнинг жинсий фаоллиги оилавий низолар, ижтимоий беқарорлик ва маънавий қадриятларнинг заифлашишига сабаб бўлади.

Аксарият тадқиқотчилар мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий шароитларни аёллар жинояти сабаблари мажмуасида устувор аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг эълол қилиб бориладиган кўрсаткичларининг яхшиланиши (масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши) мазкур ресурсларнинг турли ҳудудларда яшовчи мамлакат фуқаролари, шунингдек, эркалар ва аёллар ўртасида тенг тақсимланганлигини аниқлаш¹⁰⁰.

Аёллар жиноятчилиги тузилишида ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш кўпчиликини ташкил этади¹⁰¹. Аёллар, ҳатто энг оғир жиноят – қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ота-оналар фарзанд тарбиясида эътиборли бўлиши, уларга меҳр ва ҳурмат муҳитини яратиши керак. Фарзандлар ўз ота-онаси муносабати орқали муҳаббат ва оилавий масъулиятни ўрганадилар. Агар ота-она ўзаро ҳурмат, меҳр ва бағрикенглик билан

¹⁰⁰ Демина К. А. Некоторые социально-экономические детерминанты женской преступности (криминологический анализ на материалах федерального и регионального уровней) // Вестник Томского государственного университета. – 2010. – № 337. – С. 107 – 110.

¹⁰¹ Халимов Ҳ.А. Аёл — оила қўрғони // Қонун ҳимоясида. – 1998. – №8. –Б.34

муомала қилса, фарзандлар ҳам келажакда оилавий муносабатларга шу тарзда ёндашади. Шунинг учун ота-оналар, болаларини ҳурмат ва муҳаббат муҳитида тарбиялаши, ҳуқуқий билимларини ошириб, фарзандларига ҳам ҳуқуқий маданиятни ўргатиши, маиший зўравонликка йўл қўймаслиги ва бу ҳолатга мурасасиз бўлиши, болаларни оилада ахлоқий қадриятлар асосида улғайишига эътибор бериши, жинсий тарбия, оила маданияти ва ижтимоий масъулият ҳақида уларга тўғри тушунча бериши лозим. Ота-оналар фарзандларига ибрат бўлиб, уларни меҳр-муҳаббат ва инсонпарварлик асосида тарбияласа, жамиятда оилавий муносабатлар мустаҳкам бўлади.

Умуман олганда, оилада зўравонлик ва жиноятларнинг олдини олиш учун жамиятда маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва психологик ёрдам тизимини такомиллаштириш, оилаларда соғлом муҳитни яратиш каби чоралар кўрилиши керак.

Ҳар бир инсоннинг асосий мақсади – тинч ва фаровон ҳаёт кечиритишдир. Бу мақсадга эришиш учун энг аввало оила муҳитини соғломлаштириш, зўравонлик ва жиноятчиликка қарши мурасасизликни шакллантириш, маънавий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш керак. Биз барчамиз биргаликда оилада меҳр, ҳурмат ва адолат муҳитини яратишга ҳисса қўшсак, келажакда кучли, барқарор ва маънавий бой жамиятни барпо этамиз.

Оила – миллат таянчи. Оиланинг поклиги, аёлларнинг ҳимояланганлиги ва фарзандларнинг тарбияли бўлиши жамиятимиз келажакни белгилайди. Шунинг учун барчамиз – давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳар бир оилани ташкил этувчи инсонлар – оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва хотин-қизларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

биринчидан, жиноятчиликнинг олдини олишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат, бу микроҳудудларда доимий яшамайдиган шахслар томонидан жиноят содир этилиш ҳолати бўлиб, у жиноят содир этилган ҳудуднинг статистикасига ёзилиши, бу профилактик чораларни режалаштириш ва самарали тартибга солишда нотўғри хулосалар чиқишига ва ресурсларни ноўрин тақсимланишига олиб келмоқда. Бунда, жиноят содир этган шахсларнинг доимий яшаш манзилини ҳисобга олиш асосида алоҳида таҳлилий база тузиш ва жиноятчиликни олдини олиш тадбирларини шахснинг ҳақиқий яшаш ҳудудидан келиб чиққан ҳолда қайд қилиш лозим.

иккинчидан, низоли ва муаммоли оилаларни аниқ низо ва муаммоси бўйича тоифаларга ажратиш, улар билан ишлаш тартибларини ишлаб чиқиш, давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг вазифаларини аниқ

белгилаб бериш. Бунда ҳар бир оила тоифаси учун аниқ методикаларни шакллантирган тарзда ишни ташкил қилиш.

учинчидан, маҳалла ва туман ички ишлар бошқармалари томонидан ажрашган, нотўлиқ ва зўравонлик қайд этилган оилаларда катта бўлаётган қизлар реестрини юритиш ҳамда ҳуқуқбузарликка, ахлоқсизликка мойилларини махсус таълимни таъминлаш, касбга йўналтириш ишларини йўлга қўйиш. Ушбу қизлар учун менторлик тизими: мактаб ва коллежларда уларга алоҳида педагог, психолог ва бириктирилади. Зарурий ҳолатларда, қизларни махсус таълим муассасасига жойлаштириш. Кварталлар кесимида профилактик суҳбат ва шахсий ривож режалари тузилади.

тўртинчидан, қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг иш билан бандлиги ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш даражасини ошириш, яшаш жойларида оиладан ажралмаган ҳолда меҳнат билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиб бориш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови (ўзбек ва рус тилларида). – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 48 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/5320582>

4. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси: Дарслик. 1-том (2 томли) / Масъул муҳаррир академик Ш.З. Уразаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 30 б.

5. Халимов Ҳ.А. Аёл — оила қўрғони. Қонун ҳимоясида. 1998. №8. – Б.34

6. Демина К. А. Некоторые социально-экономические детерминанты женской преступности (криминологический анализ на материалах федерального и регионального уровней) / К.А.Демина // Вестник Томского государственного университета. – 2010. – № 337. – С. 107 – 110.

7. Зарипов З.С. Исмаилов. И. Криминология. – Тошкент, 1996. – Б. 228.

8. Кирюшина Л. Ю. Личность женщины в механизме преступления и Ее значение для криминалистической методики расследования преступлений отдельного вида / Л. Ю. Кирюшина : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Барнаул, 2007. – 23 с.

9. Семья и положение женщины // https://studref.com/488886/sotsiologiEa/semEa_polozhenie_zhenschinE

10. Халимов Ҳ.А. Аёл — оила қўрғони // Қонун ҳимоясида. – 1998. – №8. – Б.34

ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Ҳайитов Ҳасан Шерматович

ТИҚХММИМУ, “Ҳуқуқий фанлар” кафедраси в.б. доценти,
юридик фанлари доктори

Оила – жамиятнинг кенг кичик, аммо энг таъсирли ижтимоий институти ҳисобланади. У инсоннинг ахлоқий, ҳуқуқий ва маданий баркамоллигини шакллантирадиган муҳит бўлиб, фуқаролик жамиятининг пойдевори сифатида қаралади. Бироқ, сўнги ўн йилликлар давомида, жаҳон миқёсида, айниқса Европа давлатларида оила муҳитида рўй бераётган жиноий ҳолатлар жамият ва давлатлар учун жиддий таҳдидга айланмоқда. Зўравонлик, жисмоний ва психологик тазйиқ, иқтисодий тажовуз ва жинсий мажбурлаш каби оилавий жиноят турлари нафақат инсон ҳуқуқларини, балки оилавий барқарорликни ҳам издан чиқармоқда.

Европа Иттифоқи агентликларининг тадқиқотларига кўра, ҳар учинчи аёл турмуши давомида камида бир марта турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши томонидан зўравонликка учрайди. Бу кўрсаткич айниқса Франция, Венгрия, Полша ва Руминия каби давлатларда юқори¹⁰². Шу билан бирга, Швеция, Норвегия ва Финляндияда аёлларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ва профилактика тизими ривожланган бўлса-да, зўравонликнинг яширин шакллари – психологик тазйиқ ва ижтимоий изоляция ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Оилавий жиноятлар фақат ер-хотинлар ўртасида эмас, балки болаларга, қарияларга ва бошқа оила аъзоларига нисбатан ҳам содир этилмоқда. Болаларга нисбатан шафқатсиз муносабат, руҳий травмалар, қарияларни камситиш ва иқтисодий эксплуатация каби ҳолатлар кўпинча очиқланмайди ва яширин қолаётган “ижтимоий кризис” сифатида баҳоланади. Бу эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан комплекс ёндашувни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу илмий мақолада Европа мамлакатларида оилавий муносабатлардаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг турлари, ҳуқуқий ва институционал ёндашувлар, шунингдек, самарали профилактика усуллари таҳлил қилинади. Таъкидлаш лозимки,

¹⁰² European Union Agency for Fundamental Rights (FRA), “Violence against women: an EU-wide survey,” 2023

ушбу масала жаҳон криминологияси ва ҳуқуқшунослигида муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, глобал ва миллий даражада тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб йўналишлардан биридир.

Масалан, Германия ҳуқуқий давлат сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда адолатни таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни сақлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга, бу мамлакатда ҳам оилавий муносабатларда жиноятчиликка оид ҳолатлар мавжуд. Немис криминологик тадқиқотларига кўра, Германиядаги оилавий зўравонлик жиноятлари жамиятдаги умумий жиноятчилик кўрсаткичларининг муҳим қисмини ташкил этади. Айниқса, ички зўравонлик (*нем. häusliche Gewalt*) – яъни оила аъзолари ўртасидаги зўравонлик ҳолатлари жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Германияда 2022 йилда оилавий зўравонлик ҳолатлари 160 мингдан ошган. Улардан 80% ҳолатда жабрланувчи аёл бўлган¹⁰³. 2023 йилда эса Германия Федерал Жиноят Полицияси (БКА) томонидан эълон қилинган ҳисоботга кўра, 240 мингдан ортиқ ички зўравонлик ҳолатлари қайд этилган. Улардан 70% дан кўпроғи аёлларга нисбатан жисмоний, руҳий, иқтисодий ва жинсий зўравонликлар турмуш ўртоғи ёки собиқ турмуш ўртоғи томонидан содир этилган. Болаларга нисбатан шафқатсиз муносабат ҳолатлари ҳам кескин ортиб борапти, бунинг сабаби – ижтимоий стресслар ва оилавий муаммолар.

Германияда Жиноят кодекси (*Strafgesetzbuch – СтГБ*), Зўравонликдан муҳофаза тўғрисидаги қонун (*Gewaltschutzgesetz – GewSchG, 2002*), Оила қонун (*Familienrecht*)лари билан болалар ва оиладаги муносабатларни ҳуқуқий ҳимоя қилади. Бу қонунлар зўравонликка қарши курашишда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади. Судлар қурбонни ҳимоя қилиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.

Оилавий жиноятлар психологик муаммолар, алкоголизм ва наркотик моддалар истеъмоли, ишсизлик ва ижтимоий стресс оқибатида содир этилади. Бундан ташқари, Германияда миграция оқибатида пайдо бўлган кўп маданиятли оилаларда маданий қарашлар тўқнашуви ҳам зўравонлик ҳолатларини кучайтириши мумкин. Шунингдек, Германия ҳукумати Европа Иттифоқининг 2011 йилда қабул қилган Истанбул Конвенциясини ратификация қилган ва унинг нормаларини миллий қонунчиликка интеграция қилган.

Германияда оилавий жиноятчилик жиддий ижтимоий ва ҳуқуқий муаммо бўлиб, уни ҳал этиш учун комплекс ёндашув талаб қилинади. Қонунчилик асосида зўравонликка қарши қатъий чоралар кўрилаётган бўлса-да, ушбу соҳадаги профилактик ишлар, хусусан эркаларни қайта ижтимоийлаштириш, болаларда зўравонликни қабул қилмаслик тафаккурини шакллантириш борасида янада фаол иш олиб бориш зарур.

¹⁰³ Bundeskriminalamt (Germany), “Kriminalstatistik 2023.”

Шундай қилиб, Германия тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши, аммо, ҳар бир жамиятнинг маданий хусусиятларига мос равишда адаптация қилиниши зарур.

Францияда эса ҳар йили ўртача 120–150 аёл турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилади¹⁰⁴. Шунингдек, болаларга нисбатан зўравонлик, моддий таъминотсизлик ва руҳий фалажлик ҳам оилаларда кенг тарқалган. Ушбу муаммоларнинг криминологик жиҳатдан ўрганилиши, уларга қарши самарали чоралар кўришда муҳим аҳамиятга эга.

Франция Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда 244 мингдан ортиқ маиший зўравонлик ҳолати қайд этилган. Болаларга нисбатан руҳий ва жисмоний таъқиб ҳолатлари ҳам кўпайган. Оилавий жиноятларнинг сабаблари: ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий ёлғизлик, стресс, руҳий касалликлар, ўзини бошқара олмаслик, эркак устуворлигига асосланган қадриятлар, мигрантлар орасидаги патриархал муносабатларидир.

2010 йилдан буён Францияда маиший зўравонликка қарши қонунлар кучайтирилган. Зўравонликка учраган шахсларга ҳимоя ордерлари, хавфсиз уй-жойлар, 24 соатлик телефон хизматлари ташкил этилган. Мактабларда болалар ҳуқуқлари ҳақида маълумот бериш тизими кенгайтирилган. “Grandi Cause Nationale” ташаббуси — оилавий зўравонликка қарши умуммиллий ҳаракат дастури ва “3919” ишонч телефони — зўравонлик қурбонлари учун доимий равишда фаолият юритади.

2024 йилда Францияда оилавий жиноятлар, айниқса, аёлларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар, жамиятдаги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатлар фақат ҳуқуқий чоралар билан эмас, балки ижтимоий, маданий ва таълимий ўзгаришлар орқали ҳам ҳал қилиниши керак. Шу билан бирга, ушбу тизимларни янада такомиллаштириш, профилактик тарғиботни кенгайтириш талаб этилади.

Швецияда оилавий зўравонлик жиноятига жуда жиддий муносабатда бўлишади. Бу мамлакатда оиладаги зўравонлик (*жисмоний, психик ва жинсий зўравонлик*) “ўз яқинларига қарши зўравонлик” деб аталади ва Жиноят кодексида алоҳида жиноят сифатида белгиланган. Эътиборлиси, Швецияда 1982 йилдан бошлаб болалар уриш қонунан тақиқланган. Шунга қарамай, болаларга нисбатан психологик ва руҳий зўравонлик ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Бу ҳам оиладаги зўравонликнинг олдини олишда муҳим қадам бўлган.

Швецияда махсус “Аёллар хавфсизлиги телефони” (*Квиннофридслинжен*) бор бўлиб, у 24 соат фаолият юритади. Шунингдек, жабрланувчилар учун 200 дан зиёд хавфсиз уйлар мавжуд¹⁰⁵. Давлат зўравонлик қурбонларига ҳуқуқий, психологик ва молиявий ёрдам кўрсатади.

¹⁰⁴ Ministère de l'Intérieur – France. “Les violences faites aux femmes,” 2023.

¹⁰⁵ Swedish Ministry of Health, “Family and Child Protection,” 2021.

Норвегияда оилавий зўравонликка қарши қатъий қонунлар ва ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда. Норвегия Жиноят кодексида (*Страффеловен*) оилавий ва яқин муносабатлардаги зўравонлик аниқ қонун доирасида жазоланади¹⁰⁶. Қонунда зўравонлик содир этган шахсга нисбатан тезкор ҳимоя чоралари кўрилиши мумкин, масалан, зўравондан ҳимоя қилиш учун полициянинг жабрланувчи яшайдиган жойдан вақтинча мажбурий равишда чиқариб юборишга доир расмий буйруғи (*avvisningspålegg*¹⁰⁷) берилади.

Норвегияда оилавий зўравонлик билан боғлиқ статистикага кўра, ҳар йили тахминан 10 000 дан ортиқ янги ҳолатлар рўйхатга олинади. Жабрланувчилар учун махсус марказлар ва 24 соатлик ёрдам телефонлари мавжуд, масалан, “Киркенс СОС” ва “Hjelpetelefonen mot vold i nære relasjoner”¹⁰⁸.

Болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашда Yeesa Norvegiya Yevropa ҳамжамиятидаги Yeенг қатъий сиёсатга эга, болаларга жазолаш тақиқланган ва ҳар қандай жазолаш қонуний равишда ман этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Германия, Франция, Швеция ва Норвегияда оилавий зўравонликка қарши қонунлар мустаҳкам ва аниқ шаклланган. Улар нафақат жисмоний, балки руҳий, иқтисодий ва жинсий зўравонликни ҳам қамраб олади. Бу мамлакатларда оилавий зўравонлик жиноят сифатида кенг қабул қилинган, унинг «иши» ёки «шахсий масаласи» сифатида қаралмайди. Бу эса фуқароларда хабардорлик ва масъулият ҳиссини оширади. Шунинг учун уларда махсус бошпана марказлари, 24/7 ёрдам телефонлари ва зўравонларга нисбатан тезкор ҳимоя чоралари (чуқур суд жарайонигача) мавжуд. Зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги расмий маълумотлар аниқ юритилади ва таҳлил қилиниб, янги сиёсатлар ишлаб чиқилади. Мактаб таълимида эса оила, турмуш маданияти, тенглик ва ҳурмат асослари ҳақида ўқув курслари жорий этилган.

Ўзбекистонда оилавий зўравонлик (*айниқса аёллар ва болаларга нисбатан*) ҳали ҳам кўп ҳолларда “шахсий масала” сифатида қабул қилинади. Жабрланувчилар кўпинча ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишдан кўрқишади ёки жамиятдаги таъна ва босимдан чўчишади. Шунга қарамай, сўнгги йилларда давлат томонидан бир қатор қонунлар ва давлат дастурлари қабул қилинди, лекин амалиётда ҳали ҳам етарли эмас. Ўзбекистон тажрибаси учун татбиқ этиш қўйидаги таклифларни келтирамиз:

• **Оилавий зўравонликни алоҳида жиноят сифатида** белгилаш (*ҳозирда у кўп ҳолларда бошқа жиноят моддалари остида баҳоланади*).

¹⁰⁶ Straffeloven (*The Norwegian Penal Code*), §§ 282-283 – Lovdata, Norway.

¹⁰⁷ Norwegian Directorate for Children, Youth and Family Affairs (*Bufdir*), «Protection against domestic violence», 2023.

¹⁰⁸ Statistics Norway (Statistisk sentralbyrå), “Domestic violence statistics 2023”, www.ssb.no. Kirkens SOS, Hjelpetelefonen mot vold i nære relasjoner – www.kirkens-sos.no

• **Руҳий ва иқтисодий зўравонлик** тушунчалари ҳам Жиноят кодексида аниқ таърифланиши керак (*Норвегия ва Франциядаги каби*).

• Норвегия тажрибасидаги каби **“чиқариш буйруғи”** (*жиноятга қадар ҳимоя*) амалиётини жорий этиш. Зўравон шахс вақтинча уйдан чиқарилиши, жабрланувчи эса ҳимояга олинishi лозим.

• Франция ва Германиядаги каби аёллар ва болалар учун махсус бош-пана уйлари (*кризис марказлари*) керак. Уларда юридик, тиббий, психологик ёрдам кўрсатилади.

• 24 соат ишлайдиган **ишонч телефонлари** фаолиятини қайта кўриб чиқиш керак.

• Мактабларда ва олий таълим муассасаларда “Оила психологияси”, “Оилада муносабат маданияти”, “Оила ҳуқуқи” каби модуллар жорий қилиниши керак.

• Ёшлар орасида **гендер тенглик, ўзаро ҳурмат ва зўравонликсиз ҳаёт** ғояларини кенг тарғиб этиш зарур.

• Телевидение, радио ва Интернет орқали аниқ мисоллар, роликлар ва қисқа ҳужжатли фильмлар орқали жамоатчилик онгини шакллантиришни кучайтириш керак.

• Инсон ҳуқуқлари ва аёлларнинг дахлсизлиги бўйича жамоатчилик орасида **ақлли профилактика** ишларини кучайтириш зарур.

• Судялар, терговчилар ва ички ишлар ходимлари оилавий зўравонлик бўйича махсус ўқув курсларидан ўтказилиши лозим.

• Зўравонлик бўйича мурожаатлар тезкор кўриб чиқилиши учун **алоҳида ишлар юритувчи гуруҳлар** ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

• Жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини кенгайтириш: Паноҳгоҳлар, “ишонч телефонлари”, мобиль илова ва онлайн сигнализация тизимларини жорий этиш.

ЗАМОНАВИЙ КРИМИНОЛОГИЯ: НАЗАРИЯЛАР ВА ИЛМИЙ МАКТАБЛАР

Аълохонов Муҳаммадмирзохон Адҳамхон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти
илмий ходими

Криминология (*жиноятшунослик*) – жиноятлар ва жиноятчи шахсларни, уларнинг содир этилиш сабаблари, шакллари, ривожланиш динамикаси ва ижтимоий оқибатларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Бу соҳа жиноятчиликнинг олдини олиш ва камайтириш, шунингдек, адолатни таъминлаш бўйича самарали сиёсат ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Криминология доирасида турли назарий мактаблар ва ёндашувлар пайдо бўлган бўлиб, ҳар бири жиноятни ўз концепциялари орқали изоҳлайди: баъзилари уни шахснинг эркин иродаси ва онгли танлови натижаси деб қараса, бошқалари эса биологик, психологик, ижтимоий, маданий ёки структуравий омилларга боғлайди. Замонавий криминология ушбу турли қарашларни интеграция қилган ҳолда, жиноятни комплекс ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида таҳлил қилади. Қуйида криминологик тафаккурнинг тарихий ривожланиши, асосий илмий мактаблар ҳамда замонавий назарий йўналишлар тизимли равишда кўриб чиқилади.

1. Классик криминология: эркин ирода ва жазога асосланган модел.

Классик мактаб 18-аср маърифатпарварлик даврида шаклланиб, унинг асосий тамойиллари инсоннинг эркин иродага эга экани ва жинойий хатти-ҳаракатни онгли равишда танлаши ғоясига таянади. Жиноят содир этиш ёки этмаслик тўғрисида шахс маъмурий қулайликлар ва эҳтимолий оқибатларни тарозига солиб қарор қабул қилади – инсон ҳедонистик табиатга эга, яъни лаззатни максималлаштириш ва оғриқ ҳамда жазодан қочишга интилади.

Шу боис, классик назария тарафдорлари инсон қилмишлари учун тўлиқ жавобгар бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Томас Гоббс, Жон Локк ва бошқа ижтимоий шартнома назарияси вакилларининг инсонлар ақлли ва иродавий эркин деган ғоялари классик криминологиянинг фалсафий асосини ташкил этди. Классик мактабнинг энг таниқли вакили Чезаре Беккария бўлиб, у 1764 йили ёзилган «Жиноятлар ва жазолар» асарида жазо муқаррарлиги ва мувофиқлик тамойилларини илгари сурди.

Беккариянинг фикрича, жазо жиноят учун муқаррар, тез ва адолатли бўлиши керак – шунда жазо қўрқуви потенциал жиноятчиларни тийиб тура

олади. У жазонинг мақсади қасос ёки жазолаш эмас, балки жиноятнинг олдини олиш (*профилактика*) эканини таъкидлади. Шу тариқа классик мактаб жиноятни шахсий танлов маҳсули сифатида кўриб, жазони ижтимоий тартибни асрашнинг асосий механизми деб баҳолайди. Мазкур ёндашув замонавий жиноятчиликка қарши сиёсат ва жазолар тизимига катта таъсир кўрсатган – кўплаб ҳуқуқий тартибларда жазонинг муқаррарлиги ва пропорционаллиги принциплари ҳануз муҳим ўрин тутди.

2. Позитивист криминология: биологик ва ижтимоий детерминизм.

XIX асрда юзага келган позитивистик мактаб классик ёндашувни танқид қилиб, жиноят сабабларини шахснинг эркин иродаси эмас, балки турли ички ва ташқи детерминантлар орқали изоҳлашга ҳаракат қилади. Позитивистлар жиноий хатти-ҳаракатни табиий-илмий усуллар билан тушунтириш мумкин, деб ҳисоблаб, илмий методлар ва эмпирик далилларга таянган ҳолда таҳлил олиб бордилар.

Позитивист йўналишнинг биологик детерминизм тармоғи италиялик антрополог Чезаре Ломброзо номи билан боғлиқ. Ломброзо “туғма жиноятчи” концепциясини таклиф этиб, жиноятчиларни жисмоний белгиларидан (*масалан, бош суюғи шакли, юз тузилиши*) ажратиш мумкин, дея ўйлаган ва жиноий майл эволюцион олдинги шаклларга қайтиш (*атавизм*) натижаси, деб изоҳлаган. У ҳатто жиноятчилардаги ана шундай биологик хусусиятларни ўрганиб, жиноий майлни олдиндан аниқлашга уринган. Ломброзо назарияси кейинчалик кескин танқид қилинган ва инкор этилган бўлса-да, у жиноятчиликни илмий асосда ўрганишга биринчи саъй-ҳаракат бўлгани сабабли муҳим аҳамият касб этди.

Ломброзо изидан бошқа олимлар – масалан, Чарлз Горинг – жиноятчиларда жисмоний ўзига хосликларга қўшимча равишда ақлий нуқсонлар ҳам учраши мумкинлигини тахмин қилдилар. Замонамизга келиб эса генетика ва нейропсихология соҳасидаги тадқиқотлар баъзи шахсий хусусиятлар ва ирсий омиллар жиноий хатти-ҳаракатга таъсир этиши эҳтимолини илмий жиҳатдан ўрганмоқда. Позитивистлар шунингдек ижтимоий ва психологик детерминизмга ҳам эътибор қаратишган. Инсоннинг ақлий салоҳияти (*IQ*), психик ҳолати, тарбияси ва оила муҳити, таълим сифати, иқтисодий тенгсизлик, атроф-муҳит шароити – буларнинг барчаси жиноий хатти-ҳаракатга таъсир этувчи омиллар сифатида кўриб чиқилади. Масалан, АҚШ олимлари Шелдон ва Элеонор Глюклар ўсмирларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиб, жиноятчилар билан бошқа шахслар ўртасида биологик ва психологик жиҳатдан фарқлар борлигини аниқлашган. Уларнинг индивидуал хусусиятлар назариясига кўра, жиноятчилар но-жиноятчилардан бир қатор биологик ва психологик хусусиятлар билан ажралиб туради, бу хусусиятлар ижтимоий муҳит билан

ўзаро таъсирлашганда жиноятга олиб келиши мумкин. Бироқ муайян биологик ёки психологик хусусиятнинг мавжудлиги унинг эгаси албатта жиноятчи бўлиши шарт эмас – бу кўпроқ шахсда нечта ва қай даражада хавфли хусусиятлар тўпланганига боғлиқ.

Қисқача айтганда, инсон биологияси ва психологияси, шунингдек уни ўраб турган ижтимоий муҳит жинойий хулқ-атворнинг шаклланишига ўзаро чамбарчас таъсир қилади – позитивистик криминология ана шу мураккабликни илмий асосда тадқиқ этишга урғу беради.

3. Чикаго мактаби: жиноятни шаҳар муҳити ва ижтимоий тузилма орқали тушунтириш.

20-аср бошларида Чикаго университети социологлари атрофида шаклланган Чикаго мактаби жиноятчиликни шахсий хусусиятлардан кўра, шаҳар муҳити ва маҳаллий ижтимоий тузилмалар маҳсулоти сифатида кўради. Урбанизация жараёнлари, миграция оқимлари ва индустриаллашув давридаги ўзгаришлар Чикаго шаҳри мисолида ўрганилганида, жиноятчилик муайян географик ҳудудларда тўпланиши аниқланди. Парка ва Бёрджесснинг концентрик зоналар назариясига кўра, ҳар бир катта шаҳарда “ўтиш зоналари” деб аталувчи, аҳоли тез алмашиб турадиган ва ижтимоий назорат сусайган ҳудудлар жиноятчилик учун ёнғин чиқиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Шоу ва Маккей мазкур ўтиш зоналарининг ички хусусиятларини таҳлил қилиб, нима учун уларда жиноятчилик даражаси баландлигини тушунтириб бердилар. Уларнинг ижтимоий дезорганизация назариясига кўра, жиноятчилик маҳалла ёки жамоада норасмий ижтимоий назорат механизмлари издан чиққанида, яъни маҳалла аъзолари тартибни сақлашда ҳамкорлик қила олмаганда ортиб боради. Бошқача айтганда, маҳаллада умумқабул қилинган ахлоқ қоидаларига риоя этилишини талаб этувчи норасмий механизмлар (*қўшнилар назорати, маҳаллий жамоат гуруҳлари, диний жамоалар ва ҳ.к.*) заифлашса, жинойий субмаданиятлар пайдо бўлади ва “коллектив самарадорлик” пасаяди. Коллектив самарадорлик тушунчаси жамоанинг ўз аъзолари хулқ-атворини назорат қилиш, жиноят ва тартибсизликнинг олдини олиш қобилиятини англатади. Коллектив самарадорлик паст бўлса, жамоа ичида ижтимоий тартибни бузувчи гуруҳлар юзага чиқиб, девиант хулқ-атвор тарқалиши хавфи ортади.

Чикаго мактаби доирасида Эдвин Сутерленд томонидан таклиф этилган дифференциал ассоциация назарияси жинойий хулқ-атворни ижтимоий таълим (*ўрганиш*) натижаси деб ҳисоблайди. Сутерленднинг фикрича, шахс жиноятга мойил гуруҳлар таъсирига тушиб, уларнинг қадрият ва одатларини ўзлаштира борса, жинойий хулқни “ўрганади”.

Яъни, жинойий хулқ-атвор инсонга биологик ёки психологик йўл билан

туғма берилмайди ва фақат эркин танлов натижаси ҳам эмас – у яқин ижтимоий атроф (*оила, тенгдошлар, маҳалла*) даги жиноий тенденцияли муҳитдан “юқади”. Чикаго мактаби шу тариқа шаҳарлашув, маҳалла муҳити, демографик омиллар ва ижтимоий назорат даражаси каби факторларни жиноятчилик динамикасига бевосита боғлайди ва жиноятни жамият тузилмасининг бир кўриниши сифатида талқин қилади.

4. Неоклассик ёндашувлар ва вазиятли назариялар.

1970 йиллардан бошлаб криминологияда неоклассик ёндашув юзага келиб, у классик мактабнинг асосий тамойилларини қайта тиклади ва уларни замонавий шароитда талқин қилди. Неоклассик қараш жиноий қарор қабул қилиш жараёнида индивидуал рационал танлов билан бир қаторда, вазият ва имконият омилларига алоҳида эътибор қаратади.

Яъни, шахсинг жиноят содир этиши фақат унинг шахсий хусусият ва истакларига боғлиқ эмас, балки шу жиноятни амалга ошириш учун қўл келадиган имконият ва шароит мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бу назарий йўналиш вакилларида Дерек Корниш ва Роналд Кларк жиноятни фойда ва зарар ўртасидаги ҳисоб-китобнинг онгли натижаси деб баҳолайдилар. Уларнинг рационал танлов назариясига кўра, шахс жиноий ҳаракатга қўл урганда бу ҳаракатдан кутилаётган манфаатлар эҳтимолий жазо ва харажатлардан устун келади, деб ўйлайди

Демак, агар жиноятнинг “нархи” оширилса – яъни жазо муқаррарлиги ва оғирлиги юқори бўлса – потенциал жиноятчилар кўпроқ тийилиб қоладилар. Жиноят содир этиш билан боғлиқ хатар ва оқибатлар ҳақидаги маълумотни шахс бевосита (*ўзи жазоланиб кўриб*) ёки билвосита (*бошқаларнинг жазоланишини кузатиб*) ҳосил қилади.

Шунингдек, тадқиқотлар кўрсатишича, кўпинча шахс жиноят учун қонунбузарлик хатарларини онгли равишда англаб етган тақдирда ҳам, вазиятнинг ўзи келтириб чиқарадиган “имконият” туфайли унга қўл уриши мумкин – яъни жиноятдан тушадиган фойда хавф-хатар ҳиссидан устунроқ баҳоланади.

Неоклассик йўналиш доирасида жиноятчиликни тушунтириш учун инсон экологияси (*human ecology*) концепцияси ҳам ривожлантирилди. Шаҳар муҳитининг инсон хулқ-атворида таъсирини ўрганувчи бу ёндашув илк бора Чикаго мактабида пайда бўлган эди, 1979 йили Маркус Фелсон ва Лоуренс Коэн уни ўз “рутин фаолият назарияси” да тараққий эттирдилар. Мазкур назария кундалик ҳаёт тарзи ва фаолиятлари (*масалан, ишга бориш-келиш, дўконга қатнаш, кечқурун кўчада юриш ва ҳ.к.*) жиноят имкониятларининг шаклланишига қандай таъсир қилишини кўрсатиб берди.

Жамият техника тараққиёти ва сервис соҳаси ўсиши ортидан одамлар кундалик эҳтиёжларини қондириш учун кўпроқ жамоат жойларига

чиқадиган, уйдан ташқарида кўпроқ вақт ўтказадиган бўлди – бу эса янги жиноий имкониятлар вужудга келтирди. Масалан, кундалик автомобилда ҳаракатланиш йўлда ўғирлик ёки машина ўғирланиши хавфини пайдо қилса, тунда ёритилмаган кўчаларда юриш тажовузкор ҳужум қурбони бўлиш эҳтимолини оширади. Шу сабаб, вазиятли ёндашув жиноятнинг олдини олиш учун муҳитни жиноят содир этишга “қулай бўлмаган” қилиш зарурлигини таъкидлайди. Кўчаларни ёритиш, кузатув камераларини ўрнатиш, мулкни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш каби чоралар потенциал жиноятчини ҳаракатдан тийиши мумкин. Яъни неоклассик назария шахсга жазо бериб кейинги жиноятнинг олдини олишдан кўра, аввало вазиятни назорат қилиб жиноят содир этилишининг олдини олишга кўпроқ эътибор қаратади.

5. Замонавий назариялар: хилма-хил концепцияларнинг уйғунлиги.

Криминология фанининг кейинги ривожланиш босқичларида (*асосан 1980-йиллардан ҳозирги кунгача*) жиноятга нисбатан янги ва турли нуқтаи назарлар пайдо бўлди. Улардан баъзилари жиноятчиликка қарши кураш стратегияларини бойитган бўлса, бошқалари жиноятнинг жамият ва маданият ҳаётидаги ўрнини қайта таҳлил қилишга хизмат қилди. Қуйида шундай замонавий назариялардан айримлари кўриб чиқилади.

5.1. Ёрилган ойналар назарияси.

Америкалик олимлар Жеймс К. Уилсон ва Жорж Л. Келлинг 1982 йили илгари сурган “ёрилган ойналар” назарияси (*Broken Windows Theory*) жиноятчиликнинг ошиши ортида маиший бепарволик ва майда тартибсизликлар ётганини таъкидлайди. Улар олиб борган кузатувларга кўра, агар бирор маҳаллада биноларнинг ойналари ёрилиб синган бўлса ва улар ўз вақтида алмаштирилмаса, бу ҳудудда тартибсизлик аломатлари пайдо бўлади. Кичкина тартиббузарлик ва манзарабопликнинг йўқолиши (*масалан, кўчаларда чиқиндилар тўпланиб қолиши, деворларда граффити пайдо бўлиши, бузуқ чироқлар*) тез орада ўша жойда жиддийроқ жиноятларга “йўл очади”. Бошқача айтганда, жамоат жойларида майда безорилик ва назоратсизликка йўл қўйилса, жиноий унсурлар бу ҳудудни “ўзлаштиришга” мойил бўлади. Аксинча, маҳалла ўз атрофини паришон ҳолда қолдирмасдан, ободонликка аҳамият берса, бегона жиноятчилар бу ерга камроқ жалб этилади. Уилсон ва Келлинг фикрича, маҳаллий жамоанинг норасмий ижтимоий назоратини мустаҳкамлаб, муҳитда тартибсизлик белгиларига барвақт барҳам бериш орқали оғир жиноятларнинг олдини олиш мумкин.

Бу назария кўп жиҳатдан Шоу ва Маккейнинг ижтимоий дезорганизация назарияси ҳамда Сутерленднинг дифференциал ассоциация қарашлари билан ҳамоҳанг бўлиб, кейинчалик шаҳарларда профилактик патрул

хизмати стратегияларига таъсир қилган.

5.2. Этикетлаш назарияси (стигматизация).

Этикетлаш назарияси (*Labeling theory*) девиантлик ва жиноятчиликни тушунтиришда жамиятнинг ўз аъзоларига “ёрлиқ тақиши”, яъни унга нисбатан маълум тамға қўйишининг оқибатига урғу беради. Франк Танненбаум ва Говард Беккер каби социологлар таъкидлаганидек, шахсга бир марта “жиноятчи” деган ёрлиқ ёпиштирилса, бу унинг келгусида жамиятга қайта аралашшига (реинтеграциясига) тўсқинлик қилади. Бир марта жиноятчи номи билан ном чиқарган инсонга жамият доимо шубҳа ва ҳушёрлик билан қарайди, уни ўз сафидан четлаб қўяди. Натижада у шахс яна жиний субмаданият ичига чўкиб боради – чунки “ёмон ном”дан халос бўлиш учун имкон ва рағбат тополмайди.

Масалан, ўсмирликда майда жиноят учун жазо олган бир болага атрофдагилар доим “ноодоб” ёки “муаммоли” фарзанд сифатида муомала қилса, у бундай тамғодан қутулишга эмас, балки шу рольни давом эттиришга мойил бўлиб қолади. Шу сабаб, этикетлаш назариясига биноан жиноятчиликка қарши курашда стигматизацияни (*тамғаланишни*) камайтириш, жазо муддати ўтаб келганларни жамиятга қабул қилишга ёрдам бериш муҳимдир. Жиноят қилиб жазосини ўтаб қайтган шахсларга нисбатан ҳаддан ташқари ёрлиқлар қўллаш уларни қайтадан жиний ҳаётга қайтишга мажбурлаши мумкин, деб ҳисобланади. Этикетлаш назарияси, шу тариқа, жиноятчиликнинг олдини олишда жамиятдаги стигматизацияга қарши курашиш зарурлигини кўрсатади.

5.3. Феминист ва интерсекционаллик назариялари.

Криминологияда 1970 йиллардан эътиборан феминистик ёндашувлар пайдо бўлиб, жиноятчилик масаласи гендер нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Илгари барча тадқиқот ва назариялар асосан эркак жиноятчилар тажрибасига таянган эди – бу эса аёлларнинг ижтимоий тажрибаси эътибордан четда қолишига олиб келганди. Масалан, жиноятчи шахс портрети тузилганда ёки девиантлик сабаблари таҳлил қилинганда аёллар аҳволи алоҳида ўрганилмаган. АҚШ криминологи Фреда Адлер ўз вақтида аёллар жиноятчилигига оид илк назарий таҳлилларни бериб, “жиноятни тўла англаш учун уни фақат эркаклар эмас, аёллар нуқтаи назаридан ҳам кўриш лозим” деган ғояни илгари сурди. Феминистик криминология ҳар қандай жиний ҳодисани тушунтиришда гендерни ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди – чунки эркаклар ва аёлларнинг жиноятчиликка чалиниши сабаблари, жиноятдан кўрадиган зарарлари ва ҳатто жазо олгандан кейинги реабилитация жараёнлари бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Шу билан бирга, жиноят-;азо тизимидаги гендер номутаносибликлар (масалан, аёл жиноятчиларга нисбатан стереотиплар, жабрланувчи аёлларнинг ҳуқуқларига эътиборсизлик) ҳам фош этилади. Интерсекционаллик назарияси эса феминистик ёндашувнинг давоми бўлиб, гендер билан бир қаторда ирқ (миллат), ижтимоий табақа, этник мансублик каби бир неча белгилари кесишган ҳолда жиноятга таъсирини ўрганади. Бу тушунчани ҳуқуқшунос Кимберле Креншоу илгари сурган бўлиб, унинг таъкидлашича, ижтимоий адолатсизлик ва жиноятчиликнинг баъзи сабабларини фақат гендер ёки фақат ирқ нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайди – турли дискриминацион омиллар бир вақтда таъсир кўрсатади.

Масалан, кам таъминланган, озчилик миллатга мансуб аёлларнинг жиноятга жалб этилиши хавфи юқорироқ бўлиши мумкин, чунки улар бир вақтда бир неча таъсирчан тўсиқларга дуч келадилар (*гендер бўйича камситилиш, ирқий ёки этник камситилиш, иқтисодий имкониятларнинг чекланганлиги ва ҳ.к.*). Шу боис, интерсекционал ёндашув жиноятчилик ва девиантликни таҳлил этганда бир пайтнинг ўзида бир неча ижтимоий омилларнинг кесишувини ҳисобга олиш зарурлигини уқтиради.

5.4. Интеграцион ёндашув

Замонавий криминологияда турли назарияларни ўзаро уйғунлаштиришга интилиш ҳам кузатилади. Масалан, америкалик олим Фрэнсис Т. Каллен таклиф этган интеграцион ёндашув (*theoretical integration*) жиноятчиликни тушунтиришда бирор ягона назарияга таяниб қолмай, аксинча турли қарашларнинг фойдали жиҳатларини бирлаштиришни таклиф этади. Бу ёндашув бир қанча сабабга кўра асосланади: биринчидан, жиноий хатти-ҳаракат жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уни ҳар доим ҳам битта назария доирасида тўлиқ тушунтириб бўлмайди. Иккинчидан, турли жиноят турлари ва жиноятчилар гуруҳлари ҳар хил омиллар таъсирида шаклланади. Масалан, ёшлар орасидаги безорилик ва зўравонлик ҳолатларини тушунтириш учун дифференциал ассоциация ва ижтимоий дезорганизация назариялари қўл келса, иқтисодий манфаат кўзланган оқ ёхуд костюмли жиноятларни (*white-collar crime*) тушунтириш учун рационал танлов ва имконият назариялари мос келиши мумкин. Калленнинг таъкидлашича, назарияларни синтез қилиш орқали ҳар бир конкрет муаммо учун мос “аралаш модел” яратиш жиноятчиликни аниқроқ ва чуқурроқ таҳлил этиш имконини беради. Бугунги кунда интеграцион ёндашув кўплаб криминолог олимлар томонидан қўллаб-қувватланиб, назариялар ўртасидаги “кўприклар”ни барпо этиш орқали янги билимларни шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда.

6. Танқидий ва радикал криминология.

Танқидий (*критик*) ёндашувлар жиноятни ижтимоий тузилма ва

муносабатлардан ажралмас ҳолда ўрганади ҳамда унинг келиб чиқишида жамиятдаги куч ва манфаатлар тақсимоотидаги номутаносибликларга урғу беради. Марксистик ғоялар таъсирида шаклланган бу назарий йўналиш криминологияда 1960–1970-йилларда оммалашди. Танқидий криминологларнинг асосий тезиси шуки: капиталистик жамиятда қонун ва жазо тизими беғараз эмас – улар ҳукмрон синф ва гуруҳлар манфаатларига хизмат қилади, жиноят тушунчаси ва жиноий деб ҳисобланувчи хатти-ҳаракат турларини ҳам айнан ўша гуруҳлар белгилайди.

Жамиятда бойлик, ҳокимият ва ресурслар тенг тақсимланмагани сабаб, “қашшоқлик жиноятлари” ва “бойлик жиноятлари” ўртасида тафовут юзага келади, қонунлар эса кўпроқ қуйи қатламга мансуб шахсларни жазолашга йўналтирилади. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс жиноятни капиталистик тузум ва ундаги бойлик ҳамда ҳокимиятнинг нотекис тақсимооти маҳсули деб талқин қилган бўлса, кейингисига оид криминологлар Уильям Чамблисс ва Ричард Квинний бу қарашларни давом эттириб, жиноятчиликни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилдилар.

Масалан, Квиннийнинг жиноятнинг ижтимоий ҳақиқати назариясига мувофиқ, қонун ва ҳуқуқ-тартибот тизими ҳукмрон гуруҳ иродасининг ифодасидир – улар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида муайян ижтимоий хатти-ҳаракатларга “жиноят” деган ёрлиқ қўядилар. Танқидий криминология нафақат жиноятнинг келиб чиқиш омилларини, балки жиноятга қарши сиёсатнинг ўзини ҳам таҳлил қилади. Масалан, жиноят сиёсатида қандай қарорлар қабул қилинишини, бу қарорлар ортида қайси гуруҳларнинг манфаатлари ётганини ўрганади. Жиноят ва жиноятчиликка оид тасаввурлар фақат илмий эмас, балки сиёсий курашлар объекти ҳам эканини бу ёндашувда алоҳида кўрсатилади. Шунингдек, танқидий ёндашув замирида ижтимоий адолатга эришиш ғояси ётади – жиноятчиликка қарши кураш фақат полиция ва жазо воситалари билангина эмас, балки жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий номутаносибликларни бартараф этиш, заиф гуруҳларни ҳимоя қилиш орқали амалга ошиши лозим, деб ҳисобланади.

Кейинги йилларда танқидий криминология доирасида бир неча янги қарашлар пайдо бўлди: радикал криминологиянинг айрим вакиллари (масалан, Ж. Янг) “жиноят – бу ноҳақ жамиятга нисбатан қаршилик формаси” деб баҳолашлар, тинчликпарвар криминология (*peace-making criminology*) йўналиши жазолашга эмас, балки яраштириш ва мураса орқали тизимли муаммоларни ҳал этишга урғу беради. Постколониал криминология эса мустамлакачиликнинг ҳуқуқ-тартибот тизимидаги меросини танқид қилиб, собиқ мустамлака ҳудудлари ва озчилик гуруҳларига нисбатан адолатсизликларни фош этади. Бундай танқидий қарашлар криминологияда

ҳуқуқ ва адолатни тушунишга ўзига хос ижтимоий-сиёсий ранг беради.

7. Глобализация давридаги янги ёндашувлар.

XXI асрга келиб, глобаллашув ва рақамлашув жараёнлари криминологияда янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Жиноятчиликнинг кўлами ва табиати ўзгариб борар экан, унга қарши курашнинг инновацион услублари ва назарий тушунчалари ҳам ривожланмоқда. Қўйида шулардан учтаси – катта маълумотлар (BigData) таҳлиliga асосланган криминология, “яшил” криминология ва “маданий” криминология – ҳақида сўз юритамиз. Биг Дата криминологияси. Замонавий полиция ва ҳуқуқ-тартибот идоралари жиноятчиликни прогноз қилиш мақсадида катта маълумотлар таҳлили ва алгоритмик тахминлар (*прогностик полиция*) га мурожаат қилмоқдалар. “Predictive policing” деб ном олган бу усулда компьютер тизимлари ўтмишдаги жиноят маълумотлари ва бошқа статистик маълумотларни таҳлил қилиш орқали қаерда ва қачон жиноят содир этилиши эҳтимоли баланд эканини башорат қилиб беради.

Масалан, айрим йирик шаҳарлар полицияси ўтган йиллар маълумотлари асосида жиноят “хавф хариталар” ини тузиб, патрул машиналарини шу ҳудудларга йўналтирмоқда. Ёки алгоритмлар орқали муайян шахсларнинг келгусида жиноят содир этиш ёки жиноят қурбонига айланиш хавфини баҳоловчи рўйхатлар тузилади (*бунда шахснинг илгариги жазоланиши, моддий аҳволи, жиноят содир этилган ҳудудда яшаши каби омиллар ҳисобга олинади*). Катта маълумотлар криминологияси шунингдек, жиноятчиликни юқори аниқликда моделлаш, “ақлли” видеокузатув тизимларини яратиш, интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳуқуқбузарликларни автоматик аниқлаш каби йўналишларда ҳам қўлланилмоқда. Албатта, бу борада шахсий маълумотлар махфийлигини сақлаш, алгоритмлардаги муаммо ва чиқиндиларни (масалан, ирқий ёки табақавий қолипларни) тан олиш зарурлиги ҳақида баҳслар мавжуд. Лекин шубҳасизки, технология ва катта маълумотларга асосланган таҳлиллар криминологиянинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. “Яшил” криминология. Традицион криминология асосан инсонларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар билан шуғулланса, “яшил криминология” (*green criminology*) концепцияси жиноят тушунчасини кенгайтириб, атроф-муҳит ва ҳайвонот оламига қилинган жиноятлар ва зарарларга ҳам эътибор қаратади. Майкл Линч 1990 йили илк бор ушбу атамани ишлатган ва бу йўналиш экологик адолат ва атроф-муҳитга оид ҳуқуқбузарликларни криминологик нуқтаи назардан ўрганишга чақириқ бўлган. Яшил криминология инсонларнинг табиатга кўрсатаётган зарарли таъсирини, ҳайвонларни қийноққа солиш ёки қириб юбориш ҳолатларини, экологик жиноятлар (*ноқонуний овчилик, ёввойи табиат объектларининг ноқонуний савдоси, атроф-муҳитни ифлослантириш ва ҳ.к.*) ни ўрганеди.

Бугунги кунда халқаро миқёсда экологик жиноятлар учун санкцияларни кучайтириш, ҳайвонлар ҳуқуқларини юридик ҳимоялаш каби ташаббуслар айнан яшил криминология ғояларидан озиқланмоқда. Маданий криминология. 1990-йиллар охирида шаклланган маданий криминология (*cultural criminology*) жиноят ва девиантликни ижтимоий-маданий контекстда ўрганишни таклиф қилади. Бу ёндашувга мувофиқ, жиноий хулқ-атвор фақат индивидуал хусусиятлар ёки ижтимоий тузилма натижаси эмас, балки маданий нормалар, қадриятлар ва амалиётлар таъсирида шаклланади.

Маданий криминологлар жиноятни шахсий муаммо ёки “ижтимоий вирус” деб эмас, балки маълум бир жамият маданиятининг маҳсулоти деб қарайдилар. Масалан, оммавий маданиятда баъзи жиноятчилар “қаҳрамон” ёки романтик образ сифатида тасвирланиши мумкин, айрим ижтимоий гуруҳлар эса (*ёшлар, мигрантлар ва бошқалар*) асоссиз равишда “потенциал жиноятчи” қилиб тамғаланиши мумкин – бундай маданий тасвирлар жамиятнинг жиноятга муносабати ва ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш сиёсатини шакллантиради.

Маданий криминология жиноят мавзусининг кино, адабиёт, мусиқа ва санъатда қандай талқин этилишини, оммавий ахборот воситаларида жиноят ва жиноятчилар образи қандай яратилишини, полиция ва суд тизимидаги маданий стереотипларни ўрганади. Шу билан бирга, жиноий субмаданиятларнинг ички қодалари ва рамзий тиллари, жиноятчиларнинг ўз “шаън кодекс”и ва бошқа маданий жиҳатлари ҳам бу ёндашув доирасидаги тадқиқотлар мавзусидир. Маданий криминология жиноятни кенг маънавий-маданий манзаранинг бир қисми сифатида кўриб, антропология, маданиятшунослик, оммавий коммуникация каби фанларнинг усулларини криминологик таҳлилга татбиқ этади.

8. Ривожланиш ва ҳаёт давомийлиги криминологияси (ДЛК).

Ривожланиш ва ҳаёт давомийлиги криминологияси (Developmental and Life-Course Criminology – ДЛК) жиноий хулқ-атворнинг инсон ҳаёти давомидаги эволюциясини ўрганадиган йўналишдир. Унга кўра, шахснинг жиноятчиликка мойиллиги вақт давомида ўзгариб бораверади – айрим одамлар бутун ҳаёти давомида жиноий хатти-ҳаракатлар содир этса, бошқалари фақат ўсмирлик чоғида девиантлик кўрсатиб, катта ҳаётга ўтиш билан бирга тузаладилар. Бу соҳада америкалик психолог Терри Э. Моффитт 1993 йилда илгари сурган “икки хил тасниф” (*dual taxonomy*) модели машҳур бўлиб, унга биноан жиноятчиларни икки асосий тоифага ажратиш мумкин: биринчиси – умрбод (ҳаётбойи) жиноятчилар, болалик ёки ўсмирликдан бошлаб бутун ҳаёти мобайнида қонунбузарликни давом эттирадиган шахслар; иккинчиси – ўсмирликдавий жиноятчилар, фақат ёшлиқда девиантлик кўрсатиб, катта ҳаётга ўтиш билан тўхтаб қоладиган шахслар.

Кўришиб турибдики, замонавий криминология фан сифатида доимий ривожланишда бўлиб, турли назарий таҳлиллар, эмпирик тадқиқотлар ва инновацион ёндашувлар синтезига асосланган мураккаб соҳани ифода этади. Криминология фақат жиноятни эмас, балки инсон ва жамият ўртасидаги мураккаб муносабатларни, қонун ва адолат тушунчаларининг эволюциясини, ижтимоий тартиб ва ҳуқуқ устуворлиги масалаларини ҳам қамраб олади. Бугунги кунда жиноятчиликни тўлақонли тушуниш учун бир қанча турли назарий ёндашувларни интеграция қилиш зарур: инсоннинг эркин иродаси, ижтимоий тузилма, биологик омиллар, гендер, маданият ва глобал хавфлар биргаликда кўриб чиқилиши керак. Келажакда криминология нафақат жиноятни прогноз қилиш ва унинг олдини олиш, балки кенг маънода ижтимоий адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётга кўмаклашишда ҳам муҳим ўрин тутиши кутилади

Бу эса криминолог мутахассислардан фақат ҳуқуқий билимларни эмас, балки кенг ижтимоий дунёқараш, ахлоқий позиция ва мултидисциплинар тафаккурни талаб этади. Ҳар бир янги назария ва ёндашув жиноятчи шахсни ва жиноят воқелигини янада чуқурроқ тушунишимизга хизмат қилар экан, криминология фанининг жамият тараққиётидаги аҳамияти ортиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Brandon Hamann. “Criminological Schools and Their Theories”. Introduction to Criminal Justice. LOUIS Pressbooks (2024) – классик, позитивист, Чикаго, неоклассик ва замонавий назариялар ҳақида.
2. Criminology Theories – Criminal Justice, iResearchNet – жиноят назариялари шарҳи, классик ва танқидий ёндашувлар таҳлили. // criminal-justice.iresearchnet.com.
3. Tim Lau. “Predictive Policing Explained”. Brennan Center for Justice (2020) – катта маълумотлар таҳлили асосида жиноятчиликни башорат қилиш усуллари таҳлили / brennancenter.org.
4. Antonio R. Verbora et al. “What is Green Criminology?”. Introduction to Criminology – KPU Pressbooks (2021) – яшил криминология бўйича таъриф ва изоҳ // kpu.pressbooks.pub.
5. Terrie E. Moffitt. “Adolescence-Limited and Life-Course-Persistent Antisocial Behavior”. Psychological Review 100(4) (1993) – ривожланиш криминологиясида икки хил жиноятчилар таснифи назарияси // en.wikipedia.org.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Шермухаммедов Абдумажид Мавлянович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси

Мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик масаласи кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, давлат томонидан бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Мактаб ўқувчилари орасида жиноятчиликни барвақт аниқлаш ва олдини олишнинг асосий йўналишлари жиной хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мойил бўлган шахсларни ижтимоий, руҳий, ахлоқий қўллаб-қувватлаш орқали жиноятчиликка етакловчи сабабларни бартараф этишдан иборатдир. Бунда ўқувчи ва ёшлар ташкилотларининг иштироки, ўқитувчи ва психологлар ҳамкорлигида амалга ошириладиган тарбиявий ва профилактик чоралар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур чора-тадбирлар нафақат жиноятчиликни камайтиришга, балки ёшларнинг тўғри шаклланишини таъминлашга ҳам қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2023 йилда деярли 3600 нафарни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич беш йил ичида 4,4 баробарга ошган. Бу ўсиш динамикаси, айниқса турли жиной харакатларнинг кўпайиши билан бирга келганини кўрсатади. Бир йил давомида талон-тарож жиноятларида 70% га ошиш, безориликда 60% га, атайлаб оғир тан жароҳати етказишда 40% га ва зўрлаш ҳамда зўрлашга уриниш жиноятларида 20% га ошиш кузатилган. Бу маълумотлар вояга етмаганлар орасида зўравонлик ва жиддий жиной харакатларнинг ортиб бораётганини кўрсатади [1].

Ўзбекистонда 13-15 ёшли ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик динамикаси жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ёшдаги жиноятчиларнинг умумий жиноятчилар сонига нисбатан улуши ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2010 йилда 13-15 ёшли жиноятчиларнинг умумий жиноятчилар сонига нисбати 0,5% ни ташкил этган бўлса, 2023 йилга

келиб бу кўрсаткич 0,8% га етган. Бу ўсмирлар ўртасида жиноятчилик даражасининг ошишига ишора қилиб, ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг умумий жиноятчиликка бўлган салмоғи ортганини кўрсатади.

Тенденциялар таҳлил қилинганда, 2010-2017 йиллар давомида ушбу кўрсаткич асосан барқарор қолиб, 0,5% атрофида бўлган. Бироқ, 2018 йилда ушбу улуш камайиб, 0,4% га тушган, бу эса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг вақтинчалик пасайишига ишора қилади. Шу билан бирга, 2021 йилдан бошлаб, бу кўрсаткич қайтадан ўсишга юз тутган ва 2022-2023 йилларда 0,8% ни ташкил этган [2].

Ушбу ўзгаришлар ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш учун тарбиявий, профилактик ва маънавий ёрдам чораларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Жамиятда ўсмирлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, ўқув муассасаларида тартиб-интизомни яхшилаш ва жиноятчиликка қарши комплекс чоралар қабул қилиш, шунингдек, профилактика дастурларини ишлаб чиқишга эҳтиёж борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Л.М. Прозументовнинг фикрича, мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларни барвақт олдини олиш учта жиҳатдан кўриб чиқилиши керак:

1) ёшларнинг нормал ижтимоийлашув шароитларидан “чиқиб кетишини” олдини олишга қаратилган бўлиб, бу эса жамиятга қарши хулқ-атворни шакллантиришда кучли омил ҳисобланади;

2) умумий тарбия жараёнининг таркибий қисми сифатида у асосан психологик ва педагогик чора-тадбирларни қўллашга қаратилган;

3) ушбу чора-тадбирларни амалга оширувчи асосий субъектлар оила ва мактаб ҳисобланади”[9].

Ҳозирги пайтда мактаб ўқувчилари томонидан жиноят содир этилишини олдини олишдаги профилактика салоҳиятининг заифлигига асосий омиллардан бири мактаблар ва айниқса ўқитувчиларнинг иш сифатининг пастлигидир[10]. Бу таълим жараёнини (*дарс вақтида ҳам, дарсдан ташқари вақтда ҳам*) ташкил этишда турли ёшдаги ва жинсдаги мактаб ўқувчиларининг психологик хусусиятлари ҳисобга олинмаётганлиги, болалар билан тарбиявий ишларга жуда кам эътибор қаратилаётганлигида намоён бўлмоқда. Бизнингча, педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ўзгартириш, мактаб ўқувчилари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. С.Н. Михайлова “мактабда таълим ва тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш учун янги, муваффақиятли синовдан ўтган методикаларни ўзлаштиришлари зарур, айниқса, ижтимоий жиҳатдан муаммоли болалар билан ишлаш усуллари ва шакллари ўзлаштириш муҳим”[10] дир.

А.Дракшене мактаб ўқувчиларининг меҳнатга бўлган қизиқишини қуйидаги тоифалар бўйича таъкидлаган:

1) меҳнат фаолиятини олиб бориш учун онгли равишда бу йўлни танлаган ўсмирлар;

2) меҳнатга жалб қилинганлиги нотўғри шароитлар туфайли (олийгоҳга ёки техника олий ўқув юртига киролмаган, қийин моддий аҳвол, оналарни йўқотиш, ўқиш учун шароитларнинг йўқлиги);

3) ўқишни хоҳламаган ёки муваффақиятсизлик сабабли мактабни, касб-ҳунар коллежини ва бошқа ўқув муассасаларини ташлаб кетган қийин ўсмирлар;

4) жиноят содир этган ва ўз хоҳишига қарши меҳнатга жалб қилинган ёки жазо муддатини ўтаб чиққан мактаб ўқувчилари[11].

С.Н. Михайлова томонидан мактаб ўқувчилари жиноятчилигининг барвақт олдини олиш учун тавсия этилган чора-тадбирлар, уларнинг тўлиқ ижтимоий ривожланишига қаратилган комплекс ёндашувни акс эттиради. Бу чора-тадбирлар нафақат иқтисодий ёки ижтимоий омилларга, балки педагогик ва психологик жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. С.Н. Михайлова таъкидлаганидек, мактаб ўқувчиларининг биринчи ижтимоийлашуви жамиятдаги уларнинг келгусидаги роли ва хатти-ҳаракатлари учун муҳимдир. Шунинг учун, уларнинг атроф-муҳитини яхшилаш, барқарор антижамиятчилик кўникмаларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик зарур.

А. Дракшене эса, мактаб ўқувчиларининг меҳнатга бўлган қизиқишини тўрт асосий тоифага ажратиб кўрсатган. Бу тоифалар ўсмирларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ва уларни меҳнатга жалб қилувчи турли шароитларни ифодалайди. Меҳнатга қизиқиш онгли танлов сифатида шаклланган бўлиши ҳам мумкин ёки унинг сабаби турли оғир иқтисодий ва ижтимоий шароитлар бўлиши мумкин. Айниқса, қийин ҳаётий вазиятларда қолган ўсмирлар учун меҳнат ёки ўқиш имкониятларининг йўқлиги уларнинг турмуш йўлини белгилайди ва бу ҳолатларда жиноятчиликка мойиллик пайдо бўлиши эҳтимоли ошади.

Баъзи юридик адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тизимида мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг профилактикаси умумий қилиб икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Умумий – барча шахсларга йўналтирилган чора-тадбирлар бўлиб, унинг мақсади жамиятнинг барча қатламларида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган. Бунда асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий омилларга қаратилган бўлиб, қонунбузарликка мойилликни камайтиришга хизмат қилади.

2. Индивидуал – бу шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, аниқ шахсга йўналтирилган профилактика чоралари бўлиб, жиноятчиликка мойиллик кўрсатган ёки содир этган шахсларни қайта тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади[12].

Ўзбекистон Республикасида мактаб ўқувчилари томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш масалаларини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун[3] ида «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими»[4] деб таърифлаб вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг фақатгина якка тартибдаги профилактикасининг тури ажратиб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларда ҳуқуқий онг ҳамда муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида қатор ижтимоий, таълимий ва профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2024 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-55-сонли қарор, жумладан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш ҳамда рақамли хавфсизлик тизимини шакллантириш каби вазифаларни қамраб олган.

Ушбу қарор доирасида Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигига вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва профилактика тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор муҳим вазифалар юклатилган. Жумладан:

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган манзилли психологик ишлаш механизмлари йўлга қўйилади.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг лавозимлари Миллий гвардия тизимига ўтказилади, бу уларнинг мактабларда бевосита хизмат қилиш имкониятини таъминлайди.

Мактабларда видеокүзатув воситаларива “ташвиш” тугмалари босқичма-босқич жорий этилиб, рақамли хавфсизлик тизими ташкил этилади.

“Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлари орқали ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш чоралари амалга оширилади.

Миллий гвардия томонидан мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилашга қаратилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ўқувчиларнинг мунтазам равишда дарсларга қатнашиши назорат қилинади, сабабсиз дарс қолдирувчилар аниқланади ҳамда уларнинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи омиллар бартараф этилади. Шунингдек, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни ташкил этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Миллий гвардия ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касбга йўналтириш ҳамда жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашади. Бу орқали уларда қонунбузарликларга нисбатан муросасиз муносабат шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан келиб чиқиб, Миллий гвардия ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мактабларнинг қоровуллик хизмати ходимларини танлаш, тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу чора-тадбирлар “Ўзбекистон-2030” стратегияси[5]да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликлар профилактикасини янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур қарор асосида вояга етмаганлар жиноятчилигининг асл сабабларидан келиб чиққан ҳолда уни барвақт олдини олиш бўйича фундаментал илмий-амалий тадқиқот ўтказиш мақсадида бир қатор ижтимоий сўровномалар ўтказилди. Жумладан, шундан ижтимоий сўровномалардан бири – ота-оналар ўртасида ўтказилган бўлиб, эътиборлиси ота-оналарнинг 27 фоизи – ўрта-махсус, 16 фоизи – ўрта ва фақатгина 14 фоизигина олий маълумотли. Бу маълумотлар қуйидаги назарий хулосаларни чиқариш имконини беради.

Биринчидан, ота-оналарнинг таълим даражаси болаларнинг ўқишга бўлган муносабатига, уларга кўрсатиладиган ёрдам даражасига таъсир қилади. Олий маълумотли ота-оналар болаларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этиш эҳтимоли юқори. Ўрта-махсус ва ўрта маълумотли ота-оналар эса таълим тизими билан унчалик боғланмаган бўлиши мумкин, бу фарзандларига таъсир қилиши мумкин.

Иккинчидан, олий маълумотли ота-оналар, одатда, фарзандларига кенгроқ ривожланиш имкониятларини тақдим этади (*масалан, китоблар, турли курслар, маданий тадбирларда қатнашиш*). Ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга ота-оналарнинг имкониятлари чекланган бўлиши мумкин, бу эса фарзандларнинг интеллектуал ва ижтимоий ривожланишига таъсир қилади.

Учинчидан, олий маълумотли ота-оналар фарзандларининг юқори таълим олишига кўпроқ урғу беради. Бу фарзандлар орасида таълимга бўлган қизиқишни оширади. Ўрта маълумотли ота-оналарда бундай мотивация даражаси пастроқ бўлиши мумкин, бу эса фарзандларнинг узоқ муддатли мақсадлар қўйишига таъсир кўрсатади.

Демак, ота-оналарнинг таълим даражаси фарзандларининг таълим олиш жараёнида муҳим ўрин тутаяди. Бироқ, бу ягона омил эмас. Қарорли таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳам бор (*масалан, оиланинг иқтисодий аҳволи, жамиятдаги ижтимоий шароитлар, шахсий тарбия ютуқлари*). Умуман олганда, фарзандлар таълими учун барча ота-оналарнинг фаол иштироки муҳим.

Кейинги саволдан яна бири, бу “бола фаровонлиги, таълим ва тарбияси учун асосий масъул ким?” лиги тўғрисида бўлиб, респондентларнинг **63 фоизи** – *оила* деб жавоб беришган. Бу кўрсаткич оиланинг бола ҳаётидаги асосий аҳамиятини кўрсатади. Оилавий муҳит боланинг шахсий ривожланиши, ижтимоий кўникмалари ва таълимга бўлган муносабатини шакллантиради. Шундай жамиятларда болаларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан оила муҳитига боғлиқ бўлади, бу эса ота-оналарнинг шахсий ривожланиши ва билим даражасини янада аҳамиятли қилади. **31 фоизи** масъулият *ота-она ўртасида тенг* бўлиниши керак, деган фикрда. Бу фикр гендер тенглиги ва ота-оналарнинг бола таълими ва тарбиясидаги бирдек иштирокига бўлган интилишни кўрсатади. Бундай ёндашув болаларга яхшироқ таъсир кўрсатиши мумкин, чунки икки тарафдан ҳам қўллаб-қувватланиш боланинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Эътиборлиси, респондентларнинг **4 фоизи** – *таълим муассасаси*. Ушбу кўрсаткич таълим муассасаларига бўлган паст ишонч ёки уларнинг ролини чекланган деб билишдан дарак беради.

Таълим муассасалари боланинг фақат маълум бир соҳадаги ривожланишига масъул деб ҳисобланади, лекин умумий фаровонликда эмас ва **2 фоизи** – *давлат* деб ҳисоблар экан. Жуда кичик қисмининг бундай фикрда бўлиши, жамиятда давлатнинг бола фаровонлигидаги ўрни кам баҳоланиши ёки оддий фуқаролар давлатни бевосита жавобгар деб кўрмаслигини кўрсатади. Бу давлат томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қадамларни кучайтириш зарурлигини билдириши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 35 фоиз ёшлар “бўш вақтнинг кўплиги” деб жавоб берган. 22 фоизи – мактаб дарсларининг қизиқарли эмаслиги деб жавоб берган.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу тадқиқот натижалари мактаб ўқувчилари учун ижтимоий ва таълимий муҳитнинг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Натижаларни таҳлил қилиб, сабабларни тушуниш ва уларга ечим таклиф этиш мумкин.

Бўш вақтни тўғри ташкил этилмаганлиги ёшларнинг ёмон йўлларга кириб кетишининг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин. Бўш вақт фаолиятсизликка олиб келиши, бу эса ёшлар орасида ижтимоий босимга берилувчанликни оширади ва зарарли одатларга мойилликни кучайтиради. Ёшларнинг бўш вақтини фойдали фаолиятлар билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга спорт, санъат, ижтимоий тадбирларда иштирок, ва кўнгиллилик каби ишларни киритиш мумкин.

Иккинчи ҳолатда, таълим тизими ўқувчиларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватламаса, уларнинг ўқишга бўлган мотивацияси тушади. Бу ёмон таъсирларга мойилликни кучайтиради. Замонавий таълим услублари етишмаслиги дарсларни зерикарли қилиб қўйиши мумкин. Мактабларда интерактив, ҳаётга яқинлаштирилган ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватланган дарслар жорий қилиниши лозим. Шунингдек, ўқувчилар қизиқишларига мос клублар ва тўғарақларни ташкил этиш тавсия этилади.

Ёшларнинг ёмон йўлларга кириб кетишини олдини олиш учун тавсиялар:

1. Бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун:

Спорт тадбирлари: Мактаб ва маҳаллий даражада спорт мусобақалари ва машғулотлар ташкил қилиш.

Ижодий тўғарақлар: Рақс, санъат, мусиқа, ёзиш ва бошқа ижодий тўғарақлар фаолиятини кучайтириш.

Кўнгиллилик: Ёшларни ижтимоий лойиҳаларда қатнашишга жалб қилиш. Бу уларга масъулият ҳиссини оширади ва вақтни фойдали ўтказиш имконини яратади.

2. Мактаб дарсларини қизиқарли қилиш учун:

Замонавий усуллар: Дарсларда интерактив таълим воситаларидан, масалан, мультимедиа, симуляциялар, ва STEM лойиҳаларидан фойдаланиш.

Касбий йўналиш: Ўқувчиларни уларнинг қизиқишларига иқтидорларига мос равишда касб танлашга йўналтирувчи дарслар ва тренинглар ташкил қилиш.

Фидокор ўқитувчилар тайёрлаш: Ўқитувчиларнинг кўникмаларини ошириш учун доимий равишда семинар ва тренинглар ўтказиш.

3. Жамият ва давлатнинг ўрни:

Инфратузилма: Ёшлар учун кўнгилочар марказлар, спорт мажмуалари ва кутубхоналарни ривожлантириш.

Аҳолини хабардор қилиш: Ёшлар билан ишлаш бўйича ота-оналар, ўқитувчилар ва жамоатчилик учун тренинглар ўтказиш.

Ижтимоий дастурлар: Давлат ёшлар учун қўшимча таълим ва ижтимоий дастурларни молиялаштириши лозим.

Ушбу таҳлил шуни кўрсатадики, ёшларнинг бўш вақти ва таълим муҳити уларнинг ижтимоий ва шахсий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам оила, ҳам мактаб, ҳам жамоатчилик, ҳам давлат фаол ҳамкорликда иш олиб бориши керак. Фойдали ва қизиқарли фаолиятларни ташкил қилиш ёшларнинг энергиясини ижобий йўналишга йўналтиришга ёрдам беради.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Бу фаолият ёшлар орасида жиноят содир этилишидан аввалги хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган фаолият демакдир. Шу нуқтаи назардан Ч.Беккарианинг сўзлари айтилиши ҳақиқатдир: «Жиноятларни жазолашдан кўра, уларни олдиндан огоҳлантириш яхшироқдир»[4].

Юридик адабиётларда[6] мактаб ўқувчилари томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадига эришиш учун барча профилактик чора-тадбирларни турли мезонлар асосида таснифлаш таклиф қилинган:

1) *кўлами (оммавий қамраб олиши)* – умумий, махсус ва индивидуал[7];
2) *ҳудудий миқёси* – умумдавлат, минтақавий, маҳаллий (туман ёки аҳоли пунктлари доирасида амалга ошириладиган) ва локал (махсус объектлар, масалан, корхона доирасида амалга ошириладиган)[8];

3) *йўналиши ва мазмуни* – ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик, сиёсий, ташкилий-бошқарув, мафкуравий, ижтимоий-психологик, маданий-тарбиявий, ҳуқуқий ва бошқа чоралар;

4) *шахсга таъсир кўрсатиш интенсивлиги* – мулоқотга асосланган чоралар, меҳнат ва ижтимоий ҳаётга жалб қилишга қаратилган чоралар ва мажбурий чоралар;

5) *ҳуқуқий хусусиятига кўра* – қонунчиликка асосланган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган чоралар ҳамда ҳуқуқий асосга эга бўлмаган, лекин жамоатчилик ва тарбия жараёнлари орқали амалга ошириладиган профилактик тадбирлар;

6) *таъсир кўрсатувчи субъекти* – давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чоралар, жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган чоралар ҳамда оила ва яқин муҳит томонидан амалга ошириладиган чоралар;

7) *таъсир кўрсатиш объекти* – кенг аҳоли қатламларига қаратилган чоралар, муайян ижтимоий гуруҳ ёки хавф гуруҳидаги шахсларга қаратилган ҳамда муайян шахсга қаратилган тадбирлар.

Жиноятчиликнинг олдини олиш учун профилактик чораларни таснифлаш масаласи жуда муҳим, чунки бу чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш учун аниқ ва мақсадга мувофиқ ёндашув зарур. Тақдим этилган таснифлаш, назарий жиҳатдан, турли хил омилларни ҳисобга

олишга қаратилган ва жинойтчиликка қарши курашда комплекс ёндашувни таъминлашни мақсад қилади.

Бироқ, бундай таснифни танқидий кўриб чиқиш зарур. Бизнинг фикримизча, жинойтларни олдини олиш чораларнинг бу тарздаги таснифи бир нечта масалаларни юзага келтиради:

Биринчидан, сиёсий ва иқтисодий чоралар — кўпинча бу каби категориялар бир-биридан ажратиб кўриб чиқилмасдан, яқин ҳамкорликда амалга оширилиши керак. Сиёсий чоралар кўпинча иқтисодий ресурслар билан боғлиқ бўлиб, уларни мустақил тасниф сифатида ажратиш бу чораларнинг комплементарлик принципини бузиши мумкин.

Иккинчидан, умумий, махсус ва индивидуал чоралар — бу тасниф аниқ ҳужжатлаштирилмаган ҳолда ноаниқликка олиб келиши мумкин. Умумий чоралар алоҳида муҳокама қилинишини талаб қилади, чунки ҳар бир чора, амалда, индивидуал ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Ҳажм ва самарадорлик орасидаги мувофиқликни таъминлаш учун аниқ мезонлар ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, минтақавий ва маҳаллий чоралар — бу ерда жинойтчиликнинг маҳаллий хусусиятлари ва шунга мос равишда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, давлатлараро чора-тадбирлар глобал миқёсда ўзгарувчан, чунки ҳар бир давлатнинг қонунчилиги ва ижтимоий ҳолати ўзига хосдир.

Ва ниҳоят, *бешинчидан, субъектив ёндашув* — давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим, лекин ўзаро мувофиқлаштирилмаган чора-тадбирлар ишлаб чиқилса, самарасизликка олиб келиши мумкин.

Мактаб ўқувчилари томонидан жинойт содир этилишини олдини олиш масаласи нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ва педагогик ёндашувларни талаб қиладиган муҳим муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий база мукамаллаштирилиб, профилактика тадбирлари жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим муассасаларида ахлоқий муҳитни яхшилаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва рақамли хавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мактаб муҳитини яхшилаш ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириш профилактика самарадорлигини оширади. Ота-оналарнинг таълим даражаси, мактаб ва жамоатчилик институтларининг ҳамкорликдаги фаолияти ёшлар жинойтчилигини камайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу боис, таълим ва тарбияни интеграциялашган ҳолда

амалга ошириш, педагог ва психологларнинг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, мактаб ўқувчилари ўртасида ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсадли профилактик стратегияларни ишлаб чиқиш зарур.

Жиноятчиликка мойилликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олиш чоралари фақат ҳуқуқий тартибга солиш билан чекланмаслиги лозим. Бу борада комплекс ёндашув талаб этилади – таълим, психология, ижтимоий тадбирлар ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш. Шунингдек, ёшларнинг ҳаётий кўникмалари, ижтимоий муносабатлари ва касбий йўналишларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу асосда, келгусида мактаб ўқувчилари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш, профилактик фаолиятни илмий асосда бойитиш ва давлат, жамоатчилик ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятини узвий боғлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикасида “2025-2030 йилгача вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини ривожлантириш концепциясини” ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2. Мактаб ўқувчилари томонидан жиноятлар содир этилишини олдини олиш учун таълим муассасалари ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, махсус ота-она кенгашлари, тарбиявий семинарлар ва болаларнинг психологик ҳолатини ўрганишга қаратилган дастурлар мактаб ва оила ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш зарур. Бунда мактаб ва оила учун “**Биргаликдаги тарбия**” дастурларини жорий этишдир. Бу дастурлар доирасида ҳар ойлик ота-она учрашувлари, болалар руҳиятини тушунишга қаратилган тренинглар, болаларнинг ижтимоий муҳитдаги ҳолатини аниқлашга қаратилган психологик тестлар ўтказилиши мумкин.

3. Жиноятчиликнинг олдини олиш учун мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш керак. Мактабларда махсус “**Ҳуқуқий таълим**” курсларини жорий этиш орқали ёшларга қонунчилик ва ҳуқуқий тартиб-интизом ҳақида тушунча бериш муҳимдир.

4. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бунда мактаб ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашишда олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш муҳим. Мактаб ўқувчиларини ҳуқуқий саводхонлик, ахлоқий тарбия ва касб-ҳунарга йўналтиришда университетлар ва коллежлар билан ҳамкорликда амалий

машғулотлар ва тренинглар ўтказиш таклиф қилинади.

4. Мактабларда “**ўқув суди**” каби симуляция дастурларини жорий этиш. Бу дастур ўқувчиларга қонунлар, ҳуқуқий жараёнлар, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик ҳақида амалий билимларни тақдим этиб, уларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://stat.uz/ru/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=425&id=3142&Itemid=1000000000000

2. https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_3440.pdf

3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 14.08.2024 й., 03/24/943/0616-сон

4. Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях. — М., 1939. — С. 400.

5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон

6. Булатов И.Г. Криминологический анализ преступности несовершеннолетних: По материалам Республики Дагестан // Дисс.канд.юрид.наук. – Махачкала 2001. С. 189. <https://www.dissercat.com/content/kriminologicheskii-analiz-prestupnosti-nesovershennoletnikh-po-materialam-respubliki-dagesta>

7. См., например: Криминология / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой, Г.М. Миньковского. М., 1998. С. 188; Яковлев А.М. Индивидуальная профилактика преступного поведения. Горький, 1977. С. 5.

8. Криминология / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой, Г.М. Миньковского. М., 1998. С. 190

9. Прокументов Л.М. Административно-правовое предупреждение правонарушений несовершеннолетних. Томск, 2001. С. 30. См. также: Hoge Robert D. The Juvenile Offender: Theory, Research and Applications. Norwell, 2001. P. 291-324; Individualized Intervention with Young Multiple Offenders. New York&London, 2002. P.3, 29-30.

10. Михайлова С.Н. Социально-криминологическая роль городских общеобразовательных школ в раннем предупреждении преступности несовершеннолетних // // Дис.канд.юрид.наук. – Томск-2007. С.196. <https://www.dissercat.com/content/sotsialno-kriminologicheskaya-rol-gorodskikh-obshcheobrazovatelnykh-shkol-v-rannem-preduprez>

11. Дракшене А. Предупреждение правонарушений работающих несовершеннолетних. Вильнюс: НИИСЭ, 1976. — С. 11.

12. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: учебник / А.И. Рарог, под ред. — 9-е издание. — Москва: Проспект, 2017. — 895 с.

ОИЛАДА ЁШЛАРГА ЖИНОЯТЧИЛИК ҲАҚИДА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПРОФИЛАКТИК АҲАМИЯТИ

Ҳикматов Муҳриддин Иззатилло ўғли -

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил
изланувчиси, Тошкент шаҳри ИИББ ХПБ Профильактика катта
инспектори, капитан

Ёшлар ҳар қандай жамиятнинг келажиги ҳисобланади. Шубоис, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ҳуқуқий онги ва фаол фуқаролик позицияси шаклланишида оила институти асосий тарбия муҳити сифатида муҳим ўрин тутди. Афсуски, баъзи ҳолларда ота-оналар фарзандларига жиноятчилик ва унинг оқибатлари ҳақида етарли маълумот бермасликлари туфайли, ёшлар жинойий муҳит таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Ушбу мақолада оилада жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларининг аҳамияти ва механизмлари илмий жиҳатдан таҳлил этилади.

1. Оила — жиноятчилик профилактикасининг бирламчи муҳити

Оила ҳар бир инсон ҳаётидаги энг илк ва энг таъсирчан ижтимоий институт ҳисобланади. Бу муҳитда шахснинг руҳий, маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий онги шаклланади. Болалиқданоқ инсоннинг ҳаётга қараши, қонунларга муносабати ва жамиятдаги нормаларга риоя қилишга бўлган ёндашуви оила муҳитидаги тарбияга ва ота-онанинг шахсий намунасига боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан қаралганда, оила жиноятчиликка қарши профилактик фаолиятда ўта муҳим ва дастлабки бўғин ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, шахснинг жинойий хатти-ҳаракат содир этишига таъсир этувчи омиллар орасида оилавий муҳит етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Криминология илмида қайд этилганидек, жиноят содир этган шахсларнинг катта қисми ноқонуний хатти-ҳаракатга йўл қўйишдан аввал оиладаги муносабатлар ва бошқарув услуби таъсирида шаклланган ижтимоий-психологик ҳолат туфайли бу йўлга кирган бўлади. Масалан, муҳаббат, ишонч, меҳр-оқибат, интизом, назорат ва адолат принциплари устувор бўлган оилада тарбия топган бола, аксарият ҳолларда, қонунбузарликка мойил бўлмайди.

Шу муносабат билан, жиноятчиликни илдиздан бартараф этишнинг муҳим шarti сифатида ҳар бир оилада фарзандларга ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг турлари, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлари, жазо чоралари ҳақида мунтазам ва мақсадли равишда тушунтириш ишларини йўлга

қўйиш зарур. Бундай ишлар оғзаки таълим ёки ёзма манбалар орқали эмас, балки ҳаётий мисоллар, ҳафталик “оилавий ҳуқуқ дарслари”, видеороликлар, мультимедиа воситалари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Бунда оиладаги мулоқот маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Аниқроғи, фарзанд билан фақат амр ва тақиқ асосида эмас, балки ишончли муҳитда очиқ, изчил ва руҳий қўллаб-қувватловчи мулоқот олиб бориш самарали натижа беради. Масалан, бола ёки ўсмир ўзини ота-она билан эркин суҳбатда ҳис қилса, у ўзини қизиқтираётган ёки безовта қилаётган ҳолатларни баён этади. Бу эса потенциал хавфни эрта аниқлаш ва олдини олиш имконини яратади.

Шунингдек, ота-оналар болаларни жиноятчилик ҳақида хабардор қилишда ўзлари ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишлари, қонун ва ҳуқуқ нормаларини яхши билишлари, фақат жиноят оқибатидан эмас, балки унинг инсон ҳаётига, оила ва жамиятга соладиган маънавий зараридан ҳам хабардор қилишлари зарур.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий маданиятга эга ота-оналар фарзандларида қонунийлик, ижтимоий масъулият ва фуқаролик бурчини англаш ҳиссини эрта ёшдан шакллантиради. Шунингдек, ота-онанинг шахсий намунаси — уларнинг ўз қонунга, жамият қоидаларига, бошқаларга муносабати — бола тарбиясида энг кучли воситалардан биридир.

Оила нафақат шахсни вояга етказадиган муҳит, балки унинг ҳуқуқий маданиятини, маънавий иммунитетини шакллантирадиган маскандир. Шу сабабли жиноятчиликни бартараф этишни жамият ёки давлат тизими зиммасига юклаётганда, аввало оилалардаги профилактик суҳбат, таълим ва назоратнинг барча шакллари мустаҳкамлаш лозим.

2. Жиноятчиликка қарши тарбия — ҳуқуқий маданият асоси

Жиноятчиликнинг олдини олишда самарали натижаларга эришиш учун, аввало, ёш авлод онгида ҳуқуқий фикрлашни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бу жараённинг марказида оилада амалга ошириладиган тарбиявий ишлар туради. Зеро, фарзанднинг шахс сифатида шаклланишида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги билимлар, қонунчиликка ҳурмат, ҳуқуқбузарликка нисбатан салбий муносабат туйғулари ўта муҳим ўрин тутаяди.

Жиноятчиликка қарши тарбия бу — фақатгина жиноят оқибатларини таъкидлаш эмас, балки болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ҳаракатлар мажмуидир. Болаларга жиноят тушунчаси, унинг турлари, жиноят билан ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқ, жазо турлари, суд жараёни ва жабрланувчи ҳуқуқлари ҳақида ёшлиқданоқ ҳаётий ва очиқ-ойдин тарзда маълумот бериш зарур. Айниқса, шахсий хавфсизлик, кибержиноятчилик, зўравонликка қарши ҳимоя, наркотик моддалар таъсири, мактаб атрофида юзага келиши мумкин бўлган

ноқонуний вазиятлар ҳақида суҳбатлар бола онгида таҳликаларни англаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантиради.

Ҳуқуқий тарбиядаги асосий мақсад — фарзандда “мен буни қилсам, жазоланаман” деган қўрқувни эмас, балки “мен буни қилмайман, чунки бу — нотўғри, ахлоқсиз ва жамият учун хавfli” деган етук фикрлашни шакллантиришдир. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий онгни, шахсий масъулият ҳиссини ва фуқаролик бурчини мустаҳкамлайди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий маданияти юқори бўлган ёшлар нафақат қонунга зид хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди, балки бошқаларни ҳам бундай ҳолатлардан қайтаришга интилади. Бундай ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик даражаси сезиларли даражада паст бўлади. Бунда эса ота-онанинг шахсий намунаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий саводхон ота-она боласига нафақат тўғри тушунча беради, балки унинг интернетдаги фаолиятини назорат қилади, уни кимлар билан дўстлашишига, қандай ахборот истеъмол қилишига бефарқ бўлмайди. Жамиятда кўплаб ҳуқуқбузарликлар интернет орқали содир этилаётганини ҳисобга олсак, бугунги кун ота-онаси нафақат маҳаллий муаммолар, балки глобал таҳдидлар ҳақида ҳам фарзандини хабардор қилиши лозим.

Бунда таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Оила — ҳуқуқий мактаб” лойиҳаларини йўлга қўйиш, маҳаллий даражада ҳуқуқшунослар иштирокида оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш самарали бўлади. Шунингдек, ёшлар ўртасида дебатлар, симпозиумлар, форумлар ва ҳуқуқий интеллектуал ўйинлар орқали қонунийлик маданиятини кенг жорий этиш мумкин. Жиноят содир этишга оилавий муҳитнинг таъсири криминология илмида қайд этилишича, ноқонуний хатти-ҳаракатлар кўпинча носоғлом оила муҳитида ўсган ёшлар орасида кўпроқ кузатилади. Масалан, ота-она ўртасидаги мунтазам жанжаллар, зўравонлик ҳолатлари, назоратсизлик, меҳр ва эътиборнинг етишмаслиги каби омиллар фарзанднинг жамиятда ноқулай психологик ҳолатга тушишига сабаб бўлади. Бундай ҳолда у қўллаб-қувватловчи муҳитни жиноий гуруҳларда излашга интилади.

БМТнинг Жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятга оид ахборот маркази маълумотларига кўра, ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг 65 фоизига яқин қисми оилавий муҳитдаги муаммолар билан боғлиқ.

3. Профилактик тушунтириш ишларининг шакл ва усуллари.

Ёшларни жиноятчиликдан асраш ва уларда ҳуқуқий онгни шакллантиришда оилада олиб бориладиган профилактик тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Бу ишлар тизимли, мақсадли ва боланинг ёш хусусиятларига мос равишда ташкил этилса, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Қуйидаги шакл ва усуллар бу жараёнда самарали ҳисобланади:

1. Мустақил фикрлашни ўргатиш.

Ҳар бир бола мустақил қарор қабул қилиш, қийин вазиятларда тўғри йўлни танлаш ва ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш қобилиятига эга бўлиши зарур. Бунинг учун ота-оналар болага ишонч билдириши, у билан маслаҳатлашиши ва фикрлашга ундаши керак. Масалан, турли ҳаётий вазиятлар муҳокамаси орқали болага “сен бўлсанг нима қилган бўлардинг?” каби саволлар бериш унда танлов масъулиятини ҳис қилиш қобилиятини шакллантиради.

2. Ҳуқуқий суҳбатлар ва ҳаётий мисоллар келтириш.

Жинойят содир этган шахснинг кейинги тақдири, унинг оиласига ва жамиятга етказган зарари ҳақидаги воқеаларни содда ва тушунарли тарзда мисол қилиб келтириш, фарзанд онгида кучли таассурот қолдиради. Бунда расмий манбалар, ОАВ орқали берилган жинойий воқеалар ёки реал ҳаётдан олинган ҳолатлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ёшларда жиноят ва унинг оқибатлари ўртасидаги боғлиқликни англашга ёрдам беради.

3. Медиа саводхонликни ошириш.

Замонавий жамиятда интернет, ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформалар болалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бироқ бу муҳитда турли таҳдидлар — кибербуллинг, алдов схемалари, жиноятга чорловчи контентлар мавжуд. Шу боис, фарзандларни виртуал хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш учун уларга медиа саводхонликни ўргатиш муҳим. Масалан, шахсий маълумотларни ёймаслик, нотаниш шахслар билан мулоқотда эҳтиёт бўлиш, шубҳали таклифларга ишонмаслик каби асосий қоидалар мунтазам равишда болага тушунтирилиши лозим.

4. Руҳий ва маънавий тарбия.

Жиноятнинг олдини олишда фақат ҳуқуқий маълумотлар етарли эмас. Фарзандларда инсонпарварлик, раҳмдиллик, адолатга ишонч, ҳақиқатни ҳимоя қилиш, инсон шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат каби маънавий қадриятларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай туйғулар боланинг онгида “жинойят — жамиятга ва инсонга қарши ҳаракат” эканлигини англашга хизмат қилади. Оила муҳитидаги муҳаббат, ҳурмат ва ўзаро ишонч фарзанднинг ҳаётга ижобий муносабатини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, оилада амалга ошириладиган профилактик тушунтириш ишлари жиноятчиликни бартараф этишда энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда замонавий усуллардан, психологик ёндашувлардан ва индивидуал тарбия моделларидан фойдаланиш талаб этилади. Зеро, ҳар бир жиноятнинг олдида сўнмаган эҳтиёт қўнғироғи — оиладаги тарбия сифати турибди.

МАҲАЛЛАЛАРНИ ТОИФАЛАРГА АЖРАТГАН ҲОЛДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Шарипов Жасур Саттор ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими тушунилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида сўнгги йилларда сезиларли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун (2014), «Вояга этмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун (2010), «Тезкор-қидирив фаолияти тўғрисида»ги Қонун (2012), каби муҳим ҳуқуқий асослар яратилди. Ушбу қонунчилик базаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Маҳаллани Ўзбекистон Республикасида ўзини ўзи бошқариш органи сифатида алоҳида ўрни бор. Сўнгги йилларда маҳаллалар нафақат ижтимоий-иқтисодий масалалар, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳам муҳим функцияларни бажариб келмоқда. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги» тизими жорий этилиши бу йўналишда амалга оширилган муҳим ислоҳотлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжат

ҳисобланади. Ушбу қонуннинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимини, уларнинг ваколатларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашув белгиланган. Бу принциплар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг инсонпарварлик ва қонунийлик асосида фаолият юритишини таъминлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўришдан иборат.

Сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистонда маҳаллалар криминоген вазият бўйича тоифаларга ажратилмоқда. Ҳуқуқбузарликларни «маҳаллабай» тарзда «қизил», «сарик», «яшил» тоифаларга ажратиш — манзилли профилактикани қайси ҳудуддан бошлаш кераклигига ойдинлик киритади.

Бундай таснифнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга, чунки энг оғир ва низоли вазиятларнинг ҳуқуқбузарликка айланишига йўл қўймаслик учун буни маҳаллаларнинг ўзидаёқ бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

«Қизил» тоифага кирувчи маҳаллалар — криминоген вазият энг оғир бўлган, ҳуқуқбузарликлар сони юқори бўлган, низоли вазиятлар кўп учрайдиган ҳудудлар. Бу маҳаллаларда профилактика чоралари энг кенг қўлланилади ва доимий назорат ўрнатилади.

«Сарик» тоифага кирувчи маҳаллалар — криминоген вазият ўртача даражада бўлган, ҳуқуқбузарликлар сони нисбатан кам бўлган, аммо потенциал хавф мавжуд бўлган ҳудудлар. Бу маҳаллаларда профилактика чоралари ўртача даражада қўлланилади.

«Яшил» тоифага кирувчи маҳаллалар — криминоген вазият барқарор бўлган, ҳуқуқбузарликлар сони паст бўлган, низоли вазиятлар кам учрайдиган ҳудудлар. Бу маҳаллаларда профилактика чоралари минимал даражада қўлланилади.

Маҳаллалар даражасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш халқаро тажрибада ҳам кенг қўлланилади. Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос географияси бор. Тадқиқотлар кўрсатишича, жиноят ва аҳолининг

жиноят ҳақидаги тасаввурлари бу география билан кучли боғлиқ. Шунинг учун, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда профилактика чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчилар жиноятни камайтириш, жиноятга мойилликни камайтириш ва ҳудуддаги жиноят ҳақидаги тасаввурни камайтириш учун учта ёндашувни таклиф қилишади: потенциал ҳуқуқбузарлар учун жиноят нишонлари сонини ва уларнинг мавжудлигини камайтириш; ҳуқуқбузарлар ёки содир этилаётган жиноятларни осонроқ аниқлаш имкониятини бериш; ҳуқуқбузарларни жиноят содир этишдан жисмонан тўсиб қўядиган ёки уларни жиноят содир этишдан қайтарадиган элементларни ландшафтга қўшиш.

Бошқа бирхалқаро ёндашув — бужамоатчилик назоратини кучайтириш. Ҳопе (1995) таъкидлаганидек, «жамоат жиноятларининг олдини олиш яшаш жойларида жиноят содир этилишига сабабчи бўлади деб ҳисобланган ижтимоий шароитларни ўзгартириш учун мўлжалланган ҳаракатларга ишора қилади. У одатда маҳаллий ижтимоий институтларнинг яшаш жойларидаги жиноятни камайтириш қобилиятига эътибор қаратади».

Шунингдек, Қурилган атроф-муҳит ва шаҳардаги шаҳар шакли билан боғлиқ жиноятни олдини олишнинг турли тушунчалари мавжуд. Жиноятни олдини олиш ёндашувлари муайян даражада детерминизмдан (ташқи муҳит таъсирида) эркин иродага (ички муҳит таъсирида) қадар таснифланиши мумкин.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш учун маҳалланинг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ижтимоий бирлик муҳим омил ҳисобланади. Ижтимоий бирлик ижтимоий алоқаларнинг кучи ва шахсларнинг ўз жамоасига боғлиқлик даражасини англатади. Жамоалар кучли ижтимоий тармоқларга ва жамоавий масъулият ҳиссига эга бўлганда, уларда жиноят даражаси пастроқ бўлиши эҳтимоли катта. Бундан ташқари, маҳаллалардаги низоли вазиятларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш тизимини яратиш, маҳалла аҳли орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш яхши натижа беради. Шахси маълум бўлган қонунга итоаткор фуқаролар томонидан фазоларни кучлироқ назорат қилиш имконини берувчи жисмоний хусусиятлар камроқ жиноят содир этилишига, камроқ қўрқувга ва камроқ жабрланувчанликка олиб келади.

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 800 мингдан ортиқ шахс рўйхати шакллантирилган. Бундай маълумотлар базасини янада такомиллаштириш ва сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада самарали қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, «Маҳалла еттилиги» тизими Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим рол ўйнайди. 2023-йилнинг 30-март кунидан маҳалла еттилигининг ўзига хос ҳамкорлигида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этишга қаратилган ижтимоий профилактика тадбирлари йўлга қўйилган. Бу тизимнинг самарадорлигини янада ошириш учун «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг малакасини ошириш, «Маҳалла еттилиги» аъзолари учун аниқ КПИ индикаторларини ишлаб чиқиш, «Маҳалла еттилиги» билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, «Маҳалла еттилиги» аъзолари учун ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича халқаро тажрибага асосланган бўлиши ва маҳаллий шароитга мослаштирилган замонавий методларни жорий этиш муҳим.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни самарали олдини олиш учун қўйидаги инновацион ёндашувларни жорий этиш тавсия этилади:

1. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш учун Смарт Ситй технологияларидан фойдаланиш. Бу технологиялар орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш, кузатув тизимларини жорий этиш ва реал вақт режимида муаммоларни аниқлаш мумкин.

2. Маҳаллаларда жамоатчилик назорати платформаларини яратиш. Фуқаролар маҳаллаларида юз бераётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот беришлари ва уларнинг бартараф этилишини кузатиб боришлари мумкин бўлган платформаларни яратиш.

3. Маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш каби чоралар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

4. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва уни маҳаллий шароитда қўллаш. Жиноятнинг олдини олиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Брантингҳам ва Фауст (1976) жиноятнинг олдини олиш фаолиятини бирламчи, иккиламчи ва учламчи даражаларга ажратишни тавсия қилади.

Маҳаллаларни криминоген вазият бўйича «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга ажратиш ва шу асосда профилактика чораларини амалга ошириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш учун муҳим ёндашув ҳисобланади. Бу ёндашув орқали ресурсларни мақсадли йўналтириш ва ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган

ҳолда профилактика чораларини ишлаб чиқиш мумкин. Зеро, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, ПФ-209-сон, 21.12.2023.
4. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотлари.
5. Hope T. (1995). Community Crime Prevention. *Crime and Justice*, 21, 21-89.
6. Brantingham P. J., Faust F. L. (1976). A Conceptual Model of Crime Prevention. *Crime & Delinquency*, 22(3), 284–296.
7. ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси маълумотлари, 2025.
8. «Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш», Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси маълумотлари, 2025.
9. Simmonds D. (2022). Neighborhood crime prevention: International experiences. *Journal of Community Safety*, 45(3), 201-218.

XOTIN-QIZLARGA NISBATAN SODIR ETILADIGAN TAZYIQ VA ZO‘RAVONLIKLAR TUSHUNCHASI, TURLARI HAMDA JINOYATCHILIK TAHLILI

Maxtumova Yulduz Botir qizi

O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi (PhD)

Kalit so‘zlar: *Xotin-qizlarga, tazyiq, zo‘ravonlik, jismoniy, ruxiy iqtisodiy jinsiy zo‘ravonlik taqib etish jinoyatchilik taxlili.*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Xotin-qizlarga nisbatan sodir etiladigan tazyiq va zo‘ravonliklar tushunchasi, turlari haqida tushunchalar berilgan. Xotin qizlarga nisbatan sodir etilgan huquqbuzarliklar tahliliqilingan, va keng yoritilgan, respublika bo‘yicha statistika keltirilgan. Shuningdek fuqarolik sulariga murojaat qilishda tazyiq va zo‘ravonliklarga uchragan xotin-qizlarga imtiyozlar belgilash, ta‘lim tizimini yangilash va ayollarga nisbatan huquqbuzar tomonidan qo‘yilgan cheklovlarni taqiqlash va ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida tavsiyalar keltirilgan.*

Bugungi kunda jahonning 155 mamlakatida oilaviy zo‘ravonlik to‘g‘risida qonunlar qabul qilingan. Jumladan, O‘zbekistonda ham 2019-yil 2-sentyabr kuni “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida”gi qonun qabul qilingan bo‘lib, unda “jamiyatda xotin-qizlarga nisbatan tazyiq va zo‘ravonlikka doir murossasizlik muhitini yaratish, xotin-qizlarning huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlari tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilinishini ta‘minlash, jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, qonuniylikni mustahkamlash” xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlaridan etib belgilangan.

Adabiyotlarda zo‘rluk — biror kishining ikkinchi bir kishini zo‘ravonlik, jismoniy kuch ishlatish yo‘li bilan xo‘rlashi, jabr-zulm qilishi [1; B. 199], zo‘rluk-biror kishining ikkinchi bir kishiga nisbatan zo‘rluk qilishi, zo‘ravonlik, jismoniy kuch ishlatish yo‘li bilan xo‘rlashi, jabr-zulm qilishi [2; B. 410], qonun bilan taqiqlangan ma‘naviy, ruhiy va jismoniy zarar yetkazuvchi harakatlarni shaxs xohish irodasiga qarshi ravishda amalga oshirish [3; B. 405], zo‘ravonlarga xos xatti-harakat, zo‘rluk, kuch ishlatish, o‘zgalarga qonunsiz ravishda kuch ishlatuvchi, zo‘rluk qiluvchi, jismoniy baquvvatlik, kuchlilik, ulkanlik, shiddatlilik [4; B. 167-168] deb turlicha ta‘rif berilgan. “Zo‘rluk” so‘zining etimologik tahlilida bir kishi boshqa bir kishining (xohishi) irodasiga qarshi sodir etgan qandaydir xarakatdan iboratdir. Ammo har doim ham zo‘rluk ijtimoiy xavfliq qonunga xilof bo‘lmasligi mumkin.

Masalan, zaruriy mudofaa holatida qo'llangan zo'rlik qonunuiy hisoblanadi. Zo'rlik tushunchasiga sinonim tarzda o'zbek tili izohli lug'atida "zo'ravonlik", "adaolatsizlik" deya tarif berilgan lekin zo'rlik so'zi ahloqiy mazmuni neytral hisoblanadi va ham ijobiy ham salbiy maqsadga erishish vositasidir.[5;C-436.]

A. Murodov esa "Zo'ravonlikning mazmun-mohiyatiga ko'ra uni quyidagicha sharhlaydi:

1) zo'ravonlik biror-bir kishiga nisbatan jismoniy ta'sir o'tkazish, qasddan badaniga turli darajada shikast yetkazish;

2) shaxsga majburiy ta'sir ko'rsatish, ya'ni shaxsning ustidan zo'ravonlik qilish, uning ixtiyoriga zid bo'lgan xatti-harakatlarni qilishga majburlash;

3) shaxsga ruhiy ta'sir etish orqali uni o'ziga qaram qilish yoki bo'ysundirish" deya tasvirlaydi.[6; B.13-14]

Zo'ravonliklar jumlasiga qiynoqqa tortish, yakka-talab qo'yish, inson irodasiga qarshi harakat qilishga majburlash yoki undash, ushlab turish, zo'rlash, tahqirlash, xo'rlash kabilarni kiritish mumkin. Shaxsning sha'ni va qadr-qimmatini muttasil ravishda tahqirlash deganda, jabrlanuvchining sha'ni va g'ururini bir necha marta tahqirlashni (masalan, tuhmat qilish, haqoratlash, ta'qib etish va hokazolarni) tushunish kerak[7; B.89]. "**Zo'ravonlik** — xotin-qizlarga nisbatan jismoniy, ruhiy, jinsiy yoki iqtisodiy ta'sir o'tkazish yoki bunday ta'sir o'tkazish choralarini qo'llash bilan tahdid qilish orqali ularning hayoti, sog'lig'i, jinsiy daxlsizligi, sha'ni, qadr-qimmati va qonun bilan himoya qilinadigan boshqa huquqlari hamda erkinliklariga tajovuz qiladigan g'ayrihuquqiy harakat (xarakasizlik)dir.[8] **Zo'ravonlik** — bu jarohatlash, suiiste'mol qilish, zarar yetkazish yoki yo'q qilish uchun jismoniy kuch ishlatishdir. Jabrlanuvchining o'limga, uning psixologiyasiga, noto'g'ri rivojlanishiga yoki mahrumlikka sabab bo'luvchi o'ziga, boshqa shaxsga, guruhga yoki jamiyatga qarshi har qanday kuchni qasddan qo'llash, tahdid qilish yoki jarohat yetkazish zo'ravonlikdir. Zo'ravonlikning oldini olishda ko'p shakllar mavjud. Mamlakatdagi zo'ravonlik darajasi va o'zgartirilishi mumkin bo'lgan omillar o'rtasida kuchli bog'liqlik bor. Masalan, gender tengsizliklari, spirtli ichimliklarni iste'mol qilish, bolalar va ota-onalar o'rtasida xavfsiz, barqaror hamda tarbiyaviy munosabatlarning yo'qligi. Garchi ruhiy va jismoniy salomatlik hamda individual reaksiyalar, shaxsiyatlar va boshqalar bu xatti-harakatlarning shakllanishida doimo hal qiluvchi omillar bo'lib kelgan bo'lsada, zo'ravonlikning asosiy sabablarini hal qiluvchi strategiyalar uning oldini olishda nisbatan samarali bo'lishi mumkin. Zo'ravonlik o'zgaruvchan hodisa bo'lib, o'zini nozik va vahshiy shakllarda namoyon qiladi. Ayniqsa, bunda shaxsning sha'ni, qadr-qimmati, ozodligi, huquq va erkinligi, hayoti va sog'lig'iga qarshi jinoyatlar sodir etiladi [9; S.10]

Jinsiy zo'ravonlik — xotin-qizlarga nisbatan ularning roziligisiz shahvoniy xususiyatga ega harakatlarni sodir etish orqali jinsiy daxlsizlikka va jinsiy erkinlikka tajovuz qiladigan zo'ravonlik shakli, shuningdek zo'rlik ishlatish

yoki zoʻrlilik ishlatish bilan tahdid qilish yoxud ayol jinsidagi voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan axloqsiz harakatlar sodir etish orqali uchinchi shaxs bilan jinsiy aloqa qilishga majburlashdir.[8] **Jinsiy zoʻravonlik** – bu ochiq-oydin yoki yashirin shahvoniy gʻoyalarni oʻzining ichiga olgan zoʻravonlikning bir turi boʻlib, jinsiy manfaatlar evaziga shaxsning oʻzi istalmagan va nomaqbul harakatlarni qilishga majburlash holatidir. [10;B.2-5]Jinsiy zoʻravonlik ogʻzaki harakatlardan tortib jinsiy tajovuzgacha boʻlgan barcha harakatlarni oʻz ichiga oladi. Taʻqib qilish turli xil ijtimoiy muhitda, masalan, ish joyi, uy, maktab va boshqa hududlarda sodir boʻlishi mumkin. Taʻqib qiluvchilar yoki taʻqib qurbonlari har qanday jins vakillari boʻlishi mumkin.[11] Bugungi huquqiy kontekstda jinsiy zoʻravonlik noqonuniy hisoblanadi. Jinsiy zoʻravonlikka oid qonunlar, odatda, oddiy gaplar gʻiybat, ogʻzaki izohlar yoki alohida kichik hodisalarni taʻqiqlamaydi – buning sababi „umumiy xulq-atvor kodeksi“ mavjud emasligidadir. Ish joyida taʻqib qilish holati agar u tez-tez, davomli va ogʻir holatda yuz bergan boʻlsa va natija ish bilan bogʻliq salbiy qaror qabul qilishga olib kelsa (masalan, ishdan boʻshatish yoki isteʼfoga chiqarish) yoki dushmanlik va haqoratli ish muhitini yaratsa noqonuniy boʻlishi mumkin. Biroq, jinsiy zoʻravonlikning huquqiy va ijtimoiy tushunchasi turli madaniyatlarda bir-biridan farq qiladi. Rossiya qonunchiligida „jinsiy zoʻravonlik“ degan taʻrif mavjud emas. Ushbu konsepsiyaga eng yaqin boʻlgan qonun „jinsiy xarakterdagi harakatlarni amalga oshirishga majburlash“ haqidagisi boʻlib, bu Rossiya jinoyat qonunchiligida Rossiya Federatsiyasi Jinoyat kodeksining 133-moddasida belgilab qoʻyilgan.[12] Oʻzbekiston Respublikasi qonunchiligida esa nomusga tegish va jinsiy ehtiyojni gʻayritabiiy usulda qondirishga doir ishlar boʻyicha sud amaliyotida masalalar kelib chiqqanligi munosabati bilan “Sudlar toʻgʻrisida”gi Qonunning 17-moddasiga asosan Oʻzbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumi qarorida Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga koʻra har bir insonga uning huquq va erkinliklari, shu jumladan jinsiy erkinlik va jinsiy daxlsizlikka boʻlgan huquqi himoyasi kafolatlanadi.[13] Jinsiy zoʻravonlik-muntazam ravishdagi jinsiy zoʻrlashga nisbatan bosim oʻtkazish, kuch ishlatish, qoʻrqitish yoki shantaj qilish orqali jinsiy aloqa qilishga majburlash (*zoʻrlab nomusga tegish, ayol uchun maqbul boʻlmagan koʻrinishlarda jinsiy aloqa qilishga majburlash, boshqa shaxslar koʻz oʻngida jinsiy aloqa qilishga majburlash, bolalar yoki uchinchi shaxslar bilan jinsiy aloqa qilishga majbur qilish, jinsiy aloqa qilishga majburlash yoki jinsiy aloqa qilishga yoʻnaltirilgan harakatlar bilan jabrdiydaga ogʻriq va sogʻligiga ziyon yetkazish va hokazo*). Intim hamkor tomonidan zoʻravonlik koʻrsatish – bu nazorat qilinuvchi hatti-harakatlarni mujassam etuvchi jismoniy tajovuz, jinsiy aloqa qilishga psixologik majburlash va boshqa turli tazyiqlarni oʻzida namoyon qiladigan, ayni paytdagi yoki avvalgi intim hamkor tomonidan amalga oshiriladigan jismoniy, jinsiy yoki psixologik zarar yetkazish.[14;B126-127]

Jismoniy zoʻravonlik — xotin-qizlarga nisbatan ogʻirligi turli darajada boʻlgan tan jarohatlari yetkazish, xavf ostida qoldirish, hayoti xavf ostida

qolgan shaxsga yordam ko'rsatmaslik, zo'rvonlik xususiyatiga ega boshqa huquqbuzarliklar sodir etish, jismoniy ta'sir o'tkazish yoki bunday ta'sir o'tkazishning o'zga choralarini qo'llash bilan tahdid qilish orqali xotin-qizlarning hayoti, sog'lig'i, erkinligi hamda qonun bilan himoya qilinadigan boshqa huquqlari va erkinliklariga tajovuz qiladigan zo'rvonlik shakli.[8] Jismoniy zo'rlik jabrlanuvchiga turli darajada tan jarohatlari yetkazish, urish, jismoniy kuch ishlatish, jabrlanuvchining qarindoshlarini, yaqinlarini o'ldirish, nomusiga tegish va hokazolar ko'rinishida bo'lishi mumkin. Bunda oilaning bir a'zosi tomonidan boshqa a'zosiga nisbatan qasddan uning hayoti, sog'lig'iga yoki badanining turli joylariga shikast yetkazish kabi xatti-harakatlar sodir etilib, quyidagi ko'rinishlarda namoyon bo'ladi: shapaloq tortish, tepish, turtkilash, musht bilan urish; kuchli zarb bilan itarib yuborish; turli o'tkir buyum va narsalarni otish; qurol bilan xavf solish yoki yaralash; uydan chiqishiga jismonan yo'l qo'ymaslik kabilar bo'lishi mumkin.

Jismoniy zo'rlik jabrlanuvchiga turli darajada tan jarohatlari yetkazish, urish, jismoniy kuch ishlatish, jabrlanuvchining qarindoshlarini, yaqinlarini o'ldirish, nomusiga tegish va h.k. ko'rinishlarda sodir etiladi [15; -B. 42].

Ta'kidlash kerakki, jinsiy zo'rvonlik deyarli barcha holatlarda jabrlanuvchining roziligisiz amalga oshiriladi [15; B.7] T.Norboeva Jismoniy zo'rvonlik-itarish, changallash, uloqtirish, tupurish, shapatilash (mushtlash) yoki boshqa predmetlar bilan zarba berish, tutqunlikda tutish, bo'g'ish, do'pposlash, kaltaklash, tepkilash, qurol ishlatish, kuydirish orqali zarar yetkazish, jabrlanuvchini ijtimoiy yoki tibbiy yordam olishi ustidan to'liq nazorat o'rnatish va shu kabilardir [14; B.125] deydi.

Iqtisodiy zo'rvonlik — xotin-qizlarga nisbatan turmushda, ish joylarida va boshqa joylarda amalga oshirilgan zo'rvonlik shakli, xotin-qizlarning normal yashash va kamol topish uchun oziq-ovqat, uy-joy hamda boshqa zarur shart-sharoitlar bilan ta'minlanishga bo'lgan huquqini, mulk huquqini, ta'lim olish hamda mehnatga oid huquqini amalga oshirishni cheklashga olib keladigan harakat (harakasizlik)dir bu shaxsga ziyon yetkazadigan har qanday holat yoki xatti-harakatlardir.[8] Iqtisodiy zo'rvonlik, masalan, mulkiy zarar, moliyaviy resurslarga, ta'limga yoki mehnat bozoriga kirishni cheklash yoki aliment kabi iqtisodiy majburiyatlarga rioya qilmaslik shaklida bo'lishi mumkin. Moddiy qaramlik deganda, jabrlanuvchining aybdordan qonun bilan belgilangan moddiy yordam (pul, oziq-ovqatlar, kiyim-kechaklar va hokazolar) olib kelganligini yoki uning bevosita qaramog'ida bo'lgan holatlar tushuniladi [7; B.90].

Yani boshqa farzandlardan ayri tarzda qiz farzandni ta'lim olishiga to'sqinlik qilish, raxbarlik lavozimidan foydalanib xodima ayolga ish joyida shilqimlik qilish, ayol kishi ekanligini rukach qilib ishga olishdan bo'yin tovlash, aliment to'lashdan bo'yin tovlash kabilardir. Iqtisodiy zo'rvonlik – hamkor ustidan nazoratni o'rnatish uchun pulidan foydalanish. Bu bolalarni boqishdan bosh tortish, moliyaviy qarorlarni faqat o'zi qabul qilishi, hamkorning pulni so'rab olishi va har

qanday xarajatlar bo'yicha to'liq axborot berishi bilan bog'liq vaziyatni yuzaga keltirish, daromadni yashirish, oilaga tegishli bo'lgan pullarni sarflash, ishlashga ruxsat bermaslik yoki aksincha ishlashga majbur etish, ishlab topilgan pulni tortib olib qo'yish va hokazolardir.[17;B.127]

Ruhiy zo'ravonlik — xotin-qizlarni haqoratlash, ularga tuhmat qilish, tahdid qilish, ularning sha'nini, qadr-qimmatini kamsitish, shuningdek ularning xohish-irodasini cheklashga qaratilgan boshqa harakatlarda ifodalanadigan zo'ravonlik shakli, shu jumladan reproduktiv sohada nazorat qilish, tazyiq va zo'ravonlikdan jabrlanuvchida o'z xavfsizligi uchun xavotir uyg'otgan, o'zini himoya qila olmaslikka olib kelgan yoki ruhiy sog'lig'iga zarar yetkazgan harakat (harakasizlik). [7] Ruhiy zo'rlik ishlatish deganda jabrlanuvchiga jismoniy zo'rlik ishlatish, uning mol-mulkini nobud qilish, jabrlanuvchi sir saqlamoqchi bo'lgan ma'lumotlarni oshkor etish bilan unga tahdid qilish kabi holatlar tushuniladi [18; B. 167].Ruhiy zo'rlik – jabrlanuvchiga nisbatan jismoniy zo'rlik ishlatish, mol-mulkini nobud qilish yoki zarar yetkazish va jabrlanuvchi sir saqlanishini istagan ma'lumotlarni oshkor etish va hokazolar bilan qo'rqitish. Ruhiy zo'rlik va jismoniy zo'rlik bir-birini taqozo etuvchi va biri ikkinchisini to'ldirgandagina oqibat kelib chiqishi mumkin. Bunda qasddan oilaning bir a'zosi tomonidan boshqa a'zosining sha'ni va qadr-qimmatini kamsitish orqali uning ruxiyatiga ta'sir ko'rsatish, his tuyg'ularini so'ndiruvchi harakatlar qilish, qo'rqitish va haqoratlash bilan uning ruhiyatiga shikast yetkazuvchi so'zlar va harakatlarni sodir etishda namoyon bo'ladi: hissiyot va his-tuyg'ularni tan olmaslik; ustidan kulish; jazo chorasi sifatida uning hissiyotlariga e'tibor bermaslik; yolg'on so'zlar aytib, undan o'zining manfaati yo'lida foydalanish; do'stlari va qarindoshlariga xavf yetkazish bilan qo'rqitish va ular bilan aloqa qilishga yo'l qo'ymaslik; u bilan ommaviy joylarga chiqishdan bosh tortish; oila byudjetini o'zi nazorat ostiga olish; qarindosh urug'lar orasida sharmanda qilish; uydan ketishini aytib qo'rqitish; kasal yoki homilador bo'lganida unga yordam berishdan bosh tortish, tibbiy yordam olishiga qarshilik ko'rsatish.

Tahlillarga qaraganda, ruhiy va jismoniy zo'ravonlik bir-birini taqozo etuvchi hamda sodir etilganda hamisha biri ikkinchisini to'ldiruvchi xususiyatga egadir [19; B. 39-40]. Ruhiy zo'rlik jabrlanuvchiga nisbatan jismoniy zo'rlik ishlatish, mol-mulkini nobud qilish yoki zarar yetkazish va jabrlanuvchi sir saqlanishini istagan ma'lumotlarni oshkor etish yoki qo'rqitish shaklida sodir etiladi [7; B.95-96].

Tahdid etish deganda jabrlanuvchining qarshiligini yengish maqsadida unga jismoniy zo'rlik ishlatish niyati aniqligini ifodalovchi harakatlar yoki so'zlar bilan qo'rqitishni tushunish lozim [20; B.161]. Ruhiy zo'ravonlik tahqirlash, qo'rqitish, majburlash va tutqunlikda tutishda namoyon bo'ladi. U o'zida haqoratli so'zlar, fikrlarni, hislarni, o'ylarni, e'tiqodni, harakatlarni doimiy ravishdagi tanqid qilish. Doimiy so'roqlar, shantajlar, uydan chiqib ketish va ketganda ham bolalarni o'zi bilan olib ketish bilan, o'z joniga, jabrdiydaga yoki bolalarga qasd qilish qo'rqitish,

bolalarga, ota-onaga, uy hayvonlariga nisbatan zo‘ravonlik sodir etish, jihozlarga ziyon yetkazish, jabrdiydani doimiy nazorat ostida tutish yoki uning atrofidagilari bilan muloqot o‘rnatishini, telefon orqali so‘zlashuvini cheklab qo‘yish, rashkning eng yuqori darajadagi ko‘rinishini namoyon etish, ta‘qib qilish, yuzaga keladigan har qanday muammolarda hamkorni ayblash, uyqu, ovqat yeyish jarayonlarini buzish va hokazolardir[14;B.127]

Ruhiy zo‘ravonlik asosan quyidagi ko‘rinishlarda ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi:

- a) shaxsning sha‘ni va qadr-qimmatini kamsitish;
- b) shaxsning ruxiyatga ta‘sir etish;
- v) haqorat yoki tuhmat qilish;
- g) doimiy tanqid qilish, qo‘rqitish;
- d) qarindosh urug‘lar orasida sharmanda qilish va h.k.

Tazyiq — sodir etilganligi uchun ma‘muriy yoki jinoiy javobgarlik nazarda tutilmagan, xotin-qizlarning sha‘ni va qadr-qimmatini kamsitadigan harakat (harakasizlik), shilqimlik, ta‘qib etish.[8]O‘ziga nisbatan kuchsizligi huquqbuzarga ayon bo‘lgan holda jabrlanuvchi xotin-qizga qastdan Kuch bilan, zo‘rlab o‘tkaziladigan ta‘sir, yokida siquv. Haqorat qilish, tuxmat qilish, jabrlanuvchi xotin qizning sirini oshkor qilish yo‘li bilan qo‘rqitish ya‘ni tovlamachilik qilish,

Ta‘qib etish — jabrlanuvchining xohish-irodasiga qarshi, uning ikki yoki undan ortiq marta qarshilik ko‘rsatganligiga yoxud ogohlantirganligiga qaramay sodir etiladigan, jabrlanuvchini qidirishda, u bilan og‘zaki, telekommunikatsiya tarmoqlari vositasida, shu jumladan Internet jahon axborot tarmog‘i orqali yoki boshqa usullarni qo‘llash yo‘li bilan muloqotga kirishishda, uning ish, o‘qish va (yoki) yashash joyiga borishda ifodalangan hamda jabrlanuvchida o‘z xavfsizligi uchun xavotirlik qo‘zg‘atadigan harakatlar.[8]

TADQIQOTNING USULLARI: Xotin-qizlarga nisbatan sodir etiladigan tazyiq va zo‘ravonliklar tushunchasi, turlari hamda jinoyatchilik tahlili mavzusini o‘rganishda ilmiy tadqiqot metodologiyasida keng qo‘llaniladigan usullardan foydalanildi. Mavzu yuzasidan Xotin-qizlarga nisbatan sodir etiladigan tazyiq va zo‘ravonliklar profilaktikasining huquqiy asoslari haqida huquqiy, iqtisodiy adabiyotlarni hamda statistik ma‘lumotlarni qiyosiy-tanqidiy o‘rganish va tahlil etish usulidan foydalanildi. Shuningdek, olimlarning ilgari surgan fikrlari, Xotin-qizlarga nisbatan sodir etiladigan tazyiq va zo‘ravonliklar tushunchasi, turlari hamda jinoyatchilik tahlili bo‘yicha bugungi kundagi muammolar va ularni hal etish imkoniyatlarni o‘rganish uchun aralash usullardan foydalanildi. Ilmiy tahlil jarayonida umumlashtirish, taqqoslash ilmiy tadqiqot usullaridan hamda tahlil qilishda esa sintez va tahlil usullaridan keng foydalanildi.

MUHOKAMA: Madomiki zamon rivojlanayotgan ekan huquqbuzarliklar ham o‘zarib zamonaviylashib boradi. Yuqorida ko‘rsatilgan tazyiq va zo‘ravonlik turlariga bugungi kunda keng rivojlangan kibir zo‘ravonlikni ham kiritish lozim.

Kibir zo’ravonlik, yoki kiberbulling — qasddan haqorat qilish, haqorat qilish, tahdid qilish, tuhmat qilish va zamonaviy aloqa vositalaridan foydalangan holda, qoida tariqasida, boshqalarga zarar yetkazuvchi ma’lumotlarni yetkazish. [22;23;24;25]

Ushbu tazyiq turi axborot makonida axborot-kommunikatsiya kanallari va vositalari orqali amalga oshiriladi. Shu jumladan Internetda elektron pochta orqali, lahzali xabar almashish dasturlari, ijtimoiy tarmoqlarda, forumlarda, shuningdek, video portallarda (YouTube, Vimeo va boshqalar) buzg’unchi video materiallar va xabarlarini joylashtirish orqali (*odatda odobsiz so’zlar bilan*) yoki mobil telefon orqali (*masalan, SMS xabarlar yoki bezovta qiluvchi qo’ng’iroqlar orqali*). Kibir zo’ravonlikning odatdagi zo’ravonlik turlaridan bir necha farqlari bor.

Kiber maydonning chegaralanmaganligi-shaxsiy hayotga doimiy tajovuz. Bezorilik vaqt yoki geografik cheklovlarga ega emas. Hujumlar maktabdan yoki ish kunidan keyin tugamaydi. Kiberjinoyatchi jabrlanuvchiga texnik vositalar: mobil telefon yoki ijtimoiy tarmoq profili va elektron pochta orqalito’g’ridan-to’g’ri kirish huquqiga ega. Doimiy raqamlar va hisoblar tufayli qurbon uydagi hujumlardan himoyalangan. Bunda vaqt va maxsus joy talab qilinmaydi.

Jabrlanuvchining zo’ravonlikni cheklay olish imkoniyatlari avjudligi. Jabrlanuvchioz ixtiyori bilan himoyalanih maqsadida,zo’ravonlik ko’rsatuvchiniqora ro’yxatga kiritilishi va spam sifatida belgilanishi mumkin.

Zo’ravonlikni nazorat qilish qiyinligi. Cheksiz auditoriya, axborotni tarqatish tezligi. Elektron vositalar orqali yuborilgan xabarlar yoki rasmlarni onlayn bo’lgandan keyin nazorat qilish juda qiyin. Ko’p vaqtdan beri unutilgan kontent yana ommaga ko’rsatilishi mumkin, bu esa jabrlanuvchiga uni zararsizlantirishni qiyinlashtiradi. Misol uchun, videolar bir Internet portalidan boshqasiga osongina ko’chiriladi.

Zo’ravonlikning kim tomonidan sodir tilishi noma’lumligi. Huquqbuzar o’z qurboniga o’zini ko’rsatmaydi, u anonim tarzda harakat qilishi mumkin, bu esa unga ko’rinishda bo’lsa ham xavfsizlikni ta’minlaydi va ko’pincha uning salbiy „kiber faoliyati“ davomiyligini oshiradi. Jabrlanuvchining uni tahqirlayotgan „boshqa“ kimligini bilmasligi uni qo’rqitishi va tinchlikdan mahrum qilishi mumkin. Hozirda ushbu huquqbuzarlik zo’ravonlik sifatida keng rivojlangan va alohida tazyiq turi sifatida keltirilmagan.

Kiber zo’ravonlikning eng yomon tomoni uning oqibatlarining ma’lum darajasi yo’q. Uundan jabrlangan shaxs o’z-o’zini o’ldirishgacha borishi mumkin.

Xotin-qizlarga nisbatan O’zbekiston Respublikasimiqyosidasodir etilgan tazyiq va zo’ravonliklar 2024-2025 yillar davomidagi statistikasiga nazar soladigan bo’lsak, Xotin-qizlarga nisbatan jismoniyzo’ravonliklar 2023 yilda 7744tani tashkil etgan bo’lsa, 2024 yilda bu ko’rsatgich 10019 tani tashkil etgan ya’ni 29% ga o’sgan, jinsiyo’ravonliklar 2023 yilda 29tani tashkil etgan bo’lsa, 2024 yilda bu ko’rsatgich 47tani tashkil etgan ya’ni 62 % ga o’sgan, iqtisodiy zo’ravonliklar

2023 yilda 304tani tashkil etgan bo'lsa, 2024 yilda bu ko'rsatgich 236tani tashkil etgan ya'ni 21.5 % ga kamaygan, ruhiy zo'rvonliklar 2023 yilda 23289 tani tashkil etgan bo'lsa, 2024 yilda bu ko'rsatgich 30920tani tashkil etgan ya'ni 33 % ga o'sgan, tazyiq o'tkazish 2023 yilda 8671 tani tashkil etgan bo'lsa, 2024 yilda bu ko'rsatgich 13460tani tashkil etgan ya'ni 55 % ga o'sgan, ta'qib etish 2023 yilda 18 tani tashkil etgan bo'lsa, 2024 yilda bu ko'rsatgich 75tani tashkil etgan ya'ni 100% dan ko'proq o'sgan. [21]

Ushbu statistika bizga yildan yilga xotin-qizlarga nisbatan sodir etilayotgan tazyiq va zo'rvonliklar ko'proq sodir etilayotganligini va aniqlanayotganligini ko'rsatadi. Buning asosiy sabablari:

- Bugungi kunda ayollarning ishsizligi va moliyaviy qaramligi ularni "qo'lsinmas yeng ichida" qabilida ish tutishga majbur qilmoqda ya'ni ko'pchilik ayollar o'zlariga nisbatan sodir etilgan zo'rvonlikni huquqbuzarga nisbatan moddiy qaramliklari tufayli oshkor etmaydilar.

- Tazyiq va zo'rvonlikdan jabrlangan xotin-qizlar ularga yetkazilgan moddiy va ma'naviy zarar haqida tegishli idoralarga murojaat qilganlaridan so'ng va yoki bu borada mas'uliyatli tashkilot va muassasalar tomonidan bu kabi holatlar aniqlangandan so'ng huquqbuzarga nisbatan jazo chorasini ko'riladi. Agar bu kabi holatlar oila a'zolari (er, qaynona, va boshqalar) tomonidan sodir etilgan bo'lsa oilaviy nizolar kelib chiqish holatlari ham kuzatilmoqda bu borada tegishlilik bo'yicha Fuqarolik sudlari tomonidan ko'rib chiqilishi kerak bo'lgan muammolar kelib chiqmoqda. Masalan ajrim, farzandlarini qaramog'iga olish, moddiy yordam olish kabi masalalar Bu kabi masalalar bilan Fuqarolik sudlariga murojaat qilingan taqdirga arizachi, jabrlangan xotin-qizdan ishni ko'rib chiqish uchun ma'lum miqdorda davlat boji talab qilinadi Lekin moddiy ta'minotga ega bo'lmagan va bu borada ko'p holatlarda huquqbuzarga qaram bo'lgan tazyiq va zo'rvonlikdan jabrlangan xotin-qizlar imkonsiz va chorasiz qolmoqda Garchi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Xotin-qizlarni tazyiq va zo'rvonlikdan himoya qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida "Tazyiq o'tkazgan va zo'rvonlik sodir etgan shaxsning zimmasiga tazyiq va zo'rvonlikdan jabrlanuvchini davolash, unga maslahat berish, uni tazyiq va zo'rvonlikdan jabrlanuvchilarga yordam ko'rsatish bo'yicha maxsus markazga joylashtirish uchun xarajatlarning, yetkazilgan moddiy zararining o'rnini qoplash, shuningdek, ma'naviy ziyonni kompensatsiya qilish majburiyatini yuklash;"[22] belgilab qo'yilgan bo'lsada, yetkazilgan moddiy-ma'naviy ziyoni qoplash va bu borada olib borilishi kerak bo'lgan chora tadbirlar masalasi amaliyotda ochiqlicha qolmoqda.

- Ta'lim tizimidagi muammolar, zamon talabiga javob beradigan ta'lim tizimining to'liq yo'lga qo'yilmaganligi xotin-qizlarni to'liq ta'limga jalb qilish va o'z mintalitetimizga hos bo'lgan o'zgacha yondashuvning yo'qligi.

- Huquqbuzar tomonidan jabrlanuvchiga jismoniy, moddiy, jinsiy zo'rvonlik

ko'rsatilmasada undan nisbatan shaxsiy mulk kabi qarashning saqlab qolingani, unga nisbatan o'z manfaatlaridan kelib chiqib taqiqlar qo'yilishi;

- Ijtimoiy tarmoqlar va internet orqali qilinayotgan zo'ravonliklar tobora avj olmoqda va bu yanigi zo'ravonlikning bir turidir. Ushbu zo'ravonlik turining oldini olish imkoniyatlari chegaralangan va jabrlanuvchining viktimlik darajasi yuqori shunday bo'lsada unga mosalohida chora tadbirlartizimi ishlab chiqilmagan.

Bugungi kunda ayollarga nisbatan sodir etilayotgan ko'plab tazyiq va zo'ravonliklarning ostida shu kabi muammolar bor. Bu esa o'z navbatidasodiretilayotgan huquqbuzarliklar latentlashuviga olib keladi va bu kelajakda jiddiy oqibatlariga olib kelishi vaog'irroq turdagi jinoyatchilikka yo'l ochadi.

AMALIY NATIJALAR:Yuqoridagilarda keltirilgan ko'rsatgichlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, xotin-qizlarga nisbatan sodir etilgan tazyiq va zo'ravonliklarning statistikasiga asosan xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonliklardan himoya qilishning quyidagi yo'larini ishlab chiqish lozim:

- Ayollarni moliyaviy mustaqil qilish, ularga o'z-o'zini ta'minlay oluvchi kasbga tayyorlash va yoki shu kabi bilan shug'ullanishi uchun imkon yaratishva buni moliyaviy ta'minlash

- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish va tazyiq va zo'ravonlikdan jabrlangan xotin-qizda agar u moddiy va ma'naviy ziyoni undirish va yoki boshqa masalalarda Fuqarolik sudlariga murojaat qilganda taqdirda to'lanishi lozim bo'lgan davlat boji huquqbuzardan undirilishi va buning imkoni bo'lmagan istisnovaziyatlarda jabrlanuvchi bu kabi to'lovlardan ozod etilishi lozim.

- Xotin-qizlarni imkon qadar ta'limga jalb qilish va to'g'ri ta'lim-tarbiya berish bilangina ularga nisbatan qilingan qilingan va qilinayotgan tazyiq va zo'ravonlikning jabrlanuvchisi bo'lib qolishining oldini olish

- Cheklov qo'yish-voyaga yetgan, muomala layoqatiga ega bo'lgan xotin-qizlarga nisbatan ijtimoiy tarmoq vositalaridan foydalanish, zamonaviy axborot hamda telekommunikatsiya vositalaridan foydalanish, aqlan va ruhan sog'lom xotin-qizning xohish irodasiga qarshi xohlagan joyiga (dam olish, oila a'zolaridan xbar olish, tijorat maqsadida v.h.) bora olish imkoniyatlarini ayol kishi bo'lganligi uchun qilib cheklov qo'yishni butunlay taqiqlash.

- Kiber zo'ravonlikni taqiqlovchi yoki uni cheklovchi normativ qonun qabul qilinishi lozim. Unga beriladigan jazo chorasi ham uning keltirib chiqaradigan oqibatiga qarab hisobga olinishi lozim.

XULOSA: Ayollarga nisbatan sodir etilgan, ularning sha'ni, qadr-qimmatiga zarar yetkazuvchi jismoniy, ruhiy, jinsiy yoki iqtisodiy ta'sir o'tkazish yoki bunday ta'sir o'tkazish choralari qo'llash bilan tahdid qilish, kuch bilan, zo'rlab

o'tkaziladigan ta'sir, yoki siquv, haqorat qilish, tuhmat qilish, jabrlanuvchi xotin qizning sirini oshkor qilish yo'li bilan qo'rqitish ya'ni tovlamachilik qilish va boshqalarxotin-qizlarga nisbatan sodir etilayotgan tazyiq va zo'rvonliklar deb yuritiladi. Xotin-qizlarga nisbatan sodir etilayotgan tazyiq va zo'rvonliklar sodir etilishi motiv-maqsadi, subyektiv tomonlari ya'ni harakat shakliga ko'ra turlarga bo'linadi. Tazyiq va zo'rvonliklar turlariga ko'ra ularni bartaraf etish maqsadida chora-tadbirlar ishlab chiqiladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston yuridik ensiklopediyasi. –T., 2009. – B. 199.
2. Yuridik atamalarning izohli lug'ati: 1-jild. –T., 2007. –B. 410
3. Arifxodjaeva I.X. Ichki ishlar idoralari psixologiyasi: O'quv qo'llanma. – T., IIV Akademiyasi, 2008. –B. 405.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. –T.: 2009. –B. 167–168.
5. Y.M.Antanyan Prestuplenhe I nakazanie. Kriminologo-psixologichiski-analiz: monografiya/ Y.M.Antanyan, B.E.Eminov –M., Norma INFRA, 2014, 436-c
6. Murodov Alisher Sharofxonovich O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi doktori "Ichki ishlar organlarining oiladagi zo'rvonlik bilan bog'liq huquqbuzarliklar profilaktikasini takomillashtirish" T-2019 yil 13-14 bet
7. 2019 yil 2 sentyabrdagi O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining «O'zini o'zi o'ldirish darajasiga yetkazish jinoyat ishlari bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida»gi 1998 yil 11 sentyabr' 20-sonli qarori // O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumi qarorlari to'plami. –T., 2018. –B. 89-90
8. O'zbekiston respublikasining "Xotin-qizlarni tazyiq va zo'rvonlikdan himoya qilish to'g'risida"gi qonuni <https://lex.uz/acts/-4494709>
9. Al-kavasmı a.x. protivodeystvie kriminal'nomu nasiliyu v sfere semeyno-bitovix otnosheniy: aftoref. Dis. Kan. Yurid. Nauk. –bishkek. 2011. – s.10
10. Paludi, Michele A. „Definitions and incidence of academic and workplace sexual harassment“, . Academic and workplace sexual harassment: a resource manual. Albany, NY: SUNY Press, 1991 — 2–5-bet. 9780791408308.

OILAVIY ZO‘RAVONLIK XORIJ TAJRIBASI

Mansurova Zilola Akramxonovna,

Toshkent davlat pedagogika universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Buyuk davlat kuchli jamiyatlardan, kuchli jamiyat mustahkam oilalardan, mustahkam oila o‘z huquq va majburiyatlarini anglagan fuqarolardan iborat bo‘ladi. O‘z o‘zidan ma‘lumki demak, oilalarda yuzaga keladigan huquqbuzarlik, zo‘ravonlik o‘z navbatida butun jamiyat, davlat uchun xavf tug‘diradigan omil bo‘lib qoladi. Ayollarga nisbatan ayniqsa turmush o‘rtog‘i tomonidan zo‘ravonlikning qayd etilishi sog‘liqni saqlash va inson huquqlari buzilishi yo‘lidagi jiddiy muammodir. Mamlakatimizda zo‘ravonlikning oldini olish, xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash yuzasidan tub islohotlar amalga oshirilmoqda hamda bir qator qonunlar va qarorlar qabul qilinib, kuchga kirmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasining 2019–yil 2-sentyabrdagi “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida”gi 561-sonli hamda 2019-yil 2-sentyabrdagi “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida”gi 562-sonli Qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 7-martdagi “Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 4235-sonli qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 12-apreldagi “Og‘ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan xotin-qizlarga, nogironligi bo‘lgan, kam ta‘minlangan, farzandlarini to‘liqsiz oilada tarbiyalayotgan va uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj onalarga arzon uy-joylar berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 285-sonli, 2019-yil 20-noyabrdagi “Xotin-qizlarni ish bilan ta‘minlash, ular o‘rtasida tadbirkorlikni rivojlantirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 919-sonli hamda 2020-yil 4-yanvardagi “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 4-son qarorlari shular jumlasidandir.

Qadim-qadimdan ayollarni kamsitish evaziga erkaklarning ustunligini namoyon qilish oddiy hol sifatida qabul qilingan. Hatto erkak tomonidan ayolning jazolanishi qonunan mustahkamlab qo‘yilgan. Lekin XX asrning 70-yillariga kelib, oiladagi zo‘ravonlik masalasi muhokama va e‘tirozlarga sabab bo‘la boshlagan. Shunda ham gap faqat jismoniy zo‘ravonlik xususida borgan. Milliy xususiyatlarimizga ko‘ra, oiladagi holatni ommaga oshkor qilish uyatli hisoblanib, shu nuqtai nazardan ham oilada bolalarga “uydagi gapni ko‘chaga tashima”, deya tarbiya berishgan. Agar qizlar oila qurganidan keyin qandaydir muammo tug‘ilsa, “sen ayolsan, chida, chiqqan qiz chig‘iriqdan tashqarida bo‘ladi”, deya ularni

taqdiriga ko‘ninishga, salomatligini yo‘qotish evaziga chidashga chorlangan. Xo‘sh, texnologiyalar asri hisoblanmish bugungi kunda-chi?! Qachonki rivojlanish uchun barcha sharoitlar yaratilsa, o‘z bilimi, malakasi va ko‘nikmalarini yuksaltirish imkoni bo‘lgan bugungi kunda ham oiladagi zo‘ravonlikka chidash kerakmi?! Maqolamiz XXI asrning nihoyatda dolzarb mavzusi – oiladagi zo‘ravonlik va bu sohadagi chet el tajribasi tahliliga bag‘ishlangan.

Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti ma‘lumotlariga ko‘ra, dunyodagi har uchinchi ayolga hayoti davomida o‘z umr yo‘ldoshi tomonidan jismoniy tazyiq o‘tkaziladi. Turmush qurgan ayollarning 30 foizi hamrohi tomonidan zo‘ravonlik holatlariga duch kelganlari haqida ma‘lum qiladi. Ayollar o‘limining 38 foizi ularning turmush o‘rtog‘i tomonidan amalga oshiriladi va zo‘ravonlikka duch kelgan ayollarning 42 foizigina muammo haqida ochiq so‘zlaydi.

Oilaviy zo‘ravonlik — o‘z ko‘lamiga ko‘ra global muammo. U turmush darajasi va demokratizatsiya formatidan qat‘i nazar, dunyoning barcha mamlakatlarida kuzatiladi. Ayollardan nafratlanuvchi erkaklarni faqat qashshoq yoki badavlat, oliy ma‘lumotli yoki ma‘lumoti yo‘q, yevropalik yo osiyolik deb ajratib bo‘lmaydi. Bundaylarning alohida bir millati yo e‘tiqodi bo‘lmaydi.

Afsuski, O‘zbekiston ham bundan mustasno emas. Bizning mamlakatimizda maishiy yoki “uy zo‘ravonligi”ga ko‘pincha bir oila muammosi sifatida qaralgan. Mentalitet sababmi yoki boshqa omillar ta‘siri ostida odamlar bunday muammolarni uydan tashqariga olib chiqmaslikka harakat qilishadi. Aksariyat holatlarda zo‘ravonlik qurboni sharmandalik va turli gap-so‘zlardan qo‘rqib, jim yurishga majbur bo‘ladi. Bunday vaziyatda qolgan ayollarning indamasligiga bir necha sabab bo‘ladi. Kimlardir moliyaviy yordamsiz qolishdan qo‘rqsa, boshqalari farzandlari va o‘z hayoti uchun xavfsiraydi. Zo‘ravonlik qurboni bo‘lgan ayol har tomonlama qiyin holatda qoladi. Ayniqsa, hatto eng yaqin insonlari ham bu muammoni hal qilishdan o‘zini olib qochganda. Oxir-oqibat bu doimiy qo‘rquv, depressiya, o‘z joniga qasd qilish kabilar ayancli holatlar bilan tugaydi. Bunga qarshi yolg‘iz kurashib bo‘lmaydi. Qo‘rqib yashovchi, ruhiy jihatdan ezilgan zo‘ravonlik qurboni aniq va teran qarorlar qabul qilish holatida bo‘lmaydi. Bu yerda nafaqat yaqinlarning, balki davlat tomonidan ham qo‘llab-quvvatlash kerak bo‘ladi. Zero zo‘ravonlik, eng avvalo, shaxsga qarshi jinoyat, shaxsiy erkinlik huquqlarining buzilishidir.

Butun dunyoda bu kabi jinoyatlar profilaktikasi bo‘yicha katta tajriba, maxsus qonunchilik me‘yorlari va bunday kishilarni reabilitatsiya qilishga doir standartlar mavjud.

Bugungi kunda oilaviy zo‘ravonlik to‘g‘risidagi eng progressiv xalqaro hujjat deb ayollarga nisbatan har qanday tazyiqlarni to‘xtatishga qaratilgan “Istanbul konvensiyasi¹⁰⁹”ni aytish mumkin. Yevropa kengashining ushbu hujjati 2011-yil 5-mayda Istanbulda (*shuning uchun Istanbul konvensiyasi deb ham yuritiladi*)

¹⁰⁹ 2024 Amnesty International . Council of Europe Convention on Preventing and Combating Violence against Women and Domestic Violence Istanbul, 11.V.2011

qabul qilinib, 2014-yil kuchga kirgan. Konvensiya ayollarga nisbatan har qanday diskriminatsiya (kamsitish) va zo'rvonlikni tugatishni, qolaversa, xotin-qizlarni zo'rvonlikdan holi yashashi uchun asosiy insoniy huquqlarini ta'minlashni maqsad qilgan. Bugungi kunda dunyoning 39 mamlakati Istanbul konvensiyasini ratifikatsiya qilgan. Armaniston, Bolgariya, Chex respublikasi, Vengriya, Litva va Slovakiya respublikasi kabi Yevropa kengashiga a'zo davlatlar esa hujjatni imzolagan, biroq ratifikatsiya qilmagan.

Turli mamlakatlarda oiladagi zo'rvonlikka qarshi qanday kurashiladi? Xususan Yevropa mamlakatlari misolida ko'radigan bo'lsak Germaniyada qurbonlar ishonch telefonlari orqali maslahat olishi va maxsus inqiroz markazlariga joylashtirilishi mumkin. Anonim chatlar, ishonch telefonlari, inqiroz markazlari va maxsus yotoqxonalar – Germaniyada zo'rvonlikdan aziyat chekkanlar bir necha usulda yordam olishi mumkin. Germaniya federal hukumati 1999-yilda Ayollarga nisbatan zo'rvonlikka qarshi kurashish chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqqan¹¹⁰. Uning asosiy maqsadi davlat va nodavlat tashkilotlari o'rtasidagi hamkorlikni mustahkamlab, birgalikda zo'rvonlikdan omon qolganlar markazlarining umummilliy tarmog'ini yaratish sanaladi. Ushbu rejaga qadar ham hamkorlik mavjud bo'lgan, lekin o'ta tarqoq, asosan, shahar va mintaqaviy darajada bo'lgan. Masalan, Berlindagi Oilaviy zo'rvonlik bo'yicha inqiroz markazi tomonidan, Shlezvig Golshteyn yerlaridagi inqiroz markazi esa Ayollar ishlari bo'yicha mintaqaviy hokimiyat tomonidan moliyalashtirilgan. Bu ishlar qanday natija bergan?

- Zo'rvonlikdan himoya qilish to'g'risidagi qonun;
- Tazyiqlarsiz tarbiyalash to'g'risidagi qonun (*Germaniyada 2000-yildan boshlab bolalarga nisbatan istalgan jismoniy jazo turlarini qo'llash qonun taqiqlangan*);
- Germaniyada ayollarga nisbatan zo'rvonlikning tarqalishi, uning joriy holati va oqibatlari bo'yicha birinchi vakillik tadqiqoti;
- Ayollarga nisbatan barcha turdagi zo'rvonliklarga qarshi kurashish uchun federal darajadagi Inqiroz markazlari tarmoqlarini yaratish kabi ishlar amalga oshirilgan.

2001-yilda Frankfurtmaynda Ayollar boshpanalari ishini muvofiqlashtirish assotsiatsiyasi (FHK)ga asos solingan. 275 ga yaqin ayollar boshpanasi va 300 ta ixtisoslashtirilgan maslahat markazlari bilan birga tashkilot a'zolari zo'rvonlikdan aziyat chekkan ayollar va ularning farzandlarini qo'llab-quvvatlash hamda yordam berish tizimi faoliyatini ta'minlaydi.

2013-yilda esa zo'rvonlikdan aziyat chekkanlar uchun 24 soatlik Hilfetelefon, ya'ni yordam (*ishonch*) telefoni tizimi yo'lga qo'yilgan bo'lib, u ham davlat byudjeti tomonidan moliyalashtiriladi. Bu orqali jabrlanuvchilar nemis yoki boshqa tillarda, anonim tarzda maslahat va maqsadli yordam olishi mumkin.

¹¹⁰ Action plan of the federal government to combat violence against woman. Germany Berlin December 2005

Bundan tashqari, Germaniyada Zo‘ravonlik qurbonlarini himoya qilish federal (BFF) assotsiatsiyasi ham bo‘lib, u mamlakat bo‘ylab 210 dan ortiq inqiroz markazlarini tashkil etgan. Tashkilot seminar va konferensiyalar o‘tkazib, amaliy tajribalar bilan bo‘lishadi va muammo bo‘yicha axborot materiallarini ishlab chiqadi.

Endi Avstraliya misolida ko‘radigan bo‘lsak u bu borada boshqacharoq yo‘l tutgan – ular jabrlanuvchiga zo‘ravondan uzoqroqda boshpana topish uchun pul taklif qiladi. Moliyaviy ko‘mak, maslahat markazlari va foizsiz kreditlar kabi yordamlar jabrlanuvchilarga taklif qilinadi.

17-oktyabr 2022-yilda hukumat 2022-2032-yillarga mo‘ljallangan Ayollar va bolalar zo‘ravonligini qisqartirish bo‘yicha to‘rt bosqichda amalga oshiriladigan milliy reja (*“The National Plan to End Violence against Women and Children 2022-2032¹¹¹”*)ni tasdiqlagan.

1 Milliy reja kelgusi 10 yil davomida ayollar va bolalarga nisbatan zo‘ravonlikni tugatish bo‘yicha harakatlarni yo‘naltiradigan keng qamrovli milliy siyosat asosidir.

Unda jamiyatning barcha qismlari, jumladan hukumatlar, biznes va ish joylari, ommaviy axborot vositalari, maktablar va ta‘lim muassasalari, oilalar, jamoalar va barcha odamlar gender asosidagi zo‘ravonlikka barham berish bo‘yicha umumiy fikrga erishish uchun qanday hamkorlik qilishlari kerakligini ta‘kidlaydi.

Milliy reja bir avlodda zo‘ravonlikka barham berish nuqtai nazariga erishish uchun to‘rtta yo‘nalishda nima qilish kerakligini tasvirlaydi:

Profilaktika- ayollar va bolalarga nisbatan zo‘ravonlikka olib keladigan munosabatlar va tizimlarni bartaraf etish orqali zo‘ravonlikning asosiy ijtimoiy omillarini o‘zgartirish, uni boshlanishidan oldin to‘xtatish ustida faoliyat olib borish ya‘ni profilaktika qilish .

Erta aralashuv — zo‘ravonlikni boshdan kechirish yoki sodir etish xavfi yuqori bo‘lgan shaxslarni aniqlash va qo‘llab-quvvatlash va uning takrorlanishining oldini olish.

Javob berish — mavjud zo‘ravonlikni bartaraf etish va zo‘ravonlikdan omon qolganlarni qo‘llab-quvvatlash, masalan, inqirozni qo‘llab-quvvatlash. Politsiya aralashuvi, zo‘ravonlikni sodir etgan shaxslarni vaqtida javobgarlikka tortadigan adliya tizimini taqdim etish.

Reabilitatsiya – zo‘ravonlik qurbonlari olgan ruhiy va jismoniy jarohatlarni tuzatishga, tiklashga yordam berish. Jabrlanganlarning shikastlanishdan va zo‘ravonlikning jismoniy, ruhiy, hissiy va iqtisodiy ta‘siridan tiklanishi uchun xavfsiz va sog‘lom bo‘lishlarini qo‘llab-quvvatlash.

Avstraliya iqtisodiy zo‘ravonlikka qarshi kurashga ham alohida e‘tibor qaratadi. 2019-2020-yillarda mamlakat byudjetidan 119,2 Avstraliya dollari miqdoridagi mablag‘ ayollarning “Moliyaviy xavfsizligini mustahkamlash”ga

¹¹¹ Australian Government. Department of social services Last updated: 22 July 2024 — 4:15pm

yo'naltirilgan. Ma'lum bo'lishicha, oiladagi zo'ravonlikka uchragan ayollarning 90 foizi iqtisodiy zo'ravonlikka ham duch keladi. Bundan tashqari, mamlakatda qisqa muddatli foizsiz kreditlar tizimi mavjud. Bunda zo'ravonlikka uchragan ayollar 3000 dollargacha bo'lgan summani hamkor banklardan foizlarsiz ikki yil muddatga olishi va uni turar joy ijarasi yoki kommunal to'lovlarga sarflashi mumkin.

2021-yilda esa Avstraliya hukumati oiladagi zo'ravonlik qurbonlariga bir martalik to'lov tartibini joriy qilgan¹¹². Jabrlanuvchi bu pulni alohida turar joy ijarasiga yoki boshqa xonadonga ko'chib o'tishga sarflashi mumkin.

Endi Yevropaning inson huquqlari ta'minlanishi boyicha mashhur davlati Fransiya ni oladigan bo'lsak ushbu davlatni ko'pincha inson huquqlarining vatani deb ham atashadi. Aynan oiladagi zo'ravonlik, huquqbuzarlik haqida gapiradigan bo'lsak so'nggi 7 yil ichida Fransiya qonunchiligi ayollarni oiladagi zo'ravonlikdan himoya qilish sohasida sezilarli o'zgarishlarga duch keldi. Qonun tomonidan jismoniy va ruhiy zo'ravonlikka qarshi standartlarni joriy qildi. Eng muhimi, 2010-yil 9-iyulda qabul qilingan "Ayollarga nisbatan zo'ravonlik, oiladagi zo'ravonlik va ushbu zo'ravonlikning bolalarga oqibatlari to'g'risida"¹¹³gi qonun ayollar himoyasini sezilarli darajada kuchaytirdi.

Oiladagi zo'ravonlik haqida gapirganda, qonun chiqaruvchi birgalikda yashashning har qanday shaklini anglatadi: nikoh, fuqarolik shartnomasi (PACS) va birgalikda yashash (fuqarolik nikohi). Yuqorida qayd etilgan qonun ordonnance de protection (zo'ravonlik qurboniga yaqinlashishni taqiqlash) himoya qilish mexanizmini yaratdi. ordonnance de protection haqida to'liqroq ma'lumot beradigan bo'lsak bu: zo'ravonlik, jismoniy yoki ruhiy zo'ravonlik sodir etilgan taqdirda, sud zo'ravonlik qurbonining arizasiga binoan favqulodda asosda erkakning turmush o'rtog'iga yaqinlashishni taqiqlashni nazarda tutgan qaror chiqarishi mumkin. Bu chora Fransiya fuqarolik kodeksining 515-9 va 515-13-moddalari 1-bandi bilan tartibga solinadi. Ushbu chora ayol va uning farzandlariga yoki faqat ayolning o'zigagina nisbatan ham qo'llanilishi mumkin.

Shuningdek, qonun chiqaruvchi oiladagi zo'ravonlik qurbonlari bo'lgan ayollarni himoya qilishni kuchaytirdi. Bundan tashqari 2014 yil 4 avgust va 2016 yil 7 martdagi qonunlarga ko'ra zo'ravonlik harakatlarning ro'yxatini kengaytirdi va jabrlanuvchiga yashashi uchun boshpana olish huquqini beruvchi normalar kiritildi. Sutkada 24 soat ishlaydigan bepul maslahat telefoni tashkil etildi: 3919.

Fransiyada oilaviy zo'ravonlikdan aziyat chekayotgan ayol o'z yashash joyidagi sudga (*Tribunal de Grande Instance*) murojaat qilishi kerak. Ariza référé shaklida amalga oshiriladi: shoshilinch, vaqtinchalik yoki tezlashtirilgan

¹¹² "Australia is offering money to help victims leave violent partners" By Hilary Whiteman, CNN Published Tue October 19, 2021

¹¹³ Library of congress "Law on violence against women" France (Sept. 20, 2010) The French Parliament has adopted Law 2010-769, of July 9, 2010,

ko'riladi. Oila sudyasi tomonidan qo'llanilgan chora vaqtincha 6 oylik muddat bilan cheklanadi va muayyan sharoitlarda uzaytirilishi mumkin (*FKning 511-12-moddasi*). Agar qarorda choralar ko'rilgan muddat ko'rsatilmagan bo'lsa, u holda ular 4 oydan keyin tugatiladi (*Fuqarolik protsessual kodeksi 1136-7b 1136-13b 1136-14-moddalar*).

Ushbu choralar ajrashish jarayoni boshlanishidan oldin ham, keyin ham qo'llanilishi mumkin yoki faqat ota-ona huquqlariga tegishli tartiblar, politsiyaga zo'ravonlik qo'llanganligi to'g'risida shikoyat qilish va hokazo.

Fransiya sudi bu vaziyatda qanday choralar ko'radi? Agar ish materiallarini va ikkala tomonning ko'rsatmalarini o'rganib chiqqandan so'ng, oila sudyasi zo'ravonlik sodir bo'lgan deb hisoblasa, u himoya qilish to'g'risida buyruq chiqaradi (ayolga yaqinlashishini taqiqlaydi) va vaqtinchalik choralar ko'radi: bolalar bilan kim qolishini aniqlash, uy-joydan kim foydalanadi va erkakka qanday moliyaviy mas'uliyat yuklanadi. Ko'pgina hollarda (*ayniqsa, bolalar bo'lsa*), sud huquqbuzarni uy egasi yoki ijarachi bo'lishidan qat'i nazar, buyruqning amal qilish muddati davomida uyni tark etishga majbur qiladi. Agar ayol, eri yoki sherigidan farqli o'laroq, daromadga ega bo'lmasa, qoida tariqasida, uy-joy narxi ikkinchisiga tushadi. Sud, shuningdek erkakni har oyda moddiy yordam to'lashga majbur qiladi, agar farzandlari bo'lsa, ularni ta'minlash uchun qo'shimcha miqdor aliment tayinlanadi.

Himoya buyrug'i doirasida sud tomonidan tayinlangan choralar bajarilmagan taqdirda, Jinoyat kodeksi 15 000 yevrogacha jarima va ikki yilgacha ozodlikdan mahrum qilishni nazarda tutadi (*227-4-2 227-4-3*).

Fransiyada oilaviy zo'ravonlik qurboni bo'lgan ayollarga davlat moddiy yordam beradimi? Ayol davlatdan turli subsidiyalar olish huquqiga ega (*uy-joy, bolalar va ishsizlik nafaqalari, agar daromadi bo'lmasa*). Jabrlanuvchi ayol faqatgina oilaga yordam jamg'armasiga (*la CAF*) murojaat qilishi kerak. Shuningdek, ushbu toifadagi ayollar davlat uy-joylarini navbatsiz olish huquqiga ega. Hamda turmush o'rtog'ining zo'ravonligi tufayli uyni tark etishga majbur bo'lgan bolali yoki bolasiz ayollar uchun maxsus yotoqxonalar mavjud. Ularning manzillarini ayollarga yordam berishga ixtisoslashgan ijtimoiy ishchilar va uyushmalardan olish mumkin. Yordam uchun qayerga borish kerak? Fransiyada va ayniqsa Parijda bir nechta uyushmalar oilaviy zo'ravonlik qurboni bo'lgan ayollarga bepul maslahat beradi.

Buyuk Britaniya mamlakati misolida oilaviy zo'ravonlikka qarshi kurashish usullarini ko'radigan bo'lsak birgina 2022 yilning o'zida Angliyada 2,3 millionga yaqin odam oiladagi zo'ravonlikni boshdan kechirgan va har beshinchi qotillik oiladagi zo'ravonlik bilan bog'liq. Bu statistik ma'lumot esa Yevropaning eng rivojlangan mamlakatlaridan biri Buyuk Britaniya uchun ham oilaviy zo'ravonlik muammosi juda ham dolzarb masala ekanligini ko'rsatadi. Hukumat ushbu

jinoyatlarning oldini olish uchun allaqachon choralar ko'rgan. Britaniyada oiladagi zo'ravonlik qurbonlari politsiyadan himoya so'rash imkoniyatiga ega. Masalan, politsiya zo'ravonlikda gumon qilingan shaxsni 48 soat davomida uydan olib ketishi mumkin. Politsiya, shuningdek, jinoiy sudga 28 kun davomida uyiga qaytishiga to'sqinlik qiladigan himoya buyrug'ini olish uchun murojaat qilishi mumkin.

Bu uydagi zo'ravonlik qurbonlari uchun uyni xavfsizroq qilish va ularga qo'shimcha yordam va himoya izlash imkoniyatini berishning bir usuli. Zo'ravonlik qurbonlari, shuningdek, fuqarolik sudiga zo'ravonning jabrlanuvchiga yaqinlashishini cheklashni so'rashi mumkin.

Yevropa mamlakatlarda qo'llaniladigan keyingi oilaviy zo'ravonlikdan himoyalashning eng zamonaviy usullaridan biri bu GPS-trekerlar yordamida tajovuzkorning joylashuvini kuzatish tizimidir. Bunda avval zo'ravonlikni sodir etgan shaxs jabrlanuvchiga yaqinlashganda, u tajovuzkorni ogohlantirib unga maxsus signal beradi. Agar u jabrlanuvchiga yaqinlashishda davom etsa, politsiya uni tajovuzkordan himoya qilish uchun voqea joyiga yetib boradi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, oiladagi zo'ravonlik nafaqat O'zbekistonda balki boshqa davlatlarda ham dolzarb masaladir. Oiladagi zo'ravonlik, avvalo, ijtimoiy muammolardan biri bo'larkan, uni shaxsga qarshi jinoyatlarni bostirish va har bir oila a'zosining fuqaro sifatida hayot xavfsizligi, erkinligi va qadr-qimmatini himoya qilish huquqini ta'minlashga, shuningdek, ijtimoiy profilaktika qilishga yo'naltirilgan chora-tadbirlarni o'z ichiga oluvchi murakkab muammo sifatida ko'rib chiqish darkor. Va bunda kerak bo'lsa boshqa rivojlangan davlatlar tajribasidan foydalanish, ularning ushbu sohadagi qonunchiligining afzal tomonlarini tatbiq etish maqsadga muvofiqdir.

ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ахмеджанов Музаффар Халматович,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилиги масаласи таҳлил қилинган бўлиб, унинг жамиятга салбий таъсири, сабаб ва оқибатлари, шунингдек, 2025 йилнинг иккинчи чорагида қайд этилган аниқ статистик маълумотлар асосида таҳлилий хулосалар келтирилган. Ёшлар жиноятчилиги нафақат ҳуқуқбузарлик, балки ижтимоий-иқтисодий, таълим-тарбия ва ахлоқий инқироз билан боғлиқ мураккаб ижтимоий муаммо сифатида баҳоланган.

Калит сўзлар: Ёшлар жиноятчилиги, профилактика, кибержиноят, талабалар жиноятчилиги, жиноят статистикаси, ҳуқуқий тарғибот, рецидив, жиноий гуруҳлар, криминоген муҳит.

Ёшлар жиноятчилиги – бу 18-30 ёш тоифасидаги шахслар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муаммодир. Бу масала нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамиятни ташвишга соладиган жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ёш авлод – келажак бунёдкорлари сифатида жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис, улар томонидан содир этиладиган жиноятлар нафақат ҳозирги, балки истиқболдаги ижтимоий вазиятга ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Ёшлар жиноятчилиги қуйидаги салбий жиҳатлари билан жамият тараққиётига жиддий хавф туғдиради:

Биринчидан, ёшлар жиноятчилиги жамиятда беқарорлик ва ишончсизлик муҳитини шакллантиради. Жиноий хатти-ҳаракатларга мойиллик ёшлар орасида ўзаро эҳтиром, қонунларга итоат, ватанпарварлик каби маънавий қадриятларнинг инқирозга учрашига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ривожланишига эмас, аксинча, унинг таназзулига хизмат қилувчи омилга айланади.

Иккинчидан, жиноят содир этган ёшлар келажакда таълим олиш ва ишга жойлашиш имкониятларидан маҳрум бўлади. Бу эса ишсизлик даражасининг ўсиши, қайта жиноятчилик (рецидив)нинг кучайиши ва ижтимоий мослашув жараёнларининг мураккаблашишига сабаб бўлади. Шу орқали давлат иқтисодиёти ҳам жабр кўради.

Учинчидан, ёшлар жиноятчилиги оилаларда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Жиноят содир этган шахс ўз фарзандига тарбиявий жиҳатдан етарли намуна кўрсата олмайди. Натижада, жинояткорлик илллати авлоддан авлодга ўтиши мумкин. Бу жараён ахлоқий инқирозни янада чуқурлаштиради. Шу боис, ёшлар жиноятчилигини ўрганиш, унинг сабаблари ва омилларини аниқлаш ҳамда барвақт профилактик чораларни белгилаш жуда долзарб масалалардан биридир.

2025 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистонда жами **7 792 та жиноят** ёшлар томонидан содир этилган бўлиб, бу умумий жиноятларнинг **14,3%** ни ташкил этади. Бу рақам ёшлар криминал муҳитда салмоқли ва фаол қатлам сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. **7 282 нафар жиноят содир этишган ёшлар** умумий жиноятлар бўйича аниқланган шахсларнинг **37,6%** ни ташкил қилиши ҳам шундан далолат беради.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таркибига назар ташласак, уларнинг **3 944 та (50,6%)** сини олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар, **3 116 та (40%)** сини аниқланадиган жиноятлар ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин.

732 та (9,4%) та жиноят эса, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган. Бу кўрсаткич замонавий жиноятчиликнинг шакли ўзгартираётганини англатади. Ёшлар рақамли муҳитда фаол эканлиги, кибержиноятлар ортиб бораётганини кўрсатади. Бу ҳолат замонавий билим ва кўникмаларни яхши эгаллаган, лекин ахлоқий-ҳуқуқий онги паст бўлган ёшлар учун янги хавфли муҳит яратаётганини англатади.

Ёшлар жиноятчилигида айрим вилоятлар юқори кўрсаткичлар билан ажралиб турибди: **Фарғона вилояти** — 19,5%, **Андижон, Самарқанд ва Жиззах** — ҳар бири 14,8%. Бу ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳити билан боғлиқ.

Ёшлар содир этган жиноятларнинг **1 042 таси** гуруҳлар таркибида содир этилган бўлиб, бу криминоген муҳитда “жиноий лидерлар” пайдо бўлиш хавфини ҳам оширади.

Энг кўп жиноятлар моддий манфаат олишга қаратилган (*ўзрилиқ, фирибгарлик*) бу эса ёшлар моддий эҳтиёжларининг ўсиб бораётганлиги билдиради. Шу билан бирга, оғир жиноятлар (қотиллик, номусга тегиш) қайд этилаётгани ёшларда агрессия, эҳтиросни назорат қилолмаслик ва ахлоқий таназзул борлигидан далолат беради.

2025 йил 6 ойида **193 нафар талаба** томонидан **208 та олдини олиш мумкин бўлган жиноят** содир этилган бўлиб, бу жиноят содир этган ёшларга нисбатан **5,3%** ни ташкил этади.

Талабалар жиноятчилигида асосий 5 ҳудуд: **Тошкент шаҳри** — 40 та, **Тошкент вилояти** — 34 та, **Самарқанд** — 23 та, **Фарғона** — 21 та **Сурхондарё**

— 15 та юқори кўрсаткичга эга. Бу кўрсаткич мазкур ҳудудда олий ўқув юртлари ва талабалар сони кўплиги билан боғлиқ. Аммо, талабалар ўртасида жиноятчилик қайд этилиши — таълим муассасалари фақат академик билим бериш билан чекланмаслиги, балки шахсни тарбиялаш функциясини тўлиқ амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Университетларда “ижтимоий педагог”, “психолог” ва “ҳуқуқшунос маслаҳатчилар” институтини жорий этиш лозимлигини кўрсатади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари сураимиз:

1. Олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг (50,6%) юқори улушини ҳисобга олган ҳолда, профилактик тадбирлар тизимли ва манзилли шаклда амалга оширилиши лозим.

2. Ёшлар жиноятчилиги юқори бўлган ҳудудларда (Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Жиззах) махсус “Ёшлар хавфсизлиги” дастурлари ва қўшимча назорат чоралари жорий этилиши зарур.

3. Ёшлар ўртасидаги кибержиноятчиликка қарши алоҳида онлайн мониторинг ва ҳуқуқий тарғибот платформалари ташкил этиш таклиф этилади.

4. Талабалар жиноятчилигини камайтириш мақсадида университетларда ҳуқуқшунос маслаҳатчилар, психологлар, “тренинг клублари” фаолияти йўлга қўйилиши лозим.

5. Қайта жиноятчиликни (401 ҳолат) олдини олиш мақсадида судланган ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши, меҳнатга жалб этилиши ва жамиятга интеграциясига кўмаклашувчи “иккинчи имконият” марказлари ташкил этилиши керак.

6. Ёшлар жиноятчилиги бўйича доимий таҳлил ва мониторинг платформасини яратиш лозим. Ҳар чоракда статистик таҳлил, ҳудудий ва соҳавий маълумотлар жамланадиган “Ёшлар жиноятчилик харитаси” платформасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

7. “Ҳуқуқий маданият” ҳафталикларини жорий этиш лозим. Ёш авлод онгида жиноят ва жазо тушунчалари ҳақида билим ва масъулиятни шакллантириш учун оммавий тарғибот тадбирлари тизимли ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб ёшлар жиноятчилиги нафақат ҳуқуқбузарлик масаласи, балки жамиятдаги таълим, тарбия, бандлик ва ахлоқий муҳит билан боғлиқ мураккаб муаммодир. Унга қарши курашда тизимли ёндашув, таҳлил ва барча жамоат институтларининг ҳамкорлиги асосий омил ҳисобланади. Давлат ва жамият бу борада қўл қовуштирамасдан ҳаракат қилса, ёшлар жиноятчилиги кескин камайишига эришиш мумкин.

AYOLLAR JINOYATCHILIGINING O'ZIGA XOS JIHATLARI (TURKIYA TAJRIBASI MISOLIDA)

Hojiyev Rasulbek Boynazar o'g'li,

Oila va gender ilmiy-tadqiqot instituti katta ilmiy xodimi, PhD

Annotatsiya Mazkur maqolada ayollar jinoyatchiligiga ta'sir etuvchi individual va ijtimoiy omillar Turkiya misolida olib borilgan tadqiqotlar asosida ayol mahkumalarning yoshi, oilaviy ahvoli, ta'lim darajasi va jinoyat turlari bo'yicha statistik holati, ayollar tomonidan ko'proq oila doirasida sodir etilgan jinoyatlarning alohida jihatlari tahlil etilgan. Shuningdek, ayollar jinoyatchiligining oldini olishda profilaktik, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash va gender tengligini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar muhimligi ta'kidlangan. Ayollarning jinoyat sodir etishiga ruhiy-psixologik muammolar, oilaviy zo'ravonlik, iqtisodiy nochorlik, past ta'lim darajasi va gender stereotiplari sabab bo'lishi mumkinligi qayd etilgan.

Kalit so'zlar: Ayollar jinoyatchiligi, oilaviy zo'ravonlik, probatsiya tizimi, gender tengligi, ijtimoiy muhit.

Insoniyat tarixining dastlabki bosqichlaridan boshlab mavjud bo'lgan va barcha jamiyatlarda dolzarb muammo sifatida qaraladigan jinoyat hamda uning mohiyatini tushunishga qaratilgan ko'plab izohlar ilgari surilgan. Jinoyatchilik odatda erkak jinsi bilan bog'liq tushuncha sifatida qaralgan va jinoyat sodir etgan ayollar erkaklarga qaraganda ko'proq tanqidga uchrab, jamiyatdan chetlashtirilganlar. Garchi ayol va jinoyatchilik bir-biridan uzoq tushunchalar sifatida ko'rilsa-da, tarixdan to hozirgi kungacha ayollarning turli shakllarda va ma'lum motivatsiyalar bilan jinoyatga qo'l urganligi kuzatiladi. So'nggi yillarda esa jinoyat sodir etgan ayollar sonining ortib borayotgani ushbu mavzuning naqadar dolzarb ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi.

Ayollar ko'pincha oila-turmush doirasida yoki yaqin munosabatda bo'lgan shaxslarga nisbatan jinoyatlar sodir etishlarini ayollarning jinoyatgayo'nalishining ortida zo'ravonlik natijasida yetkazilgan o'tmishdagi travmalar, gormonal o'zgarishlar, mehnat bozoriga kirib borishning ortishi, og'ir turmush sharoitlari va psixologik buzilishlar kabi bir qancha omillar yotganligi qayd etilgan¹¹⁴.

Dunyo miqyosida sodir qilinayotgan jinoyatlarning aksariyati erkaklar xissasoga to'g'ri kelsada, ayollar jinoyatchiligining keskin sur'atlarda ortib borayotganligi mazkur masalaga jiddiy e'tobor berish kerakligini ko'rsatadi.

¹¹⁴ Orhan, G. (2021). *Kadın Suçluluğu: Nedenleri ve Müdahale Yöntemleri Üzerine Bir İnceleme*. International Journal of Eurasian Researches, 9(27), 101–115

Turkiya Respublikasida ayol jinoyatchilar jinoiy javobgarlikka tortilgan shaxslarning 4 % qismini tashkil qilmoqda¹¹⁵. Ayol mahkumalar Turkiyada faoliyat yuritayotgan 403 ta jazoni ijro etish muassasalarining 19 tasi ayollar uchun mo'ljallangan bo'lib, ularda 12 173 nafar mahkumalar jazo muddatlarini o'tamoqda. Ularning aksariyati ya'ni 7496 nafari 18-40 yoshdagi va 7496 nafari 40-65 yoshlar orasidagi mahkumalar¹¹⁶ ekanligi diqqatimizni o'ziga tortadi. Statistik ma'lumotlar tahlil qilinganida, ayol jinoyatchilarning aksariyati 30-40 yosh oralig'ida, oilali va farzandli, ta'lim darajasi past (tugallanmagan umumiy o'rta ta'lim) bo'lgan shaxslardan iborat ekanligi aniqlangan.

Ayollar tomonidan jinoyat sodir etilishida oilaviy muhit muhim rol o'ynaydi. Oila ichidagi nizolar, iqtisodiy nochorlik, ota-onaning past ta'lim darajasi va oiladagi zo'ravonlik holatlari ayollarning jinoyat sodir etishiga sabab bo'lmoqda. Tadqiqotlarda¹¹⁷ ayol jinoyatchilarning 90 foizi oilada zo'ravonlikka duch kelganligi qayd etilgan. Ayniqsa, oilada otaning ishsizligi, ota-onaning ichkilikbozlikka ruju qo'ygan holatlari bolalar, ayniqsa qizlar ongida kuchli ruhiy iz qoldiradi. Bu esa o'z navbatida yosh ayollarni noto'g'ri yo'llarga boshlaydi. Ayollarning 40 foizdan ortig'i jinoyat sodir etishdan avval o'z oilalarida iqtisodiy, ruhiy yoki jismoniy tazyiq ostida yashaganliklarini bildirgan.

Boshqa tomondan esa, iqtisodiy qiyinchiliklar, ayniqsa past daromadli oilalardan chiqqan ayollarning jinoyat sodir etish ehtimolini oshiradi. Turkiyadagi tadqiqotlarda¹¹⁸ ayollarning 71,5 foizi qotillik jinoyati uchun sudlangan bo'lsa, ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarning aksariyati moddiy manfaat ko'zlangan va zo'ravonlikka aloqasi bo'lmagan jinoyatlardan tashkil topgan. Ayol jinoyatchilarning ko'pchiligi (69,6 foizi) turmushga chiqqan, farzandlari bor va 35,4 foizi savodsiz yoki past ta'limga ega. Shuningdek, jinoyat sodir etgan ayollarning 55 foizi barqaror ish joyiga ega emasligi, 60 foizi esa davlat yoki jamoat yordamiga muhtoj ekani qayd etilgan.

Ayollarning jinoyatchilikka jalb qilinishida ijtimoiy muhit va madaniy omillar ham muhim o'rin tutadi. An'anaviy jamiyatlarda ayollarning erkaklarga iqtisodiy va madaniy jihatdan qaram bo'lishi ularni jinoyatga undovchi holatlarni yuzaga keltiradi. Ayniqsa, erkak ustuvorlikka asoslangan ijtimoiy tizimlarda ayollar o'z huquqlarini himoya qila olmagan holatlarda jinoyatga qo'l urish ehtimoli ortadi. Rivojlangan mamlakatlarda ayol jinoyatchilik ko'rsatkichi 12-14 foizni tashkil etib, moliyaviy firibgarlik va o'g'irlik kabi zo'ravonlikka aloqasi bo'lmagan jinoyatlar ko'proq qayd etilgan. Ayollarning jinoyat sodir etishida ruhiy va psixologik muammolar, ayniqsa depressiya, alkogol, giyohvand va psixotrop moddalarga

¹¹⁵ <https://data.tuik.gov.tr/Bulten/Index?p=Ceza-Infaz-Kurumu-Istatistikleri-2020-37202>

¹¹⁶ <https://cte.adalet.gov.tr/Home/SayfaDetay/cik-genel-bilgi>

¹¹⁷ Dızman, Z. Ş. (2019). Kadın suçluluğunun toplumsal nedenleri. Akademik Sosyal Araştırmalar Dergisi, 90:433-441.

¹¹⁸ Orhan, G. (2021). Kadın Suçluluğu: Nedenleri ve Müdahale Yöntemleri Üzerine Bir İnceleme. International Journal of Eurasian Researches, 9(27), 101-115.

qaramlik ham asosiy rol o'ynaydi. Turkiyada ayol jinoyatchilar orasida giyohvand moddalar yoki alkogol iste'mol qilganlar soni yuqori bo'lib, ba'zi hollarda 50 foizdan yuqori ko'rsatkich qayd etilgan. Psixologik tahlillarga ko'ra, jinoyat sodir etgan ayollarning 35 foizi stress va depressiyadan aziyat chekkan bo'lsa, yana 20 foizi bolalikda og'ir travmalarga duch kelgan¹¹⁹.

Umuman olganda, ayollar jinoyatchiligi tadqiqotchi Canterning fikricha¹²⁰ individual (shaxsiy) va ijtimoiy omillarga bog'liq. Individual omillarga Jinoyat sodir etgan shaxsning biologik tuzilishi, kognitiv jarayonlar va umumiy psixologik jihatlari kiradi. Ayollarning jinoyat sodir qilishini ularning biologik xususiyatlari bilan bog'liqligini ilk marotaba "The Criminal Man" nomli asarida Lombrozo tomonidan tadqiq qilingan bo'lib, unga ko'ra ayol jinoyatchilar evolyutsion rivojlanish jarayonida yo'qolishi kutilgan ibtidoiy inson xususiyat va xatti-harakatlarini bugungi kunda ham davom ettirayotgan atavizm belgilarini o'zida namoyon etadi. Masalan, fohishalarning jismoniy xususiyatlari orasida boshqalarga nisbatan pastda joylashgan jag' suyaklari, tor peshona va keng burunga ega bo'lishi ko'rsatiladi¹²¹.

Turkiyada qotillik jinoyatini sodir etgan 750 nafar ayol mahkum ishtirokida o'tkazilgan tadqiqotda¹²², ishtirokchilarning 44,09 foizi jinoyat sodir etganidan so'ng darhol hayz ko'rganligi, 34 foizi A Rh (+), 26,36 foizi esa 0 Rh (+) qon guruhiga mansubligi va 14,11 foizida qon aylanish tizimi bilan bog'liq buzilishlar mavjudligi aniqlangan. Biroq jinoyat xatti-harakatining sababi sifatida faqat biologik omil – masalan, gormonal o'zgarishlarning rolini ta'kidlash va bu holatda tajovuzkorlik hamda zo'rvonlikda ishtirok etuvchi boshqa omillarni hisobga olmaslik chalg'ituvchi bo'lishi va masalaga noto'g'ri yondashishga sabab bo'lishi mumkin.

Ayollar jinoyatchiligining ijtimoiy omillarga bog'liqligi shaxsning boshqalar bilan o'zaro munosabatlari bilan izohlanadi. Sanoatlashtirish va shaharlashuv natijasida qishloq xo'jaligi sohasida ishlovchi ayollar soni kamayib, ishlab chiqarish sohasida esa ayollar ulushi oshgan. Bu holat ayollarning jamiyatdagi mavqeini o'zgartiribgina qolmay, ularning jinoyat sodir etishiga ham ta'sir ko'rsatgan bo'lishi mumkin. Shuningdek, farzandlarni nomuvofiq, beparvolik bilan, haddan tashqari erkin yoki juda qattiqqo'llik bilan tarbiyalash, nosog'lom ijtimoiy muhit, jamiyatdagi iqtisodiy tafovutlar – bularning barchasi ayollar jinoyatchiligining ijtimoiy omillariga misol bo'la oladi¹²³.

¹¹⁹ Dızman, Z.Ş. & Oktik, N. (2022). *Denetimli Serbestlik Kapsamındaki Gençlerin Suçla İlişkilerinde Aile Faktörü: Nitel Bir Araştırma*. Itobiad, 12(47), 1256–1276.

¹²⁰ Canter, D. (2011). Suç Psikolojisi. Özgün adı: Criminal Psychology: Topics in Applied Psychology (2008). (Çev. A. Dönmez, I. Çoklar-Başer, M. Güler), İmge Kitabevi.

¹²¹ Barkan, S. E. (2017). *Criminology: A sociological understanding* (7. baskı). Pearson Education Inc.

¹²² Güney, S. (2020). "Türkiye'de Cinayet İşlemiş Kadınların Suçlu Profili ve Temel Kişilik Özellikleri", Doktora Tezi, Ankara Üniversitesi, Ankara.

¹²³ Canter, D. (2011). Suç Psikolojisi. Özgün adı: Criminal Psychology: Topics in Applied Psychology (2008). (Çev. A. Dönmez, I. Çoklar-Başer, M. Güler), İmge Kitabevi.

Ayollar jinoyatchiligi jinoyat sodir qilinayotgan joyga va jabrlanuvchilarga ko'ra oila a'zolariga nisbatan va boshqa shaxslarga nisbatan sodir qilinayotgan jinoyatlarga bo'lishimiz mumkin. Turkiyda olib borilgan bir qator tadqiqotlarda¹²⁴ ayollar jinoyatni asosan uyda, o'z oila a'zolariga farzandlari yoki turmush o'rtoqlari nisbatan sodir etganligi, farzandining hayotiga zomin bo'lgan ayol, oilasi tomonidan rad etilishidan qo'rqishi, atrofdagilar tomonidan chetlanish xavotiri va mavjud iqtisodiy nochorlik ta'sirida jinoyat sodir etishga moyil bo'lishi aniqlangan.

Turk jamiyatida oilaviy zo'ravonlik, ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarning mohiyatini izohlashda muhim muammo sohasini tashkil etadi. Qotillik jinoyatini sodir etgan ayollarni feministik kriminologlar "doim kaltak yeydigan ayol" fenomeni bilan izohlagan. Mazkur mavzudagi ba'zi tadqiqotlar ushbu holatni tasdiqlagani sababli, ayollar duch keladigan jabrlanish holatlariga alohida tartiblar joriy etish zarurligiga e'tibor qaratilgan¹²⁵.

Shu doirada, ayollarga nisbatan zo'ravonlikka qarshi kurashda turli fanlararo yondashuv talab etiladi. Ayollarga nisbatan zo'ravonlikning oldini olishga qaratilgan ishlar olib borilishi, zo'ravonlik qurboni bo'lgan ayollar himoya qilinishi va ular zo'ravonlikka uchraganida qanday yordam olishlari mumkinligi haqida xabardor qilinishi zarur.

Bugungi kunda Turkiyada "denetimli serbestlik"(probatsiya) tizimi ayollar jinoyatchiligini kamaytirishda samarali mexanizm sifatida e'tirof etilmoqda. Ammo tizimdagi moddiy xarajatlarining yuqoriligi tufayli, masalan, transport xarajatlarini qoplash va ish joyidan ruxsat olish kabi muammolar ayollarga qiyinchilik tug'dirmoqda. Aksariyat fuqarolar tizimni yetarli darajada samarali emas deb baholashiga qaramasdan, mazkur tizim orqali ijtimoiy nazoratning kuchaygani, mas'uliyat hissining oshgani haqida ijobiy fikrlar bildirilgan.

Xulosa qilib aytganda, yuqoridagi tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, ayol jinoyatchiligining asosiy sabablari sifatida iqtisodiy nochorlik, past ta'lim darajasi, oilaviy zo'ravonlik, psixologik muammolar va jamiyatda ayollarga nisbatan hanz mavjud bo'lgan salbiy stereotiplarni ko'rsatish mumkin.

Garchi ayollar nega jinoyat sodir etishga moyil bo'lishi haqida turlicha qarashlar mavjud bo'lsa-da, ayollar jinoyatchiligini oldini olish va unga qarshi kurashish bo'yicha olib borilayotgan ishlar juda cheklanganligicha qolmoqda. Shu sababli, muvaffaqiyatli tarzda xavflarni baholash, oldini olish va aralashuv dasturlarini ishlab chiqish uchun ayollar jinoyatchiligini faqat muayyan omillar bilan cheklab qo'ymasdan, uni ko'p jihatdan har tomonlama o'rganish eng foydali yondashuv bo'lishi mumkin.

¹²⁴ Kenevir, F. (2017). Hayata ve vücut dokunulmazlığına karşı işlenen suçlarda kadın suçluluğu ve dindarlık ilişkisi. *Journal of History Culture and Art Research*, 6(3):781-802.

¹²⁵ Saruç, S. (2013). Kadın Hükümlüler: "Cezaevi Yaşantısı ve Tahliye Sonrası Gereksinimler", Doktora Tezi, Hacettepe Üniversitesi.

Bundan tashqari, jinoyat sodir etgan ayollarning qaytadan jinoyatga qo‘l urishlarining oldini olish va ularni jamiyatga qayta moslashtirishda muvaffaqiyatga erishish uchun xizmat ko‘rsatuvchi mutaxassislariga yordam beradigan maxsus dasturlar ishlab chiqilishi zarur.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ломброзо Ч. Женщина-преступница и проститутка / Ч. Ломброзо. – М.: Дело, 2009. – 120 с.
2. Barkan, S. E. (2017). *Criminology: A sociological understanding* (7. baskı). Pearson Education Inc.
3. Canter, D. (2011). Suç Psikolojisi. Özgün adı: *Criminal Psychology: Topics in Applied Psychology* (2008). (Çev. A. Dönmez, I. Çoklar-Başer, M. Güler), İmge Kitabevi.
4. Dızman, Z.Ş. & Oktik, N. (2022). *Denetimli Serbestlik Kapsamındaki Gençlerin Suçla İlişkilerinde Aile Faktörü: Nitel Bir Araştırma*. *Itobiad*, 12(47), 1256–1276. <https://doi.org/10.15869/itobiad.1092012>
5. Güney, S. (2020). “Türkiye’de Cinayet İşlemi Kadınların Suçlu Profili ve Temel Kişilik Özellikleri”, Doktora Tezi, Ankara Üniversitesi, Ankara.
6. Kenevir, F. (2017). Hayata ve vücut dokunulmazlığına karşı işlenen suçlarda kadın suçluluğu ve dindarlık ilişkisi. *Journal of History Culture and Art Research*, 6(3):781-802.
7. Orhan, G. (2021). *Kadın Suçluluğu: Nedenleri ve Müdahale Yöntemleri Üzerine Bir İnceleme*. *International Journal of Eurasian Researches*, 9(27), 101–115. <https://doi.org/10.59445/ijephss.1342029>
8. Saruç, S. (2013). Kadın Hükümlüler: “Cezaevi Yaşantısı ve Tahliye Sonrası Gereksinimler”, Doktora Tezi, Hacettepe Üniversitesi.
9. Zafer, I. (2020). Suç Antropolojisi: Kadın ve Suç. *Toplumsal Cinsiyet Perspektifinden Kadın Suçluluğu*. Teorik Çerçeve ve Türkiye Örneği. <https://doi.org/10.525303/646145>.
10. <https://cte.adalet.gov.tr/Home/SayfaDetay/cik-genel-bilgi>
11. <https://data.tuik.gov.tr/Bulten/Index?p=Ceza-Infaz-Kurumu-Istatistikleri-2020-37202>.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тлеуова Гульмира,

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги
Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими

Мамлакатимизда хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бундай ишларнинг амалга оширилиши хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва социал фаоллигини ошириш, уларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш ҳамда бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан мақсадли ва манзилли профилактика ишларини ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикаси субъектлари томонидан самарали профилактика чора-тадбирларни амалга оширишнинг янги механизмлари жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги **“Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон қарори билан 28 та** аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари **ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказлар** зўравонликдан жабрланган, ўз жонига қасд қилишга мойил, оғир ижтимоий аҳволда қолган, ҳимояга муҳтож тоифадаги хотин-қизлар билан ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларни олиб боради.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш субъектлари томонидан зўравонлик профилактикаси бўйича маъмурий ҳудудларда бу борадаги ишларнинг самарали ташкил этилмаганлиги натижасида республикада оиладаги низоли ҳолатлар ва оилавий ажримларнинг, шу жумладан жиноятларнинг сони кескин кўпайиб кетган.

Шу боисдан, қисқа муддат ичида ички ишлар вазирлиги томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва зўравонлик содир

этган шахсларга берилган ҳимоя ордерларини ҳисобга олиш ва мониторинг юритиш мақсадида “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳисобга олиш ягона ахборот тизими”ни жорий этиш лозим. Мазкур тизим орқали республика бўйича қисқа вақт оралиғида маълумотларни маҳалла, туман – шаҳар ва вилоятлар бўйича аниқ статистикани олиш имкони яратилади.

Бироқ, бугунги кунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай профилактика субъектлари тизими фаолиятини ҳамда уларнинг вази-фа ва ваколатларини янада такомиллаштириш зарурати вужудга кел-моқда. Фикримизча, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўзининг мақсади, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тизимига эга. Шу боис, мазкур чора-тадбирлар тизимининг қанчалик пухта ўйланиб, ишлаб чиқилганлиги ҳам тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Умуман олганда, чора-тадбирлар тушунчаси бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун ўйлаб тузилган тадбирлар мажмуини англатади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларни барвақт олдини олишда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғига қарши зўравонликлардан ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини назарда тутиш лозим. Жумладан, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг ташкилий чора-тадбирлари йўналишида профилактика субъектлари фаолиятини режалаштириш, тадбирларни ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш, ишларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш кабиларни қамраб олиши лозим. Шу боис, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг ташкилий чора-тадбирларига қуйидагиларни кири-тиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларни олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини таш-кил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш;

2) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар профилактика-сини амалга ошириш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

3) хотин-қизлар билан ишловчи субъектларнинг фаолияти самара-дорлигини баҳолаш бўйича ягона мезонларни ишлаб чиқиш.

Бизнинг фикримизча, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикаси билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳамкорлик олиб борувчи субъектларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ҳамда бу борада профилактик чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг ҳуқуқий чора-тадбирлари. Бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, унинг ижросини таъминлаш, жамиятда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чораларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Негаки, ушбу йўналишда содир этилган қилишлардан жабрланган шахсларнинг аксарияти ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни билмаслиги кузатилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни олиб боришда қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим:

1) зўравонни тазйиқ ва зўравонлик содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи ёки ундан ихтиёрий қайтишга, жумладан улар томонидан қайта зўравонлик содир этишга таъсир қилувчи қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

2) хотин-қизларнинг ўртасида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва улар онгида маълум ҳуқуқий тушунчани шакллантириш;

3) оила-турмуш муносабатларини тартибга солувчи, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётган амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

4) махсус ҳуқуқий телекўрсатувлар тайёрлаш ва шу орқали хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишнинг оқибатлари нечоғли аянчли эканлигини кўрсатиш лозим.

Тадқиқот жараёнида профилактика инспекторларидан **“Сиз хизмат олиб бораётган маъмурий ҳудудда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш ва уни бартараф этиш учун қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда”?** деб сўралганида уларнинг 30,5% нотинч оилалардаги муҳитни ўз вақтида аниқлашда жамоатчилик имкониятларидан фойдаланмаслиги, 17,6% ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини қўлланилмаслиги, 12,0% нотинч низоли оилалар ўз вақтида аниқланмасдан қолаётганлиги, 10,9% нотинч оилалар билан яқка тартибдаги профилактик ишлар етарли даражада олиб борилмаслиги, 10,5% профилактик чора-тадбирлар етарли даражада ташкил этилмаслиги, 10,3% жамоат тузилмалари ўзларига юклатилган вазифаларини тўлиқ бажармаслиги маълум қилишган.

Шунингдек, “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш билан ким шуғулланиши керак”? деб сўралганида уларнинг 51,3% ички ишлар органлари, 18,8% оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари, 17,9% фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, 13,5% хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис, 2,8% таълим муассасалари, 1,3% оммавий ахборот воситалари деб жавоб беришган.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг маънавий-ахлоқий чора-тадбирлари. Хотин-қизларнинг маънан ва ахлоқан етук бўлиб шаклланиши унинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиш эҳтимолини камайтиради. Чунки хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари оилада унинг ўрнини белгилаб беради. Хотин-қизларнинг ўзини тутиши, хулқи, шу жумладан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиши маълум бир мазмун ва моҳиятга эга. Бинобарин, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит жамият руҳиятининг кўзгусидир!

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг маънавий-ахлоқий профилактик чора-тадбирлари тизимига қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1) оилаларда маънавий-ахлоқий, миллий, диний, маҳаллий, ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

2) умум эътироф этган ахлоқ-одоб нормаларини ишлаб чиқиш ва кенг оммага тарғиб қилиш;

3) хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига хизмат қилувчи кўрсатув, эшиттириш тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида намоёниш этиш;

4) хотин-қизларда оила олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етиш фазилятларини шакллантириш мақсадида мутахассисларни таклиф қилган ҳолда учрашув, давра суҳбати ва бошқа маърифий тадбирлар ўтказиш.

Бу каби ёндашув ҳозирда маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланиш остонасида турган оилалар ва уларда содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликнинг ҳар қандай тури, тоифасига қарши курашиш мақсад қилинган. Ана шундай вазиятда криминология тавсияларига таянишга эҳтиёж сезилади. Зотан, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳар бир кишилиқ жамиятига хос бўлган ижтимоий муаммодир.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг ижтимоий чора-тадбирлари. Мазкур чоралар хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватланишини таъминлашга йўналтирилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган амалий ишларни ташкил этиш;

2) хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш;

3) хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш;

4) боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни уй-жой билан таъминлаш;

5) хотин-қизларларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш.

Маълумки, ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу жараён ўз мазмун-моҳиятига эга. Шунингдек, хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонлик ҳам маълум бир қонуниятлар асосида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб бориши ўз илмий исботини топган. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, белгиланаётган чора-тадбирлар хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва уни таҳлил этиш асосида кутилаётган натижаларга имкон яратади. Демак, хотин-қизлар нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонлик мавжуд ижтимоий воқелиқдир.

Хотин-қизлар нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар ўз-ўзидан юзага келмайди, балки унинг юзага келиши жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг салбий жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлади. Шунга кўра, жамият аъзоларида ижобий маънавий ва руҳий хислатларни шакллантириш жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахсда эзгу фазилатларни шакллантиришга яқиндан ёрдам кўрсатади. Яъни, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир профилактик чора-тадбирлар асосида иш юритиш ижтимоий профилактика ишлари билан узвий боғлиқликда бўлиши лозим.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг тарбиявий чора-тадбирлари. Маълумки, ҳар бир шахснинг жамият учун фойдали инсон сифатида камол топишида тарбиянинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Н.И.Минкинанинг таъкидлашича, «маданий (маънавий) тарбия нафақат халқнинг руҳий қувватини ошириш, балки маҳкумларни ахлоқан тузатиш манбаи ҳамдир»¹²⁶.

Фикримизча, фуқароларни тарбиялаш нафақат ота-она, маҳалла, таълим муассасалари, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Негаки, салбий хулқ-атворга эга шахс жамият учун доимий равишда жиддий хавф туғдириб, ўзининг салбий хатти-ҳаракати билан бошқаларни эътиборини ўзига тортади. Бизнинг тадқиқотда ҳам ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг аксариятини ушбу тоифадаги хулқи, тарбияси оғир бўлган шахслар ташкил этади. Шу боисдан, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни барвақт олдини олиш, тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини тизимли равишда ўтказиш ижобий натижа беради.

¹²⁶ Минкина Н.И. Роль культуры в жизни осужденных / Предупреждение преступности (криминологический журнал). – Казахстан. – 2003. – №1 (5). – С.65.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига яна бир сабаб оилада носоғлом муҳитнинг мавжудлигидир, яъни ахлоқий келишмовчиликлар натижасида келиб чиқадиган ўзаро жанжал ҳамда бири-бирига нисбатан кўпол муносабатда бўлиш кузатилган оилада тазйиқ ва зўравонликлар соғлом муҳит қарор топган оилаларга қараганда кўпроқни ташкил этади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг тарбиявий профилактик чора-тадбирларига қуйидагиларни киритиш лозим:

1) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш борасида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

2) оилавий ажримларни камайтириш мақсадида оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахслар билан ишловчи ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таҳлил ва мониторинг қилиб бориш;

4) оммавий ахборот воситалари орқали маънавий-ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга эга кўрсатувларни намойиш этиб боришни кўпайтириш;

5) ёш оилаларда оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасининг психологик чора-тадбирларини шакллантиришда, аввало, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг сабабларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, вазифалари, психологик хусусиятларини билишни тақозо этади. Маълумки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, турмуш тарзи даврий ўзгаришларга учраб, уларнинг шахсий сифатлари ўзгариб туришига ҳам таъсир этади. Шахснинг шахсий сифатларини баҳолаш худди шу нуқтаи назардан амалга оширилади. Кишининг ташқи кўринишига нисбатан бундай ёндашиш ижтимоий келиб чиқишга асосланувчи ўхшашлик дейиш мумкин.

Маълумки, кимдир жуда чаққон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши, қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажаради. Бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат келтиради. Бироқ, шундай тоифадаги шахслар мавжудки, оиласи, маҳалласи, иш жамоасида шахснинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб низоли криминоген вазиятларни келтириб чиқаришга мойил бўлади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг психологик профилактик чора-тадбирлари сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

1) хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш

ва ривожлантириш; 2) тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахсларда руҳий бузилишни аниқлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; 3) мунтазам равишда хотин-қизлар ўртасида ижтимоий психологик муҳитни ўрганиб бориш ва сўровномалар ўтказиш; 4) хотин-қизларда биофизиологик жиҳатдан ривожланиш ёки ўзгаришлар кечадиган даврларда руҳиятида кузатиладиган бузилишлар натижасида салбий оқибатлар келиб чиқишининг барвақт олдини олиш бўйича психологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишни ташкил этишда биринчи навбатда, ушбу психологик муаммони келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳеч шубҳа йўқки, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг барвақт олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар биринчи галда хотин-қизларнинг жабрланишига олиб келувчи ижтимоий салбий ходисаларни бартараф этиш илгари судланган шахсларни қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, хулқ-атвори қайта жиноят сидир этишга мойил бўлганларнинг хулқини тузатишнинг илмий асосланган усул ва воситаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар бир чора-тадбирнинг самарадорлиги ва муваффақияти бево-сита уни ўтказиш асослари ва тартибининг аниқ ҳамда мукамал белги-ланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг профилактик чора-тадбирлари ҳам шундай бўлмоғи лозим. Бу каби ёндашув айрим жиноятчиликнинг мазмун жиҳатидан тизимга солишнинг ташкилий асослари ва хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг содир этилиши жараёнларини ҳам билишга имкон туғдиради. Бу борадаги ишлар таълим-тарбиявий, қўллаб-қувватловчи, турли муассасалар билан шахснинг оиласи ўртасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштирувчи чора-тадбирларни тизимли олиб боргандагина самара бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги **“Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5116-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.10.2021 й., 09/21/625/0941-сон

2. Иванов А. И. Энциклопедия преступлений и катастроф. Женская преступность. – Минск: Литература, 1998.

3. Канева, А. Р. Понятия, структура, тенденции женской преступности /

А. Р. Канева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 51 (289). — С. 109-112.

4. Минкина Н.И. Роль культуры в жизни осужденных / Предупреждение преступности (криминологический журнал). – Казахстан. – 2003. – №1 (5). – С.65.

5. Эгамбердиева Н.М., Абдурасулова Қ.Р., Сайдивалиева Х.Х. Аёллар жиноятчилиги: муаммо, сабаб ва ечимлар. Тошкент: “Mahalla va oila” нашриёти, 2024. – 176 б.;

6. www.news/uzbekistonda-ayellar-orasidagi-zhinoyatchilik-va-zuronlik-keskin-ortgan-56564

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

I. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг назарий асосларини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикаси – шахснинг ҳаёти, соғлиғи учун юзага келган хатарни бартараф этиш, зудлик билан чора кўришни талаб этувчи ҳаётий вазиятлар юзага келганида унинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек муайян шахсга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари содир этаётган шахс томонидан такроран ва узоқ давом этиб келаётган ғайриқонуний хатти-ҳаракатига йўл қўймаслик мақсадида тегишли хизматлар томонидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмас психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

2. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг барвақт профилактикаси – инсонларни бошқаларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига, Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, жамият (оила, жамоа, ҳудуд, соҳа)даги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, одамларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик содир этишга ёхуд унинг жабрланувчиси бўлишга мойиллик шаклланишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, психологик, ижтимоий-иқтисодий ва огоҳлантирувчи профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни;

3. Жинсий шерик томонидан зўравонлик – бу бутун дунёдаги аёллар бошидан ўтказадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган зўравонлик шакли бўлиб, у ҳозирги вақтдаги ёки собиқ жинсий шериги томонидан аёлларга ва ўсмир қизларга уларнинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлаш ҳаракатларидан иборат.

4. Жинсий таҳқирлаш – гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъий назар ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан уйдан ташқарида ва иш жойида мажбурлаб содир этилган ҳар қандай шахвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шахвоний ҳаракат ёки хушомадгўйлик қилиш тарздаги шахвоний ҳаракатлар.

5. Руҳий саломатлик – бу инсоннинг ўз қобилиятларини намоён эта олиши, оддий ҳаётий қийинчиликларга қарши курашиши, самарали ишлаб, ўзи яшаётган жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган хотиржамлик ҳолатидир. Ушбу ижобий маънода психологик саломатлик инсон хотиржамлиги ва жамиятнинг самарали фаолиятининг асосидир.

II. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 48¹-моддани қуйидаги таҳрирда киритиш таклиф этилади:

«48¹-модда. Вояга етмаганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, шу жумладан вояга етмаганларнинг руҳий ҳолати бузилишига олиб келган тазйиқлар ўтказиш, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қилмишлар вояга етмаганлар томонидан ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келса, – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги таҳрирда янги модда киритиш тавсия этилади:

«195¹-модда. Ҳуқуқбузарлик фактлари ва уни содир этган шахслар ҳамда бошқа ижтимоий хавфли ҳодисалар ҳақида хабар бермаслик

Ҳуқуқбузарликлар фактлари, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги зўравонликлар, вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар, баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги, шунингдек ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги маълум бўлганда, қонунда улар ҳақида ички ишлар органларига хабар бериши талаби белгиланган орган ходимлари томонидан хабар бермаслик – ходимларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳодисалар бўйича ички ишлар органларига хабар бериш учун масъул ходимларга мазкур органнинг мансабдор шахси томонидан хабар бермаслик бўйича талаб қўйиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддасини қуйидаги таҳрирда учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қилмиш вояга етмаганлар, қариялар ва аёлларга нисбатан содир этилса –

энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қуйидаги моддаларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш:

41²-модда. Миллий қадрият, урф-одатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш.

Миллий қадрият, урф-одатлар ва одоб-ахлоққа қарши ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

II. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишини камайтириш ва уларни барвақт олдини олиш борасида ОАВлари орқали намойиш этиш учун видеороликлар яратишда ўзбек халқининг миллий урф-одатларига таянган ҳолда профессионал экспертларни кўпроқ жалб этиш.

2. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикаси самарадорлигини ошириш ва фуқароларда виктим хулқ-атвор шаклланишини барвақт олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида “Амалий виктимология” бўйича ўқув курсларини ташкил этиш лозим. Масалан, бундай амалиёт бугунги кунда Буюк Британияда самарали қўлланилиб келинмоқда.

3. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар кўп содир этилаётган ҳудудларни аниқлаш уларга “илмий диагноз” қўйиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тизимли ўтказилишини таъминлаш мақсадида “Турмуш” комплекс профилактик чора-тадбирини мунтазам равишда ўтказиш.

4. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар кўп содир этилаётган ҳудудлар ва зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсадияширинганижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг

латентлигини бартараф этишга қаратилган самарали профилактика чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Ҳудудларда хотин-қизларга нисбатан содир этилган қасддан одам ўлдириш ва қасддан баданга тан жароҳати етказиш жиноятларининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, “илмий диагноз” асосида оила-турмуш доирасида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни олдини олиш, криминоген вазияти юқори бўлган ҳудудлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мақсадли профилактик чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Нотинч, низоли, ажрим ёқасида бўлган оилалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, оилаларнинг тинчлигини таъминлаб, оилаларни яраштиришга жиддий аҳамият қаратиб ушбу йўналишда юқори иш кўрсаткичларини намоён этган маҳалла раислари учун рағбатлантириш тизимини жорий этиш лозим.

7. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этувчи шахслар яшайдиган оилаларни жамоатчилик назорати остига олиш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган шахслар билан якка тартибдаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини кучайтириш.

8. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг самарали профилактикасини ташкил этиш мақсадида зўравонликдан жабрланган шахсларга етказилган маънавий, руҳий ва иқтисодий зарарни қоплаш бўйича “компенсация” тўлаш амалиётини йўлга қўйиш.

9. Ҳар чоракда камида бир маротаба низоли оилалар ва оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан якка тартибда профилактик ишларни олиб бориш мақсадида, маҳаллалар кесимида ушбу оилаларнинг рўйхатлари шакллантириб, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ асосида “Хавфсиз хонадон”, “Хавфсиз оила” махсус профилактик тадбирларни ўтказиш.

10. Ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларини самарали ташкил этиб бориш.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
Бердиалиев Б.Э. Ижтимоий профилактика ва жиноятчиликни жиловлашда маҳалла институтининг ўрни	6
Исмаилов И. Оила – турмуш соҳасидаги жиноятлар криминологик тадқиқотлар объекти	14
Закирова А.Г. Криминология назариясини ривожлантириш ва унинг долзарб муаммолари	18
Абдурасулова Қ. “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг аҳамияти	24
Одилқориев Х.Т., Муродов А.Ш. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг профилактикасига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили	34
Кахарова М.М. “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда хотин- қизлар фаолиятининг криминологик жиҳатлари	46
Умирзаков Б.А., Болтаев М.М. Оила-турмуш доирасидаги жиноятлар- нинг олдини олишда криминологик тадқиқотларнинг ўрни ва роли ..	53
Бердиқулов С. Қонун устуворлиги принципининг ички ишлар органлари фаолиятидаги ўрни	59
Атаназаров Х.Н. Оилавий (маиший) зўравонликнинг шакллари ва таснифи: илмий-таҳлилий ёндашув	66
Расулова А.М. Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларни диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш масалалари	74
Наимов Р.Х. Маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга оширишда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш ..	82
A'loxonov M.A. O'zbekistonda zamonaviy kriminologiyani rivojlantirish istiqbollari	86
Хўжаматова Ҳ.М. Никоҳ ва оила муносабатлари: тушунчаси ва мазмун – моҳияти	92
Абдуқаххарова Г.А. Аёл – қизлар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини кучайтириш муаммолари	105
Мансуров А.А. “Хавфсиз оила” тамойилини амалга оширишда хотин- қизларнинг ўрни	110
Саттаров М.А. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ ошкор қилинмаган жиноятларни тергов қилишда тизимли ёндашув ва самарали ҳамкорлик механизмлари	114

Хасанов Ш.Э. Аёллар томонидан содир этилаётган салмоғи юқори бўлган ўғрилик жиноятларининг сабаб ва шарт-шароитлари	121
Исамутдинов Р.Р., Бахтиёрова М.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида маҳалла институтининг тутган ўрни	127
Сайидвалиева Х.Х., Абдуллаев Ж.Д. Оила турмуш доирасида содир этилган жиноятлар ҳамда аёллар жиноятини олдини олишнинг ижтимоий жиҳатлари	131
Хайитов Ҳ.Ш. Европа давлатларида оилавий муносабатлар доирасидаги жиноятлар: ҳуқуқий асослар ва криминологик таҳлил	137
Аълохонов М.А. Замонавий криминология: назариялар ва илмий мактаблар	147
Шермухаммедов А.М. Мактаб ўқувчилари томонидан жиноятлар содир этилиши ва олдини олишнинг амалиёти таҳлили	153
Ҳикматов М.И. Оилада ёшларга жиноятчилик ҳақида тушунтириш ишларининг ижтимоий-профилактик аҳамияти	164
Шарипов Ж.С. Маҳаллаларни тоифаларга ажратган ҳолда хавфсиз муҳитни шакллантиришга қаратилган профилактика чораларини амалга ошириш	168
Махтумова Ю.Б. Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар тушунчаси, турлари ҳамда жиноятчилик таҳлили	173
Мансурова З.А. Оилавий зўравонлик: хориж амалиёти	183
Ахмеджанов М.Х. Ёшлар жиноятчилигининг криминологик таҳлили	190
Hojiyev R.B. Ayollar jinoyatchiligining o'ziga xos jihatlari (Turkiya tajribasi misolida)	193
Тлеуова Г. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикаси субъектлари фаолиятини такомиллаштириш	198
Конференция таклиф ва тавсиялари	206

**КРИМИНОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ: “ХАВФСИЗ ОИЛА”
ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛА
ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари
(2025 йил 14 май)*

*Муҳаррир: Ж.У. Мирзаев
Саҳифаловчи: Б.Н. Нормуродов*

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти
таҳририй-ноширлик марказида тайёрланди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Буюк ипак йўли кўчаси, 243-уй.